ISSN 0131 – 1832

К. 440

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK

Зал № 8



Sharq yulduzi

9 / 2017

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ шоири
Рауф ПАРФИ
(1943 – 2005)

Муқова-3

R_____

J Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

Экз № 2

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддиқова
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Жумақул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Умарали Норматов
Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Маҳмуд Тоир
Мехрибон Абдураҳмонова
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Элёр Мурод
Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

9
2017

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Абдулла ШЕР

ЙИЛЛАР ЎТИБ, КАЙТДИМ ОРТИМГА

Гул яна гул бўлгай, хаслар яна хас,
Булоқлар ажралгай яна сизотдан.
Ҳар бир уйга кириб баҳорий нафас,
Навоий табриги келди Ҳиротдан!..

ПУБЛИЦИСТИКА

Зарифа ЭРАЛИЕВА

ОҚАЁТГАН ДАРЁ

Очерк

У кеч тушмай туриб ишни тўхтатишга мажбур бўлаётганидан афсусланиб, кетмонини елкасига ташлади-да, илдам юриб, канал бўйлаб кетган тупроқ йўлга чиқиб олди. Ҳавонинг авзойи бузуқлигидан кўпчилик чопиқчилар аллақачон далани тарк этишган, атрофда на бирор арава, на бир йўловчи машина кўринади...

КЎНГИЛ МУЛКИ

Баҳодир КАРИМ

МАҲМУД ШОИР СЎЗИНИНГ ЖАРАНГИ

Ҳар қандай гўзал бадиий ҳодисанинг қайсидир қирраси сирлилигича, қайсидир жиҳати очиқлигича қолиб кетади. Бадиий сўзнинг сеҳри, поэзиянинг қуввати, шеър ҳикмати ҳам мана шунда...

Абдужалол РАҲИМОВ *НАСР*

МАТОНАТ

Қисса

Сўнгги кунлардаги изтироблари тонгда дарё бўйини қоплаган туманни қуёш нурлари эритгандек тарқаб кетди. Шу лаҳзада ногиронлигини ҳам унутди. Югургилаб уйга киргиси, ойисини қучоқлаб, фотоаппаратини кўрсатиб мақтангиси келди.

Шарифа САЛИМОВА *НАЗМ*

ТУҒРОҒИНГ ЗАРРАСИ ЖОНИМГА ТУМОР

Куз сувлари оқар. Хаёлчан, хомуш,
Интизор қиргоққа ташламай назар.
Хазонли йўлакда бўлиб фаромуш,
Куз қадам ташлайди маъюс, саросар.

Ўлмас УМАРБЕКОВ *УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ*

ЧАРОС

Ҳикоя

Бундай муомалани мен сира кутмагандим, йиғлаб юбордим. Кўзимдан оққан ёшни артиш учун қўлимни кўтарган эдим, қўйлагим иштонбоғимдан чиқиб кетиб, қўйнимдаги узум ер билан битта бўлди. Аммо, чол эътибор бермади. Кўрган бўлса ҳам ўзини кўрмаганликка солиб мени юпата бошлади.

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ
(1884 – 1934)

Жон нисор айлай санго

* * *

Баҳор айёмида ул хатти райҳонимни соғиндим,
Ки, яъни, ҳурваш, зулфи паришонимни соғиндим.

Саропо ишва бирла дилраболар хайли яктоси,
Назокат кишварида шоҳи давронимни соғиндим.

Қади – тубо, юзи – гул, сочи – сунбул, кўзлари – жоду,
Бу янглиғ нозпарвар офати жонимни соғиндим.

Нетарман нола қилмай, ул жафожў ҳасратидинким,
Фироқида дамодам оҳу афғонимни соғиндим.

Эдим бир лаҳза тинмай зарраваш ёнида беором,
Йўқотиб эмди ул хуршиди рахшонимни соғиндим.

Қизил гулдек юзи ёди билан ҳар кечалар тинмай,
Чу булбул айлаған ман хаста илҳонимни соғиндим.

Қолибман, Сидқий, ул шаҳду шакарлабнинг фироқида,
Суханвар тўти янглиғ шаккаристонимни соғиндим.

* * *

Нисор айлай десам, жоно, на бўлғай хонумон танҳо,
Кел эмди, садқа айлай жонлар, эй руҳи равон, танҳо.

Вафо майдонида танҳо бош ўйнамоқликни тамошо қил,
Менингдек нотавон танҳо, ҳама аҳли жаҳон танҳо.

Қаламдек мидҳатинг ёзмоқда тилни пора айлайким,
Қилармен қайси васфинг бўлса, оғзимда забон, танҳо.

Ҳилол осо таним заъф этти сўзи шиддати дардинг,
Келиб сўрмаймусан ҳолимни, эй қоши камон танҳо.

Камоли шафқат изҳорин қилиб, бир йўл қалайсан, деб,
На бўлғай бир кеча кулбамға бўлсанг меҳмон, танҳо.

Рақиби рўсияҳлар қўймади кўюнгға бормоқға,
Ки, юз суртуб ўпар эрдим ман анда остон, танҳо.

Бош урма эмди Сидқий, ҳар тарафқа йиғлабон ҳар дам,
Санга етмасму гар ҳақ лутфи бўлса соябон танҳо.

* * *

Ишқида ўлдумки, вах, ул ёр келмайдур ҳануз,
Кўрсатай деб манга бир дийдор келмайдур ҳануз.

Оҳ уруб ҳар дам юрак-бағримни ҳажрида эзиб,
Йиғласам то субҳ ул дилдор келмайдур ҳануз.

Бодаи лаъли лабидин шод эдим доим, вале,
Бўлмишам кўрмай юзин бемор, келмайдур ҳануз.

Дард ила ҳасратларимни ул санамға сарбасар,
Арз этиб айлай десам изҳор, келмайдур ҳануз.

Жоми васлидин дамодам маст эрдим, ҳайфким,
Кетти ташлаб айлабон хуммор, келмайдур ҳануз.

Оташин рухсориға шайдо қилиб мен хастани,
Қилғали ҳолимни истифсор келмайдур ҳануз.

Назм ила Сидқий мувашшаҳ айлаб онинг номиға,
Айладим жон бўйниға туммор келмайдур ҳануз.

* * *

Лабларингдур шаҳду шаккардин малеҳ,
Гул юзинг гулшанда настардин малеҳ.

Хатларинг бордур тароват бобида
Сунбулу райҳону анбардин малеҳ.

Кокулинг бўйи машоми жонима
Бордурур ул мушки азфардин малеҳ.

Ой юзингни бандасидур нечаким,
Оразинг хуршиди ховардин малеҳ.

Ўз тенгида қайси бир шоир сўзи,
Бор эрур Сидқий суханвардин малеҳ.

* * *

Бўлмасун ҳеч кимса мандек санго, асло, мубтало,
Бўлмадим хуррам даме, бўлдум санго то мубтало.

Бўлмагай ошиқларинг ичра манингдек, нечаким,
Ишқ иқлимида йўқ мандек саропо мубтало.

Кишвари ҳажринг аро бир шуҳрадори сўзнок,
Мандин ўзга топилурму ношикибо мубтало.

Дарду ғамдур маҳрамим, оҳу фиғондур ҳамдамим,
Токи бўлдум ман санго, эй ҳур сиймо, мубтало.

Ҳар саҳар афғон чекар чун қумри Сидқий тинмайин,
Ул магар бўлмиш санго, эй сарви раъно мубтало.

* * *

Абрўдин тийғи дудамлар ошкор айлар кўзунг,
Гўйиё қатлим учун бир зулфиқор айлар кўзунг.

Манму бўлғон нимнигаҳлар қилмоқингдин телбаким,
Бир боқиб юз мен кабини бекарор айлар кўзунг.

Хатларингдин офият сориға йўл зоҳир, вале,
Дам-бадам юз минг балоларға дучор айлар кўзунг.

Садқа бўлсун ҳаста жоним сенга боқсам, не учун
Доимо бедодлиғни ихтиёр айлар кўзунг.

Вах, на соҳирдурки, жоно, ҳеч раҳм этмай манго,
Бир боқиб ақлимни мулкин тор-мор айлар кўзунг.

Ишқ бемори ўлан мандек ҳама саргаштаға
Бир боқиш бирлан давойи бешумор айлар кўзунг.

Риштаи жониға Сидқийнинг дамодам урғали,
Бир неча ништарни мужгандин қатор айлар кўзунг.

* * *

Телба бўлсам не ажаб, ҳар лаҳза ул дилдорсиз,
Ким жунун дафъиға бўлдум зулфидин тумморсиз.

Вах, нечук тун эрди ул тунким эди ҳижрон туни,
Бўлмас эрдим бир нафас ёдида оҳу зорсиз.

Равзаи васлиға етмоқлик муяссар бўлмади,
Не учунким бўлмади, ул гул даме ағёрсиз.

Сунбули зулфи хаёли бирла ҳар бир кечалар,
Ишқи оташхонасида бўлмадим зуннорсиз.

Ваъдаи васли билан ҳар доимо дилшод эдим,
Бас, нечукдин йиғламайким, ул пари атворсиз.

Нолаи ошиклари гардунға етган кечаси
Бўлмасун базми висоли ғижжагу сеторсиз.

Хушклабмен бодаи лаъли лабисиз онқадар,
Бир даме йўқтурки, бўлсам, анда то хумморсиз.

Васл умиди тиргузур, бими фироқи ўлдурур,
Оре, мундоғ, бўлмағай ишқ ўйнамоқ душворсиз.

Эрди кўнглум мулки онинг ёди бирла барқарор,
Негаким, вайрон ўлур мулк ўлса гар сардорсиз.

Жаврларким, ул жафожў ҳасратидин мандадур,
Бўлди бир дарди ажаб, кўнглум аро изҳорсиз.

Ҳарна келса шукр қил, Сидқий, нигоринг соридин,
Бўлмағай васли муяссар жавр ила озорсиз.

* * *

Ул шакарлаб айласа ноз ила гар ширин наво,
Тўтии табъим тузар ул вақт аро қандин наво.

Мутрибо, ул дилрабо ёдида созинг соз этиб,
Жон нисор айлай санго, чун Зуҳра туз дерин наво.

Беасар ялғон фиғоним қайда етқой ул сори,
Сўзи дилдин чекмас эрсам, йиғлабон гар чин наво.

Тинмағур кўнглум тиниб, бир лаҳза ором олмағай,
То онинг кўйиға бориб, чекмаса чандин наво.

Ўйлаким, чанг айлабон, қаддим дуто гар айласам,
Шоми ғамда ўлтуруб бўлғай манга ойин наво.

Йиғлашур аҳволима, раҳм айлашуб вуҳшу туюр,
Дашти ҳажр ичра чу қилсам ингранб, гармин наво.

Қайда Сидқий етқасен гулгун қаболар васлиға,
Чекмас эрсанг сидқ ила ҳар лаҳза сад рангин наво.

* * *

Эй дил, келу бир наво этиб кет,
Ғам шарҳидин ибтидо этиб кет.

Вақтингни билиб ғанимат эмди,
Азми раҳи муддао этиб кет.

Узлатда чекиб ўзингни, элнинг
Суҳбатларидин жало этиб кет.

Ҳосид талабиға етмасун деб,
Ҳар ерда эсанг дуо этиб кет.

Фазл аҳлини ҳидматин на ерда
Эрсанг, ани борҳо этиб кет.

Эй ёр, келиб сўруб малолим,
Ғам вартасидин раҳо этиб кет.

Ой киби юз(инг)ни кўрсатиб то,
Байтул ҳазаним зиё этиб кет.

Ҳажринг чекиб ўлдум асру бемор
Беморингга бир даво этиб кет.

Сидқий, берибор йўлида ёринг,
Жонингни анго фидо этиб кет.

Аждоднинг қадрини эъзозла.

МОТУРИДИЙ

БЕҚИЁС ИМКОНИЯТ ВА САЛОҲИЯТ МАЙДОНИ

Ғуломжон
ИБРАГИМОВ

Барчамизга яхши аёнки, мустақиллик йўли – шараф ва машаққатга тўла зафар йўлидир. Бу йўлнинг шонли ибтидоси ва буюк истиқболи бор!

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, дунёнинг жуда кўп минтақаларида сиёсий низо ва қонли тўқнашувлар, манфаатлар кураши тобора кескин тус олаётган, курраи Заминга терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жирканч иллатлар жиддий хавф солиб турган мураккаб ва таҳликали бир шароитда серқуёш диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарор эканини катта мамнуният ва шукроналик билан тилга олишимиз табиийдир. Шунингдек, она Ўзбекистонимиз ўзининг 26 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қатъият билан одимлаб, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида барқарор ривожланиб бораётгани, халқимизнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасининг яхшиланиши, онгу тафаккурининг юксалиши, халқаро майдонда Ватанимиз обрў-эътиборининг ошиши барчамизни фахрлантиради.

Бинобарин, 2017 йил юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши, миллий тараққиётимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини ўзида акс эттирган "Ҳаракатлар стратегияси"нинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, барча даражадаги раҳбарларнинг шахсан маҳаллаларда бўлиб, одамлар хонадонига кириб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилишга интилиши, одамларимизнинг дардига қулоқ тутиши, халқимизнинг руҳини кўтариб, эртанги кунга, давлатга, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатга ишончини мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, биз бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, ҳақиқатдан ҳам халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга сидқидилдан хизмат қилишини таъминлаймиз.

Ўрни келганда, шуни ҳам мамнуният билан таъкидлашни истардимки, айни кунларда, вилоятнинг катта-кичик раҳбарлари, фаоллари қаторида бутун Тошкент вилояти аҳли бутунлай кўтаринки кайфият, иштиёқ билан меҳнат қилмоқдамиз. Биз бугун шундай бир тарихий жараёнларни бошдан кечираётганимиз билан ҳар қанча ғурурлансак, ифтихор қилсак арзийди. Не бахтки, муҳтарам Юртбошимиз таклифи ва ташаббуслари билан Тошкент вилояти ҳам ўзининг маъмурий марказига эга

Ғуломжон ИБРАГИМОВ – Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи. 1958 йилда туғилган. Тошкент политехника институтини (ҳозирги ТДТУ), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Техника фанлари номзоди. "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган.

бўлди. Жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Тўйтепа шаҳри Тошкент вилоятининг маркази сифатида тасдиқланиб, унга янги – НУРАФШОН номи берилгани, жаннатмонанд вилоятимизга Оллоҳнинг нури, баракаси, ҳидояти ёғилганидан даракдир, десак муболаға бўлмайди.

Эндиликда вилоят маркази сифатида янги Нурафшон шаҳрининг замонавий қиёфаси миллий ва жаҳон архитектурасининг энг сўнгги ютуқлари асосида шакллантирилмоқда. Қарийб 2 миллиард АҚШ доллари ҳисобидан бунёд этиладиган янги кент Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг энг гўзал, энг замонавий, энг тараққий этган шаҳарларидан бирига айланишига асло шак-шубҳа йўқ. Мана кўрасиз, уч-тўрт йил ичида вилоятимиз қиёфаси тубдан ўзгаради, янги, замонага мос тураржойлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг кўп қаватли, салобатли бинолари вилоят марказига ҳақиқий замонавий шаҳар тусини бериб, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги янада ошади, ҳаётимиз янада гўзал бўлади.

Нурафшон бежиз вилоятимиз марказига айлантирилмади. Унинг географик жойлашуви талабга ҳар жиҳатдан мос. Унга вилоятимиз шаҳар ва туманларидан қатнаш қулай ва яқин. Шаҳарнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши у билан чегарадош бўлган Пскент, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Оҳангарон туманларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Кўплаб корхоналарнинг ишга туширилиши янги иш ўринлари яратилишига замин бўлади. Асосийси, бу ишларни айнан ўзимиз, ўз қўлимиз билан амалга оширамиз ва бу бизга бениҳоя катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Шу билан бирга бундай кўтаринки кайфият муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизга қилган бир эмас, бир неча ташрифлари шукуҳи билан ҳам чамбарчас боғлиқ, десак янглишмаймиз. Давлатимиз раҳбарининг Ангрен, Паркент, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларига ташрифлари чоғида вилоятимиз ҳаёти, тараққиёти, одамларимиз турмуш фаровонлиги билан бевосита боғлиқ бўлган жуда катта одимлар ташланди, бири биридан муҳим қарорлар имзоланди. Ушбу ҳужжатлар, саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсон манфаатлари ётибди. Чунки одамларнинг яхши яшаши учун қулай шароит яратиш, зарур ҳаётий воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, иш билан таъминлаш – демографик ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда эса, мамлакатимиз аҳолиси нуфуси 32 миллион 345 мингдан ошди.

Мисол учун, Президентимизнинг Чирчиқда давлат педагогика институтини очиш, Жисмоний тарбия олий ўқув юртини шу ерга кўчириш, Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича қабул қилган қарорлари вилоятимизга, унинг эртанги куни, фарзандларимиз келажагига бўлган жуда катта эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир.

Биргина Чирчиқда ташкил этилган ва бу ўқув йилидан талабаларга сабоқ бера бошлаган вилоят давлат педагогика институтини олиб кўрайлик. Айни дамда вилоятимизда жами 1 минг 348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Мехрибонлик уйи, 31 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, ёш-

ларни ҳар томонлама – интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Президентимиз айнан мана шу масалага эътибор қаратиб, бу бўйича қабул қилган тегишли қарорларида Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига 2017–2018 ўқув йили учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг талабалари контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантириш масаласини ўртага ташладилар. Вилоятимиз ёшлари, кўп минг сонли таълим фидойилари, умуман, фарзанди тақдири ва келажаги учун қайғуриб яшайдиган ҳар бир инсон бу тарихий қарорнинг аҳамиятини чуқур англайди ва уни келажак авлод камолоти йўлидаги юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида қабул қилади.

Ёки Президентимизнинг Олмалиқда бўлиб, иқтисодиётимизнинг қон-томирига айланган кон-металлургия комбинатида мисли кўрилмаган 1,6 млрд. долларлик лойиҳанинг тамал тошини қўйиб берганлари, бу ерда янги очилган конга “Ёшлик” кони, деб ном беришни таклиф қилганлари, умуман, мазкур комбинатнинг 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастурини белгилаб берганлари вилоятимиз иқтисоди, одамларимиз турмуш фаровонлигини ошириш учун нақадар катта имкониятлар яратишини сўз билан таърифлаш мушкул.

Дастур натижасида мис ишлаб чиқариш 1,4 баробар, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш 33 фоизга ошиши, энг муҳими, 10 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланиши лойиҳанинг кўлами ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Бекобод шаҳрига қилган ташрифларида эса, энг аввало, оддий одамлар билан мулоқотга киришиб, аҳолининг маиший турмушига доир йиллар давомида ечилмай келаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари белгиланиб, бу бўйича жадал ишлар бошлаб юборилди. Тошкент – Бекобод йўналишида электричка қатновининг йўлга қўйилиши эса одамларнинг илгари ҳатто хаёлига ҳам келмаган янгилик бўлди.

Саноат – Тошкент вилоятининг эртанги куни. Вилоятнинг юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутади. Бизда кимё саноати, нефтькимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари яхши ривожланган. Бу йўналишларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Демак, биз кўплаб соҳалар сингари юқорида тилга олинган жабҳаларда ҳам самарадорликни оширишимиз даркор. Президентимиз вилоятимизга ҳар гал ташриф буюрганларида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича алоҳида кўрсатмалар берганлари ҳам бежиз эмас. Энг муҳими, бу ишларни амалга ошириш учун ишчи кучи ҳам, хомашё ва маҳсулотлар ҳам, тажриба ва малака ҳам ўзимизда етарли.

Яна бир муҳим омил – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни изчил ҳаётга татбиқ этиш ҳам вилоятимизнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган улушини сезиларли даражада ошишига замин яратади. Хусусан, туманларнинг иқлими ва табиий шароитидан келиб чиқиб, уларни боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш майдонларига айлантириш масаласи, айниқса, долзарбдир. Паркент туманида Паркентсой ва Қизилсой сув омборларининг қурилиши

вилоят иқтисодиёти, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади. Ушбу сув омборлари қурилиши натижасида 5 минг 800 гектар ер мунтазам сув билан таъминланади. Яъни 3 минг 900 гектар лалми ерга сув чиқарилади, 1 минг 900 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Яна бир катта бойлигимиз – туризмни ривожлантириш бўйича имкониятларимизнинг кенглигидир. Айниқса, вилоятимиз иқлими ва табиатининг ўзига хослиги нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини торта олади. Замонавий сайёҳлик тизимида экотуризм жадал ривожланаётган ва тобора талаб ортиб бораётган йўналишлардан. Ҳозир сайёҳлар кўпроқ табиат қўйнига, табиий манзарага ошиқмоқда. Бизда эса Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урунгач, Шовур, Бодак кўллари бор. Тоғ туризмини ривожлантириш имконияти ҳам етарли. 45 меҳмонхона, 4 туроператор, 71 санаторий, 1 қўриқхона, 5 ўрмон хўжалиги мавжуд. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш режасига асосан, Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур ҳудудда замонавий осма йўл қуриш лойиҳасига ҳам эътибор қаратилди. Узунлиги 2 километр бўлган, 26 кабинадан иборат осма йўлни 10 ой муддатда қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, "Амирсой" тоғ-чанғи дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва кўлами билан ажралиб туради. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Ҳозирги замонда ҳар бир давлат келажаги, унинг равнақи ва тараққиёти шубҳасиз ёшларнинг қўлидадир. Албатта, биз ҳам келажаги порлоқ, мустақиллиги мустаҳкам буюк давлат бунёдкорлиги ёшлар билан боғлиқ эканини чуқур ҳис қилмоғимиз керак. Мустақилликнинг илк кунларидан ёшларга оид давлат сиёсатига энг долзарб масалалар сирасида изчил эътибор қаратилаётгани, уни амалга оширишда бор куч ва имкониятлар сафарбар этилаётгани бежиз эмас, албатта. Ана шу мақсадда Юртбошимиз ташаббуси билан янги ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бугунги кунда ёшлар ҳаётига чуқур кириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бугун келажагимиз эгалари бўлган ёшлар олдидаги масъулиятимиз, улар учун жавобгарлигимиз бир неча карра кучайганини алоҳида қайд этиш лозим. Бутунжаҳон глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги даврда ёшларнинг онгини, тафаккурини соф сақлаб қолиш энг муҳим вазифа. Миллий мафкура йўқ жойни дарров турли ёт ғоялар, бузғунчи мақсад-муддаолар эгаллаши ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаммамизга аёнки, биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, аввало, огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, ўз фарзандларимизнинг келажагини асраш учун жаҳолатга қарши маърифат билан тинимсиз курашишимизни талаб қилмоқда.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, айни вақтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўстлашишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Фармон ва қабул қилинган қарорлар фикримизнинг ёрқин исботидир.

Дарҳақиқат, китоб қатида ҳарорат бор. Бу ўтли сўз ҳарорати. Яна китоб қатида яхшиларга ҳавас, ёмонлардан нафрат бор. Китоб ўқиган одам ўз қалбига ўз кўзгусини тутади. Ватаннинг улуғлигини, халқининг буюклигини ҳис қилиш китоб қатидаги маърифатдан бошланади.

Тошкент вилояти ҳақида гапирганда шуни ифтихор билан айтамизки, Яратганнинг меҳри, назари тушган бу заминдан Шайх Умар Боғистоний, Хўжа Аҳрори Валий, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий каби азиз-авлиё ва алломалар етишиб чиққан. Айниқса, буюк аллома Ойхўжа ибн Тошхўжа – Занги отанинг номи, бу муборак зотнинг Тошкент вилоятидаги зиёратгоҳи мусулмон оламида маълуму машҳурдир.

Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу ўлкада савдо-сотиқ, ҳунармандлиқ, меъморлик билан бирга, маданият, адабиёт ва санъат ҳам кенг ривожланган. Айниқса, Тошкент адабий муҳитида камолга етган Бадриддин Чочий, Зайниддин Восифий, Дилкаш, Гулшан, Армаий, Камий, Хислат, Мискин, Сидқий Хондайлиқий, Элбек каби шоир ва олимларнинг тарихий ва бадиий асарлари халқимизга яхши маълум.

Бугунги адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Асад Асилов, Барот Исроил, Абдулла Шер, Абдусаттор Ҳотамов, Маҳмуд Тоир, Шарифа Салимова, Яҳё Тоға, Темур Убайдулло, Ашурали Боймуродов, Зарифа Эралиева каби шоир ва ёзувчиларнинг номларини нафақат Тошкент вилояти, балки бутун юртимиз китобхонлари яхши билади.

Яна шуни мамнуният ила қайд этамизки, юқорида номлари зикр этилган атоқли ижодкорлар эзгу ишларининг муносиб давомчилари бўлиб камолга етаётган истеъдодли ёшлар вилоятимизда кўплаб топилади. Бир қанча иқтидорли ёш ижодкорларимизнинг илк тўпламлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳасида кўп минг нусхада чоп этилганидан ниҳоятда мамнунмиз ва айни пайтда чексиз миннатдорчилигимизни ҳам изҳор қилмоқчимиз. Чунки ана шу китоблар боис бугун Кумуш Абдусаломова, Беҳзод Бийболаев, Висола Пардабоева, Наима Абдурахмонова, Аслиддин Сабриддинов каби ёрқин истеъдод соҳиблари бўлган ёшларимизни нафақат вилоятимиз аҳли, балки бутун республикамиздаги адабиёт мухлислари эътироф этмоқда.

Шунингдек, вилоятимиз ижодкорларининг замонамиз қаҳрамонлари, фидойи, заҳматкаш ҳамюртларимиз ҳақида ёзилган "Қутлуғ йиллар саодати" жамоа тўплами ҳам китобхонлар олқишига сазовор бўлди.

Жорий йилда вилоятимизнинг Бекобод туманида туғилиб камолга етган таниқли шоир Ашурали Боймуродов, Қуйи Чирчиқ тумани фарзанди истеъдодли шоир Яҳё Тоғанинг қутлуғ 60 ёшларига бағишланган ижодий кечаларида республикамиздан кўплаб қалам соҳиблари иштирок этишди. Бу кечалар вилоятимиз миқёсида адабиёт кунларига айланди десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари Зулфияч қизларимизнинг ҳар бири эришаётган муваффақиятлар ҳақида бир олам завқу шавқ билан гапирса арзийди. Ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида вилоят миқёсида ҳамда барча шаҳар, туманларда бошловчи ёш қаламкашларнинг тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Кашф этилган истеъдодли ёшлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилаётган ҳудудий ва Зомин семинарларида фаол иштирок этмоқдалар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида, тоғолди ҳудудда 50 ўринли ижод уйи қурилиши режалаштирилгани нафақат вилоятимиз ижодкорлари, балки республикамиз қалам аҳлининг чексиз қувончига сабаб бўлди, бемисл илҳом бахш этди.

Мухтасар қилиб айтганда, истиқлолни ўзининг бахти ва тақдири деб билган Тошкент вилоятининг меҳнаткаш аҳолиси Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қиладилар.

Айни пайтда ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган ижодкор зиёлиларга ғамхўрлик қилишни, доимий эътибор кўрсатишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Йиллар ўтиб, қайтдим ортимга

Абдулла ШЕР

* * *

Бир тонг туриб, йўлга шайландим,
Йиллар ўтиб, қайтдим ортимга.
Дейман, боқиб ярим-ёртимга:
Айт-чи, тақдир, кимга айландим.

Навоийга таъзим қилдиму
Байрон билан кездим оламни.
Душман билди нотинч қаламни
Кипригимга осилган уйқу.

Мен най қилдим қамишни, куйлаб,
Дедим, куйдан ёришсин жаҳон.
Булутлардан чарчаган осмон
Кулди мени нур дея ўйлаб.

Ҳа, гоҳо нур, гоҳо сояман,
Олислардан боқсам ўзимга.
Лекин бўрон қўниб сўзимга,
Текис йўлда доим тояман.

Бўронларни севдим мен, нетай,
Оёғимнинг гажир йўл дўсти.
Қамиш бўлиб, қўлимда ўсди
Қамишзорни унутмаган най.

Абдулла ШЕР – 1943 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг "Кўклам табассуми", "Алёр", "Атиргул сояси", "Роз", "Қадимги куй", "Севги олмоши", "Сарбаст қўшиқлар", "Гул йиллар, булбул йиллар" тўпламлари нашр этилган.

Йиллар

Боши тош авлодмиз, биз, кекса авлод:
Яшадик ўзликни кутиб ўзгадан.
Эрксизлик масканин дедик эркобод
Сохта бахт таърифин топиб сўзлардан.

Боғбонмиз дея, биз, гуллар юртида,
Тиконни чангаллаб қонатдик қўлни.
Кишансиз қул бўлдик қуллар юртида,
Йўл босдик фарқлолмай ўнг билан сўлни.

Кейин биз изладик сеҳрли болға
Кўринмас кишанни парчалаш учун.
Шудгорлар оралаб судралдик олға
Чиқармоқчи бўлиб кесакдан учқун.

Шунда Тангрим бизни эркка дуч қилди,
Уйғондик ногаҳон алдамчи тушдан.
Лекин донимизни шайтон пуч қилди,
Ичга уриб кетди сездирмай кишан.

Кимлардир фирибдан емишин топиб,
Тўқликдан кишнади, баъзан ҳангради;
Бойчечак шўрликни қор билан ёпиб,
Баҳорги чорловлар кузда янгради.

Тўрт оёклаб юрди қанчалаб инсон,
"Оёғи тўртта!" деб мақталди улар.
Тиззаси букиклар қозондилар шон,
Қувончлар йиғлади, кулди қайғулар.

Гоҳо ачинаман, ўйлаб, ўзимга:
Қанча вақт чалкашди бўр билан кўмир?
Лекин мен суяндим фақат сўзимга,
Бошқа суянчиқдан бош тортди умр.

Шу тахлит мен келдим бугунга етиб,
Асл эрк шахтидан руҳланди созим.
Кўринмас кишанни охир маҳв этиб,
Ирғитди йўкликка кўпайган озим.

Гул яна гул бўлгай, хаслар яна хас,
Булоқлар ажралгай яна сизотдан.
Ҳар бир уйга кириб баҳорий нафас,
Навоий табриги келди Ҳиротдан!

Тугатган пайтимда шеъримни шундай
Бир қуёш порлади дарчамга тўлиб:
Йиллар азобига қутлуғ якундай
Озод Ўзбекистон турарди кулиб!

* * *

Ҳаёт гўзал, Ватан ажойиб,
Буюкликка интилар миллат.
Лекин гоҳо кетасан тойиб,
Йиқитади сирпанчиқ иллат.

Неъматлари оламнинг ширин,
Дунё гоҳо тотли бир чуқум.
Лекин шу тот ичра яширин
Тишларингда ғичирлаган қум.

Эркинман деб чиранмас инсон,
Тик тутса бас, ахир, жуссани.
Лекин сохта қийқириқ ёмон,
Эзиб ташлар эзгу ғуссани.

Гўзалликка дил сажда қилса,
Ёнгинангда турар хунуклик.
Агар шуни тан ола билса,
Миллат учун шудир буюклик.

Сўзлар

Чор атрофда тиним билмас гап,
Ҳар қадамда чалажон сўзлар.
Қад ростлолмай, юрар эмаклаб,
Каттарса ҳам болажон сўзлар.

Ана, кимдир сўзларни ялар,
Шилта қилиб катта номларни.
Кимдир эса сўзларни қалар
Пиширмоқчи бўлиб хомларни.

Манов эса, қирғоқда ётиб,
Мен денгизман, мен бўронман, дер.
Қумурсқага замбарак отиб,
Қаранг, мардман, қаҳрамонман, дер.

Бошқа биров ҳамма сўзларни
Бир-бир оққа чиқади бўяб,
Ўзбек деган қоракўзларни
Хўрозқандга ўргатади гап.

Яна бири ғинғир-ғинғирни
Саҳифалаб, қилади китоб;
Шўрлик сўзлар минғир-минғирни
Кўтаролмай бўлади хароб.

Чирмовуққа ўхшар, қаранг, гап,
Ўраб олар наслу асрни
Ва тиклайди, бизларни авраб,
Ёлғон деган улкан қасрни.

Қаранг, ёлғон қасрда ростдан
Яшашга ҳам кўникдик, дўстлар.
Фақат берар халақит пастдан
Номусидан дод солган сўзлар.

Шафқат қилмас ва, лекин, ҳеч ким,
Сўзлар оҳи, доди беҳуда.
Қани бир дам тура олсак жим!..
...Хўрсиниқни соғиндим жуда...

Ваъда

Рафиқам Ёқутхонга

Ҳали гуллар экиб боғимга
Ўстираман ниҳолларимни,
Олислардан боқиб тоғимга
Чақираман шамолларимни.

У пайт бари бўлади гўзал:
Кундуз – қуёш, тунда кезар ой.
Сурмарангли шом қўнган маҳал
Харсангларни куйлатади сой.

Ерда ишин битириб бир-бир,
Тоққа чиқиб кетади баҳор.
Барглар ўйнар шамолда ғир-ғир,
Намозшомгул гуллайди такрор.

Ёшарамиз у пайт икковлон,
Райҳонларнинг бўйини бўйлаб.
Ҳовлимизга тушади осмон
Иккимизни юлдуз деб ўйлаб.

У пайт бари бўлади гўзал,
Ширин ёлғон айланар чинга.
Мен сенга деб асраган ғазал
Байт-байт бўлиб қўнар лабингга.

Ҳали бари бўлади гўзал...

Кўкламни кутаётган дарахт

Қарғаларнинг совуқ овози
Илигандек нурга илашиб;
Гоҳ-гоҳ келар кўклам ҳавоси
Оқ булутга шошқин мингашиб.

Сал совқотиб қуёш ҳам сузар,
Пиндиқликдан чиқай дер куртак.
Кўз олдимда гўё бўй чўзар
Дарахт эмас, қадимий эртак.

Дағаллашар дарахт ҳар йили
Япроқларга бериб майинлик,
Бўлганида агарда тили
Настаринлик ёки қайинлик –

Қандай қийин эканин айтиб,
Йиғлармиди одамга ўхшаб?
Мана, шамол келару қайтиб,
Яйдоқ танга ёпишар қақшаб.

Яланғочлик, ёмғиру шамол...
Ҳаммасига чидайди дарахт.
У билади, яшади ҳалол,
Гулга ўрар уни одил вақт!

* * *

Ўлтирамиз дарё бўйида,
Тошдан-тошга сакрайди мавжлар.
Шовуллаган дарё куйида
Баландлашар тобора авжлар.

Юрагингнинг "дук-дук"ин тинглаб,
Қўл олмайман нозик белингдан.
Гоҳ тиланар ненидир бу лаб,
"Севаман!" деб айтган тилингдан.

Гоҳо жоду қилгандек бизни
Чирчиқтолда читиллар читтак.
Юз босаман... Қитиқлар юзни
Кўйлагингга сиғмаган куртак.

Оҳ, мен шоҳман шу бугун, ё раб,
Биз ўлтирган харсанг – кумуш тахт!
Ҳайқираман дунёга қараб,
Шу эмасми энг ҳақиқий бахт?

Туфроғинг зарраси жонимга тумор

Шарифа САЛИМОВА

Дўрмон туни

Тун сокин чорлади мени суҳбатга,
Самода юлдузлар порлади инок.
Ойу юлдузларни солиб ҳайратга
Бирдан қўшиқ айтиб қолди чирилдоқ.

Бир нафас бузилди туннинг роҳати,
Жилғалар қиқирлаб айтишдилар роз.
Чинорлар кўксида мудраётган жим
Қушлар ҳам уйғониб бердилар овоз.

Мен ҳайратда қотдим. Ер ила само
Унсиз тиллашдилар туриб юзма-юз.
Чинор баргларида ярқираб кетди
Ойнинг шуъласини сипқорган юлдуз.

Бу тенгсиз гўзаллик – тун жозибаси
Еру самовотни ҳайратга солди.
Унга мафтун бўлиб, маҳлиё бўлиб
Ой терак учига илиниб қолди.

Мен сукут сақладим. Бир сўз демадим,
Эргашдим тун сепган нур изларидан.
Сўнг, ажиб сирларни билиб ҳам олдим
Хуш ис тутган Дўрмон ялпизларидан.

Шарифа САЛИМОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоиранинг "Ҳаёт завқи", "Менинг баҳорим", "Тонгга қасам", "Хизр булоғи", "Ватан суврати", "Олимлик ва одамийлик", "Гиёҳлар билан тиллашган инсон" каби китоблари чоп этилган.

Аёл

Бағрида оғушлаб, жонини хушлаб,
Бойчечакни дурдек тишида тишлаб,
Гўдагин пар мисол қўлида ушлаб,
Боласин юзидан ўпади аёл!

Ўхшайди тонгдан нур сочар қуёшга,
Аллалари хушдир ҳам тоғу тошга,
Тунлари айланиб буюк бардошга,
Боласин кўзидан ўпади аёл!

Ўзини сен дея, гўдагин сизлаб,
Сал кўрмаса еру осмондан излаб,
Бетоб бўлганида бўтадай бўзлаб,
Боласин изидан ўпади аёл!

Гўдак атак-чечак қилганда яйраб,
Уни олдга чорлаб, уни авайлаб,
Билакчаларига кўзмунчоқ бойлаб,
"Она" деган сўзин ўпади аёл!

Кулчалар ёпади, дон таъмин бил, деб,
Оғизчаси куйса, нон таъмин бил, деб,
Туфроқ исин сезгин, шон таъмин бил, деб
Дарёлар музини ўпади аёл!

Бургутлар кўзига у қарайди шаҳд,
Ўғлонлари ёвкур, ўғлонлари мард,
Қуёш кўксидадир у ўтирган тахт,
Тўрт фаслни енгиб ўтади аёл!

Майсалар шивирлар – сўзида Ватан,
Гўдак ризқи – нону тузида Ватан,
Сен буюк муаллим – ўзингда Ватан,
Туфроқни боладай ўпади аёл!

Дуолар қилади, дарёдай тошиб,
Томирлари ерга, Ҳаққа туташиб,
Аждодлар битигин кўксига босиб,
Заминга райҳонлар сепади аёл!

Туфроқни боладай ўпади аёл!

Гоҳида

Гоҳида хуш нафас дамларни кўрдим,
Гоҳида тоғдайин ғамларни кўрдим.

Гоҳида гуллардан топдим тароват,
Гоҳида бошимга ёғди маломат.

Гоҳида улуғлар азиз этдилар,
Гоҳи ишонганлар силтаб кетдилар.

Гоҳида ўзгалар айлади вафо,
Гоҳи дўстларимдан кўрдим ҳам жафо.

Гарчи яшасамда, ҳасаддан узоқ,
Гоҳида ғанимлар қўйдилар тузоқ.

Гоҳи дарё каби мавжларга тўлдим,
Гоҳи бир кечада минг бора ўлдим.

Ҳар сафар маъюслик қуршаса бот-бот,
Ҳақнинг ўзи берди қайрилмас қанот.

Қушу қумурсқага дўст бўла олдим,
Кимнингдир камига кўст бўла олдим.

Тоғдек ғуруримни ерга урмадим,
Шул Ватандин ўзга бахтни билмадим.

Ҳиссадан қисса дер ёзганим баёт:
Барибир гўзалдир, гўзалдир ҳаёт!

* * *

Ўзи бир парча жой, кафтдеккина жой,
Дераза рахи деб аталган йўллар.
Шу нур танқис бўлган кичкина жойда
Бир-бирини суяб ўсади гуллар.

Манови гунафша, манови кактус,
Яна бири мағрур "қора шаҳзода".
Тувакда ўсарлар гоҳ шод, гоҳ маъюс,
Менинг гўзалларим – бирам озода.

Таъна ҳам қилмайди, жой ҳам талашмас,
Бир-бирин англаган маъсума диллар.
Хастаҳол дунёга хушнуд жилмайиб,
Бир-бирини суяб ўсади гуллар.

* * *

Келинг энди, қаршимга келинг,
Очиқ сўзлаб олмоқ чоғидир.
Юрагимни шунча эзган жим,
Соф севгининг ўчмас доғидир.

Сукут сақлаб ёнаверар шамъ,
Унинг тилин зулмат билади.
У севгисин туннинг кўксига
Ўтли байроқ каби илади.

Келинг энди. Қаршимга келинг,
Тун кўксига тўкилмоқда дур.
Улар ўтлиғ қалбнинг тубидан
Қуйиб оққан изҳордир, ахир.

Кузак титроғини сезади гуллар

Кузак титроғини сезади гуллар.
Қуёш яқин келиб, қиздирмас қонни.
Олтиндек беҳилар йўлга мўлтирар,
Увада булутлар безар осмонни.

Куз сувлари оқар. Хаёлчан, хомуш,
Интизор қирғоққа ташламай назар.
Хазонли йўлакда бўлиб фаромуш,
Куз қадам ташлайди маъюс, саросар.

Учиб кетаётган қушларга боқиб,
Самонинг кўзлари тўлади ёшга.
Хазонга бош қўйиб, уҳ тортар шамол,
Оҳ, барибир баҳор, оҳ, баҳор бошқа!

Кузак нафаслари маст қилар мени,
Қизғиш нур бағрида яйрайди олам.
Воажаб, тўрт фасл шаробин ичиб,
Олис йўл олдидан куйманар одам.

Қуёшга ўтиндим

Ўтиндим. Ботма, деб. Бағримни эзма,
Ёлвордим қилганча Худонинг зорин.
Садақа қилмоққа имкон қолмади,
Ахир, гадо билар гадо аҳволин.

Кафтимдан шувиллаб тўкилмоқда қум,
Дилдираб турибди кексайган дарахт.
Оқаётган нола бунчалар эзгин,
Менга раҳми келиб жилмаяди вақт.

Қара, майсалар ҳам яшагиси бор,
Ҳамон сукут сақлар кўҳна қарри тош.
Бутун олам сенга кўзин тикканда,
Бунча ҳам бесабр бўлма-да, қуёш.

Ватан, айланайин туфроқларингдан

Ватан, айланайин, туфроқларингдан,
Соя-салқин берган япроқларингдан.
Мен дарё кўксида Ватан кўрдим деб,
Чўққидан отилган ирмоқларингдан.

Қалдирғоч валфажр айтади сайрон,
Тумшуғин онага чўзар полапон,
Вассажуфтли уйинг айлагач макон,
Қалдирғоч ризқ тутар урвоқларингдан.

Зангор денгиз каби чайқалар далам,
Райҳонга сув сепар келинчаклар ҳам,
Боғингда олмалар юзлари тарам,
Ширмой нон узилар ўчоқларингдан.

Хизр назар қилган сеҳрли диёр,
Дунёни титратган даҳоларинг бор,
Туфроғинг зарраси жонимга тумор,
Юз чайгум иймондек қирғоқларингдан.

Қирқ бошли аждарҳо бўлиб кўрдилар,
Меҳробингда чаён бўлиб кўрдилар,
Хунларга, кинларга тўлиб кўрдилар,
Илондек янчилди туёқларингдан.

Бугун олтин тожли Алпомишим сен,
Қодирийим ўзинг ҳам Кумушим сен,
Зарларга беланган Ҳумо қушим сен,
Дунё гул оғушлар қучоқларингдан.

Ватан, онажоним, жони жаҳоним,
Кўксида ўстирган мунис маконим,
Мангу сўлиш билмас, эй бахтиёрим,
Ватан, айланайин туфроқларингдан.

Абдужалол РАҲИМОВ

МАТОНАТ

Қисса

1

Ўшанда Толибжон ўн етти-ўн саккиз ёшларда эди. Мурти сабза уриб, йигит бўлиб қолган пайтлари. Шаҳардаги билим юртида ўқирди. Ҳар шанба уйига келиб, якшанбада қайтади.

Қаҳратон қиш оламга совуқ нафасини уфуради. Осмон қовоғи солиқ одамдек тунд. Қават-қават ёққан қор музлаган. Кўчалар ойнадек ялтирайди. Уйдан чиқиб нафас олишинг билан бурун каталари бир-бирига ёпишиб, музлаб қолаётгандек туюлади. Бу совуқда ташқарида узоқ чидаш мушкул. Онаси "кеч бўлди, эртага кетарсан", дейишига қарамасдан, Толибжон шаҳарга отланди.

Катта йўлга чиқиб, интизор-интизор бўлиб йўловчи автобусни кута бошлади. Аксига олиб, автобус келавермади. Ўтаётган юк машиналарига қўлини кўтара-кўтара совуқда анча қолиб кетди. Нимагадир улардан ҳам бирортаси тўхтамасди. Изғирин аъзойи баданидан ўтди.

Шу пайт йўл четига қаймоқранг "Москвич" келиб тўхтади. Ундан бошига қалпоқ кийган, кенг-мўл қора тўнига ўраниб олган бир одам тушди-да, ўнг-сўлига қарамасдан қишлоқ томонга тез-тез юриб кетди.

Ҳайдовчи Толибжонни олдига чақирди. У шаҳарга енгил машинада қайтмаганди. Йўл ҳақи қиммат-да. Иккиланиб, машинага яқинлашди. "Ўтир, ука, совқотиб қолибсан, автобус нархини берарсан", деди ҳайдовчи лаблари совуқдан қўқарган қорақош йигитчага ачиниш билан қараб. Толибжон суюниб кетди. Шошиб ўзини машинага урди, олдиндаги, ҳозиргина бўшаган ўриндиққа ўтириб олди.

Машинада тўрт йўловчи эдилар. Ҳайдовчи – ўрта ёшлардаги, тўладан келган йигит иситгични ишлатиб қўйган. Кабинадаги илиқ, рутубатли ҳаво кишини элитади. Орқа ўриндиқдагилардан кимдир хаёл суриб, кимдир мудраб, ҳар ким ўз ҳолича бормоқда. Ҳамма йўловчилар қўпол қишлик кийимларига бурканиб олишган. Толибжон ғира-ширада шерикларига разм солиб қарамади. У тезроқ шаҳарга, ётоқхонасига етиб олишни ўйларди.

Абдужалол РАҲИМОВ – 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Ломакон", "Мугат фолбин", "Йўлда кетаётган одам" номли ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган.

Кун кеч бўлган сари совуқ забтига олиб, музламада машинанинг юриши қийинлаша бошлади. Ҳайдовчи эски "Москвич"ни гоҳ тезлатиб, гоҳ секинлатади. Ғилдираклар кияликларда сирпанганида кабинада ўтирганларнинг юраклари шувуллайди. Мудраётган йўловчилар хушёр тортиб, кўзларини катта-катта очиб олишди. Толибжон онасининг маслаҳатига қулоқ солмаганига афсусланди; уйида яна бир кеча ётиб, шаҳарга саҳарлаб жўнаса ҳам бўларди-ку!

Кўчада машиналар борган сари сийраклашарди. Иложсиз йўлга чиққан ҳайдовчилар ҳам бор чироқларини ёқиб, машиналарини юрак ҳовучлаб, эҳтиётлик билан бошқаришарди.

Манзилнинг ярмига етганларида чорраҳадан баҳайбат юк машинаси чиқиб, йўлни тўсиб қолди. Йўловчиларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди. Олдинда ўтирган Толибжон беихтиёр эшик тутқичига ёпишди. Иложсиз қолган ҳайдовчи жон-жаҳди билан тормозни босди. Тезлигини камайтириб улгурмаган машина тўхташ ўрнига музламада чирпирак бўлиб айлана бошлади. Толибжоннинг томоғи қақради. Ичидаги таранг тортилиб турган бир ип узилиб кетди гўё. На овози чиқади, на қимирлай олади. Кўз олдида онасининг мулойим чеҳраси пайдо бўлди. Қишлоғи, мактаби, ўртоқлари, билим юрти хаёлидан ўта бошлади. Машина эса ҳамон чархпалакдек айланарди. Ўлим ҳиссини уйғотадиган бу даҳшатли гирдоб қўйиб юборай демасди. Ҳаммаси туйқусдан, бир лаҳзада юз берди. Толибжон шу лаҳзанинг ўзида бутун ҳаётини қайта яшади. Бу қандай юз бериши мумкинлигини кейинчалик ҳам ақлига сиғдиролмади.

Машина ҳамон музламада шамолга тутилган пирпиракдек айланиб, сувнинг оқимига дош беролмаган балиқдек номаълум томонга сирғалиб борарди. Бир маҳал тўхташ ўрнига бирдан йўл четидаги симёғочга зарб билан урилди. Толибжон қаршисидаги ойнада симёғоч пайдо бўлганини кўришга улгурди, кўзидан ўт чиқди. Кейин қарсиллаган овоз эшитилди, оёғида чидаб бўлмайдиган қаттиқ оғриқ туриб, кўнгли айниди... Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди...

Ҳушига келганида ҳануз томоғи қақрарди. "Ҳали тугамабди, йўлдамиз, – дея ўйлади. – Хайрият, оёғидаги оғриқ босилди. Нимадир қисиб қолган бўлса, қўйиб юборган... Бир қултум сув бўлсайди, сув-в...".

– Ҳозир, ҳозир ўғлим, тойчоғим, ҳозир... Мана, сув!

"Ахир, бу онасининг овози-ку?!".

Толибжон оғзида сув таъмини сезди. Сувнинг ҳам таъми бўларкан. Шу пайттача билмабди-да? Худди қаймоққа ўхшайди!

У ютиниб кўзини очди. Туманли бўшлиқда ўзига тикилиб турган онасини кўрди. Муслима опа хира оқ парда ортида ўтирганга ўхшарди. Юзлари оппоқ, бошидаги рўмоли ҳам. Эгнигаям оқ кўйлак, йўқ, халат кийиб олибди. "У қаерда ўзи?!"

* * *

– Ой-йи-и? – ҳолсиз ингради у.

Кўз олдидаги парда секин-аста эриган қор томчисидек ҳавога сингиб кета бошлади. Энди, оппоқ халатдаги ўзига термилиб ўтирган онасини аниқ кўрди.

– Ойи, мен қаердаман? – деди эркаланиб хаста ва титроқ овозда.

– Касалхонадасан, болажоним! Сени Худо асради... Жонинг омон қолди, шунгаям шукр қиламан!

Онаси ҳиқиллаб йиғлади. Мўйлаби сабза ура бошлаган ўғлининг сўлғин юзига беадоғ меҳр ва куйинчаклик билан тикилди. Бироз ўзини тутиб ўтирди-да, ичидан вулқондек отилиб келаётган йиғини босиш учун иккала кафтини юзига босди.

“Наҳотки у ҳам ёғоч оёқ тақади... Ўртоқлари устидан кулишмайдими? Ёғоч оёқ... Бироқ, бошқа иложи ҳам йўқ-ку? Нима бўлгандаям юриши керак!”

– Ойи! – У Муслима опага дадил қаради. – Ўша касалхонага бораман! Унгача қўлтиқтаёқда юриб тураман.

* * *

Толибжон ёзнинг ўрталаригача асабийлашиб юрди, амал-тақал қилиб вақт ўтказди. Янги ҳаётга кўникиши жуда-жуда қийин кечди. Баъзан нима қиларини билмасдан ўзини ўзи еб қўярди. Шундай пайтларда яна онаси сабр-тоқат билан уни овутишга тушарди. Жуссаси жиккакина Муслима опанинг бардоши филча экан, ёлғиз ўғлининг ҳамма инжиқликларига чидаб, қийналаётганини ҳеч кимга билдирмай юраверди.

Пишиқчилик бошланганда уларнинг уйларига ҳам мўл-кўлчиликнинг хотиржам палласи кириб келгандек бўлди. Ойиси ҳар куни тарвуз ё бўлмаса иштаҳани қитиқлайдиган бўйи таралиб турган ғарқ пишган қовун кўтариб келарди. Шундай кунларнинг бирида шаҳардаги, ўша, ойиси айтган касалхонага боришди. Қуюқ дарахтзор қуршовидаги бу касалхона ўзи ўқиган билим юртига яқин жойда экан. Ойиси шу ўртадан ижара уй олиб, ўғлига ўзи қараб турмоқчи эди. Толибжон бунга рози бўлмади. Бир амаллаб Муслима опани қишлоққа қайтариб юборди.

Касалхонада биринчи кунданоқ оёғининг ўлчовларини олишди. Уни “протез” оёқ қийишга тайёрлай бошлашди. Бу ерда ўзига ўхшаган ногирон йигитлар, қизлар билан танишди. Энди хаёлида йироқ бир нурли қоя пайдо бўлди. Тафаккури яратган қоянинг чўққисида ўзи излаган нимадир борлигига чин дилдан ишонар, кўнглида илинж билан ўша маъвога интиларди.

Тез орада Толибжоннинг кесилган ўнг оёғи ўрнига “оёқ” ясаб беришди. “Ёғоч оёқ”ка ўрганиши жуда қийин кечди. Ҳар қадам босганида танасига минглаб игналар санчилаётгандек бўларди. Терлаб-пишиб кетади, лабларини тишлаб қонатади. Юрагини суғуриб олгудек даҳшатли оғриқлардан қийналиб инграйди. Хаёлида ёғоч оёғи баҳайбат тош бўлиб туюлди. Қўлтиқтаёққа суяниб қадам босай деса, ўша “тош” бутун гавдасини оҳанрабодек пастга тортади. Кесилган жойига чарм қайиш теккандаги азоблар ҳаммасидан ўтиб тушди. Худди кимдир бигиз санчиб қийнаётгандек! Бу оғриқ миясигача етиб борарди.

Касалхонада ётганида тан оғриғидан дил оғриғи ёмон бўлишини ҳам шу ерда тушунди. У билан бир хонага ёши каттароқ йигитни жойлаштиришди.

– Мен Бадриддинман, – деб ўзини таништирди у. – Сен бечора қандай қилиб оёқсиз қолдинг, ёш экансан?

Унинг шанғиллаган овози Толибжонга ёқмади. Баркашдек юзига ярашмаган қип-қизил бурнига кўзи тушиб, ҳафсаласи пир бўлди. Дабдурустдан берган саволи оғир ботди.

– Машинада бўлган, – деб қўя қолди.

– Жа-а камгап экансан, – у бурнини тортди. – Шофёрни ушладингми? Харажатларни тўладими?

– Унинг айби билан бўлмаган.

– Э-э, чатоқ, мана мениям машина туртиб юборди. Баннисага обориб, қўлимни билакдан кирқиб ташлашди. Ҳамма расходларни ўша сўтакни бўйнига илдим. “Ўзингиз кайп экансиз”, дейди-я, мараз! Нима, кайп бўлсам машинасида уриб кетаверадими? Сен биратўласи ногирон бўпқопсан, ука, қаттиқроқ ушла уни!

Толибжон индамади. Шу кундан Бадриддин билан гаплашишдан ўзини олиб қоча бошлади. Ҳатто унинг қаерданлиги, нима иш қилишини ҳам суриштирма-

ди. Бадриддин кун бўйи аллақаёқларда санғиб юрар, ҳамширалар излашганда тополмай хуноб бўлишарди. Бахтига дўхтир – сочи тап-тақир қилиб олинган, калласи катта, миқтигина Низом ака жудаям хушфеъл одам чиқиб қолди. Биринчи кўришишганидаёқ Толибжонга гаплари қаймоқдек ёқди.

– Мен ортопед-травматологман, "синиқчи" ҳам дейишади. Синган суякларни бутлайман-да, – у оппоқ тишларини ялтиратиб кулди. Кейин ҳамшира узатган плёнкани ёруққа солиб кўра бошлади. – Рентгенограмманг жуда яхши, суяк ўсмабди. Хм-м, аслида суяклар йигирма беш ёшгача ўсади. Сени кесилган оёғингдаги суяк ўсишдан тўхтаган.

– Бу ёмонми?!

Дўхтир ҳаяжондан кўзларини катта-катта очиб олган Толибжонга ажабланиб қаради:

– Аксинча, жуда яхши. Ўсаверганида протезлаш қийин кечарди.

– Мен... юра оламанми?

Низом ака жилмайди:

– Албатта юрасан, ука, протез ўзингни оёғингдек бўлиб кетади. Ҳали ёшсан, ҳаётинг олдинда. Сенга ўхшаган йигитлардан жуда-а кўпи қўлимдан ўтган. Иккитаси университетни битириб, олим бўлди. У ёғини сўрасанг, худди сенинг ёшингда бир оёғидан айрилган андижонлик йигит дўхтирликка ўқиди.

– Йўғ-э, мумкинми?

– Хоҳиш бўлса ҳаммаси мумкин. Масалан, сен ким бўлмоқчисан?

Толибжон ўйланиб турди. Билим юртига қайтиб бормаганини эслади.

– Суратчиликка қизиққанман, – деб кўя қолди.

Унинг жавоби Низом акани ажаблантирмади.

– Ҳали шундай суратчи бўлгинки, – деди шифтга тикилиб. – Ҳамма қойил қолсин!

– Бир оёқ билан суратчи бўлолмайди, – тўнғиллади қўшни каравотда ётган Бадриддин.

– Бўлади, сўзсиз бўлади! Сиз вино ичишни бас қилинг, – жеркиб ташлади Низом ака.

Толибжон дўхтирнинг яна бироз қолишини истарди. Низом ака унга самимий бир назар ташлаб, чиқиб кетди.

Дўхтир билан суҳбатлари Толибжонга қаттиқ таъсир қилди. Бадриддиннинг гапларига эътибор бермай қўйди. Бахтига икки кундан кейин Бадриддинга жавоб беришди. У ясама "қўл"ини кўрсатиб мақтанди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Шушу уни бошқа кўрмади. Бардошини йиғиб, дўхтир айтган машқларни бажаришга киришди. Оёғини деворга тираб кўтариб ётар, букиб-тўғирлаб мушакларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Қўлтиқтаёқ билан бўлса ҳам ёғоч оёқда юришни ўрганишга киришди.

Секин-аста оёққа туриши юрагига ин қуриб олган ёлғизликни пароканда булутлардек тарқатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Олам яна кўзига тароватли кўрина бошлади. Уни эркалаётгандек майин нур сочиб кўтарилган тонгги қуёшнинг тилларанг нурларига чўмилган ҳовлиларини соғинди.

Толибжон касалхонада икки ҳафта ётди. Шундан кейин уйига жавоб беришди. Қишлоққа чеҳраси очилиб қайтди. Муслима опа ундаги ўзгаришни дарров сезди. Ўғлига гирдикапалак бўлиб кўнглини олишга уринаркан сира нолимасди.

Толибжон энди уйда ўтиролмай қолди. Аста-секин, атак-чечак қилаётган боладек кўчага чиқди, ўтган-кетганлар билан кулиб саломлашадиган бўлди. Ҳатто одамлар севиб, роҳатланиб, баъзан қийналиб яшаётган оламдан ўзига сув-ҳаводек жуда-жуда зарур ниманидир излаб қолди. Қўлтиқтаёқда бўлса ҳам ёғоч оёғини авайлаб босиб қишлоқ кўчаларини бемалол кезиб юрар, қўшниларникига чиқиб

чақчақлашиб ўтириб келарди. Қадоқланиб қолган кесилган оёғида аввалги қаттиқ оғриқлар унчалик сезилмасди.

Шундай кунларнинг бирида туман марказидаги катта бозорга борди. Бозорга кираётиб тумонат одамларнинг орасида шовқин-сурондан боши айланиб кетди. Илгари сира бунақа бўлмасди. "Энди ҳаммаси бошқача, – дея ўйлади. – Янги ҳаётимга ўрганишим шунчалик қийинми? Лекин бошқа иложим ҳам йўқ-да". Чўнтагидаги ногиронлик нафақасини ушлаб қўйди. Ҳали бу пулга нима сотиб олишниям ўйлаб кўрмаганди. Шунчаки, расталарни айланиб, томоша қила бошлади. Бозорда эскитуски, минг турли буюмларни сотувчилар кўп эди. Уларни томоша қилиб айланиб юраркан, алланимани бағрига босиб, деворга суяниб ўтирган қоқ суяк кампир эътиборини тортди. Беихтиёр унинг қўлидаги фотоаппарат кўзига чўғдек кўринди. Бу "Фотокор" русумли, урушдан аввал чиққан пластинкали камера эди. Билим юртида шу аппаратни ўрганганди, шуни эслаб ҳаяжонланиб кетди. Ўшанда ўзининг ҳам ана шундай фотоаппарати бўлишини орзу қилганини эслади. Ҳозир ўша истак-орзуси жунбишга келди. Беихтиёр тўхтаб, фотоаппаратдан кўзини узолмай тикилиб қолди. Кампир буни дарров пайқади, ўзи ҳам шуни кутиб тургандек, қўли билан имо қилиб олдига чақирди. Толибжон оқсоқланиб кампирнинг олдига келди. Кампир фотоаппаратни чақалоғини авайлаган онадек бағридан "юлиб", нимагадир қовоғини уйганича титраб-қақшаб узатди:

– Ма, кўр-чи, – деди синиқ овозда.

Толибжон, аввал ўнг – ёғоч оёғини четга суриб, жойида мустаҳкам туриб олди. Кейин эгилиб, кампирнинг қўлидан фотоаппаратни олди. У ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди-да, очиш тугмасини босди. "Ширқ" этган товуш эшитилиб, камеранинг олдинги қисми очилди. У машғулотига чунонам берилиб кетганидан ўзига маъюс термилаётган кампирни унутиб, равшанликка созлаш кремальерасини бурай бошлади. Қора мех чўзилиб, объектив олдинга сурилди. Фотоаппаратга жон кирди гўё. Бундан завқланиб, тепки ричагини босди, диафрагмани тўғирлаган бўлди. Уни диққат билан кузатаётган кампир яна тилга кирди:

– Сен... буни тушунасанми?

Кампирнинг овози Толибжонни ҳушига келтирди. Бозорда тургани, қўлидаги фотоаппарат қаршисидаги бир бурда бўлиб қолган қоқсуяк кампирга тегишли эканини шундагина эслади.

– Тушунаман, – деди оғзи қулоғига етиб. – Билим юртида ўрганганман.

– Ўғлимники эди, – ўкиниб гапирди кампир. Унинг овози узоқ-узоқлардан келаётгандек ғалати эшитилди. – Урушдан қайтмади... Асраб юргандим... Сотмасидим... Неварамга пул керак.

Кампирнинг озғин, ёноқ суяклари туртиб чиққан серажин юзига ёш қуйилди.

– Сен яхши йигитга ўхшайсан, ол! – У ўтирган кўйи орқасига ўгирилиб, деворга суяб қўйилган уч оёқли штативни ҳам олиб, Толибжонга узатди.

Толибжон кампирга ачиниб кетди, чўнтагидаги бор пулини чиқариб унга тутқазди:

– Шу ҳаммаси, – деди илтижоли термилиб.

Кампир бир даста пулни олди.

– Авайлаб тут, – деди-да, ихраб-сихраб, қўлини деворга тираб ўрнидан турди. Ортига ўгирилмай, бозор дарвозаси томонга юриб кетди.

Толибжон штативни ерга қўйиб, фотоаппаратни елкасидаги халтага авайлаб жойлади. Бармоқлари титраётганини сезди. Бу ноёб буюм бутунлай ўзиники эканига ҳануз ишонолмасди. "Умрида биринчи марта мана шундай қимматбаҳо буюмни ўзининг пулига сотиб олди, ахир! Майли, ногиронлик нафақаси бўлсаям

ўзининг пули-да. Уни хоҳлаганича сарфлаши мумкин. Ойиси шундай деган. У фотоаппарат сотиб олди. Бу ёмон эмас-ку?" Толибжон штативни қўлтиқлаб бозордан чиқди. Юрагида ширин бир энтикиш бор эди. Шошилмасдан автобус бекатига келди. Қишлоққа қатнайдиган автобусига чиққанида ҳамма бирдан унга тикилди. У олиб кирган штатив синчков йўловчиларнинг диққатини тортганди. Улар оқсоқланаётган йигитнинг ғалати буюмига қараб-қараб қўйишарди. Толибжон орқароқдаги бўш ўриндиққа ўтириб, штативни оёқлари орасига тик қилиб қўйиб олди. Атрофдагиларга эътибор бермай, хаёлга чўмди. Қора чарми титилиб кетган ўриндиқда ўтираркан, юкхалтасидаги фотоаппарат кўз олдидан кетмади.

Автобусдан тушиб, уйига етиб келганида чеҳраси кулиб турарди. Сўнгги кунлардаги изтироблари тонгда дарё бўйини қоплаган туманни қўёш нурлари эритгандек тарқаб кетди. Шу лаҳзада ногиронлигини ҳам унутди. Югургилаб уйга киргиси, ойисини қучоқлаб, фотоаппаратини кўрсатиб мақтангиси келди. Ўғлининг юз-кўзи қувончдан порлаётганини кўриб Муслима опа ҳайрон бўлди. Қўлтиғидаги ғалати буюмга ажабланиб қаради:

– Бу нима, ўғлим? – деди.

– Штатив, ойи. Халтамда фотоаппарат ҳам бор. Сурат олмоқчиман.

У елкасидаги заъфарон ранг брезент халтани онасига узатди. Муслима опа халтадан авайлаб "ғалати буюм"ни олди. У ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб, ҳамон қаршисида турган Толибжонга узатди. У фотоаппаратни олиб, уч оёқли штативга маҳкамлай бошлади. Бу ишни тажрибали суратчилардек чаққонлик билан бажарди. Камерани очиб, кремальерасини бурадида, равшанликка созлади.

– Энди сурат оламан! – деди у мамнун жилмайиб.

Муслима опа бу ғалати матоҳнинг қийматини тушунмаса-да, ўғлининг юз-кўзлари кулиб турганидан кўнгли кўтарилди. Толибжон шундагина сурат олиш учун фотопластинка кераклигини эслаб, бирдан қиёфаси жиддийлашди. Кампирдан фотопластинкалар бор-йўқлигини сўрамаганди...

– Ойи, мен сурат олишни биламан, – деди бўшашиб. – Билим юртида ўрганганман. Лекин фотопластинкалар йўқ?

– У нима, қаерда бўлади? – деди Муслима опа рўмолини тўғирларкан. – Мен олиб келаман, ўғлим.

Толибжон кулиб қўйди. Айни чоғда онасининг ўзи учун тоғни ҳам қўпоришга тайёрлигидан кўнгли бузилди. Ундаги беҳад куйинчаклик юрагини эзди:

– Ойи, фотопластинка фақат шаҳарда бўлади. Кейинги нафақамдан сотиб оламан. Сиз буни ўйламанг. Унгача қиладиган ишларим бор.

Толибжоннинг хаёлидан автобусда келаётиб тузган режаси кетмаётганди: "Келаси ойдаги нафақасига фотопластинка, очиргич дорилар, фотоқоғоз сотиб олади. Унгача нусха кўчиргич кути ясайди. Буни албатта эплайди!".

Шу кундан бошлаб уни таниб бўлмай қолди. Муслима опа, "боламга эрмак топилди", деб хурсанд эди. Бу "эрмак" Толибжон учун ҳаёт-мамот жангига айланди. Ботинан ўзи билан ўзи олишарди. Ногирон, аммо аниқ мақсади бор Толибжон аввалги, кўнгли бўш, бир оёғидан айрилиб чўкиб қолган Толибжонни енгишга уринарди гўё.

Толибжоннинг кўз олдида юксак-юксакларга бўй чўзган қорли тоғ пайдо бўлди. Юраги қоялар орасига яширилган аллақандай сирли хазинага талпинарди. Ниҳоят хазинани топди. Буни ўзи бозорда учратган, урушда шаҳид бўлган ўғлининг фотоаппаратини қучоқлаб ўтирган кампирнинг мунгли кўзлари айтиб кетди. Унинг қарашларида чарчоқ, шунинг билан бирга, яшаш керак, деган қатъият бор эди. Кампирдан сотиб олган фотоаппарати йўлга бошловчи белги эмасми? Энди, бу –

унинг фотоаппарати! Билим юртида ўқиётганида сураткашликни жон-дили билан ўрганарди. Қоронғи хонада, алвон чироқнинг сирли шуъласида тасвир пайдо бўлишини ҳайрат билан кузатиш олам-олам завқ бағишларди. Мана энди ўзининг фотоаппарати бор. Негатив фотопластинка, кимёвий дориларни шаҳардан олиб келади. Сурат ишлаш учун контакт қутиси ясаса бас. Лекин қишлоқда ҳали электр йўқ. Майли, ҳозирча табиий ёруғлик ёки чироқдан фойдаланса ҳам бўлади.

Толибжон шу куни контакт қутиси тархини қоғозга туширди. Ўлчамларини бир неча марта қайта ўзгартирди. Бу иш ўзига олам-олам завқ бағишлади. Фотография жараёнларини хотирасида сақлаб қолгани, бемалол амалда қўллаётганидан хурсанд эди. Ниҳоят чизма тайёр бўлди. Оқ варақдаги тархга анча пайт тикилиб ўтирди. Чизмаларни хаёлан қайта ҳисоб-китоб қилди. Шундан сўнг ясашга киришди. Бунинг учун бўшаган чой яшигидан фойдаланди. Яшикнинг бир томонига эшикча ўрнатди. Тепа қисмига юпқа тахтачалар қоқиб, фотопластинка катталигида тирқиш қолдирди. Бу тирқишга хиралаштирилган ойнани жойлаштирди. Очиқ қолган жойларга қора қоғоз елимлаб чиқди. Қоронғи хонада яшик ичига керосинли чироқни ёқиб, текшириб кўрди. Чироқнинг ёруғи юқоридаги негатив ўрнига бир текисда тушди.

Бу негативдан "контакт" усулида, яъни негатив билан фотоқоғозни бир-бирига жипслаштириш йўли билан сурат ишланадиган энг оддий "дастгоҳ" эди. Сурат олиш ва ишлаш учун жиҳозлари тахт бўлди. Толибжон бунга талай вақтини сарфлади.

Энди у кейинги нафақасини сабрсизлик билан кута бошлади. Бир ой муддат жуда узоқ туюлди. Хаёлида вақт ниҳоятда имиллаб ўтарди. Баъзи кунлари юраги сиқилиб кетади. Ўзини қўйишга жой тополмасдан, ойисига билдирмай "уф" тортади. Шундай пайтларда фотоаппаратини штативга ўрнатиб, ҳовлига чиқади-да, сурат олган бўлади. Бу машғулот овунчоғига айланди. Бир куни дарё бўйига борди. Тўрт-беш ёшлигида бу ерга дадаси, ойиси билан тез-тез келиб туришарди. Сабаби – Толибжон болалигида янги чиққан майсадек нимжон бўлиб ўсди, елвизакдан ўтса ҳам шамоллаб қолаверди. Дўхтир дарё бўйида, очиқ ҳавода кўпроқ бўлишни маслаҳат берди. Бу болани чиниқтирар экан. Дадаси билан ойиси уни ҳар куни дарё бўйига олиб чиқа бошлашди. Соҳилдаги ўтлоқда дам олишар, Толибжон ўт-ўланларни юлиб ўйнарди. Бора-бора бунга ўрганиб қолди. Дарё бўйига бормай қолишса хархаша қиладиган бўлди. Очиқ ҳаво, майсазор, дарёдан келаётган намхушҳаво соғлиғига яхши таъсир қилди. Иштаҳаси очилиб, тез кувватга кира бошлади. Шундан кейин дадаси билан ойиси дарё бўйига келишни баҳордан кузгача канда қилишмади...

Толибжон дарё киргоғига чиқиб ана шу хушбахт дамларини эслади. Камерани ўрнатиб, қора мовут остига кирди. Хиралаштирилган ойнадан қараб, йироқларда қолган беғам болалигини излаётгандек яшил соҳил манзарасига мафтун бўлди. Камерада тасвир тескари кўринарди. Майсазор осмонга чиқиб қолгандек... Нимагадир боши айланди. Мувозанатини сақлолмай, гавдаси чайқалди. Ёғоч оёғи ғижирлаб, кайфияти бузилди. Қора мовутни камера устига сурди-да, қўлини белига тираб, қаддини ростлади. Шунда ўзини – штативга ўрнатилган камера олдида мағрур турган Толибжонни кўрди. "Суратчи!". Миясидан шу фикр чақмоқдек чақнаб ўтди. Ҳа, у суратчи бўлади! Ҳаётни мангуга муҳрлайдиган сеҳргарга айланади!

Толибжон баногоҳ вужудини титратган туйғудан маст эди. Айни пайтдаги масрурлигини сурат олишгагина боғлаб бўлмасди. Ўзи учун оламнинг гўзаллигини, ундан завқланиб яшаши мумкинлигини кашф этганди. Бу истак юрагида гулхан бўлиб ёнди!

3

Толибжон шу кунларда қўлтиқтаёқсиз юришни ҳам машқ қилаётганди. Бу осон кечмади. Кесилган ўнг оёғида аввалгидек жон олувчи оғриқлар бўлмасаям, қўлтиқтаёқсиз юриб кўрмаганди. Ясама оёғини босганида биттадан тишини суғуриб олаётгандек азобланарди. У бор иродасини ишга солиб, чидам билан тақдирга басма-бас машқини давом эттираверди. Бутун баданидан тер қуйилиб, ихраб-сихраб ҳовлида у ёқдан-бу ёққа маст одамдек гандираклаб юргани-юрган. Неча-неча марта йиқилиб, билаклари шилинди. Ойиси: "Бас, бўлди қил, жонинг керакмасми?", – дея ачинар, куйиниб қойирди. Толибжон кўзларидан тирқираб ёш чиқиб, додлаб юборган пайтларидаям машқини тўхтатмади. Ҳаёт-мамот жангига кирган аскардек қадам-бақадам даҳшатли оғриқларни енгиб бораверди. Бора-бора ёғоч оёқда қўлтиқтаёқсиз юришга анча ўрганди.

Ёзнинг оловли куёши еру осмонни аямай қиздиради. Полизда қовун-тарвузлар ғарқ пишди. Боғлар шарбатга тўлган олтинранг, қирмизи олмаларни кўз-кўз қилади. Қишлоқ болалари кун бўйи сувдан чиқишмайди, дарё соҳилидаги қумлоқда думалаб ётиб роҳатланишади. Шундай кунларнинг бирида почтачи Толибжоннинг нафақасини олиб келди. Бу кун унинг учун катта байрамга айланди. Қўлида бир даста пул, қувонганидан кўзлари чақнаб, дераза олдида игна билан ниманидир тикиб-чатиб ўтирган Муслима опанинг олдига келди:

– Ойи! Мана, нафақамни олдим! – деди бир даста пулни кўрсатиб.

– Эртага саҳарда поездга ўтирамиз, – деди Муслима опа хотиржам.

– Ойи, сиз ҳам бормоқчимисиз? – Толибжон ажабланди.

– Ўзинг қийналиб қоласан. Ёнингда бўлай, дейман-да.

Толибжон кулди. Ойиси уни ҳалиям ёш бола деб ўйлайди. Бунга аччиғи келади, баъзан меҳрдан шамдек эрийди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

– Қийналмайман, ойи, ўзим эплайман, – деди миннатдорлик билан.

Муслима опа эътироз билдирмади:

– Майли, эҳтиёт бўл, шаҳарда ҳар хил одам бор.

Толибжон тунда анча пайт ухлолмай ётди. Хаёлига минг хил ўй қуюндай ёпирилиб келарди. Шаҳарда ўқиган даврлари ёдига тушди. Билим юртини эслади. Икки қаватли, оч зарғалдоқ бино, қадрдон ўртоқлари кўз олдида жонланди: самарқандлик Ҳусан, Баҳром, ётоқхонадаги ҳамхонаси Убайдулла, қўқонлик Мухторали ака... Тўғри, Толибжон истаган пайтида ўқишга бориши мумкин; домлалари шундай дейишган. Бироқ энди билим юртига қайтмасликка қарор қилди. Ҳамма унга ачиниб қарашини истамайди, кимдир "чўлоқ", деб кулар ҳам... Унда кўнгли юз, минг карра чўкади. Аслида, ўзи тушиб қолган зимистонда эндигина бир чимдим ёруғлик кўринди. Бу илинжини йўқотмаслиги керак. Эртага шаҳарга боради... Шундай хаёл билан ухлаб қолди.

Саҳарда онаси уйғотди:

– Тур, болажоним, вақтинг бўлди, – деди меҳр билан бошини силаб.

Толибжон сакраб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бир оёғи йўқлиги, ёғоч оёғини ечиб қўйгани ёдига тушди. Буни бировдан яширмоқчи бўлгандек беихтиёр кўрпани устига тортди.

Ойиси уни тушунди, чамаси, индамасдан чиқиб кетди. Толибжон ҳар кунги одатича жигарранг қайишларни тортиб боғлади. "Худди отнинг айилини тортаётгандек, – деган ўй келди хаёлига. – Бунга ҳам ўрганиб қолдим".

У ювиниб келди-да, нонушта қилишга ўтирди. Дастурхон устида онаси кўп гапирмади.

– Ойи, ўйланманг, мен зўр суратчи бўламан! – деди пиёладаги чойни ҳўплаётиб.

Муслима опа унга тикилиб турди-да, кўзидан қуйилаётган ёшни рўмолининг учи билан артди. Толибжон пиёладаги чойини шошилиб ичиб, ойисига қаради. Муслима опа қўлини фотиҳага очиб, дуо қилди. Толибжон дарвозадан чиқаётиб ойисига кулиб қаради:

– Хавотир олманг, кечроқ қайтаман, – деди.

Тонгги мусаффо ҳаво ёқимли эди, танига хуш ёқди. Чуқур-чуқур нафас олиб, бир лаҳза атрофга аланглаб турди, кейин аста-секин темир йўл бекати томонга юрди.

Бекатга келганида шаҳар атрофига қатнайдиган поезднинг келишига бироз вақт бор эди. У чипта олиб, ташқарига чиқди. Бўш харракка ўтириб, пўлат излар ортидаги уйларга тикилди: "Бу уйларда турфа тақдирли одамлар яшашади. Ҳар бирларининг ўз ташвишлари бор. Унинг ҳам муаммоси ўзига етарли. Ҳамма ўз ташвишини ўзи кўтаради..."

Темир йўл навбатчиси юк поездини кузатгани чиқди. Узундан-узоқ қизил вагонлар тизими шовқин-сурон билан ўтди. Навбатчи қўлидаги "жезл" таёқчасини ўйнатиб бекат биносига кириб кетди. У ёқдан-бу ёққа ўтаётган йўловчилар Толибжонга эътибор беришмасди. Хаёлида вақт жуда имиллаб ўтарди. Қани эди, қанот чиқариб учса-ю, бир зумда шаҳарга етиб олса.

Узоқдан йўлбарсдек пишқириб келаётган поезд нафасини ростлаб олмоқчидек қишлоқ бекатида тўхтади. Қопчиқ, алюмин сут идиши, тўрхалта кўтарган эркак-аёллар издиҳоми вагонларга тирмаша кетди. Толибжон зинадан кўтарилаётиб қийналди. Унга ўрта ёшлардаги бир йигит ёрдамлашди. У раҳмат айтиб, вагонга кирди. Жигарранг чарм қопланган ўриндиққа бемалол ўтириб олди. Поезд жойидан қўзғалди. Ойнадан кўриниб турган бекат ортда қола бошлади. Бироздан кейин дарё кўприги бошланди. Поезд кўприкдан тарақа-туруқ қилиб ўтиб бораркан, дарёнинг мовий тасмадек уфққа томон ингичкалашиб кетган ўзани ортда қолди. Пахта далалари, қишлоқнинг четан деворли уйлари бошланди. Бироздан кейин вагон хизматчиси қалайи тутқичли стаканда чой, оқ қанд олиб кирди. У қоғозга ўралган оққандни очиб, чойга солди, қошиқча билан эринмай аралаштирди. Чой бироз совигач, оз-оздан ҳўплаб, вагон ойнасидан лип-лип этиб ўтаётган манзараларни томоша қилиб борди.

Поезд ҳар бир бекатда тўхтаб, борган сари шаҳарга яқинлашарди. "Зартопган" деб ёзилган навбатдаги темир йўл бекати эътиборини тортди. Бекатнинг қизил ғиштли биноси икки тарафдан қуюқ дарахтзор билан қуршалган. Азамат чинор, сада қайрағочлар кўҳна бинонинг қўриқчиларидек сирли кўринарди.

Поезд жойидан жилди. Бўш стакан қалайи тутқичга тегиб қитирлай бошлади. Толибжоннинг хаёлига ўша бекатда кўрганлари ўрнашиб қолганди: қизил ғиштдан қурилган кўҳна бино, азамат чинор, сада қайрағочлар кўз ўнгида гавдаланди. Поезд тезлашиб борарди. Энди вагон ойнасидан меваси мўллигидан шохлари эгилган олма дарахтлари кўринди. Олмазор боғ шундай дилтортар эдики, поезддан тушгиси, шу боққа киргиси келди. Тўғри, у аввалларида ҳам поездда ёки машинада шаҳарга қатнаган, шу ерлардан ўтган. Бироқ ўша пайтларда бу мафтункор боғларга эътибор бермаган экан. Энди, ногирон бўлиб қолганида, узоқ пайт уйда ўтираверіб зерикканиданми буларнинг ҳаммаси азиз, қадрли бўлиб кўринмоқда эди.

Поезд шаҳарга етиб келганида Толибжоннинг кайфияти кўтаринки эди. Шаҳарни субҳи содиқ қучоғига олган. Хобгоҳидан кўтарилаётган қуёш кўп қаватли биноларнинг пештоқига олтин упа сепиб улгурган. Дўконлар очилишига ҳали бироз вақт бор экан. У нима қиларини билмасдан вокзал биносига кирди. Катта зал қатор-қатор ўриндиқлар билан тўла. Ҳар-ҳар жойда поездини кутаётган йўловчилар суҳбатлашиб ўтиришибди. Айримлари тунда вокзалда қолишган чамаси, ўтирган

ўринларида мудрашмоқда. Кўпчилик тугун ёки сумкасини тиззасига қўйиб олган. Иккита ўрта ёшлардаги аёл куйиб-пишиб бир-бирларига гап уқтиришади. Бурчакдаги қаримсиқ, малласоч хотин оғзини очиб баралла хуррак отмоқда. Иситирт кийимлар солинган тўрхалтаси оёғи остида ўралашиб ётибди. Ёнида олти-етти ёшлардаги қизча. У атрофга бесаранжом аланглайди...

Залнинг ўнг томонидаги бурчакни очиқ қаҳвахона эгаллаган. Пештахталари сомса, пиширикдар билан тўла. Хўрандалар баланд доира столларда тик турган ҳолда қаҳва ичиб, ликопчада берилган сомса ёки пиширикларини ейишмоқда. Мармар аралаштириб ишлов берилган полда, хўрандаларнинг оёғи остида юзи шишинқираган, соқол-мўйлови ўсиқ исқирт ногирон кўринди. Икки оёғининг сонидан пасти йўқ. У золдир ғилдиракли пастак қўлбола аравачага ўтириб олган. Бир қўлида пачоқланган алюмин кружка, иккинчи қўлида сомса. Ҳеч кимга эътибор бермасдан ютоқиб кавшанмоқда. Ҳар замонда кружкасидан чой ҳўплаб қўяди. "Урушда ногирон бўлганмикин? – ўйлади Толибжон. – Кўзлари қизарган, саҳарлаб ичиб олганми? Ўзича нималарнидир ғўлдираяпти. Аммо уни ҳеч ким эшитмайди. Атрофдагилар жирканиб, узоқроқ туришга ҳаракат қилишади".

Толибжон ногиронга бироз қараб турди-да, кескин бурилиб, ғала-ғовур залдан шошилиб чиқиб кетди. Судралиб юрган ногироннинг аянчли кўриниши кайфиятини бузди. Қаҳвахонадан узоқлашган сари ўша тўртта золдир ғилдиракли аравача, икки оёғи кесилган ногирон кўз олдига келаверди. Танасида совуқ титроқ турди. Юраги дукиллаб тез ура бошлади. Ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан чуқур-чуқур нафас олди. Автомат қуйичдан муздек сув ичди. У очилишини кутаётган дўкон вокзалнинг қарши тарафида эди. Бу ҳарбийлар универмаги бўлиб, каттагина фото анжомлар бўлими борлигини биларди. Билим юртида ўқиётганида бир неча марта келган. Нохуш хаёллардан чалғиш учун ўша томонга юрди. Универмагга етай деганида қирмизи ранг қўш тавақали баҳайбат эшик очилди. У савдо залига биринчи бўлиб кирди. Ўзига ажабсиниб тикилган сотувчи қизга эътибор бермай, фотография бўлимига ўтиб кетди. Бўлимнинг ойнаванд пештахталари минг хил фото асбоб-анжомлари-ю, кимёвий дориларга тўла эди. Толибжон пештахтадан кўзини узолмай қолди. Шу пайт олдига ўрта ёш, дўппи кийган қотма сотувчи келди. Толибжон салом берди. Дафъатан нима деярини билмай, хаёлига келган савол билан мурожаат қилди:

– Ака, фотопластинканинг муддати ўтмаганми?

– Окоси, бизда эскирган товар бўмийди, – деди сотувчи.

Толибжон хижолат бўлди. Шошиб ўзига керакли кимёвий дориларни айта бошлади. Ҳаммасидан бор экан. Пули етганича фотопластинка, фотоқоғоз, кимёвий дорилардан сотиб олди.

Яна вокзалга қайтиб келди. Бир соатча ўриндиқлар қўйилган майдончада дам олиб ўтирди. Шундан кейин шаҳар атрофига қатнайдиган поездга чиқди.

4

Толибжон ўша куни шаҳардан қайтганида руҳида ёқимли бир енгиллик ҳис этди. Орзу-умидлари мустажоб бўлганини ягона ҳамрози – ойисига тезроқ айтгиси келарди. Муслима опа ошхонада кечки овқатга уннаётган экан, ўғлини одатдагидек беозор жилмайиб қарши олди:

– Келдингми, болам?

– Ойи! – Толибжон елкасига осиб олган юкхалтасига ишора қилди. – Ҳаммасини олиб келдим!

Толибжоннинг кўзлари қувончдан порлаб, йўлда чарчаганига қарамасдан жилмайиб турарди. Муслима опа ўғлини кўпдан буён бундай ҳолатда кўрмаганди.

– Ишинг битдими, ахийри? – деди кўлидаги капгирни қозонга қўйиб.

– Битди, ойи, эртага сизни суратга тушираман. Энди фотопластинкаларим бор.

– Раҳмат, болам.

Толибжон орзулар қанотида парвоз қиларди гўё, ботиний ҳаяжони босилай демасди. Ҳозир, шу дамда иш бошламоқчидек, шошилиб хонасига кирди. Фотопластинка, фотоқоғоз, кимёвий дориларни ўзи ясаган токчаларга тахлади. Хаёлан эртанги кун режасини туза бошлади. Муслима опа "овқатингни еб ол, болам", деб чақирмагунича хонасидан чиқмади.

Қоронғи тушганда ойисининг ҳай-ҳайлашига қарамасдан яна ичкарига кириб кетди. Бир нечта фотопластинкани кассеталарга жойлаб, камерани ишга тайёрлади. Сўнгра чарчоқ енгиб, эрта ўрингa ётди.

Тонгда деразадан тушган офтоб нурлари унинг буғдойранг юзи, тим қора қалин қошларини сийпалаб уйғотди. Ўрнидан туриб, тунда ечган ёғоч оёғининг қайишларини маҳкам тортиб боғлади. Деразага яқин келиб, ҳовлига қаради; кўлида супурги билан онаси куйманиб юрарди. Ёз тонги сершва бўлади. Қуёшнинг олтинранг нурлари ҳовли ўртасидаги бир туп ўрик япроқларини эркаламоқда. Молхонадан сигирнинг чўзиқ ноласи, унга жавобан бузоқчанинг сурнай овозидек зорланиши эшитилди. Толибжон кийиниб, ташқарига чиқди. Ўрик остидаги қумғондан сув қуйиб, тик турганича тез-тез ювинди.

– Ойи, сурат олишга борамиз, – деди артинаётиб.

– Қаёққа? – Муслима опа ажабланди.

– Дарё бўйига. Сизни ўша ерда суратга тушираман.

Муслима опа тўхтаб, кўлидаги супургини ерга қўйди. У якка-ёлғиз ўғлининг кўнглига қарарди. Айниқса, Толибжон бир оёғидан ажралганидан кейин "йўқ" деган сўзни бутунлай унутди.

– Хўп, болам, чойингни ичиб олмайсанми?

– Кейин ичаман. Саҳарда ёки кун оғаётганда ёруғлик ёнбошда бўлади, шундай пайтларда суратга туширсам яхши чиқади.

Ўғлининг ақлли гаплари онасига ёқди:

– Шошма, мен кийиниб чиқай, – деди.

Толибжон хонасига кириб, фотоаппарат билан штативини олди. Ҳовлига чиққанида онаси тайёр бўлиб уни кутиб турарди. Эгнида мовий гулли, тўймаъракаларга киядиган кўйлаги, бошида янги дурра.

– Ойи, шу кўйлагингиз жуда ярашади.

Муслима опа ўғлининг гапига жилмайиб, дарвоза томонга одимлади:

– Юр, ўғлим, борсак бораколайлик.

Улар кўчага чиқиб, зарҳал баркашдек фалакка кўтарилаётган қуёшга пешвоз юришди. Дарё уйларига яқин эди. Бироздан кейин кумушранг тасма мисоли товланаётган сув кўринди. Узоқда дарёни кесиб ўтган темир йўл кўпригининг металл конструкциялари кўзга ташланади. Соҳилга етиб келганларида дарёдан эсаётган шабада Толибжоннинг сочларини тўзғитиб ўйнай бошлади. Унга қараб Муслима опанинг меҳри товланиб кетди.

– Болалигингда сени шу ерга олиб келардик, – деди дарёга ўйчан қараб.

– Биламан, ойи, мени дадам кўтариб олардилар.

– Эсингдами?

– Эсимда, – деди штативга фотоаппаратини маҳкамлаётган Толибжон.

У нафақа кутиб ўтказган бир ой вақт давомида бу машғулотни қайта-қайта такрорлайвериб, уста суратчилардек ишлашни ўрганиб олганди. Бир зумда "Фотокор" сурат олишга тайёр бўлди.

– Қуёш сизни ёритиши керак. Ойи, бу ерда туринг! – деди Толибжон сувга яқинроқ жойни кўрсатиб. – Шундай... Мана энди дарё ҳам кўринади. Ўзиям зўр сурат чиқади-да!

– Ноқулай бўляпти, ўғлим...

– Ойи, суратга тушишдан қўрқяпсизми? – Толибжон кулди. – Йўқ, озгина ёнбошлаб туринг... Бўлмади! Ойи, яхшиси, қўлингизни пешонангизга соябон қилиб, дарёга қаранг. Ҳа, мана шундай! Энди бошингизни озгина кўтаринг!

Толибжон машғулотига шунчалар берилиб кетгандики, онаси кейинги пайтда инжиқ, хаёлчан бўлиб қолган ўғлини ҳозир таниёлмай қолди. У қора мовут остига бошини суқиб, объективни равшанликка созлади. Камерага фотопластинкали кассета ўрнатиб, қопқоғини кўтарди. Тепки тасмасини босаётганида ҳаяжондан юзлари қизариб кетганди.

– Бўлди, ойи, – деди Толибжон эҳтиёткорлик билан кассета қопқоғини ёпаркан.

– Осон экан-ку! – Муслима опа ажабланди. – Кўрсат-чи, қандай тушибман?

Штативни йиғиштираётган Толибжон ишидан тўхтаб, ойисига қаради. Онасининг нимани сўраётганини тушуниб, кулди. Муслима опа ҳамон унга жиддий тикилиб турарди.

– Ойи, ҳозир фақат суратга туширдим. Энди негативни очириш, қуритиш керак. Шундан кейин сурат ишлайман. Юринг, уйга қайтамиз.

Ҳовлиларига кириб келишганда кун ёйилиб қолганди. Ойиси уйга кириб кўйлагини алмаштириб чиқди. Ҳамон ҳовлида каловланиб турган ўғлига бир қараб қўйди-да, ошхонага бориб тандирга ўт қалай бошлади. Толибжон фотоаппарати билан штативни хонасига олиб кирди. У фотоаппаратида биринчи марта сурат олгани учун безовта эди. Ўзини босиб олмоқчи бўлиб, ҳовлига қайтиб чиқди. Атрофни мақсадсиз бир-икки айланди. Бостирма остидаги эски этикка кўзи тушиб, отасини эслади. Отаси ўзи ишлайдиган геология-қидирув идорасидан қаерга юборишса, ўн беш-йигирма кун, баъзан ойлаб ўша ерда қолади. "Дадам уйда бўлганларида суратга туширардим, – дея ўйлади. – Майли, фотопластинкалар етарли, ҳали дадамниям суратга оламан!"

– Ўғлим, чойингни ичиб ол, сен яхши кўрадиган патир нон ёпдим.

Муслима опанинг овози уни ўзига келтирди. Қўлини ювиб, айвондаги хонтахта ёнига келиб ўтирди. Ойиси олдига қўйган иссиқ патирни синдириб "уф-уф"лаб тез-тез ея бошлади.

– Шошилмай е, ўғлим, – деди Муслима опа.

– Шошмасам бўлмайди, ойи. Ҳозир суратингизни ишлайман!

– Майли, ишларсан ҳали.

– Ойи, мен тўйдим.

Толибжон ўзига фотиҳа қилиб, ўрнидан турди. Муслима опа "чойингни ич", деганича қолди.

У деразасига қават-қават қора мато тутиб қоронғилаштирилган хонасига кирди. Эшикни очиқ қолдириб, қўнғир рангли идишчаларга керакли эритмаларни қуйди. Шундан кейин эшикни ёпди. Хона қоп-коронғи эди. Пайпаслаб ўзи стол устига қўйган кассетани топди. Деразага орқасини ўгириб, кассета қопқоғини очди. Ундан шиша пластинкани авайлаб олиб, очиргич эритмага ботирди. Қоронғида кўринадиган фосфорли соати йўқ эди. Вақтни белгилаш учун пичирлаб санай бош-

лади. Жуда узоқ санагандек туюлди. Аслида бор-йўғи икки дақиқа вақт ўтганди. Фотопластинкани тоза сувда чайқаб, қотиргич эритмага ботирди.

Толибжон эшикни минг хил ўйда очди: "Негатив чиқдимикан? Хатога йўл қўймадимми? Ойимнинг олдиларида уялиб қолмасам бўлди-да. Мақтанаверибман, мақтанаверибман... Лекин ҳаммасини тўғри қилдим".

У иштибоҳ билан негатив фотопластинкани эшикдан тушган ёруққа тутди: "Воажаб! Мана онаси, орқада дарё! Ҳаммаси тиниқ! Ахир бу ўзининг фотоаппаратида олган биринчи сурати! Бундай сифатли негативни фотоқоғозга туширса бўлади".

Толибжон шиша фотопластинкани тоза сувда қайта-қайта чайди. Қуритиш учун тик қилиб қўйди-да, ҳовлига чиқди.

– Ойи! – у қувонганидан бақириб юборди.

Олдига ҳовлиққанича Муслима опа келди:

– Нима бўлди, болам?!

– Ойи! Суратингиз чиқади! Зўр чиқади! Ҳозир, негатив қурисин...

– Вой болам-а, юрагимни ёриб юбординг-ку? Оёғинг...

Онаси "оёғингга бир нарса бўлдими", демоқчи эди. Лабини тишлаб, қолганини айтмади. Ўғлига хавотир билан қаради.

– Ойи, биринчи марта суратингизни ишлаяпман, – деди Толибжон хижолат бўлиб. – Ўзимни фотоаппаратимда олганман ахир! Ичимга сиғмай кетяпман-да!

– Менга сен хурсанд бўлсанг кифоя.

– Суратчилик жуда қизиқ, ойи.

У оқсоқланиб яна хонасига кириб кетди. Ўзи жиҳозлаган оддийгина фотолабораториясидаги керосинли чироқни ёқди. Хона ёришди. Негативни ёруққа тутиб, яна бир марта кўздан кечирди. Очиргич эритмани фотоқоғозники билан алмаштирди. Иккинчи чироқни ёқиб, қизил шишали қутичага жойлади. Бу сурат ишлаётганда ёқиб қўйиладиган "хавфсиз" ёритқич вазифасини ўтарди. Аввалги чироқни ўзи ясаган қўлбола сурат ишлаш дастгоҳига жойлади. Шиша негативни юқори тиркишга ўрнатди. Аввал бир парча фотоқоғозга намуна олиш керак эди. Бунга Толибжоннинг сабри чидамади. Бир йўла негатив катталигидаги фотоқоғозни қўйиб, бешгача санади. Фотоқоғозни дарҳол очиргич эритмага ташлаб, бироз чайқатиб турди.

Қизил чироқнинг хира ёруғида тасвир пайдо бўла бошлади. Толибжоннинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди! Тасвир меъёрига етганда тоза сувда чайқаб, қотиргич эритмага ботирди.

У онасининг олдига қўлидаги ҳали нам сурат билан чиқди.

– Қаранг, ойи, бу сиз! Жудаям чиройлисиз!

Муслима опа ўғлининг олдига келиб, ўзининг суратига тикилди:

– Сени кўзингга шундай кўринаман-да... Шаҳарда суратчиликни яхши ўрганибсан.

– Билим юртимизда ҳамма шароит бор эди.

Онасининг беихтиёр айтган гапи билим юртини эслатди. Толибжон ўртоқларини соғинганди. Лекин буни тан олгиси келмади: "янги ҳаётимга кўникишим керак", – дея такрорлади ўзича.

– Ойи, мен яна сурат ишлайман, – деди-да, хонасига кириб кетди.

Муслима опанинг суратидан яна уч нусха тайёрлади. Сурат жонли чиққанди. Шу дамда уни катталаштира олмаганига ачиниб кетди. Ўзи ясаган дастгоҳда фақат негатив юзасига мослаб "9x12" сурат ишлай оларди. Катталаштириш учун фотойириклаштиргичи йўқ. Бўлганда ҳам фойдаланолмайди. Чунки фотойириклаштиргич электр чироғида ишлайди.

Шу куни кечгача қўлбола фотолабораториясида майда-чуйда ишлар билан шуғулланди. Эртасига бутун қишлоқ Толибжоннинг сурат ишлаганини эшитди. "Бир кўрай", деб келувчилар кўпайди. Ногирон йигитчага ачинаётганлар энди ҳавас билан қарашарди. "Шаҳарда бекор юрмаган экан", дейишди қўшни аёллар. Улар ҳам суратга тушишни хоҳлаб қолишди.

– Толибжон, мениям худди ойингга ўхшатиб дарё бўйида суратга тушир, – деди Ҳидоят опоқи деган қўшнилари.

– Ойимнинг суратлари ёқдими? – Толибжон ўсмоқчилаб сўради.

– Ёқмай ўлибдими, болам, – кулди Ҳидоят опоқи. – Каттароқ қилоласанми?

– Кейинчалик бунинг ҳам иложини топаман.

– Барака топ! Қўлинг дард кўрмасин.

– Фақат бизда электр йўқ-да.

– Вой, амакинг айтдилар, келаси йили бутун қишлоққа симёғоч тортишармиш.

– Унда ишимиз юришади, опоқи.

Толибжоннинг номи "суратчи" бўлиб қолди. Қишлоқда "Суратга тушир", дегувчилар кўпайди. Баъзан кун бўйи қўли ишдан бўшамасди. Туман марказидаги ўрис суратчига қатнаб, ҳужжатга сурат туширишниям ўрганиб олди. Кимдир паспорт учун, яна биров оилавий суратга тушишни хоҳлайди. У ҳеч кимга йўқ демасди. Кўпинча ярим тунгача коронғи хонасида сурат ишлайди. Мижозлари қўярда-қўймай "кўл ҳақи"ни бериб кета бошлашди. "Шаҳарда ўқийман, деб бир оёғидан ажралди, ҳақини бермаслик уят, – дейишарди бир-бирларига. – Ахир у ҳам қоғозини пулга сотиб олади".

Негатив пластинкалар тугай деб қолганди. Толибжон сурат учун берилган пулларни фанер қутичага йиғиб қўярди. Ҳисоблаб кўрса, харажатларига бемалол етаркан. Бу сафар нафақасини кутмасдан, қутичада йиғилган пул билан шаҳарга жўнади.

5

Толибжон учун аввалига эрмак бўлган суратчилик аста-секин ҳаётининг бир бўлагига айланди. Кунларини фото анжомларисиз тасаввур қилолмасди. Аммо қишлоқларида электр йўқ. Керосинли чироқ билан эса сифатли сурат ишлаш мушкул. "Электрли жойга боришим керак", деган фикр тинчлик бермай қўйди. Аввалига бу режаси амалга ошмайдигандек туюлганди. Бироқ ўтирса ҳам, турса ҳам яккаш шу ҳақда ўйлайверди. Ниҳоят қатъий қарорга келди: дарё ортидаги шаҳар-қишлоқлар электрлаштирилган, ўша ёққа боради!

Фикрини минг истиҳола билан ойисига айтди. Муслима опа аввалига қўркиб кетди. Толибжон қайта-қайта тушунтирганидан кейин ўйланиб қолди.

– Қандай бўларкин, болам? – деди иккиланиб. – Кўчишимизга отанг нима дейди?

– Ойи, кўчмаймиз, ўзим бораверaман! Шаҳарда яшаганман-ку?

Ёз фаслининг жазирама чилласи эди. Толибжон енги калта оқ кўйлакда, бошида дўппи, буғдойранг чеҳрасига жилмайиб туриши жуда-жуда ярашарди. Муслима опа ўғлининг сахт-сумбатига қараб меҳри товланди. Худодан сўраб олган ёлғизининг ўша фожиада омон қолганига минг бора шукр қилди. "Мана, ўзи уриниб оёққа туряпти, ҳунарли ҳам бўлиб олди. Лекин нима қилсин, бу ногиронлик ўғлини инжиқ қилиб қўйди. Уйини, ота-онасини ташлаб қаёққа боради? Одамлар нима дейишади? Ношукр ўғил, деб унга таъна қилишмайдими? Балки, ёлғиз ўғлини уйга сиғдирмади, ҳам дейишар? Хаҳ, одамлар-а! Ўрнимга ўзларини қўйиб кўришсайди.

Толибжоним энди оддий қишлоқ боласимас-да, кўнглидагини қилмаса сиқилади. Ичкиликка ўрганиб кетса-я... Худо сақласин, Худо сақласин! Толибжон ундаймас... Майли, кўнглидагини қилсин. Ёмон ишга қўл урмаяпти-ку ахир!"

* * *

Она-бола икки-уч кун Толибжоннинг вақтинчалик бирор жойга кўчиб боришини муҳокама қилишди. Муслима опа эри тоғу тошларидан қайтган куни масалани ётиғи билан тушунтирди. У дарров рози бўлмади. Ўғлини ёнига чақириб, насиҳат қилди:

– Сенга нима етишмаяпти, болам, – деди босиқлик билан. – Қишлоқда бинойидек тирикчилигимиз ўтяпти-ку. Мен геологлар билан узоқларда юрсам, онанг ёлғиз қолса майлими?

– Дада, бу ерда суратчилик қилолмайман, – бўш келмади Толибжон. – Ҳали ишимни пухта ўрганганим йўқ. Қишлоққа электр келишини кутиб ўтираверсам бўлмайди. Ойимдан тез-тез хабар олиб тураман. Кетмон чопиш қўлимдан келмаса нима қилай?

Табиатан босиқ феълли отаси индамади. Ўғлининг алам билан айтган охирги гапи ўйлантириб қўйди. Тўғри, энди у кетмончиликка ярамайди, нима қилсин?

Толибжон отасининг жим бўлганидан вазият юмшаганини пайқади. Кейинги сафар шаҳарга борганида муаммони кўндалангига ҳал қилишни кўнглига тугиб қўйди. Турли режалар тузишга киришди. Ўйлайвериб, тунлари уйқуси қочиб кетарди. Тушида "Зартопган" бекатини кўрди. Поезддан тушмоқчи бўлиб, отилиб танбурга чиққанмиш. Лекин поезд юриб кетиб, тушишга улгурмабди...

Шу кундан хаёлига қўрғошиндек ўрнашган Зартопган бекатини унутолмади. Кейинги сафар шаҳарга бораётиб Зартопганда поезддан тушиб қолишни ўйлади.

Бу узоққа чўзилмади. Тез орада яна фотокоғоз, эритмалари тугади. Шу куннинг эртаси тонгги поезд билан шаҳарга жўнади. Бу сафар иккиланмасдан Зартопганда поезддан тушди. "Зартопганни томоша қилиб кўраман, кейин шаҳарга бораверараман", деб ўйлади.

Вагонга ёпирилган издиҳомни ёриб ўтиб, қизил ғиштли бино қаршисидан чиқди. Ҳар ўтганида кўраверіб таниш бўлиб қолган бекатга ҳавас билан тикилди. Қуёш бино пештоқидаги "ЗАРТОПГАН" ёзувини нурлантириб турарди. Кириш эшигининг икки тарафидаги ёғоч харракларда уч-тўртта бекорчи йигитлар поезддан тушиб-чиқаётганларни томоша қилиб ўтиришибди. Пастликдаги темирйўлчилар дўконидан қоғозга ўралган харидини кўксига босиб, лўмбиллаган икки аёл чиқди. Улар бир-бирларига навбат бермасдан шанғиллаб гапира-гапира, бекат ортидаги жамоа уйларига кириб кетишди.

Толибжон тик туриб атрофни томоша қила бошлади. Тепловоз бир марта узун пишқириб, аста жойидан жилди. Тез орада бекат майдонида одамлар оқими тинди. У йўловчиларга эргашиб шаҳарчага олиб кирадиган йўлкага тушиб олди. Чапдаги майдонда эски, тумшуғи пачоқ оқ "Запорожец" машинаси кўринди. Озғин, узун бўйли, ингичка мўйлов қўйган йигит машина капотига суяниб турибди. У оқсоқланиб келаётган Толибжонга тикилиб турди-да, "чирт" этиб ёнбошига тупурди.

– О-ов, оборіб қўяйми? – деди дағдағага ўхшаган қўпол овозда.

– Йўқ, ака, ўзим!

Толибжон автоҳалокатдан кейин енгил машинага минмай қўйганди. Ўша қаҳратон қишдаги даҳшатли ҳодиса сира-сира хаёлидан кетмади. Баъзан тушида ҳам музламада чирпирак бўлиб айланаётган машинада ўтиргандек бўлар, шундай пайтларда нафаси бўғзига тиқилиб, ўрнидан туриб кетарди.

– Қўшмат, ўтир, кетдик, клиент йўқ, – деган овоз эшитилди машина кабинасидан.

Юриб бораётган Толибжон беихтиёр овоз келган томонга қаради. Машина ойнасидан Қўшматникига ўхшаган ингичка мўйловли, олифтанамо йигит бошини чиқариб турарди.

– Бўпти, кетамиз, – деди Қўшмат яна "чирт" этказиб тупураркан.

"Қўпол", деб қўйди Толибжон ўзича. Оқ "Запорожец" шундоққина ёнбошидан йўлни чангитиб ўтиб кетди. Бироз нарида тезлигини камайтирди-да, қаттиқ "сигнал" бериб қўйди.

Толибжон қаёққа боришини аниқ билмасди. Тавакқал қилиб одамларнинг ортидан кетаверди. Йўлка тор кўчага олиб чиқди. Кўчанинг чап тарафи кичиккина бозор экан. Бир нечта расталардан иборат бу бозорча девор билан ўралмаганди. Расталарнинг томига тунука қопланган. Кўчага қараган пештахталарда олма-узумдан тортиб, бодринг, памилдоригача бор. Бозорни яккам-дуккам харидорлар айланиб юришибди. У ҳам қизиқсиниб ўша томонга юрди.

Асат ойининг тонги тароватли эди. Тоза ҳавони симириб тўймайсан киши. Пештахтадаги уйим-уйим тилларанг-қирмизи олмаларнинг ҳиди димоғни ёради. Беихтиёр олма сотаётган қизга кўзи тушиб, унинг олдига келди. Қизнинг юзи сутга чайилгандек оппоқ, нимтабассум жилва қилиб турган лаблари атиргул ғунчасидек нимочиқ. Ўзига ярашган кулгичлари атиргул япроғини эслатади. Қиз шу туришида жуда-жуда гўзал эди, худди эртакдаги маликаларга ўхшарди. Толибжон тўхтаб, ҳайкалдек қотиб қолди. Қиз ўзига тикилиб турган йигитни пайқаганди.

– Олмалар ширинми? – деди Толибжон.

– Ширин, – жилмайди қиз.

– Майлими? – Толибжон битта олмага қўлини узатди.

– Бемалол, татиб кўринг, – яна жилмайди қиз.

Толибжон хушбўй ҳидли олмани тишлади. Серсув олма ниҳоятда хуштаъм эди. У ҳамон қиздан кўзини узмасди. Шу аснода нигоҳлар учрашди. Қизнинг кўзларида ҳайрат бор эди. У елкасига юкҳалта осиб олган ғалати йигитга ажабланиб қараб турарди. Толибжон чўнтагидан пул олиб узатди.

– Керакмас, – деди қиз шошиб.

– Нега?

– Мазасини кўрганингизга пул олмаймиз. Бизда шундай. Бу ерлик эмасмисиз?

– Йўқ. Лекин... шаҳарча ёқса, кўчиб келаман.

– Унда айланиб кўринг, албатта ёқади.

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа-да! Бизнинг одамлар хушфеъл. Боғларимизнинг олмаси ширин.

– Майли, бугун Зартопганни айланаман.

Толибжон бир ерда узоқ туриб қолганди. Оёғига оғирлик тушди. Қизнинг маъноли кўзларига бир қур назар ташлади-да:

– Раҳмат, – деди қўлидаги олмага ишора қилиб. – Ўзича "Бу қиз мени назарига илармиди, – дея ўйлади. – Ногирон бўлсам..."

У бозорчадан катта кўча томонга қараб кетди. Кўчадан машина, автобуслар ғизғиз ўтаётгани кўриниб турарди. Бозордан бошланган тор йўл катта кўчани кесиб ўтиб, чорраҳа ҳосил қилган. Атрофда дўкон, ошхона, яна аллақандай идораларнинг бинолари бор. Толибжон чорраҳа шаҳарча маркази эканлигини тахмин қилди. Бу ерларни яхшилаб кўриб олмоқчи бўлиб ўнгдаги дарахтлар соя ташлаган йўлкага бурилди. Садақайрағоч остидаги харракда жигарранг-қўнғир сочли, думалоқ юзи қизғиш-сариққа мойил, тахминан ўзига тенгдош йигит ўтирибди. У ниманидир эс-

лаб қолмоқчидек кўчадан ўтаётган машиналарга диққат билан тикилади. Йўлнинг нариги бетидаги деворга босма ҳарфларда "Уй сотилади" деб ёзиб қўйилган. Толибжон буларнинг ҳаммасини бир-бир кузатди-да, таваккал қилиб харракда ўтирган йигит томонга юрди.

– Ассалому алайкум, – деди йигитнинг олдига келганида.

– Ваалайкум ассалом, яхшимисиз? – у ўрнидан туриб, сўрашиш учун қўлини узатди. – Келинг, дўстим, меҳмонга ўхшайсиз?

– Қандай билдингиз?

– Бу ерликларни яхши танийман-да.

– Тўғри, Зартопганга биринчи келишим.

– Ўтиринг-ўтиринг! Кимникига келдингиз?

Толибжон ўнғайсизланди. Қаршисидаги янги таниши буни сезди.

– Мен шу ердаги, Зартопгандаги техникумни тугатяпман, – шошиб гапирди у, – қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича.

– Қойил! – Толибжон йигитга ҳавас билан қаради.

– Диплом амалиётини ўташ учун Мирзачўлга жўнашим керак. Манови, "Уй сотилади", деб ёзилган ховли ўқитувчимизники. Калити менда эди, шуни бериб кетай, деб кутяпман.

Толибжон бу йигит билан гапи келишиб қолганига суюнди. Ботиниб, илинж билан кўнглидагини айтди:

– Ижарага қўймайдими?

– Ий-е, ижарада турмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Қўяди, ижарага. Нега қўймасин? Ўзи, шу уйни оламан, деган ҳам чиқмаяпти. Одамсиз уй... вайрона бўлиб кетади.

– Унда гаплашиб беринг?

– Мени бир таклифим бор?

– Қандай? – ажабланди Толибжон.

– Ёшингиз нечада?

– Йигирмага чиқяпман.

– Деярли тенгдош эканмиз. Сенсираб гаплашаверайлик?

– Майли, исмим Толибжон, суратчиман.

Толибжон "суратчиман", деди-ю, ғалати бўлиб қолди. Лекин гапдон йигит буни сезмади. Суюниб кетди:

– Суратчимисиз?! Йўғ-е... Суратчимисан, дўстим? Зўр-ку! Бизда суратчи йўқ. Тошкентдан келиб тушириб кетишади. Бўлди! Муаллим билан уйни гаплашиб бераман.

– Раҳмат, оғайни.

– Мен Серверман, – у қўлини узатди. – Асли, биз ҳам бу ерлик эмасмиз. Урушнинг охирроғида, кирк тўртинчи йилнинг баҳорида келганмиз. Мен крим татарларданман. Зартопганда кўпчиликмиз... Ана, муаллим келиб қолдилар! Кейин сенга ҳаммасини айтиб бераман.

Толибжон Сервер кўрсатган томонга қаради. Куннинг тиғида баланд бўйли, гавдаси йўғон, очиқ чеҳра, тепакал одам кўринди. Енги калта, қизил катак кўйлак кийган. У қўлини пешонасига қўйиб тез-тез юриб келарди.

– Сервер, кутиб қолдингми? – деди етиб келганда самимий жилмайиб. Бу одам ҳар битта сўзни чертиб-чертиб, дона-дона қилиб гапирарди.

– Ҳечқиси йўқ, Николай Семёнович, – Сервер ўрнидан турди. – Шундай ҳам

бугун бекорман, шаҳарчамизни томоша қилиб ўтирибман. Мирзачўлга борсам соғинаман.

– Тўғри айтасан, Украинага кўчсак, мен ҳам кўмсайман. Сезиб турибман, аниқ шундай бўлади! Зартопганнинг одамларига жудаям ўрганиб қолганманда. Ёнингдаги дўстимиз ким?

– Бу Толибжон, – деди Сервер. – Суратчи экан. Ижарага уй излаяпти. Балки, уйингиз сотилгунча қўйиб турарсиз? Ҳар ҳолда, одамсиз бўлмайди... Мен ҳам кетяпман?

Сервер Николай Семёнович билан бемалол рус тилида сўзлашарди. Толибжон уларнинг бир-бирларига яқин, ишончли одам эканликларини дарҳол тушунди. Айни дамда шу инсонларга дуч келганини Оллоҳнинг инояти деб билди.

– Суратчимисиз, йигитча? – Николай Семёнович Толибжонга соф ўзбек тилида мурожаат қилди.

– Ҳа.

– Мен ҳам фотографияга қизиқаман. Фотойириклаштиргич, яна бошқа асбоб-анжомларим бор... Майли, уйимда тураколинг... сотилгунча.

Толибжон Зартопганга биринчи келишидаёқ ишининг бу қадар ўнгидан келишини сира кутмаганди. Шунинг учун худди хазина топиб олгандек суюниб кетди. Қишлоқда тузган режалари баъзан ўзига ҳам хомхаёлдек туюлганди. Ажаб, поезддан тушибоқ зартопганлик бўлиб қолай деяпти.

– Сервер, дарвозани оч, бу йигитга уйни кўрсатамиз, – деди Николай Семёнович.

– Мен ҳозир қололмайман, – Толибжон шошиб гапирди, – қишлоққа бориб келаман.

– Майли, истаган пайтингда кўчиб келасан, – Сервер гапга аралашди. – Калитни Қобилжон амакида қолдирамиз. – У Николай Семёновичга "шундай қилсам розимисиз?", деган маънода қаради.

– Майли, имкон бўлганда, Қобилжон амаки билан ҳам таништир, дўстинг яхши йигитга ўхшайди.

Улар кўчани кесиб ўтиб, мовий дарвоза қаршисига келишди. Сервер калитлар шодасидан кераклисини топиб, қулфни очди. Тахта соябонли, мовий дарвоза ғийқиллаб очилди. Сервер ўзини четга олди. Аввал Николай Семёнович, унинг ортидан Толибжон билан Сервер дарвозадан ҳовлига киришди.

Чамаси тўрт сотихлик томорқада бир неча туп олма, кираверишда гилос дарахти, нарироқда сим тортиб кўтарилган узумзор кўзга ташланди. Ҳовли тўрида оппоқ қилиб оқланган, қутичадек уй. Учовлон девор четидаги йўлакдан ўша томонга юришди.

– Сервер, оч, – деди Николай Семёнович уйнинг эшигига ишора қилиб.

Ўзи ҳовлига суқланиб қараб турарди. Сервер қўлидаги калитлар шодасидан кераклисини топиб, эшикни оча бошлади. Толибжон Николай Семёновичнинг ҳавас билан термилишидан бу ҳовли унга жуда-жуда қадрли эканини сезди. "Кетиб нима қилади, – дея ўйлади, – электр ўтказилган, тоза водопровод суви бор экан. Маза қилиб яшамайдими?".

– Кўчиб кетмасидим, хотиним Анна Григорьевнанинг юраги хаста, – деди Николай Семёнович Толибжоннинг фикрини уққандек. – Украинага, ўзининг юртига боришни хоҳлаяпти. Ҳозирча Тошкентда, синглисиникида турибмиз, даволаняпти. Йўл ҳозирлигини кўриб қўйганмиз.

Сервер эшикни очди. Улар ичкарига киришди. Уй икки хонали экан. Кираверишдаги, дераза пардаси ёпилган хона нимқоронғи эди. Николай Семёнович электр чироғини ёқди. Шифтда порлаб турган лампочкага қараб Толибжоннинг кўнгли ёришди: демак, фотойириклаштиргичда сурат ишлаши мумкин!

– Бу хонада овқатланамиз, меҳмонхонамиз ҳам шу, – тушунтирди Николай Семёнович. – Ётоқхона ичкарида.

У чап тарафдаги ихчам эшикни очди. Ҳаммалари ичкарига киришди. Бу хонанинг катталиги ҳам тахминан биринчи кирган хоналаридек эди. Толибжон бурчакда турган кичик столдаги фотойириклаштиргични кўриб қолди. Бошқа жиҳозларга эътибор бермасдан, ўша томонга юрди. Фотойириклаштиргичнинг тим қора рангли, ёруғлик ўтказмайдиган тунука қобиғига кафтини қўйди-да, уй эгасига қаради. Николай Семёнович оққўнгиллик билан жилмайди:

– Айтдим-ку, мен ҳам фотографияга қизиққанман, деб. Бемалол ишлатавер.

– Яхши бўларди! – деди Толибжон қувончини ичига сиғдиролмай. – Мен суратчиликни энди бошладим. Қишлоғимизда электр йўқ. Шунинг учун бу ёққа кўчиб келмоқчиман.

Толибжон бехосдан кулиб боққан омаддан масрур эди. Лекин бу бахтга ҳали эришгани йўқ. Кўнглида, айниб қолишмасайди, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун ичидагини тўкиб солди. Эллик ёшлардаги зукко муаллим кўзлари чақнаб турган бу ёш йигитга аллақачон баҳо бериб қўйганди.

– Оёғингга нима бўлган? – деди оталарча меҳрибонлик билан.

– Автомобилда фалокат юз берган.

– Ҳозирча менинг уйимда турақол. Кейин бир гап бўлар. Хоҳласанг, ишга киритиб қўяман. Фото тўгараги ташкил қиласан. Суратга тушириш, ишлашни биласанку, шундайми?

– Ҳа, билим юртида ўрганганман.

– Энди шуларни ўқувчиларга ўргатсанг бўладими?

– Албатта, бўлади! – Толибжон сидқидилдан маъқуллади. – Менга ишонсангиз, ҳаммасини эплайман!

– Демак, келишдик. Сервер, калитни истаган пайтида Толибжонга берасан. Ёш техниклар марказининг директори билан гаплашиб қўяман, фото тўгараги очиб беради.

– Уйга бориб келишим керак.

– Яхши, бориб келақол.

– Ижара ҳақи?..

– Бу ҳақда ўйлама. Барибир ҳозирча уйга харидор йўқ. У ёқ-бу ёқни тозалаб ўтира оларсан?

– Мен томорқани юмшатиб, экин ҳам эка оламан! – Толибжон гапини исботламоқчидек қаддини ростлади.

– Ер чопиш шарт эмас... Сервер, сен қачон Мирзачўлга жўнайсан?

– Ҳали уч-тўрт кун шу ерда бўламан.

– Унда масала ҳал, десак ҳам бўлади. Аслида мен калитни олиб кетгани келгандим. Уни Толибжонга бериб қўяқол.

– Мен...

– Икки-уч кунда кўчиб кела оларсан?

– Эртагаёқ кўчиб келаман!

– Яхши. Мен бу ерда ишларимни битириб, шаҳарга қайтай. Йўл-йўлакай мактабга кираман. Ёш техниклар маркази мактабимиз ҳовлисида жойлашган. Сен директорга учраш. Унга ўзим ҳаммасини тушунтириб қўяман.

– Хўп.

Николай Семёнович кетиш учун ўрнидан қўзғалди. Уни Сервер билан Толибжон кўчагача кузатиб чиқишди...

Толибжон шу куни фото анжомлар учун Тошкентга бормади. Зартопганга кел-

ган биринчи куниёқ ҳаёт дарёси бошқа ўзанда оқа бошлади. Сервер билан эски кадрдонлардек бўлиб олишди. Чорраҳага чиқиб, тандир сомса олиб келишди, бирга ўтириб чой ичишди. Тушликдан кейин Сервер уни поездга кузатиб қўйди. Толибжон шаҳарга боришни бошқа кунга қолдириб, қишлоғига қайтиб кетди.

...Муслима опа ўғлини хавотирланиб кутиб ўтирарди. Дарвоза очилганда шошиб ҳовлига чиқди.

– Мунча кечикдинг, ўғлим!? – деди Толибжоннинг истиқболига юраркан.

– Келдим, ойи.

– Юкинг қани?

– Шаҳарга бормадим.

– Унда қаерда эдинг?

– Зартопганда тушиб қолдим. Шаҳарга яқин жой, мен сизга айтгандим.

– У ерда нима қилдинг? – Муслима опа ўғлига ажабланиб қаради.

– Уй топдим... Ойи, эртага кўчиб бораман. Шаҳарчада электр, водопровод бор. Иш ҳам топилай деб қолди.

– Ўғлим! – Муслима опанинг овози титраб чиқди. – Ахир, бир ўзинг қандай яшайсан? Мен-чи? Сенсиз нима қиламан!?

Толибжон ойисининг шундай дейишини аввалдан билганди. Йўл бўйи айтадиган гапларини ўйлаб келди. Аммо ҳозир у гапларнинг бирортасиям эсига тушмади.

– Ойи, узоққа кетмаяпман-ку, – деди ютиниб. – Ишламасам бўлмайди! Унда яшашнинг қизиғи йўқ!

Бу гапни эшитиб, ўпкаси тўлиб турган онаси жим бўлди. Толибжон қизишиб кетганини сезди. "Асабий бўлиб қолибман, – деб ўйлади, ўзини босиб олишга ҳаракат қилди, – жуда қўполман".

Муслима опа қовоқ-тумшуғи осилиб кетган ўғлини қучоқлаб олди:

– Майли-майли! Розиман. Фақат хафа бўлма! Ўзингни авайла!

– Хўп, ойи.

Толибжон Муслима опа билан яна бир-икки оғиз гаплашиб, ўзининг хонасига кирди. Деворга ойисининг дарё бўйида тушган сурати рамкага солиб илиб қўйилганди. Суратга тикилиб хаёлга чўмди: "Ойиси уни доим тушунади. Нима деса сўзсиз бажаришга тайёр. Толибжон учун энг азиз, ягона инсон – ойиси! Ногиронлиги, ўртоқларидан бошқачароқлигини ҳеч ким ойисичалик тушунолмайди! Толибжон буларнинг барини енгишга онасининг булоқ сувидек беадоғ меҳридан қувват олмаяптими, ахир! Отаси геологлар билан тоғу тошларда юради. Ойиси ёлғиз ўғлига қаттиқ суяниб қолган. Энди унга қийин бўлади. Лекин Толибжоннинг ҳам бошқа иложи йўқ-да..."

Кечқурун она-бола Толибжоннинг Зартопганга олиб кетадиган юкларини йиғиштиришди. У бир неча жуфт кийим-кечак, "Фотокор" аппарати, қолган фотопластинкалар, кимёвий эритмаларни ўзи билан олди. Муслима опа унга бир даста пул тутди.

– Керакмас, ойи, ишлаган суратларимдан, нафақамдан йиғилган пулим бор, – деди Толибжон. – Ижара уйимда ҳамма нарса етарли.

– Ўғлим, мен бирга борай? Хавотир олаяпман-да, болажоним, улар қандай одамлар, кўзим билан кўрай?

– Ойи, Зартопганда яхши одамлар билан танишдим. Билим юртида ўқиганимда ўзим яшаганман-ку? Ҳалиям ишонмайсиз-а?

– Сен ёлғиз боламсан-да.

– Ўзимни эплашим керак, ойи, энди мен ишлайман.

– Майли...

Толибжон ўрингa эрта ётди. Янги режалар тузиб, уйқуга кетди...

Саҳарда ҳовлига чиққанида Муслима опа тандирдан патир узаётганди. "Ойим ухлолмабдилар, – дея ўйлади истиҳола билан. – Роса ташвиш орттирдим-да".

– Турдингми, болам, юзингни ювиб келақол, – онасининг майин овози эшитилди, – иссиқ патир билан чой ичасан.

– Хўп, ҳозир.

Толибжон ҳовли ўртасидаги атрофга эшилиб-бураліб ўсган ўрик остига келди. Қумғондан муздек сув қуйиб, ювинди. Айвонга чиққанида димоғига тандирдан янги узилган патирнинг ёқимли бўйи келди. Хонтахтага қизариб пишган иссиқ патирлар териб қўйилганди.

– Ўтир, ўғлим, – деди чойнак-пиёла кўтариб келаётган Муслима опа, – чойингни ичиб ол. – Патирнинг ҳовури кўтарилсин, кейин халтангга жойлаб бераман.

– Зартопгандаги ижара уйим бозорга яқин, нонсиз қолмасдим, қийналибсиз-да.

– Мен нега қийналай, ўзимизнинг уйимиздаман. Бозорда мени патиримга ўхшагани йўқ, ўғлим.

– Тўғри, ойи, патирингиз ҳамманикидан ширин!

Толибжон онаси синдирган иссиқ патирдан бир бурда олиб, "уф-уф"лаб ея бошлади.

– Ҳалиям шу одатинг қолмабди-да, – онаси жилмайди. – Болалигингда шунақа қилиб, "уф-уф"лаб ердинг.

– Ойи, сиз ёпган патрни соғиниб қоламан.

– Тандир бўлса, бориб ёпиб бераверaман.

– Балки уй ҳам оларман. Ўшанда тандир қурамиз.

Муслима опа ўғлига тикилиб қолди. Толибжон бу гапига онасининг ажабланганини сезмади.

– Ойи, дуо қилинг, вақт бўлди, – деди шошилиб.

– Илоё йўлинг бехатар бўлсин, болам, – Муслима опа дуога қўлини очди. – Яхшиларга яқин юр, ёмонлардан адаштирсин. Омин, Оллоҳу акбар!

Толибжон қўлини юзига тортиб, ўрнидан турди. Юкҳалтасини елкасига осиб, дарвоза томонга юрди. Муслима опа кўчагача кузатиб чиқди. Толибжон онасининг кўзёш қилишини кутганди, ундай бўлмади.

– Қийналсанг қайтиб келақол, – деди фақат.

– Хўп, ойи, – Толибжон онасини хотиржам қилиш учун розилик билдирди.

У шаҳар атрофига қатнайдиган поездга ўтирганида ҳам ойисининг мунис чеҳраси кўз олдидан кетмади. Кеча ойиси ҳақида ўйлаганлари яна ёдига тушди. Ҳаётда нимага эришган бўлса, бари онаси туфайли эканини ўша автофалокатдан кейин яхши тушунди. Ўйлаб қараса, ойиси унинг истакларига ҳеч қачон қаршилик қилмаган экан. На ўқиши, на бирор буюм сотиб олишига эътироз билдирмади. Суратчилик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаган ҳам онаси. Мана, Зартопганга кўчиб боришигаям тўсқинлик қилаётгани йўқ. Фақат ёлғиз қолаётгани ёмон. Лекин у тез-тез хабар олади... Толибжон хаёл билан бўлиб поезд Зартопганга етганини сезмай қолди.

Темир йўл бекатида вагондан бир нечта йўловчилар тушишди. Улар асосан ёш-яланг йигит-қизлар эди. Толибжонга юкҳалтаси оғирлик қилди. Эшик тутқичини ушлаб, бир муддат тушишга чоғланиб туриб қолди. Шу пайт пастдан кимдир қўлини узатди:

– Дўстим, халтангни бер, – деган таниш овоз эшитилди.

Толибжон пастга қараб, кўзларига ишонолмади. Перронда қўлини чўзганича жилмайиб Сервер турарди.

– Ий-е, қандай топдинг?! – деди-ю, суюниб, юкхалтасини узатди.

– Ёрдамлашайми? – Сервер юкхалтани ерга қўйиб, яна қўлини чўзди.

– Раҳмат, ўзим тушаман.

Толибжоннинг оёғи перронга тегар-тегмас тепловоз сакрашга шайланган тойчоқдек узун бир пишқириб, поезд жойидан жилди. Ипга тизилган яшил маржон доналаридек вагонлар шовқин билан ўтиб кетгунича гаплашмай туришди. Бекат бирдан сув сепгандек жимжит бўлиб қолди. Фуражка кийган навбатчи жезл таёғини ўйнатиб, қизил ғиштли бино томонга юрди.

– Кетдик, – деди Сервер юкхалтани елкасига олиб.

– Ўзим кўтарман, – Толибжон ўнғайсизланди.

– Бугунча меҳмонсан, иззатингни жойига қўяйлик, кейин ўзинг кўтараверасан.

Улар кечагина танишган тенгдошлар эмас, эски қадрдонлардек гаплаша бошлашганди. Бундан Толибжоннинг кўнгли кўтарилди. Уйдан чиққанидаги маҳзун кайфият бир зумда тарқаб кетди. Бозор қаршисидан ўтаётганларида мева расталарига қаради. Олма сотувчи қиз кўринмади...

Чорраҳадан ўнгга юриб, кўчани кесиб ўтишди. Бир тавақали таниш дарвозага етганларида Толибжоннинг юраги орзиқди: у мана шу уйда яшайди!

Сервер калит билан дарвозани очди.

– Энди бу уйда сен турасан, марҳамат! – деди.

Толибжон дарвозадан кирди. Кимсасиз ҳовли сокин ва қаровсиз эди. Тонг шабадаси гилос япроқларини шитирлатди. Шапалоқдек-шапалоқдек тўқ яшил ток барглларини чанг қоплабди. Барглар орасида кечки "каттақўрғон" гужумлари кўринди. Ҳовли тўридаги уйнинг эшиги очиқ эди, Толибжон ажабланиб Серверга қаради.

– Сени кутиб олгани чиқаётганимда очиб қўйдим, – тушунтирди Сервер. – Уйга тоза ҳаво кириб турсин, дедим-да.

– Раҳмат.

– Ҳозир чой қўяман.

Улар олдинма-кейин ичкарига киришди. Дераза пардалари очилган, хона тозалаб, тартибга келтириб қўйилганди. Столга чойнак-пиёлалар терилган. Сервер электр плитани ёқди, алюмин човгунда сув қўйди. Толибжон юкхалтасидан иккита патир олди.

– Менга қара, дўстим, бу патир-ку! – Сервер суюниб кетди. – Патир нонни яхши кўраман. Зартопганга келганимизда, болалигимда, поезддан тушган қримлар уч кун темир йўл ёнбошидаги кўчада қолиб кетишган. Бошига сават қўйиб бозорга кетаётган бир хола менга патир кулча берди. Шундай ютоқиб едимки, ҳалиги патир кулчани! Ахир, бир неча кун нон емагандик-да. Мазаси ҳалиям эсимда! Болаликдаги воқеалар хотирага қўрғошиндек қуйилиб қоларкан.

Сервер ўрнидан туриб, чой дамлай бошлади.

– Толибжон, хафа бўлмасанг бир нарсани сўрамоқчиман, – деди дастурхонга келиб ўтираётиб.

– Бемалол, сўрайвер.

– Оёғингга нима қилган? Кеча Николай Семёновичга "автофалокатда бўлган", дегандинг?

– Ҳа, Сервер, автофалокатда ўнг оёғимдан ажралдим. Ўшанда шаҳардаги билим юртида ўқирдим. Қишлоқдан кеч йўлга чиқдим. Қаҳратон қиш, йўл музлама эди. Чорраҳада тўсатдан юк машинаси чиқиб қолди. Биз минган "Москвич" симёғочга урилган. Оёғимни асраб қолишнинг иложи бўлмабди.

– Кечир, эслаш оғирдир?

– Кўникиб кетганман.

– Сени бир кўришдаёқ билганман, ақлли йигитсан. Ҳали катта ишлар қиласан. Бизга ҳам осон бўлмаган. Оғир кунларимизда яхши одамлар ёрдам беришди. Хоҳласанг, ўша воқеаларни айтиб бераман?

– Майли.

Сервер пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, изтиробли ҳикоясини бошлади:

– Асли, Қора денгиз бўйидаги Қримданмиз, – Сервер ўйга чўмиб бироз жим қолди. – Зартопганга уруш пайти, қирқ тўртинчи йилда, май ойининг охирларида олиб келишган. Ўшанда мен олти-етти ёшлардаги бола эдим. Эсимда, эшиги сурилиб очиладиган, ичига сомон тўшалган катта қизил вагонда келганмиз. Вагондан ачимсиқ, бадбўй ҳид келарди. Болалар йиғлаган, хасталар оҳ-воҳ қилиб ётишарди. Тўққиз-ўн кунлик йўл азоби, очлик ҳаммани ҳолдан тойдирган. Бизни темир йўл ёнбошидаги тор кўчага туширишди. Одамлар бир томондан йўл азобидан қутулганларига суюнишса, иккинчи томондан бундан кейинги тақдирларини ўйлаб даҳшатга тушишарди. Уч кун ўша ерда оч-наҳор ётдик. Аниқ билмайману, лекин жуда кўпчилик эдик... Ҳозирги Зартопган бозорининг орқасида совхоз уйлари бўларди. Тўртинчи куни бизни ўша уйларнинг ҳар бирига ўн-ўн беш кишидан қилиб бир амаллаб жойлаштиришди. Биз – онам, синглим ва мен эдик. Отам урушда эди. Узоқ йўлдан кейин ҳеч вақомиз қолмаган, очмиз... Шундай қилиб, Зартопганда яшаб қолдик.

– Мактабга шу ерда борибсан-да?

– Ҳа, Толибжон, мактабга урушдан кейин, қирқ олтинчи йилда бордим. Унгача мактабимиз биносида ҳарбий госпиталь ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида оғир яраланган ҳарбийларни шу госпиталга олиб келишарди. Ҳатто польшалик учувчилар ҳам даволанишган. Жароҳати оғир бўлиб ўлганларни шу ердаги қабристонга дафн қилишган. Ҳозир ҳам Польшадан зиёратчилар келиб туришади. У пайтларда бола эдик, тўдалашиб кун бўйи шаҳарчада югурганимиз югурган эди. – Сервер ширин хотиралардан энтикиб жилмайди. Сўнгра нимадир ёдига тушгандек бирдан жиддийлашди. – Госпиталь олдидан ўтаётганимизда дориларнинг ўткир ҳиди анқиб турарди. Айниқса, ўликхонасидан...

1946 йилда госпитални кўчириб кетишди. Мактаб очилиб, болалар қатнай бошлашди. Кузда мен ҳам биринчи синфга бордим. Ўрис тилида ўқитишарди. Синфдаги ўқувчиларнинг кўпчилиги уруш бўлган жойлардан олиб келинган болалар. Синфга ўттиз беш нафар ўқувчи йиғилди. Турли ёшдаги, катта-кичик болалар битта синф бўлди-да. Улар асосан уруш туфайли ўқиёлмай қолганлар экан. Энг кичигимиз етти ёшда, каттамиз – айтсам ишонмайсан – ўн тўққизга кирган йигит! Нимагадир уни ҳам бизнинг синфга олиб киришди. Ҳали юқори синфлар очилмагани учундир... Ана шу ўн тўққиз яшар ўрис йигити мен билан бир партада ўтирди. У ғалатироқ эди. Қоғоз топса, сурат чизаверарди.

– Нималарни чизарди?

– Шуниси қизиқ-да! У индамас бола эди. Чизган расмлари ҳозиргача эсимда: жарроҳлик хонаси, қўлида арра ушлаган доктор столда ётган одамнинг оёғини кесяпти... Даҳшат-а? Баъзан одам танасидан снаряд парчасини олиб ташлаётган жарроҳни ҳам чизарди... Эсимда, унинг ўнг юзида катта чандиғи бор эди. Аввалги ҳаёти ҳақида сира гапирмасди.

Ҳаммамиз бир синфда ўқиш-ёзишни ўргандик. Сиёҳ йўқ, козоннинг қора қурумини сувда эритиб, сиёҳ тайёрлаб беришарди. Ручка, калам ҳам анқонинг уруғи. Ўқитувчимиз ҳар биримизга перо тарқатди. Перони тол новдасига боғлаб, қора қурумли сиёҳга ботириб ёзганмиз.

Билсанг, ўша даҳшатли уруш йилларида онамнинг уддабуронлиги туфайли синглим иккаламиз омон қолганмиз. Бизни Қримдан бир кечада кўчириб юборишган. Онам қопчиқда ёнғоқ олишга улгурган эканлар. Ёнғоқларнинг остига "Зингер" тикув мошинасининг қулоқ-механизмини жойлабдилар. Бу ерда бир уста қути ясаб, мошинкани ўрнатиб берди. Ойим ана шу "Зингер"да одамларга кийим-кечак тикиб, бизни боқдилар.

У пайтларда қорнимиз тўйиб маза қилганимизни сира эслолмайман. Зартопганда биттагина тегирмон бўлган. Маккажўхорини шу тегирмонда тортиб, унидан зоғора нон ёпиларди. Зоғора нон ширин, лекин, буғдой нон бўлолмайди, кўнгилга уриб қолади. Онам олмақоқини зоғора хамир ўртасига териб, "пирог-нон" ҳам пиширганлар.

Дарсдан бўш пайтларимизда шаҳарчани айланиб юрардик. Темир йўл бекатида иккита сув тортиш миноpаси бор. Пишқириб тўхтаган паровозларга шу миноралардан сув қуйишади. Биз томоша қилгани келардик. Темир йўлда яна битта вазифам бор эди: уйга вагонлардан тўкилган кўмирдан бир пақир териб боришим керак. Кўмир топилмаса, вагон ғилдиракларида қотиб қолган қорамойни қиртишлаб олишга тўғри келарди.

Шаҳарчада бизга ҳеч ким жиддий эътибор бермасди. Фақат бозор ёнбошидидаги чойхона "хавфли ҳудуд" ҳисобланарди. Чойхоначи Қувабек болаларни ёмон кўрарди. "Чўлоқ Қува" дердик уни. Қувабекни бир оёғи калталиги учун урушга олишмаган. Чеҳрасида аллақандай иштибоҳ қотиб қолган, бадбин йигит эди. Чойхонада дастёрлик қилиб, ҳар хил одамларни кўриб катта бўлган-да...

Қувабекларнинг уйи темир йўл ортидаги маҳаллада эди. Уруш тугаган йилнинг ёзида отаси темир йўлдан ўтган-у, йиқилиб қолган. Унга нима бўлганини ҳеч ким билмади. Суриштирувчиси ҳам йўқдир-да. Ҳушсиз чойхоначини уйига кўтариб боришади. Уч-тўрт кун шу аҳволда ётиб, ўзига келмай жони узилади...

– Кўп гапириб юбордим. Сени зериктириб қўймадимми? – Сервер ҳикоясини бўлиб, Толибжоннинг чойдан бўшаган пиёласига чой қуйди. – Мен буларни ҳеч кимга айтмаганман. Бугун эшилиб кетдим.

– Гапинг энг қизиқ жойига келди. Энди охиригача айтмасанг бўлмайди.

Толибжон унга тикилиб ўтириб олди. Сервер гапида давом этди:

– Отасининг сирли ўлимидан кейин чойхона Қувабекка қолди. Бу озғин, чўлоқ йигитнинг ёши йигирма бешларда эди. Қишин-ёзин ранги униқиб, доғланаётган ёғнинг тутунидан ялтираб кетган марғилон нусха дўппи кийиб юрарди. Боши икки томондан сиқиб қўйилгандек чўзинчоқ. Катта-катта, ўкрайган кўзлари одамга еб қўйгудек тикилади. Калта мўйловини дам-бадам қашиб қўядиган одати бор эди. Биз уни кўрганда бир-биримизга қараб бурнимиз остини қашлаб кулаверардик.

Хуллас, биз унга, у бизга ёқмасди. Қувабекнинг болаларни ёқтирмаслигига яна бир сабаб бор. Чўлоқ чойхоначи уйланган бўлсаям хотинбоз эди. Темир йўл бекатида қолиб кетган хотинларни чойхонага бошлаб келаверарди. Болалар уни эрмакка пойлашар, у ҳам қувлик қилиб, билдирмай ташқарига чиқарди-да, пойлоқчиларни хивич ё кесак билан тушириб қоларди.

Ўша йиллари Қувабек бир кўқонлик хотинга эргашиб аллақаёқларга кетиб қолди. Шу-шу уни бошқа кўрмадик.

Отам фронтда эди, уруш тугаган йили бизни топиб, Зартопганга келди. Отам қайтганидан кейин аҳволимиз анча яхшиланди. Синглим билан мен мактабда ўқирдик. Уруш бўлган ерлардан Зартопганга келиб қолган болалар бирин-кетин юртларига қайта бошлашди. Ҳалиги, мен айтган ўн тўққиз ёшли ғалати йигитни ҳам қариндошлари олиб кетишди. Хайрлашаётганида чизган суратларини менга

қолдирди. Уларни ойимга бердим. Ойим суратларни бир-бир кўриб, бошларини чайқадилар, кўзларидан ёш қуйилди. Расмлар укубатли кунларимизни эслатди, чамаси. Уларни ташлаб юбордиларми, олиб қўйдиларми, билмайман.

Уруш ҳақида гап кетса, ойим туғилиб-ўсган қишлоғимизни эслайверадилар. Биз Қримнинг Ялта яқинидаги Месхор қишлоғиданмиз. Қишлоқда Орзиқиз билан қароқчи Алибобо афсонасига ҳайкал ҳам қўйишган. Ойим фавворани, кўзадан сув ичаётган сув парисини кўп гапирадилар. Орзиқиз афсонасини қайта-қайта айтиб ҳам чарчамайдилар.

– Қизиқ афсона бўлса керак? – деди Серверниng ҳикоясини берилиб тинглаётган Толибжон.

– Қизиқ, жуда қизиқ, Толибжон. Айтиб берайми?

– Майли.

– Афсонада айтилишича, денгиз бўйидаги жаннатмакон қишлоғимизнинг қизлари парилардек жуда-жуда гўзал бўлишган. Орзиқиз ана шу гўзалларнинг ҳам гўзали эди! Чеҳраси Қрим тоғларида сузиб юрган булутлардек оппоқ. Лабларини боғларимиздаги қирмизи олчага ўхшатишади. Кўзлари денгиз сувидек яшил-мовий. Юзидаги кулгичлари йигитларнинг жонини олади! Қирғоққа сузиб келган денгизчилар Месхор қизларининг таърифини узоқ-узоқларга олиб кетишар экан. Ўша даврларда денгизда қароқчилар ҳам кўп бўлган дейишади. Кунлардан бирида чўмилаётган қишлоқ қизларини Алибобо деган қароқчи ўғирлаб, кемасида номаълум томонга олиб кетади. Улар орасида гўзал Орзиқиз ҳам бор эди.

Қишлоқ йигитлари ғазаб ўтида ёнишади! Бор кемалари, катта қайиқларини уммонга чиқаришади. Бироқ қанча қидиришса ҳам қизлар кетган кемани топишолмайди.

Қароқчи Алибобо Месхор гўзалларини Туркияга олиб боради. Улар турк хонининг харамида тутқун бўлиб қолишади.

Орадан кунлар, ойлар ўтади. Қизлар йиғлаб-йиғлаб, охири ноилождикдан тақдирга тан беришади. Туғилиб-ўсган қишлоқлари ҳақидаги хотираларини бир-бирларига сўзлаб овунадилар. Фақат бир қиз – гўзал Орзиқиз ўзининг шум тақдири билан келишолмайди. У ҳар куни денгизга узоқ-узоқ термилиб, туғилиб-ўсган қишлоғини ёш бола ўз онасини қўмсагандек зор-зор бўлиб соғинади. Худодан Ватанига қайтиш йўлини ялиниб-ёлвориб сўрайди. Гўзал Орзиқизнинг илтижолари Яратганга етиб боради.

Кунлардан бирида хон харамидаги канизакларни денгизга чўмилгани олиб боришади. Улар орасида гўзал Орзиқиз ҳам бор эди.

Орзиқиз "бу кунимдан ўлганим яхши", дейди-ю, ўзини аждаҳодек тўлқинлари кўпириб турган уммонга ташлайди. Денгиз остига шўнғиб, сув парисига айланади ва туғилган юртига томон сузиб кетади.

Афсонада айтилишича, сув парисига айланган Орзиқиз ҳамон денгизда, Месхор қирғоқларида сузиб юрар эмиш. Ҳамқишлоқлари Орзиқизнинг Ватанига бўлган чексиз муҳаббатига таҳсинлар айтиб, унга ҳайкал ўрнатадилар...

Сервер Орзиқиз ҳақидаги афсонани айтиб бўлди-ю, хаёлга чўмиб қолди:

– Ватан соғинчи шунчалар кучли бўларкан, Толибжон! – деди ниҳоят.

– Туғилган юртингни қўмсайсанми?

Сервер нима дейишини билмасдан иккиланиб, Толибжонга қаради:

– Бу ерга келганимизда мен бола эдим, ўрганиб кетдим. Қишлоғимиз, денгиз бўйларини оз бўлсаям эслайман. Лекин онам, отам юртимизни жуда-жуда

соғинишади. Бу соғинчни сўз билан ифодалаш мушкул, дўстим! Юракни тегирмон тошидек эзади Ватан соғинчи!

Толибжон нима ҳам дерди. Ҳар кимнинг кўнглида бир музтарлик бор. Буни ўзи ҳам билади...

Сервер яна бироз ўтирди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Толибжон кун бўйи уйни, ҳовлини тозалаб, тартибга келтирди. Кечга бориб ўзини бу уйда аввалдан яшаётгандек ҳис қила бошлади.

6

У кун ёйилганда тиниқиб уйғонди. Кечаги чарчоғи тарқаган, бардам, кайфияти яхши эди. Ёғоч оёғини "кийиб", қайишларини тортиб маҳкамлади. Аввалари шундай пайт ногиронлигини ўйлаб юраги сиқиларди. Секин-аста бунга кўникди. Кесилган оёғидаги чандиқлар қадоқлашиб, энди юрганида санчиқлар сезилмасди. Муздек сувда ювиниб, бироз ҳовлини айланди. Унга бу ердаги ҳамма нарса қизиқ туюларди. Янги уйи ўзига ёқди. Томорқани ўт босган, ўтоқ қилиб қўйиш керак. Этакроқда сочилиб ётган шох-шаббаларни йиғиштирса бинойидек ҳовли бўлади. Шуларни режалаштириб, уйга қайтиб кирди. Электр плитага човгумда сув қўйиб, қайнатди. Онаси бериб юборган патир билан нонушта қилди.

Кийиниб, дарвозадан чиққанида кўча гавжумлашиб қолганди. Ғизиллаб у ёқдан бу ёққа машиналар ўтади, одамлар ишга, бозорга шошилади. Йўлка билан кўча ўртасидаги қуюқ баргли садақайрағочларни, рўпарадаги ошхона, уйларни қизиқиб томоша қила бошлади. Зартопгандаги ўзи учун янгилик бўлган манзаралар энтиктирар, айни пайтда буларнинг бари нимаси биландир юрагига яқин эди.

Кўчани кесиб ўтиб, чап томонга юз қадамча юрди. Темир панжарали дарвоза рўпарасида тўхтади. Бу Николай Семёнович айтган мактаб эди. Кеча Сервер узоқдан кўрсатиб, эртага ўзинг бемалол киравер, деб тайинлаган.

Толибжон мактаб ҳовлисига кирганида кимдир кузатаётгандек туюлди. Тўхтаб, атрофни кузатди. Бир-бирига туташган кўҳна бинолар ғалати тарзда катта-катта деразали долон билан бириктирилган. Сервернинг гаплари ёдига тушди: "Уруш йиллари ҳарбий госпиталь бўлгани кўриниб турибди", дея ўйлади.

Катта ҳовлининг чап тарафида алоҳида яна бир бино кўринди. Қўш тавақали эшиги, идораларга хос кенг деразалари ичкарини шамоллатиш учун очиб қўйилган. Остонадаги ёғоч курсида дўппи кийган, оқарган мўйлови икки томонга тақадек осилган қария ўтирибди. Толибжон ўша томонга юрди. Кириш эшигининг пешонасига қизил бўёқда "Ёш техниклар маркази" деб ёзилган катта лавҳ илинганди. Толибжон лавҳга бир қараб қўйдида, қўлини кўксига қўйиб, остонада ўтирган қарияга салом берди.

– Ваалайкум ассалом! Ке, болам? Иш билан келдингми? Ўқитувчига ўхшамайсан? – қария мўйловини силади.

– Суратчиман, амаки.

– Исминг нима?

– Толибжон.

– Мени Қобилжон амаки, деявер.

– Хўп, Қобилжон амаки.

– Ўқувчиларни суратга туширмоқчимисан?

– Фото тўгарагида ишламоқчиман, амаки.

– Унда мактабгамас, бу ёққа, – қоровул очиқ эшикка ишора қилди. – Шокир Исмоиловга учрайсан. Ана, ўзиям келяпти.

Йўлакдан ўрта бўйли, озғин, тепакал одам тез-тез юриб келарди.

– Қобилжон ака, ҳаммаёқ тинчми? – деди у коровул билан саломлашаётиб.

– Тинч, Шокир. Сен билан биз гитлерниям тинчитиб келганмиз-ку, оғайни. Ўзинг қалайсан?

– Яхшиман, ака, зерикмадингизми?

– Сени даврингда шу ерни қўриклаб ўтирибман-да. – У Толибжонга қаради. – Бу йигит суратчиман, деяпти. Ишга кирмоқчи. Яхши йигитга ўхшайди, гаплашиб кўрасанми?

Шокир Исмоилов Толибжон билан қўл бериб сўрашди:

– Албатта гаплашамиз-да, – деди жиддий қилиб. – Қани, юринг-чи, мен билан.

Улар олдинма-кейин очиқ эшикдан ичкарига киришди. Даҳлиз-йўлакдан арраланган ёғоч билан ўткир бўёқ ҳиди келди. Деворлар ганчкорлик, наққошлик буюмлари билан безатилган. Фанер қоқилган шифт мовий рангга бўялган. Ҳар жой-ҳар жойига оқ булутлар тасвири туширилибди. Бу "мовий осмон"га қўлда ясалган, худди ҳақиқийсига ўхшаш катта-кичик самолёт моделлари илинган. Шифтга қарасангиз самолётлар булутли осмонда учаётгандек таассурот қолдиради. Толибжон ўзи биринчи марта кўраётган бу ажойиб манзарага тикилиб туриб қолди.

– Келаверинг, – деди Шокир Исмоилов йўлак тўридаги "Директор" деб ёзилган эшикни очиб.

Толибжон атрофга аланглаб, йўлак тўригача борди-да, унинг ортидан кичик хонага кирди.

– Суратчимисиз? – деди Шокир Исмоилов стол ортидаги ўрнига ўтираркан.

– Билим юртида ўрганганман.

– Кейин-чи? – Шокир Исмоилов синчков-синчков тикилди. – Ука, суриштираётганим оғир ботмасин. Биз болалар билан ишлаймиз. Бунинг учун инсоннинг мана бу ери, – у юрагининг устига қўлини қўйди, – тоза бўлиши керак. Бу сизга тегишли гапмас, лекин нопок кимсалар кам дейсизми? Улар яхшилик, эзгулик нималигини тушунишмайди. Ана шундайлар бола тарбиясига аралашиб қолишига тиш-тирноғим билан қаршиман. Шунинг учун ишга олаётган одамимнинг, биринчи галда, виждони бўлсин дейман.

– Тушунаман, – деди Толибжон.

Шокир Исмоилов девор бўйлаб қатор терилган ўриндиқларга ишора қилди:

– Ўтиринг.

Толибжон ўнг оёғини авайлаб узатиб, четдаги ўриндиққа чўкди. Шу онда ўзи интилган ҳаётга илк қадам қўя бошлаганини англаганди. Бўлаётган ишларнинг бари анчадан буён ўйлаб юрган режалари билан муштарак. Шунинг учун Шокир Исмоиловга кўнглидаги гапларни тўкиб солгиси келди.

Жиддий қиёфали бу одамни отасидек кўриб, бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир айта бошлади. Мухтасар ҳикоясини билим юртида ўқигани, автоҳалокат, Зартопганга қандай келиб қолгани, Серверни учратгани, Николай Семёнович шу ишни тавсия қилгани билан якунлади.

– Кеча Николай Семёнович олдимга кирганди, – деди Шокир Исмоилов уни диққат билан тинглаб. – Сизни ишга олишимни илтимос қилди. Муаллим-да, ҳамма ёшларни ўзининг ўқувчисидек кўради.

Толибжон, раҳбар фикридан қайтиб қоладигандек, дарҳол паспорти, билим юртидан берилган маълумотномани столга қўйди. Шокир Исмоилов ҳужжатларни бир четга сурди:

– Юринг, аввал устахоналаримизни кўрсатай, кейин бир фикрга келармиз.

Улар йўлакка чиқишди. Толибжон кираётганида эътибор бермаган экан, ўнг томондаги эшикка "Авиамоделчилик тўгараги" деб ёзилганди. Шокир Исмоилов ёзлик енгил пинжагининг чўнтагидан бир шода калит чиқариб, эшикни очди.

Олдинма-кейин ичкарига киришди. Устахона анчагина катта эди. Тўғридаги деразаларнинг рўпарасига турли яшил рангга бўялган дастгоҳлар ўрнатилган. Деворга маҳкамланган қулбола ёғоч токчаларга чилангарлик, дурадгорлик асбоблари териб қўйилибди. Столларда ҳали битмаган самолёт моделлари сочилиб ётибди.

– Бу хона авиамоделчилик тўгарагиники, – деди Шокир Исмоилов. – Илҳом деган йигит билан бирга ишлаймиз. Мен уруш йиллари ҳарбий авиацияда механик бўлганман. Кейинчалик самолёт моделларини ясашга қизиқдим. Аввал эрмак, кейин, мана, кўриб турганингиздек, буям касб бўлиб қолди. Бизга қатнаган болалар тайёр уста бўлиб чиқишади.

Шокир Исмоилов тўгаракнинг аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Толибжон самолёт моделларини биринчи кўриши эди. Қизиққанидан ҳар бирини ушлаб, айлантириб томоша қилди.

Кейин яна йўлакка чиқиб, бошқа хонага киришди. Буниси аввалги устахонадан кичикроқ бўлсаям, токчаларда иш асбоблари аввалги хонадагидан ҳам кўп эди. Толибжон столдаги ғаройиб макетга яқин бориб, томоша қила бошлади. Унда бир томони тошлоқ, иккинчи ярми қумли саҳро, баланд-пастликлардан иборат, ердагига ўхшамаган манзара тасвирланганди.

– Бу ой юзасининг кичрайтирилган нусхаси – макети, – тушунтирди Шокир Исмоилов. – Қаранг, ойдаги тошлокларда "одамлар" юришибди. Тўғри, бу ҳозирча хаёл. Аммо яқин келажакда амалга ошиши аниқ! Буни Достон...

Эшик очилиб, гапи оғзида қолди. Хонага чеҳраси кулиб турган, дўппили, ихчам йигит кирди. Аввал Шокир Исмоилов, сўнгра Толибжон билан қуюқ сўрашди.

– Танишинглар, бу йигит Достон Ортиқович, – гапини улаб кетди Шокир Исмоилов. – "Коинот" тўгарагимизнинг раҳбари. Мана шу ой юзасини шогирдлари билан ясашган.

Достон хуштавозелик билан жилмайиб, директорнинг гапини тасдиқлади.

– Толибжон фото тўгарагида ишламоқчи, – Шокир Исмоилов фикрини билмоқчидек Достонга қаради.

– Яхши бўпти-да, Шокир ака, – деди у очиқ чеҳра билан. – Ўқувчилар, "фото тўгараги қачон очилади?", деб ҳар куни сўрашади.

Улар энди уч киши бўлиб яна йўлакка чиқишди. Илиқ қарши олинганидан Толибжоннинг кўнгли кўтарилганди. Шу одамлар билан ишлашни жудаям хоҳларди. "Фото тўгараги" деб ёзилган эшикдан ҳаммалари бирга киришди. Хона анча ғариб экан. Иккита стол, фотойириклаштиргич, кўҳна жавон хонанинг каттагина қисмини эгаллаган. Жиҳозларга чанг ўтириб қолган.

– Бу тўгаракда анчадан буён ҳеч ким ишламайди, – деди Шокир Исмоилов. – Хонани тартибга келтириб оларсиз. Жавонда ишга керакли асбоб-анжомлар бор.

– Мен ёрдам бераман, – деди Достон. – Энди бирга ишлаймиз.

– Ишга оласизми?! – Толибжон ҳаяжонланиб кетди.

– Шу бугундан ишга қабул қилиндим, деб ҳисоблайверинг, – жилмайди Шокир Исмоилов. – Ариза ёзиб берарсиз, буйруқ чиқариб қўяман.

– Шокир ака, Толибжон ҳам ўзимиздан экан, – деди Достон.

Шокир Исмоилов бир гапни айтайми, айтмайми, дея иккиланарди.

– Бизда маош мактабдагидек эмас, камроқ, – деди ниҳоят.

– Менга бўлади, – шошилиб гапирди Толибжон. – Нафақам ҳам бор. – Фақат...

Директор билан Достон ялт этиб унга қарашди.

– Мен... жуда зўр суратчи эмасман. Эплармиканман?..

Улар бараварига кулиб юборишди. Толибжон нима гаплигига тушунолмай ғалати бўлиб қолди.

– Ишга кираётганимда мен ҳам шундай деганман, – тушунтирди Достон. – Макет, модель нималигини умуман билмасдим. Шокир ака ёрдам бердилар, ўрганиб кетдим.

– Ёш техниклар марказига буюк конструкторлар ишга келишмайди, – деди жиддийлашиб директор. – Янгилик яратишга, ижод қилишга қизиққан одам ишлайверади. Шогирдларимиз шундай моделларни ясашадики, буни ўзингиз ҳам кўрдингиз!

– Қачондан иш бошласам бўлади?

– Хоҳласангиз, ҳозирдан. Суратчиликка қизиқадиган ўқувчилар кўп. Яқин қишлоқлардаги мактаблардан ҳам келишади.

Шокир Исмоилов суратчилик хонасининг калитини Толибжонга узатди:

– Хонани тартибга келтиринг. Ёрдам керак бўлса, биз шу ердамиз.

Шокир Исмоилов билан Достон чиқиб кетишди. Толибжон хонада ёлғиз қолди. Столдаги фотойириклаштиргичнинг қопқоғини кўтариб, шиша заррабиндаги чангни артди, чироғини ёқиб-ўчирди. Жавонни очганида кўзлари яшнаб кетди, токчалар суратчилик анжомларига тўла эди. Иккита "ФЭД" русумли фотоаппарат ҳам бор экан. Улардан биттасини олиб, ишлатиб кўрди.

"Бу жавон хазина-ку!", деб қўйди ўзича. Жавонни ёпди-да, хонани тозалашга киришди. Узун супурги билан шифтдаги исларни олди. Фаррош келишини кутиб ўтирмай, полни ҳам ювиб чиқди. Шундан кейин бирров уйига бориб, ўзининг "Фотокор"ини олиб келди. Уни штативга ўрнатиб, бурчакка қўйди. Хонага файз киргандек бўлди. Толибжон бунга қараб завқланди, яна ишга киришди. Анча пайтгача кимёвий эритмалар тайёрлади.

Шу куни тушликни ишхонадаги йигитлар билан бирга қилишди. Тушдан кейин ўқувчилар келиб қолишди. Улар ўн бир-ўн икки ёшли ўғил болалар эди. Устозларига тикила-тикила хонадаги стулларга қалдирғочлардек терилиб ўтириб олишди. Толибжон гапни нимадан бошлашни билолмай бироз каловланди. Кўзлари каттакатта, ёқимтой бола саволга тутиб қолди:

– Ака, сурат олишни ўргатасизми?

– Ўргатаман.

– Шу биланми? – у штативга ўрнатилган "Фотокор"га ишора қилди.

– Шу билан ҳам.

– Суратга тушайли-ик?

"Ишни болаларни суратга туширишдан бошлаш керак, – дея ўйлади Толибжон. – Нимани билсам, шуни ўргатаман. Қолганини Шокир акадан сўраб оларман".

– Майли, юринглар, ҳовлида сурат оламиз, – деди ўрнидан тураётиб.

Болалар бирдан қий-чув кўтариб, ўзларини очиқ эшикка уришди. Толибжон уларнинг ортларидан бироз караб турди-да, фотокамерасини олиб, ҳовлига чиқди.

– Ака, қаерда суратга тушамиз? – бояги бола югуриб олдига келди. Толибжон унинг бошини силади:

– Нечанчида ўқийсан?

– Тўртинчида.

– Исминг нима?

– Иброҳим.

– Иброҳим, болаларни ҳу-ув анави узум ишкомига бошлаб бор.

– Болала-ар, ке-етдик, акамиз кўрсатган жойга-а! – ирғишлаб қийқирди Иброҳим.

Болалар бир-бирларини турта-турта югуриб, узум гужумлари остига туриб олишди. Бироз жанжаллашиб, жой ҳам талашишди.

– Ака, бўладими? – деди Иброҳим шериклари сафга тизилиб олишганда.

– Бўлади. Энди қимирламай турингланг!

Толибжон штативни қулай жойга ўрнатди. Фотокамеранинг очиш тугмасини босганида унинг ҳаракатларини жимгина кузатаётган болалар яна қийқириб юборишди.

– Зўр эка-ан! – деди Иброҳим ҳайрат билан кўзларини катта-катта очиб. – Ака, бизгаям ўргатасизми?!

– Ўргатаман. Фақат ҳозир жим туринглар. Иброҳим, бошингни қимирлатма!

– Хўп бўлади, акажон! – Иброҳим бошини силкитиб, ғоз туриб олди.

Толибжон кора мовут остига шўнғиб, объективни равшанликка созлаётганида болалар яна жонланиб, типирчилай бошлашди.

– Диққат! Бу ёққа қараймиз! – Толибжон чап қўлининг кўрсаттич бармоғини кўтарди. – Ҳозир қушча учиб чиқади!

У тепки тасмасини босди. Иброҳим лабларини қаттиқ қимтиб, объективга тикилиб қолганди...

Толибжон кейинчалик ҳам бу суратни қайта-қайта қўлига олиб, ўйчан тикилиб қоларди. Ўзининг биринчи машғулотини эслаб, энтиккан пайтлари кўп бўлди...

Ўша куни фотопластинкани очирганларидан кейин болалар ўзлари учун биттадан сурат ишлашди. Эритмада тасвир пайдо бўлаётганида завқланиб, ҳаммалари бараварига чувуллаб юборишди.

Давоми бор

Софдил, виждонли кишилар тинчликни сўзда эмас, балки амалда - иш билан, кураш билан ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш кераклигини биладилар

Ғафур ҒУЛОМ

Темур УБАЙДУЛЛО

Етиб келди файзиёб онлар

Изларим

Одимлаб бораман билмасдан тиним,
Олис чўққиларда ҳар вақт кўзларим.
Ортимда қолади узундан-узун,
Гоҳ ёмғир, гоҳ дўлда босган изларим.

Изларим сира ҳам топмайди завол,
Барчанинг кўзида бўлар намоён.
Учириб кетолмас уларни шамол,
Қуюн, тўфонда ҳам қолади омон.

Изларим осмонга талпиниб мудом,
Парвозга интиқдек кўкка шайланар.
Мен юриб бораман, сергак, беором,
Изларим оҳиста қушга айланар.

Бири бойқуш бўлиб айтса магар роз,
Танҳо забунликни алқаб дамодам.
Бири булбул бўлиб сайрар хушовоз,
Ошиқ юракларга қўяди малҳам.

Фақат битта жумбоқ қийнайди мани,
Булбуллари кўпроқ бўлсайди, қани?

Темур УБАЙДУЛЛО – 1948 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Юлдузли маржонлар", "Тонг шавқи", "Ишқ бизга ёрдир", "Соҳибқироннома", "Субҳидамда онам уйғонди" сингари тўпламлари нашр этилган.

Кўз очдим

Яшнасам нур эмган гиёҳдек сара,
Рангларим бўлмасин сиёҳдек қора,
Бўлмасин йўқликдан жигарим пора,
Кўз очдим тонгимдан умидвор бўлиб.

Гўдак кўзларида жаҳон кулсайди,
Оналар меҳрига дунё тўлсайди,
Хиёнат абадий маҳв бўлсайди,
Кўз очдим тонгимдан умидвор бўлиб.

Яхшига яхшилик ёғилсин мудом,
Ёмоннинг бўғзида қотсин ҳар калом,
Қуёшга қўр берсин самимий салом,
Кўз очдим тонгимдан умидвор бўлиб.

Темур, ширин гапинг нон-тузинг бўлсин,
Поклик баҳор бўлсин, гул юзинг бўлсин,
Бугуним умримнинг юлдузи бўлсин,
Кўз очдим тонгимдан умидвор бўлиб.

Иссиқ нон

Йўқлаб меҳмон келса, тузаб дастурхон,
Иссиқ нон ушатиб қўямиз дарҳол.
Шодланақолсин дея, бўлиб чин мезбон,
Сидқидилдан унга тилаймиз иқбол.

Қадимдир, дўстларим бу эзгу одат,
Наслдан-наслга келар бир қасам.
Дўст деб, ҳар тилакни этдик ижобат,
Нондек азиз турар бизда дўст – одам.

Сабабки, бир тишлам нонни Худойим,
Ажр этмиш садоқат, дийдор белгиси.
Ўзбек аёлидан, не ажаб, доим,
Уфурса тандиру иссиқ нон иси.

Дўст одам қаердан келса ҳам агар,
Суюб тотинади иссиқ нонидан.
Тўксон беш чойидан мириқиб ҳўплар,
Роҳатлар туяди жони-жонидан.

Топгани буюрган ҳамиша тўйга,
Ўзбегим, таъзимим сенгадир ҳар он.
Ўзинг сиғмасанг ҳам ижара уйга,
Қувониб-қувониб кутасан меҳмон.

Азизлар, иссиқ нон халқимнинг қалби,
Қўш-қўллаб тутади дўстга доимо.
Иссиқ нон қўлимда боболар каби,
Менга дўст керакдир, келинг, марҳабо!

Она тилим

Гулшандаги гуллардан аъло,
Оҳанглари жаннатул маъво,
Ҳар сўзида минг битта маъно,
Дилга қувват, малҳам доимо,
Яшар жисмим аро жон бўлиб,
Она тилим, чин дармон бўлиб!

Душман этмоқ бўлди сени хор.
Ўтлар аро ёндинг неча бор,
Тупроқларга кўмганда ағёр,
Самандардек тирилдинг такрор,
Ўтдан чиқдинг ёнмас жон бўлиб,
Она тилим, чин полвон бўлиб!

Қошғарийнинг "Девони"да – сен,
Фаробийнинг армонида – сен,
Берунийнинг имконида – сен,
Бободеҳқон ош-нонида – сен,
Зар терасан, Кўрагон бўлиб,
Она тилим, китобхон бўлиб!

Синодайин синчи табибим,
Навоийдек доно ҳабибим,
Сароймулкдек гўзал – Хонбибим,
Жон томирим, ўзинг жон ипим,
Шундоқ яшар давр-даврон бўлиб,
Она тилим чин иймон бўлиб!

"Хамса"ларни булбулдек куйлаб,
Имконингни эл аро сўйлаб,
Истиқлолни яшайсан бўйлаб,
Ҳар йил сени суйиб, тўй-тўйлаб,
Айтсам, мадҳинг бир жаҳон бўлиб,
Она тилим, чин мезбон бўлиб!

Етиб келди файзиёб онлар,
Мақом олдинг, олдинг нишонлар,
Мангу ёрдир сенга имконлар,
Истиқлолга шарафлар, шонлар,
Деймиз ёниб, дил хушхон бўлиб,
Она тилим, бир жаҳон бўлиб.

Гуллар мисол яшнаб тургайсан,
Яшнагайсан, қулф ургайсан,
Мудом хушбахт замон кўргайсан,
Ўзбек ила бирга юргайсан,
Балқ, озод Ўзбекистон бўлиб,
Она тилим, чин достон бўлиб!

Чиноз манзаралари

Яҳё ТОҒА

"Устозга мактублар" туркумидан

1

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

"Чиноз. Янги маҳалла".
Оёғинг тегмай ерга
Уч, укажон, ғирилла:
"Шахсан Абдулла Шерга!"

"Бу мужда Қўрғончадан",
Шогирд исмин хатлади.
Озғинрок дарёчада
Чопар дарё ҳатлади.

Қизлар толбаргак тақсин,
Шафтоли шохин эгсин:
– Нима бўлса ҳам, тақсир,
Хат эгасига тегсин!

"Ассалому алайкум!"
Устоз, соғ-омонмикин?
Ҳақсўз, шеърсуяр мардум
Дардига дармонмикин?

Яҳё ТОҒА – 1957 йилда туғилган. Шоирнинг "Кўклам қалдирғочлари", "Қафасдаги бургут", "Тасалли", "Хотира дарёси", "Ота макон" каби китоблари нашр этилган.

Қуйи Чирчиқдан салом,
Дарё, бозоримиз бир.
Йўл, кўл, хулласи калом:
Масжид, мозоримиз бир.

2

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

Ҳа, Чиноз кўп қадим юрт,
"Лой жанги"н шоҳиди ул.
Энди кўп ғамлар унут,
Шодланар гоҳида ул.

Ёшига ёш қўшилиб,
Бири икки бўлди, ҳай!
Буни қўш дарё билиб,
Баликларга тўлди, ҳай!

Қўшилишар ноз билан
Икки дарди бир дарё.
Фахр этар Чиноз билан
Чирчиқ ила Сирдарё.

Дарёлар – бағри ярим –
Бўйида бозор бўлди.
Бозор бўлди дардларим,
Бир ёр харидор бўлди.

3

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

Чиноз бир эмас, икки,
Тарихи сал ноаён.
Эртами-индин, балки,
Сирлар этилгай баён.

Жуда қадим, аслида,
Кунчиқардаги кўш кент:
Янгиланиш фаслида –
Олмазор, эски Тошкент.

Бири-биридан улуғ
Яна иккита робот:
Қавму қариндош уруғ –
Йўлтушкан, Эшонобод.

Булар – хўжа овуллар,
Диёнати дастида.
Қоқиб келгай довуллар –
Улар ҳақ дин қасдида.

4

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

Чиноз сўзин луғавий
Маъносини эл билар.
Чатиқ, ахир, арабий,
Туркий, форсий белгилар.

Соҳибқиронга боғлиқ
Бир яшиқ тарқаб кетмиш.
Гўё, хон вақтичоғлиқ
Қилмоқ ихтиёр этмиш.

У ёғи ёзгуликмас,
Бир маишат "таҳлил"и.
Хунрезлик, ёвузликмас,
Фаҳшу ваҳшат тафсили.

Бу ҳангома бир қадар
Эл кўнглини доғламиш.
Кент номин қай оқпадар,
Шул "базм"га боғламиш.

Тўқиган бирор дайди,
Ҳақ гапми у ёлғонми?
Айтгали тил бормайди,
Қиз сабабми, ҳоқонми?

Орин сақлаган ғару,
Сотган покдомон гўё.
Билмаганлар вайсару,
Билганлар соқовму ё?

Айтсада қай бечора,
Ғоя қизиқ бағоят.
Юрт номига ишора,
Эрса-да ул ривоят.

Ким ҳақдир, ким ноҳақдир,
Бу кейинги масала.
Тарих – қисматми, тақдир,
Ўзи айлар "ҳалала".

Биз учун сухандоннинг
Самимийлиги муҳим.
Бул улус, бул маконнинг
Қадимийлиги муҳим.

5

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

Гоҳ савдо одамларин
Феъли тор, ҳамёни кенг.
Таъриф этолмам барин,
Хуллас, келинг, балиқ енг.

Сизни сийлар чинозлик,
Солиб қат-қат кўрпача.
Аммо, меҳмоннавозлик
Давом этар "тўрт"гача.

"Тўрт" бўлар-бўлмас, эсиз,
Тугайди "шерикчилик".
Айбга буюрмайсиз,
Бу ёғи тирикчилик.

Эрталабки савдода
Барака бор, биламиз.
Ночор бир иддаода
Хайр-маъзур қиламиз...

6

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

"Буюк ипак йўли"да
Кўр тиккан бу кўрғонга –
Гул тутганча қўлида
Шошар мардум меҳмонга.

Боис, улар қиш ғамин
Ёзда еган аслардир.
Яшнаса она замин,
Созда, деган каслардир.

Қаратғулик этмасин
Бахил одам қўлига.
Ғашга тегиб кетмасин,
Бу гаплар ўз йўлига.

Омон бўлсин қарию
Навқирон ўғлонлари.
Элнинг улуғларию
Валломат инсонлари.

7

Хушманзара жойлари,
Сойлари кўп бу юртнинг.
Қўл етмас ҳумойлари,
Бойлари кўп бу юртнинг.

Довруғи мисли Римча
Шу қадим юрт ҳақида –
Мен ҳам эплаганимча
Ўзим этгум бахшида.

Қолиб кетса-да, магар,
Қатор соҳа, кўп тармоқ...
...Мақсад маълум, ҳамюртлар
Кўнглини сал кўтармоқ.

Мингинчи марта такрор
Этгандай "Ҳафтияк"ни;
Санай олмай баякбор,
Кафтга тираб иякни...

...Қалам сермадим бироз,
Дилда минг истиҳола.
Маъзур тутгайсиз, устоз,
Ағи Сизга ҳавола.

Неъмат АРСЛОН

ОЙ ЖОДУСИ

Новелла

1

Ой – мунгли сайёра.
Муаллиф

Дераза рафида ойнинг нимранг шуъласи. Нимранг: на мовий, на сариқ, ва на оқ. Шундай ҳолатни нимранг деса тўғри бўлармикин? Бу оқшом унинг ёруғида жуда кўп ранглар бордай. Тўлишган ой нурига хос рангни тополмади Ойнисо. "Сутдай ойдин", – шивирлади унинг лаблари. Дарҳақиқат, ҳовли сутдай ойдин. Шу таърифга мойиллик бор қизнинг шуурида. Бошқа бирор таъриф ёки тавсиф мос эмас. Аслида бу момосидан қолган гап. Ой ойдин кечалар деразадан қараб "сутдай ойдин" деб қўярди ва оғир-оғир хўрсинарди кампир. Шундай дерди, хўрсинарди ҳаёлчан тарзда ва гўё иситмоқчи бўлгандек ой шуъласига тутиб турарди қуришган бармоқларини. Шунда кампирнинг исмсиз бармоғидаги мис узукнинг кўзида парчаланиб кетиб хирагина милтирарди самовий шуъла. Дераза рафини силаётгандай ёки унинг ғуборини артаётгандай оҳиста ҳаракатланарди унинг узукли бармоқлари. Энди кампир йўқ, ой шуъласи эса ҳамон ўша-ўша. Сокин, хаёлчан ва мунгли. Нимадандир ўксинаётгандай ва нималарнидир сўзлаб бермоқчидай ва яна қандайдир сирдан – инсон зотига маълум бўлмаган, унинг тасаввурига сиғмайдиган сирдан огоҳ этмоқчидай... Дераза токчасида, хонтахта четида ва хона деворидаги йўл-йўл чизиқлар ҳам худди аввалгидек. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ойнисо учун бу жуда антиқа манзара. Унда қандайдир сир-синоат бор. Момосининг култапўшогини бошига кийиб оларди-да, бу синоатнинг нималигини англашга ҳаракат қиларди қиз. Оддий нақшлар эмас улар. Йўқ, улар оддий нақшлар эмас. Бу нақшлар дераза шишасининг вужуди. Ҳар қандай вужудда эса сир-синоат яширин.

2

Ой тўлиша бошлаган кечалар чироқни ўчириб қўйиб хона деворидан кўз узмай ёлғиз ўтирган қизни тасаввур қилинг энди. Бошида ўша, йўл-йўл кандирдан тикил-

Неъмат АРСЛОН – 1941 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. "Олдинда яна бир кун бор", "Аёл суратига чизгилар", "Бигиз" номли китоблари чоп этилган. "Изтироб фарзанди", "Адам водийси" қиссалари, "Мавҳумот" романи муаллифи.

ган ва мисқолгарди деган матоҳдан астар қўйиб қавилган култапўшок. Унда Ойдиной момонинг оппоқ сочлари қолдирган ажабтовур, қўнғирсиқ ҳид бор. Қизнинг нигоҳида аллақандай хавотир, Ойнинг соҳир шуъласида эса кўз илғамас ҳаракат. Бу ҳаракатда енгиб бўлмас бир куч ва муқаррарлик ва айни пайтда сокинлик ва майинлик ва маҳзунлик, ва яна аллақандай мунг бор. Аслида ҳам Ой – мунгли сайёра. Бирон бир жонзотга, ҳеч бўлмаганда бир тупгина гулга ҳам эга эмас. Қани энди унинг кулранг тупроғида бир тупгина ток ўсса, ток новдасида бир бош қора кишмиш ёки нимранг тойиби бўлса ёки бир бутагина райҳон ҳид таратиб турса! Балки шунинг орзусида соҳир нурлари билан ерни пайпаслар, гиёҳларни, денгиз ва дарё сувларини ўзига тортар... Модомики шундай экан, ер юзидаги одамларни ҳам, бинолар ва дарахтларни ҳам, ҳаттоки қабристонни ва улар қаторида Субҳоннинг қабрини ҳам интиқ бир куч билан ўзига тортаётгани тайин.

Ҳовлида, супа тагида бир туп садарайҳон бор. Агар гул кўп бўлса, биридан бошқасига, ундан яна бошқасига сакрайди нигоҳинг. Нимадир йўқолади, нимадир сусаяда. Қайбирига меҳр қўйиш керак? Кўп гул бу – гулзор, гулзор эса бамисли оломон. Якка ўсган бир туп гул ёлғизлиги билан ва яна танҳолиги билан, Субҳонга ўхшаши билан қизнинг дилига яқин, оломондан эса узоқ.

Тунда ой нурига чўмиб ухлаётган қабристонга қараш... Фақат бир мартагина бунга журъат этганди Ойнисо. Кейин кўп нарсалар ўзгариб кетди. Ва ниҳоят, Субҳон айтиб берган воқеа такрорланди. Дарахт ғўласи устида ёнма-ён ўтиришди улар кунлардан бир кун. Ёз фасли. "Тирч-тирч" этиб сайрайди қорачигирткалар. Узун, қора дирижёрлик либосида улар. "Худди шундай ёз оқшоми эди, – дейди Субҳон. – Ой ойдин, сутдай. Етти... йўқ, тўрт-беш ёшларда эдим чамаси... (Субҳоннинг овозини эшитиши билан машғулотини таққа тўхтатади шу яқин ўртада мусиқа асбобини жўр қилаётган қорачигиртка. Инсон овозига қулоқ тутиб қолади, афтидан) ҳа, б...б-беш ёшларда. Хонанинг ўртасида ётардилар онам. Оқ кўйлакда. Мен қўрқмадим аввал. Онамни қучоқлаб йиғладим. Ўлим ҳақида унчалик тасаввурга эга эмасдим. Хона қоронғи. Ҳар доим бирор нарса устида харҳаша қилганимда бошимни силайдиган қўллар беҳаракат. Нега бундай? Нега меҳрибон онам ҳамма нарсага бефарқ? Ҳеч нарсага тушунмай, шу ҳолатда ухлаб қолибман..."

3

Энди Ойниса хонада ёлғиз. Оҳиста ҳаракатланаётган нур оқими гўё девор сиртидан ниманидир қидираётгандай. Девор сирти лимон рангида, ўртада дафтар катталигида қуроқ кашта. Кашта ўртасида Субҳоннинг сурати. Суратга томон оқади нур. Субҳон эса тобора яқинлашиб келаётган ой шуъласидан кўз узмай бундан уч йил аввал сўзлашни бошлаган қўрқинчли ҳикоясини ҳамон давом эттираётгандай. Онасининг ўлими, тунда беш ёшли боланинг жасад ёнида ёлғиз қолиши, ой оҳиста силжиб келиб оқ кўйлакда ётган жасадни ёритиши... Онанинг қўкрагидан бўйнига томон, ундан иягига, лабларига томон сирғалиб ўтаётган оқ илонга ўхшаш ингичка ва узун ой нури. Жасаднинг кўзлари ҳайратлангандай очиқ. "Ой сутдай ойдин кечалардан ҳозир ҳам қўрқаман. Ой нури кафанни эслатади". Сурат томон тобора яқинлашиб бораётган ой нурига қараб тураркан, Субҳоннинг гапларини эслади ва бутун вужуди билан титраб кетди Ойнисо. Ва ойга қаради, унинг суратга томон бетиним ҳаракатланаётган шуъласидан кўз узиб. Қизиқ бир нарсани – ҳали дунёда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсани кашф этди шунда. Ой юзидаги доғ – осмон малаги Исрофил! Ё парвардигор, нега бир ожиз бандангнинг хаёлига бундай

нарсаларни соласан?! Бир оёғини олдинга қўйиб, иккинчи оёғига таянганча бироз ортга чалқайган кўйи турарди малоика Исрофил. Оғзида қиёмат куни чалинадиган карнай. Исрофил сур тортадиган карнайнинг беҳад катталигини ва бу карнай ҳамма нарсани, ҳатто ер куррасини ҳам ютиб юбориши мумкинлигини эшитганди Ойнисо момосидан. "Исрофил сур тортса қиёмат бўлади". Шундай дер эди момо. Аммо ойнинг бетидаги доғнинг фаришта Исрофилга ўхшашини ҳеч ким айтмаган. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу кашфиёт.

Бора-бора жиддий машғулотга айланди Ойнисонинг ой билан мулоқоти. Балки бу ёлғизликнинг оддий эрмагидан бошқа нарса эмас, дерсиз? Унда нима сабабдан ой нури чизган тасвирларга лупа орқали қарайди қизгина ва дафтарга нималарни ёзиб қўяди? Қўлига паргар ва чизғич олиб само ёритгичидан тўкилаётган ёркин ва хира нур йўлакчалар оралиғини ўлчайди... Рақамлар билан белгиланган дафтар варақларида улар. Бетартиб бир тарзда сочиб ташланган ҳарфлар, турли кўринишдаги белгилар бор.

Кейинчалик – орадан бир неча йил ўтиб, Ойнисо бедарак йўқолгандан кейин унинг эгасиз қолган уйига кўчиб ўтдим. Ва Ойшунос қизнинг тадқиқотларини жиддий тадқиқ этишга киришдим. Ва айтиш мумкинки, сочиб ташланган ҳарфларда ҳамда шаклларда узвийлик борлигини аниқладим. Қадимги дунёнинг улуғ рассоми Леонардо да Винчи ҳеч ким ўқий олмасин деб хатни тескарисига ёзар ва зарурат туғилганда уни ойнага тутиб ўқирди. Ойна барча ўнг нарсаларни чаппасига, ва аксинча тескари нарсаларни ўнгғариб кўрсатади. Ана шундай қайсар ва сирли "жонзот" ойна деганлари. Хуллас, шу воқеа ёдимга тушиб дераза жомларидан иккитасини ўрнидан кўчириб олдим, бор ҳунаримни ишга солиб шиша жом сиртига кумуш эритмаси суртдим ва аввал кулранг бўёқ билан, сўнгра қизил бўёқ билан бўядим. Шишанинг шаффоф вужуди ўзлигидан кечиб тиниқлашди ва ойнага айланди. Ойналарни бир-бирига қаратиб қўйдим. Шунда чексизлик ҳосил бўлди. Дафтарнинг биринчи варағини ўзимга тескари турган ойна сиртига ёпиштирдим, натижада ҳарфлар, белгилар ва шакллару чизгилар чексиз даражада такрорий тасвир зуҳур этди. Аммо бу тажриба кутилган натижани бермади. Дафтар варағидаги барча белгилар ойна сиртида тескари бўлиб кўринарди, холос. Худди шу усулда ой тасвирини ойнага тушириб чексиз даражада ой ҳосил қилишдан ҳам қониқмадим. Алламаҳалгача кўзимга уйқу илинмади. Ухламоқчи ҳам эмасман. Ўйларим чувалашган, уларнинг ҳаммаси бир томонга қараб оқим ҳосил қилган. Бу оқимда ҳаттоки ўзим ҳам сузиб бораётгандайман. Оқим Ойнисога ва унинг ой нури билан ўтказган тажрибаларига бориб урилади. Ва мен болалигимда юз берган бир воқеани эслайман ҳар сафар. Ташқарида, ҳовлининг ўртасида ётардик биз, яъни онам иккаламиз. Супасиз, деворсиз бир чети қишлоқ марказидаги подахонага туташиб кетган ҳовли. Ёз оқшоми, ҳовли сутдай ойдин. Нақ пешонамнинг устида парпираб турган ой гўё шу харобгина қишлоқни ва шу қишлоқнинг харобгина ҳовлисида ётган қўрқоқ бир вужудни, яъни мени қўрқитиш учун кўкка кўтарилгандай. Юрагим тўла ваҳм. Ваҳм вужудимни шу қадар исканжасига олганки, бошимни буришга ва ёнимда ухлаб ётган онамга қарашга ва умуман, қилт этиб қимирлашга қўрқаман. Гўё бутун дунёни қўрқув ўз исканжасига олган. Онамга яқинроқ сурилишни ўйлайман, қўлим билан онамнинг қўлларини ушласам озгина бўлса ҳам юрагимни тўлдирган ваҳмдан қутулардим балки. Афсуски, бундай қилолмайман, бирор туким қилт этса қўрқув мени кўриб қоладигандай. Ана шундай ҳолатда ётарканман, подахонанинг нариги четида, Ўтаган аканинг уйи ортида катта қора тўрт бурчакка кўзим тушди. Шу қора тўртбурчакнинг ўртасида – балки унинг бир четроғидадир – ўша коронғиликдан ҳам қорароқ бир нарса ҳаракатланарди. Антиқа бир тарзда – худди ракс тушаётгандай – ҳаракатланарди ўша қора нарса.

4

Ўшанда гарчи беш-олти ёшларда бўлсамда, бу рақснинг беўхшовлигини ва шу беўхшовлиги билан ғайришуурийлигини англадим. Гоҳ ёйилар, гоҳида йиғилиб бир жойда қўюқ қора бўёқ ҳосил қилар ва гоҳида юқорига томон ўсиб бораётган каби ғайритабиий шаклга кирарди ўша қора нарса. Ой тўлишган ва борлиқ сутдай ойдин бўлса ҳам ёрита олмасди ўша қоронғиликни. Том бўғоти остидан, девор соясидан паноҳ топганди ўша қора рақҳоса. Рақс тушаётган қора туманлик – балки қора қурум десам тўғри келар – назаримда мендан кўзини ўзмаган ҳолда ҳаракат қилар, даҳшатдан бир бўлак кесакка, дарахтнинг кесиб ташланган ғўлачасига айланиб қолган менинг вужудимни ҳам рақсга чорларди, афтидан. Имларди мени... ўшанда бу ўлим рақси эканлигини англамаганман. Аммо мубҳам бир ваҳима шарпаси оғир қанотлари билан ерга киргизиб юбормоқчидек, ёки ётган жойимда маҳв этмоқчидек куч билан босиб турарди мени. Инсон танаси – жон учун қамоқхона. Коинотнинг узоқ бир ҳудудидаги сайёрада яшайдиган жонлар ҳам гуноҳ қиладилар. Шунда гуноҳининг нечоғлиқ оғирлигига қараб бир неча дақиқадан бир неча йил муддатга зиндон жазосига маҳкум этилади жон. Ва муддат тугаши билан вобаста қилинган занжирларни узиб инсон танасини тарк этади ва учиб кетади ўз сайёраси томон. Занжирларни узиб ташларкан, рақс кўринишида намоён бўлади бу жараён. Ана шу жараён эди мен кўриб турган ҳолат.

Ҳаммаси маълум бўлди эрталаб. Одамлар тўпланишди саҳарданоқ. Тушириб олишди том бўғоти остида осилганча оҳиста тебраниб турган жасадини.. Ўн етти ёшли бу қиз нима сабабдан осди ўзини? Турли фикрлар айтишарди одамлар, аммо мен ҳали уларнинг фикрини тушуниш даражасида эмасдим, ёш эдим. Тунда бўлган мудҳиш воқеани кўрганлигимни ҳам айтолмадим. Одамлардан, жасаддан ва бошқа ҳамма нарсадан қўрқиб турардим. Ойнисанинг дафтаридаги ёзувлар, шакллар ва белгилар кўпроқ ўзига тортарди мени шу воқеани эсласам. Дафтардаги тилсим сирини очишга уринишларим ҳеч қандай самара бермаётган бўлсада, бу машғулотни ташлаб кетишга ўзимда куч тополмадим. Ва унинг хонасида ўтириб ойни кузатар, унинг ҳар бир фазасида рўй берадиган шаклий ўзгаришларни қоғозга туширардим.

5

Август ойининг сўнгги ўн кунлиги. Ой аста-секин тўлишиб бормоқда. Кундузи ҳам кўрдим уни. Нурсиз, бир томони қурт егандай ёки уқувсизлик билан ушатиб олинган нондай. Тикилиб қарагандим шаффофланиб, гўё ортидан қўкимтир тусда кўрингандай бўлди осмон. Ой тўғрисида тадқиқотлар кўп фанда. Бир томони юз даражадан иссиқ, иккинчи бети бир юз ўн даража совуқ. Сирти кулсимон модда билан қопланган, сув ва ҳаво йўқ. Аниқроғи, мутлақо ҳаёт асари кўринмайди. Ерда юз кило тош босадиган одам ойда... аниғини билмайман, етмиш ва балки олтмиш кило чиқса керак. Бу сайёра айтишларича, ердан кўринганидай нурафшон эмас, балки қорамтир бир сиртга эга, нурни эса қуёшдан олади... Ана шундай тадқиқотлар бор. Америкаликларнинг ойга боргани ва унинг устида ўз оёқлари билан юргани ҳақида ҳам анчагина гаплар бўлгани эсимда, аммо кейинчалик мутлақо ҳаёт асари йўқ бу сайёрадан ерлик тадқиқотчиларнинг кўнгли совигандай. Энди бизни Марс сайёраси қизиқтирмоқда. Қизил сайёра деб ном олган бу осмон ёритгичига унчалик қизиқиш билдирмасди Ойнисо. Қани унинг ўзи? Қани унинг деразам рапини ёритиб турган қизил нури? деди бир оқшом иккаламиз ёлғиз ўтирганимизда. Биз ташқарига

чиқиб осмонга қарадик ва Қизил сайёрани қидирдик. Бизда на телескоп, на бошқа бирон кузатув асбоби бор. Ҳатто оддий дурбин ҳам йўқ. Ҳеч нарсага аниқлик кирита олмадик. Ой ҳали батамом тўлишган бўлмаса-да, парпираб нур сочар ва осмонни кузатишга монелик қиларди. Ўшанда билмасдим бу кизнинг ой нуридан қўрқишини ва айни пайтда унга қизиқишини. Ўша оқшом унинг Ойшунослигига доир баъзи бир белгилар намоён бўлди. Улардан айримларини мен кейинчалик кузатув дафтаримга ёзиб қўйдим. Биз супа четида ёнма-ён ўтирардик. Осмон ёритгичлари тўғрисида билганларимни унга сўзлаб берарканман, анчадан бери унинг сукут сақлаб тургани ва менинг гапларимни умуман эшитмаётганини пайқаб қолдим. Ойга қараганча қотиб турарди у. Ихтиёри ўзида эмас, хаёли ҳам. Бироз энгашиб унинг кўзларига қарадим. Кейин рўпарасига ўтиб ерда чўнқайдим. Унинг ҳолати ўзгармади. Мени унутганди афтидан. Кўкси тез-тез кўтарилиб тушаётганига қараб нафас олиши тезлашгани ва юраги ҳам қафасдаги кабутардай патирлаётганини англадим. Ва яна кўзларига тикилдим. Унинг нигоҳида қотиб қолганди ой шуъласи. Кўзлари атрофида оппоқ Ҳалқа. Кейин ҳаракатга келди ҳалқа ва унинг пастки чети томчи шаклини олди-да, қизнинг кўзларидан оқиб туша бошлади. Қўрқинчли эди бу ҳолат. Ногоҳ болалигимдаги ўша воқеа, том бўғотига ўзини осган қиз билан боғлиқ манзаралар, соялар ўйини ва ўлим ракси кўз ўнгимга келди-ю, қизнинг елкасидан тутиб: "Ойнисо! Ойнисо!" деганча силкилай бошладим. Албатта дарҳол ўзига келди қиз ва оғир хўрсинди. Биз хайрлашдик, аммо уни ташлаб кетгим келмасди. Мана шу супада ётишимни билдирдим. Қаршилик кўрсатмади ва супа устига жой солиб берди. Табиийки, уйқу келмайди бундай паллада. Осмонга тикилганча ётавердим. Ҳа, дарвоқе, кейин билсам, ўша ҳолатда у ой сиртидаги доғни яна такрор малоика Исрофилга ўхшатган ва ўзининг бу кашфиётидан қўрқиб кетган экан. Аммо айтмади буни менга орадан кўп йиллар ўтса ҳам. Қаттиқ сир тутди нима сабабдандир. Балки унинг кашфиёти муқаддас динимизга бориб тақалганини ўйлаб сир сақлашга қарор қилгандир. Унинг тадқиқотлар дафтари бўлмаганда билмаган бўлардим мен ҳам бу сирни.

Ойдиной бедарак йўқолгандан кейин унинг тадқиқотларини ўрганишга киришиб эришган илк муваффақиятим – шу. Аммо осонликча эришмадим бунга. Шартли белгилар воситасида ёзган эди қизгина бу сўзни. Ой ва кун саналаригина ўз ҳолича эди фақат. Худди ўша кунни топдим дафтардан. Мана, 13 август. Йили кўрсатилмаган. Бир йил кутдим. Ва ниҳоят, 13 август кечаси дераза рапига қулайроқ ўрнашиб ўтирганча ишга жиддий киришдим. Олдимда: паргар, жазбар, дафтар ва соат. Лупа ҳам бор албатта. Ой осмонда муаллақ, батамом тўлишган, ярқираб, балқиб, тиниқ тортиб турибди. Деразадан тушиб турган чизиқлар ва улар орасидаги ҳошиялар, ҳошиялардаги оқликдан кўкимтир рангларга томон уйғунлашиб ўтаётган нур дасталари... Дасталар орасидаги қисқа чизиқлар ва нуқталар... Дераза вужудидан тушаётган нурли чизиқлар тагига дафтар варағини тўғрилаб қўйиб секинлик билан шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа томон ҳаракатлантира бошладим. Ва ногоҳ нур ҳошияси қатида "И" ҳарфи ҳосил бўлганини аниқ кўрдим! Деразанинг ғарб томондаги учинчи кўзида тариқ донаси катталигида нуқта борлигини аввал ҳам кўп марта кўрган ва шу нуқта оркали ҳовлига қараб қизиқ-қизиқ ўйинлар қилгандим. Баайни мўъжизанинг ўзи бу нуқтача. Дарахт танасида ҳаракатланиб турадиган улкан кавак ҳосил қила олади. Девор сиртида қават-қават чизиқлардан иборат доира чизади. Ерга тўғрилаб қарасам ер худди аталадай суюлиб менинг бош ҳаракатимга мос айланаверади ўша доиралар. Худди қуюқ аталани қошиқ билан аралаштираётгандай. Шу нуқтача менга иккинчи ҳарфни берди. Дафтарга нуқтанинг ярим ҳолатини туширгандим "С" ҳарфи ҳосил бўлди. Энди менга Ойнисонинг узоқ йил-

лар давомида олиб борган кузатувлари ва кашфиётлари ўз сирини очмоқда! Ва мен қизнинг ички дунёсига томон кириб бормоқдаман. "Исрофил" деган шу сўзни ёзиб қўйиш учун шунчалик машаққат чекиш зарурмиди дея ажабланишингиз табиий. Аввало, шуни айтишим керакки, шу биргина сўз эмас, бир дунё сўз ва жумлалар, яхлит тузилган гаплар, бутун бошли манба ва матлалар бор унинг дафтарларида. Инсон ҳиссиётларининг ранги, шакли ва оҳанглари туширилган сирли белгилар ҳар қандай одамни жозиб куч билан ўзига тортиши табиий. Уларни ўрганишни мен шу сўздан бошладим холос. Чунки, ўтган йили худди шу кечада – яъни 13 август тунида – супа четида ўтириб тўлин ойни кузатишимиз ва қизнинг ғайритабиий ҳолатга тушиб қолиши... тўғрисини айтсам мени бефарқ қолдиролмасди. Унга бўлган муҳаббатим бутун умримни ва ҳаётимни шу қизнинг бахти учун қурбон қилишга даъват этарди. Демакки, унинг ички дунёсини билиш ва шу йўл билан уни англаш мен учун ҳаётий зарур. Ойдинойнинг бедарак йўқолиши-чи!? Эрталаб туриб қарасам Ойдиной уйда йўқ. Ва ҳозиргача бедарак. Қидирув органлари кўп ҳаракатлар қилишди, эълонлар берилди, қизнинг сурати ва бор ташқи қиёфаси ёзилган қоғозлар тарқатилди. Натижа йўқ. Мен эса ҳамма гап унинг ташқи белгиларида эмас, балки ички дунёсида деган фикрдаман. Ҳаттоки Ойнисо ўз ички дунёси ичига кириб яшириниб олган деган фикр ҳам миямга урилиб мени безовта қилади, гоҳи гоҳида. Мана, бир йилдирки, ўзи ёзган белгилар шакллар, чизгилар қатидан излайман уни. Ўша 13 август оқшомидаги ҳолат тилсим калитини қўлимга тутқазган эди. Тўғри, гоҳида узун тунлар уриниб бирор натижага эриша олмаганимда, кузатувларим натижа бермаганда Ойнисонинг дафтарларини бир неча кун давомида қўлга олмаганман ва ҳатто бу кераксиз машғулот деган хулосага келган пайтларим ҳам бўлган. Шундай пайтлар Миср эҳромлари, Тутмос, Тутанхамон, Нефиртити саркофагларидаги ёзувларни ўрганишга бутун умрини ва бор бойлигини сарфлаган олимлар нинг машаққатли меҳнати тасаввуримга келган ва янада куч ва ғайрат билан ишга шўнғиганман.

6

Етти йил ўтди орадан. Энди менга кўп нарса маълум. Энг муҳими, Ойдинойнинг қаердалигини биламан! Токи унинг дарагини топгунимга қадар, аввал унинг мақсадини топдим, яъни нималарга интилганини аниқладим:

Маҳшар гуни гўрам дерам ул сарви қомати,
Шул гуниям гўрунмаса гел гўр қиёмати...

Дафтар муқовасидаги икки мисра шеърни бир неча бор ўқиган бўлсам-да, қилаётган тадқиқотларимга дахлдор эмас деб ўйлагандим. Бир кун оқшом караватда чалқанча ётиб шу икки мисрани бот-бот такрорлардим. Ой шом еган, яъни у осмонга кеч кўтарилади. "Ой шом еган" дейишади бизнинг Мираки томонларда ойнинг бу фазасини. Салгина ғалатироқ, аммо ифода аниқ. Ой шомни емайди бундай қараганда, аммо бирор жиҳатини ҳисобга олгандирки, халқ шундай деган. Хуллас, ой ҳали кўтарилганича йўқ. Хона қоронғи. Мен одатда шам ёки чироқ ёқмай ётишни хуш кўраман. Қоронғида яхши фикрлайман. Мана унинг яна бир натижаси. "Маҳшар гуни..." дедиму нафасим ичимга тушиб кетди. Маҳшар куни нима бўлади? Ҳар бир муслим биладики, маҳшар, яъни қиёмат куни барча ўликлар тирилади. Шунда оға-инилар, ота-она-ю бола-чақалар, севишганлару бу дунёда учрашганлар ва хуллас ҳамма бир-бирини кўришга сазовор бўлади. Модомики шун-

дай экан, Ойнисо ҳам Субҳонни кўради! О, бу қизнинг зукколигини қаранг! Қаранг унинг кичкина косани катта коса тагига яширишини! Нега мен бу мисраларни неча бор такрорлашим ва ҳатто хиргойи қилиб юришимга қарамай, "гўрам дарам" деган сўзлар моҳиятини англамадим. Қиёмат куни уни кўраман деб аниқ айтяпти-ку қизгина. Қувонч ва ўкинчлар аралашиб кетди дилимда. "Ул сарви қомати" деган сўзлар тизими айнан Субҳонга қаратилган. Сирҳдай сипта, қад-қомати ғоят хушбичим эди Субҳоннинг. Кўкраклари кенг. Умровли... шунга қарамай рангпар эди унинг юзи... хаёлчан эди кўзлари. Кулишга, ҳеч бўлмаганда жилмайишга мажбурларди ўзини гоҳида. Туғма шал эди бир қўли... Ва у ҳамиша ғамгин воқеаларни сўзлашга мойиллик билдирарди. Олди-қочди гаплар билан қизнинг кайфиятини кўтаришни ўйламасди афтидан. Ва афтидан, у анчагина кучли психолог эдики, қизнинг қандай суҳбатларга мойиллигини ва бундай суҳбатлар унга нима учун кераклигини тушунарди.

7

Дарвоқе, чалғиб кетибман бироз. 13 август тунида юз берган ҳолат ҳам шу икки мисрада мужассам экан аслида. Малоика Исрофил суратини ой сиртида кўрган Ойнисо, ва балки ўша оқшом тезроқ сур тортишини ва қиёмат қойим бўлишини сўраган ундан. Қизнинг кўзларида ой нурига қоришган илтижо, кўксининг тўлқинланиши, юрак уришидаги кескин ўзгариш ва ёнида мен ўтирганимни ҳам унутиб қўйганлиги фақат елкаларидан тутиб силкилаганим ва отини айтиб овоз берганимдан кейингина ўзига келиши... Субҳонни кўришга бўлган илинж, иштиёқ, тийиқсиз куч... Малоика Исрофил сур тортса, қиёмат юз берса ва ҳамма тирилса ва субҳонни кўрса!.. Бирозгина малол чўкди менинг ярадор дилимга. Мен ҳам севардим бу қизни ахир! Ёнгинасида ўтирган эдим мен. Бирдан бошимни қаттиқ силкиб ўзимга келдим. Ойнисога нисбатан ҳатто хаёлимда ҳам барча туйғулар ойдин ва риёдан холи бўлиши керак. Шу ҳақда андаккина шама қилгандим бир куни унга.

Иккаламиз хиёбон бўйлаб борардик ўша антиқа лаҳзаларда. Бу қиз билан ёнма-ён юришдан бироз фахрланардим. Хиёбоннинг ҳар иккала томонида оқ танли баҳайбат чинорлар. Ҳаммаёқ оппоқ. Учрашиб қолганимизда соат ўн бирга яқинлашиб қолган эди. Мана энди ўн икки ярим. Қор ёғмоқда ҳамон. Чинорлардан сўрайман хаёлан: "Шундай қизни кўрганмисиз ҳеч". Улар жим. Фақат оёқ остида майингина ғижирлайди қор. Унинг киприкларига қўнади қор парчалари... Туйғуларнинг оқлиги тўғрисида бошланган шамадан бошқа фикрлар устунлик қилди ва сўрадим.

– Ўзи мавжуд бўлмаган нарсани севиши мумкинми инсон?

– Мумкин. Бордан йўқ бўлмайди ҳеч нарса. Агар сен Субҳоннинг бедарак йўқолганига шама қилаётган бўлсанг, шуни айтаманки, у бор эди.

– Нотўғри тушундинг, Ойнисо, кўзингни юм, оч, хаёллардан қоч, ва мавжуд борликка қайт. Инсон ниманингдир хаёли билан яшай олмайди. Биз тирик одамлармиз... гапдан тўхтадим. Бироз нотўғри ва мантиққа зид гапираётганимни англаб тилимни тишлаб қолдим. Ёнимда бошқа бирор қиз бўлганда мумкин эди шундай давом эттиришим, аммо Ойнисо... Суҳбатлашиш қийинроқ у билан. Умуман, қиз боланинг ва умуман аёл зотининг ўта ақллиси ва бунинг устига ўта хаёлчани биз эркакларга унчалик ҳам маъқул кўринмайди. Шундай бўлишига қарамасдан Ойнисонинг хаёли билан яшардим мен. Қандайдир мубҳам ва кўзга кўринмас куч таъсирига тушиб қолгандим афтидан. Назаримда ўзга сайёрадан, боринги, ойдан туш-

ган эди бу қиз. Шу гаплардан кейин ишонч билан айтаманки, тадқиқотлар туфайли эришган энг катта натижам уни топганим бўлди. Ойнисо ўз ички дунёсининг ичида! Унинг ички дунёси эса узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари ичида! Тадқиқотлар эса мана шу хонада, дераза рапида ва дафтар ичида.

8

Ана шундай фикр билан ўзимни овутиб юрган кунларнинг бирида дераза токчасида бир туп ёронгул пайдо бўлди. Албондай қизил. Эшик-дераза берк эди, шу туфайли алғов-далғов бўлди кўнглим. Уйнинг калити чўнтагимдалигини ва мен шу калит билан қулфни очиб кирганлигимни аниқ билсам-да, дам қулфга, дам калитга қарар ва ҳатто чўнтагимни ҳам пайпаслаб кўярдим. Гулга қарайман, дераза токчасида, сопол гултувак ичида яшнаб турибди. Барглари худди қалдирғочкулчаникига ўхшаш. Четлари яшил, ўртасида қўнғиртоб парраксимон ҳошия. Унга яқинроқ боришга журъатим етмай, хона ўртасида туриб қолдим.

– Чиройлими?..

Чўчиб ўзимни эшикка урдим. Ва остона ҳатлаётиб ортимга қарашга улгурдим. Хона бурчагида мутлақо бегона бир аёл! Нигоҳларимиз тўқнашди.

– Қўрқма, Султон Остон, сенга зиён еткизмайман.

– Кимсиз? – сўрадим овозим титраб унинг оппоқ сочларига қарарканман.

– Дўстингман.

– Исмингиз ким? Сизни танимаяпман.

– Ойшуносман.

– Ойшунос?!

Лабининг бир четгинаси билан жилмайди аёл ва гўё сочларининг оқлигига ишора қилгандек қўллари билан чеккасидаги толаларни силаб қўйди. Ўз ҳаракатимдан ўзим хижолат чекиб ичкарига кирдим.

– Олиб келдим ниҳоят шу гулни.

Нима сабабдан “ниҳоят” деётганига ақлим етмади. Ҳамма жойда борку ахир ёронгуллар. Ойдан олиб тушмагандир уни. Менга қолса, ёронгулларга нисбатан цикламинлар жозибадор ва камёб... Савол назари билан қараб турарди аёл шу боис ёндош фикрлардан чекиниб хотиржам тортдим ва сўрадим:

– Ойшунос... бу исмингизми ёки касбингизми?

– Исмим ҳам, касбим ҳам, – унинг овозидаги айрим товушлар танишдай туюлиб яна сўрадим:

– Сиз Ойнисо деган қизни танимасмидингиз мабодо?

Ниманидир эслашга уринаётгандай бироз жим қолди аёл. Тикилиб турди кўзларимга бир муддат. Агар бу аёл Ойнисонинг ўзи бўлса, унинг ёши ҳозир йигирма тўққизда бўлиши керак. Шундай бўлгач сочлари... Аёл яна бармоқларини чеккасига қўйди. Кафти билан сочларининг оқини бекитмоқчидек туюлди менга. Ва шу ҳолатини ўзгартирмаган кўйи боши билан дераза томонга ишора қилди.

– Шу гулни олиб келдим...

– Миннатдорман. Жуда чиройли экан.

– Менга шу гулнинг сурати керак. Фақат қоғозга чизма, мана бунга чиз. Аёлнинг қўлида дераза шишасига ўхшаш аллақандай нарса турарди. Сира кўрмагандим бундай антиқа матони.

– Қачонга керак? – сўрадим кўзимни унинг қўлидаги нарсадан узмай.

– Фурсатингга қара, мен уч кундан кейин қайтаман.

– Дарвоқе, мен уйда бўлмасамчи ўша куни? Бу саволни беришдан мақсадим унинг уйга қандай кирганини аниқлаш эди.

– Менда уйнинг калити бор, деди аёл хотиржам тарзда.

– Ойнисо берганмиди сизга? Ҳамон унинг шахсини аниқлашга уринаётганимни тушунди аёл.

– Ўша қиз сени севарди, – деди бироз маҳзун тортиб. Ва яна гулга ишора қилди. Аммо ҳеч нарса демасдан хона деворларига кўз югуртириб чиқди-да, токчада турган култапўшокни қўлига олди.

– Баъзан сиз буни кийиб ўтирардингиз, – дедим тавакқал қилиб.

Оғир хўрсинди аёл. Култапушокнинг сиртини силади бармоқлари билан. Юзига яқин олиб борди. Менимча, ҳидлаб кўрмоқчи бўлди. Балки ҳидлагандир ҳам... Кейин у шарпасиз қадамлар билан эшик томон юрди. Қўлида култапўшок. Журъатим етмади бирор нарса дейишга. Эшик ёпилди.

9

Агар эътибор қилган бўлсангиз, мамлакатнинг энг номдор ресторанлари ва боббрў корхоналарининг фойелари ва залларини безаб турибди мен чизган портретлар ва натюрмортлар. Ёронгулни чизишга ҳам ишонч ва иштиёқ билан киришдим. Ван Гог услубида танладим рангларни. Фикр ва туйғуларимни эркин қўйдим, эркин қўйдим қўл ва оёқларимни. Қўлимга мўйқаламни олар канам, инсон ва коинотнинг, микро ва макро оламнинг бир бутунлиги тўғрисида улуғ Винсент синглисига ёзган хатини эсладим. Ва айни пайтда бу улуғ рассомнинг "Дунёга келаркансан, сен биргасан осмон билан, қуёш билан, ой билан ва учаётган булутлар билан" дея хиргойи қилганча ўзининг машҳур асари "Ток навдаси"ни чизаётган ҳолатига киришга ҳаракат қилдим. Ўзига хос бундай имитация жуда зарур эди менинг айни дамдаги руҳиятимга. Неча йилдирки, сурат чизишни ташлаб қўйган бўлсам-да, (тадқиқотлар туфайли) ёронгул кўнгилдагидек чиқди. Қийин бўлди албатта нималиги номаълум холстда сурат чизиш. Аслида уни холст деб ҳам бўлмасди, мен шартли равишда шундай номлаяпман. Матоҳ сирти худди кўкимтир кукун сепилгандай бироз дағал аммо зеҳн солиб карасангиз шу дағаллик остида бошқа бир қават борлигини ва бу қават нурга, аниқроғи ой шуъласига ўхшашини пайқайсиз. Худди сувдай килкиб турганга ўхшайди бу нур деганим. Унинг остида яна бир қават бўлиб, бу қават осмон рангини эслатади. Хуллас, "Ёронгул" тайёр. Мўйқаламни латта билан артиб шиша идишдаги суюқликка солиб қўяётиб остонада Ойшунос турганини кўрдим. Бу пайтда қорамтир қанотларини секинлик билан ёймоқда эди куз оқшоми ва деразамда уфқ шафағининг ёқтиси титраб турарди ҳали. Титроқ шафақ ёронгул япроқларини сиртдан ёритар ва назаримда гулбарглар чўғдек яшнамоқда ва кўзга кўринмас нур эпкини таъсирида титраб ҳам турарди бирозгина. Чироқни ёқишга шошилдим. "Ёқманг". Энди аёл мени сизлар ва аввалгидан майинроқ муомала қиларди.

– Ёқманг, бу лаҳза узоққа чўзилмайди, мен ёронгулнинг шу ҳолатини кўриб қолмоқчиман.

– Хоҳишингиз...

– Кейин уни эгасига топширамиз.

Унинг сирли гаплари бироз меъдамга теккани сабабли эътироз билдирмадим ва гулнинг эгаси кимлигини ҳам сўрамадим. Унинг имоси билан дераза тагига тўшаб қўйилган кўрпачага ёнма-ён ўтирдик. Худди бундан етти йил муқаддам 13 август

оқшоми тўлин ойга қараб ўтирганимиздай. Кейин у катта лаганда намакопли сув келтиришимни сўради. Лаганни дераза токчасига жойлаштирди-да, суратни сув устига қўйди. "Жоду қилишга ҳозирлик кўраётган сеҳргарнинг ҳаракатлари..." Шундай фикр ўтди хаёлимдан. Кейин биз ташқарига чиқиб эшикни қулфладик ва тунги чироқлари парпираб турган шаҳар томон йўл олдик. Унинг истаги билан бўлди буларнинг ҳаммаси. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига етганимизда емакхонага таклиф этдим уни. Бу таклифга ҳеч қандай муносабат билдирмади. Индамай кетаверди. Мен ҳам эргашдим ортидан. Ҳадемай ой нурига чўлғаниб ётган кенг адир намоён бўлди рўпарамизда.

– Шу ерда хайрлашамиз...

Оғир, жуда оғир бир мунг ва ҳорғинлик бор эди унинг овозида. Узоқ уфқдан узмасди нигоҳини.

– Сурат-чи? – дедим ранжиган қиёфада.

– Сурат эгасига топширилди...

Хайрлашув олдидан менга қарар ва яна бирор сўз айтар деб ўйлаган эдим. Йўқ нигоҳини уфқдан узмаган кўйи ерга тўшалиб ётган ой нури устига оҳиста қадам қўйди. Биз юриб келган йўллар ҳам ой нурлари билан чароғон эди аслида, аммо бу ерда унинг ҳаракатлари қандайдир бошқачароқ тус олди. Худди автобус зинасидан чиқаётгандай, ёки платформадан метро поездига ўтаётгандай кескин бир интилиш билан адир четига қадам қўйди. Нимагадир қоқиниб кетди деган хаёлга бориб, уни йиқилишдан сақлаб қолмоқчи бўлгандек беихтиёр қўлларимни чўзидим. Ҳавода муаллақ осилиб қолди менинг қўлларим. Шунда ажабтовур бир ҳолат рўй берди менинг кўз ўнгимда. Аёлнинг эгнидаги оқ шоҳи кўйлаги оппоқ сочлари устига беҳисоб нур толалари ёғилаётганини, бошқа бир бўлак ингичка ва нозик нурлар оқими эса унинг атрофидан айланиб ва гоҳида юқоридан пастга ва пастдан юқорига томон ҳаракатланиб тобора қалинлашиб ва қуюқлашиб бораётганини, нурларнинг бу антиқа ҳаракатидан қандайдир сутранг матоҳ тўқилаётганини кўриб турардим. Кўзга кўринмас моҳир тўқувчи ишга солмоқда эди бор санъатини. Гўёки Арахнанинг ўзи тўқимоқда эди бу матоҳни. Ниҳоят, енги, этаги ва ёқаси йўқ бир либос ичида қолди Ойшунос. Кўзларимга ишонмас ва наҳотки шу кўриб турганларим ҳақиқат бўлса дея сирли манзара кашф этган бепоён адирдан ва Ойшунос атрофида тобора қуюқлашиб, уни ўраб-чирмаб олганча, борган сари узоқлашиб кетаётган нурлар оқимидан кўз узолмай турардим. Ой нурларига қўшилиб, унинг соҳир қаватларига сингиб тобора узоқлашиб борарди бу шаффоф издиҳом.

Ғира-шира тонг ота бошлаганди уйга қайтганимда. Кучли бир ҳорғинлик бутун вужудимни тўшакка томон тортаётган бўлса-да, дераза олдига бориб ерга чўккаладим ва сув килкиб турган лаганга қарадим. Эвоҳ, ҳалиги холст ҳам, мен чизган сурат ҳам йўқ эди унинг ичида! Фақат бироз қуюқлашибди сув. Унинг сиртида эса турли рангдаги бўёқларнинг билинар-билинмас излари...

Ерга мук тушганча Ойнисонинг дафтарларини титкилай кетдим. Мана, муқовасига макрокосм белгиси чизилган дафтар. Мана, дафтарнинг энг сўнгги саҳифаси, ва мана ўша мен излаган ёзув:

"Ой – мунгли сайёра. Туни билан ерни ёритади ой, силаб-сийпалайди уни нурлари билан, ниманидир излайди ва нималарнидир сўрайди. Ўзига тортади ҳамма нарсани: дарахтларни, гулларни, одамларни, денгизу дарёларни ва ҳаттоки қабрларни ҳам... Қани энди шу мунгли сайёрага бир тутгина ёронгул совға қилсам!.."



Мен сенинг ёнингдан кетмасман нари

Асад АСИЛ

* * *

Кун ортидан кунлар кетиб борадир,
Оҳ, йил ўтар не-не баҳор, ёз билан.
Ҳатто хазон фасли кетиб борадир,
Кўпдан бери кўришмадик сиз билан.

Қўзи-улоқ боқиб юрган қизгина,
Ул кезларга қайтиб бўлмас сўз билан.
Бойғалчалар тақиб юрган қизгина
Кўпдан бери кўришмадик сиз билан.

Кўз ўнгимдан қандай ўчсин ул дамлар,
Кўрмагандай ўтардингиз ноз билан.
Гапирмасин, дермидингиз, одамлар,
Кўпдан бери кўришмадик сиз билан.

Айтолмайин юрагимда боримни
Кеча-кундуз ҳамдам эдим соз билан.
Ўтар бўлдим овунч этиб торимни,
Кўпдан бери кўришмадик сиз билан.

Висол чоғин кута-кута адоман,
Жиндай умид, қилча илинж биз билан.
Куйганларнинг фарёдиман, гадоман,
Кўпдан бери кўришмадик сиз билан.

На иложки, гуноҳкормиз, бандамиз,
Ҳамон хаёл ўша гўзал қиз билан.
Ул манзилга етолмай армондамиз
Қай маконда кўришгаймиз сиз билан?

Асад АСИЛ – 1941 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ), Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг "Лочин", "Тоғликлар", "Алқор, нега кўзинг тўла ёш?", "Чирогим, мен Сидқийман – Хандақлиқийман" каби китоблари чоп этилган.

* * *

Сочларим қайтадан қорайса,
Юздаги чизиқлар торайса.
Мен шуни Худодан сўрардим,
Чунки сен жилмайиб қарайсан.

Фарзандлар камолга етсалар,
Тўй кўрсак, дўст-ёрон бўлса жам,
Қалбларда қолмаса ҳеч алам,
Бахтимиз бағрида яйрайсан.

Ортда қолса нохуш, хуш дамим,
Ҳилолдай қайрилса тик таним.
Илинжим бир томчи сув маним,
Шу кезда кунимга ярайсан.

Ўзимча айтмадим мен фақат,
Ким шунга эришса, саодат,
Ҳаётинг сўнггида, эй Асад,
Тангридан бу бахтни тилайсан.

Манзара

Қиш ётарди писиб ой-ойлаб,
Бир кун босиб тушди бирдан пайт пойлаб.

Қиру тоғда, боғу роғда қизғин жанг,
Куз жилворди, бўлиб қолгач ҳоли танг.

Оқ момиққа ўраб олди ўлжасин,
Қор босибди ҳатто шаҳар кўчасин.

Асад Асил таниқли ёзувчи, публицист, толмас тадқиқотчи, кўплаб китоблари билан халқимиз меҳрини қозонган табаррук ёшдаги ижодкорларимиздан. Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра "Дўстлик" ордени билан мукофотлангани адибнинг барча мухлислари қатори таҳририятимиз жамоасини ҳам беҳад мамнун этди.

Яқинда у киши таҳририятимизга бир даста шеър кўтариб келди. "Киши кексайгани сари дили юмшаб, шеъриятга мойил бўлиб қоларкан. Кейинги пайтларда шеър ёзишга рағбатим ортиб бормоқда. Лозим топсангизлар журнал саҳифаларида фойдаланарсизлар", – деб шеърларини қолдириб кетди. Устоз ижодкорни олий даражадаги эътибор билан чин дилдан қутлаб, шеърларидан бир туркумини сиз азизлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ

Зафар завқи қишни мағрур этган чоғ,
Тўрт томонга кучи тарқаб кетган чоғ,

Пистирмадан чиқди баҳор лашкари –
Исиб кетди хона, ҳатто ташқари.

Увададек қора булут елади,
Кўз очирмай қорни саваб келади.

Қўклам отлиғ баҳодирдан тап тортиб,
Қочиб қолди қиш ҳам кўчини ортиб.

* * *

Мен сени эркалай, эркам, умрбод,
Кафтимда кўтариб тоғлардан ўтай.
Амрингга шунчалар тайёрми ҳеч зот,
Тила тилагингни, садағанг кетай?

Мен сени қошимдан силжитмасман ҳеч,
Минг йил шундай кечсин, кечган каби дард.
Қошу қабоғингга боқиб эрта-кеч,
Гулдек баданингга юқтирмайин гард.

Мен сенинг ёнингдан кетмасман нари,
Куну тун тегрангда парвонанг бўлай.
Ўзимдан ўргансин ошиқлар бари,
Зорланиб юрмасин сира, ўргилай.

Мен сени... айта қол, не тилайсан, ёр?
Сиз ҳам сўранг, дединг, битта илтимос?
Жоним, деб шивирла, кейин яса дор,
Сочинг сиртмоқ айлаб, ўша дорга ос!

Учраштирар бизни хаёлот

Ашурали БОЙМУРОД

* * *

Юрак чақнар яшиндек,
Садо берар гулдурак.
Сўзлар қуйилар селдек,
Шеърга айланар юрак.

Чақнаб тургин юрагим,
Сендан шуни сўрайман.
Билки, сени боринғча
Лолазорга ўрайман.

Иқрор

Тошни ёриб чиқди қонли муҳаббат,
Бир оташ қўйнига билмай кирибман.
Лолажон, ўзингдан сўрайман шафқат,
Осмондек бошимни эгиб турибман.

Баҳорда кийганим қизил либоссан,
Кўксимга ўйилган минг бир нолалар.
Мен каби мунглисан, дилимга моссан,
Кўнглимдан ранг олган ўтлуғ лолалар.

Барисин унутдим, тоғларга кетдим,
Чўққилар шиддатин олмасам бўлмас.
Қояга чиқдиму сўнг англаб етдим,
Лаҳза умрим учун ёнмасам бўлмас.

Ашурали БОЙМУРОД – 1957 йилда туғилган. Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Шоирнинг "Садоқат", "Соғинч", "Мирзо Бобур", "Меҳр", "Онагинам" каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари нашр этилган.

Тожмаҳал

Сени тинглаб, сен томон, мен ҳам бир бор юзландим,
Ҳинд холингга муносиб сўз топай деб изландим,
Бобурийлар қалбидан олгандирсан андоза.

О, Ҳиндистон, дунёнинг мўъжизаси бағрингда,
Пешонангда буюклар муҳрин босган бир зарҳал.
Мафтун бўлиб тургандим, меҳмон бўлиб шаҳрингда,
Юрагимда сен учун қурдим янги Тожмаҳал!

Онажон

Баҳор келди. Қабрингизда гул,
Қабристон ҳам уйғонар буткул,
Дийдорингиз соғинган кўнгил,
Жон киритиб танга ногаҳон,
Тушларимга киринг, онажон!

Эртак айтинг ё куйланг алла,
Соғинч ҳисси жўш урган палла,
У дунёдан таралсин ялла,
Бола бўлиб қолай бир замон,
Тушларимга киринг, онажон!

Тўй ҳам қилиб ўтиринг, майли,
Қизларимнинг сочларин ўринг,
Уйғонмайин шу бахт туфайли,
Тунга сиғсин мен кўрган жаҳон,
Тушларимга киринг, онажон!

Энди, юриб бўлмайди ортга,
Армонларни сурай бир четга,
Ўзим тушиб қолганман ўтга,
Ўзим гулхан, ўзим ҳаяжон,
Тушларимга киринг, онажон!

Учраштирар бизни хаёлот,
Жоним ичра кезар буюк зот,
Сизни қайта топгандек, ҳайҳот,
Дуогўйим бўлиб ҳар қачон,
Тушларимга киринг, онажон!

Дил чандиғи ўша айрилиқ,
Болалигим олис мозийдан,
Маъюс боқар ортга қайрилиб,
Шод бўлсин деб бир бор болажон,
Тушларимга киринг, онажон!

"Бу боғлар"

"Бу боғлар, бир боғлар бўлади ҳали",
Яшил дарахтларга бурканар шаҳар.
Унинг тароватин, ҳуснин кўргали,
Ой ҳам кетолмасдан қоларкан саҳар.

Уялиб қоларкан куз ҳам сарғайиб,
Яшил либосини ечиб афсусдан.
Меваси тўкилган дарахт қартайиб,
Қайта ёшаришни сўрар кеч куздан.

* * *

Юрагингни кенг қил, азизам
Тор айласанг, қийин ўзингга,
Сен дунёни борича севсанг,
Ой, қуёшни сиғдир кўзингга.

Сиғдиради дарё, уммонни,
Ўҳшар гўё чексиз йўлакка.
Сиғдирса-да, бутун осмонни
Баъзан қил ҳам сиғмас юракка.

Юрак ўзи турфа бир ҳолат,
Ўзгарувчан инсон наслида.
Тор келганда қилгаймиз тоқат,
Чексизлик ҳам юрак аслида.

Кўтаролмас гоҳида гапни,
Ҳар ишгаки, қодир, керагим.
Тоғдайин зил улкан бир дардни
Кўтармоқда муштдек юрагим.

Янги кошона

Ой етаклаб юлдузларини
Ерга қўнди, эмас афсона.
Ердан топди илдизларини,
Қутлуғ бўлсин янги кошона.

Юксаклик ҳам англади пойин,
Илму адаб шундан нишона.
Ой, юлдузлар топди ўз жойин,
Қутлуғ бўлсин янги кошона!

Таржимонга

Ҳар кимнинг ўз дарди ўзига аён,
Бировнинг ичида биров чин ёнмас.
Ўз дардин ўзидек этолмас баён,
Навоий тилида сўзлаш осонмас.

Тилингни топдиму қийнар муаммо,
Кўнглинг чизгиларин била олмадим.
Тилингни тилимга ўгирдим, аммо
Кўнглингни таржима қила олмадим.

Ношуд таржимонман, балки шундайдир,
Митти машқларимдан топмадим жаранг.
Одатий сўзлар ҳам баъзан қийнайдир,
Ўзбекча йиғлолмас олмону фаранг.

Ажаб саодатдир тилни ўргансак,
Ўзбекча сўзлайди хорижлик шоввоз.
Дунё санамларин васфин ўгирсак,
Ўзбекча Мадонна чиқса, қандай соз.

Тил – миллат кўзгуси, десангиз ҳақсиз,
Навоий тилига боқмангиз ҳайрон.
Ўзбекча гапирар Шекспир шаксиз,
Ўзбекча шеър ўқир Гейнею Байрон.

Қўлимга олдиму ўшанда сездим,
Буюк муҳаббатни ва сўзнинг кучин.
Кўнглинг тўғри бўлсин, аввало, дўстим,
Кўнгилни кўнгилга ўгирмоқ учун.

* * *

Хатоларга қизил қалам урилади,
Қизил билан кўрсатишар хатоларни.
Қизил ёнса, қадам тўхтаб турилади,
Тингланг тўғри юрмоқ учун садоларни.

Бир қавм бор, савоб ундан узилмайди,
Ҳар қадамда ўзи қилгай сўроқларни.
Виждон хато кетса қалам чизилмайди,
Қони бирла ювар экан гуноҳларни...

Шу кунгача ўша сўзни ахтардим

Малика САЛИМОВА

* * *

Нигоҳинг қасрига қамалди қалбим,
О-о, бу нигоҳларда қанчалар қудрат?
Мовий ранг, самовий ҳисга аталдим,
Айт-чи, борми ўзи ўша муҳаббат?

Қасамлар қадрсиз бўлган замонда,
Кўзлар бир-бирига қилса хиёнат.
Нима у?
Дилимда, тилимда ёнган,
Айт-чи, борми ўзи ўша муҳаббат?

Исмидан, жисмидан таралган анбар,
Оллоҳдан инъомми ҳузур-ҳаловат.
Кўнглимиз улғайса осмонлар қадар,
Айт-чи, борми ўзи ўша муҳаббат?

Томоша қилгулик ҳолимиз сарҳуш,
Телба туйғулардан озор, рутубат.
Айт, нега бунчалар кўзларинг хомуш,
Айт-чи, борми ўзи ўша муҳаббат?

Йўқ дема, ўтинчим, фақат, йўқ дема,
Унга ишонмайман демагин фақат.
Ахир, у мен кутган ўша оқ кема,
Чунки мен ўзимман ўша муҳаббат!

Малика САЛИМОВА – 1966 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган. Шоиранинг "Учинчи дунё" китоби нашр этилган.

* * *

Бахт у нима?
Оллоҳдан ҳар тун,
Яна бир тонг тиланмоқликми
Ва уйғониб, қуёш нурига:
"Омонлик!" деб беланмоқликми?

Бахт у нима?
Дастурхонингда
Қўлинг куйиб ушатилган нон.
Ёки қушлар ҳадиксиз учган,
Бизга насиб этган шу осмон.

Бахт у нима?
Бола эмизган
Оналарнинг сийнасида сут.
Ёки ёмғирлари билан сийлаган,
Қиз сочидек қоп-қора булут.

Бахт у нима?
Балки момонинг
Набирасин белаган бешик.
Фаришталар ризқ келтирсин деб,
Тонг-саҳарда очилган эшик.

Бахт у нима?
Хонадонингда
Қирқ кун келин қилган таъзимми?
Ўттиз, эллик, саксон ёшингда
Дўстларингнинг қурган базмими?

Бахт у нима?
Беминнат, ҳалол,
Битта қошиқ ошинг ичганинг.
Соғиндим деб, ҳар замонда бир
Онажонинг келиб қучганинг.

Бахт у нима?
Энг сўнгги дамда,
Калимага келолган тилинг
Ва ўғлингнинг елкаларида
Босиб ўтган охирги йўлинг.

* * *

Бир оғиз сўз дегин. Ўша сўзингдан
Мингта ишқ изҳорин ўқиб олайин.
Гапирмай турсанг ҳам нафасларингдан
Чиройли бир қўшиқ тўқиб олайин.

Менга бир сўз дегин. Ўша сўзингни
Ҳар бир ҳарфида минг товуш бўлсин.
Бахт учун кифоя битта сўзингдан
Менинг кўнглим тўлсин, юрагим тўлсин.

Бир нима десанг-чи. Юз йилдан бери
Кўнглим истар сўзни айтмаган ҳеч ким.
Минглаб ёлғон сўзлар ичида сарсон
Шу кунгача ўша сўзни ахтардим.

Айтсанг-чи, айтақол, лабингдан эмас,
Юрак туб-тубидан чиқсин отилиб.
Токи, мен бу дунё ёлғонларининг
Ёлғонларига кетмай ютилиб.

Бир бора айтсанг бас. Бор-йўғи бир бор...

* * *

Кузнинг сўнгги куни. Охирги куни.
Охирги учрашув мисоли маъюс.
Сендек орқасига бир бор ўгрилмай
Кўз ёшин беркитиб кетаяпти куз.

Сенинг ғурурингдек дарахтлари тик,
Сўнгги сўзларингдек титраган маъсум.
Кузнинг иситолмас қуёши янглиғ,
Ҳазин юзларингда сохта табассум.

Кузнинг сўнгги куни. Охирги висол,
Эртадан соғинчлар фасли бошланар.
Биз-ку йиғламаймиз, фақат совуқдан
Ёноқлар қизариб, кўзлар ёшланар.

Кузга ўхшайдию кетди муҳаббат,
Энди кунларимиз қолади қишга.
Озгина вақт берсанг, озгина фурсат,
Тўйиб юзларингга қараб олишга.

* * *

Кўнглим кўчасида бошланди ёмғир,
Увишган туйғулар паноҳ истайди.
Қанийди ҳолимни кўрса-ю кимдир,
Келиб соябонин очсайди?

Кўнглим кўчасида бошланди ёмғир,
Юрак булут босган тунга ўхшайди.
Қўлида фонусин кўтариб кимдир,
Йўлимни чароғон этиб турсайди.

Кўнглим кўчасида бошланди ёмғир,
Шалаббо уст-бошим, вужуд қақшайди.
Иссиқ уй эшигин очганча кимдир,
Менинг келишимни кутиб турсайди.

Кўнглим кўчасида бошланди ёмғир.

* * *

Деразадан термилар маҳзун
Хаёлларга ошуфта буткул,
Осмонга бўй чўзолмас нечун,
Тувакчада яшаётган гул?

Қучоқлайди аста авайлаб
Заифгина ғунчаларини.
Соғинади тушига кирган
Капалакнинг бўсаларини.

Қани эди у ҳам гул бўлиб,
Эркаланса шамол қўйнида.
Тонгнинг шудринг доначалари
Дурдек тизилсалар бўйнида.

Ёмғир силаб япроқларини,
Камалакни кўрса бир бора.
Қушлар қанот титроқларини
Ҳис қилолмай шўрлик овора.

Қанча ифор, қанча ишқ пинҳон,
Миттигина юракчасида.
Ўзи гуллаб, ўзи тўкилар,
Ўша елим тувакчасида.

Қани эди у ҳам кун келиб,
Таниб кўрса қишнинг қаҳрини.
Сўнг, минг рози тувакка эмас
Она ерга берса бағрини.

Кундан-кунга ранги заъфарон.
Торлик қилиб бормоқда тувак.
Нолишига етгин, эй имкон,
У Ватанга қайтмоғи керак.

* * *

Кел ёнимга, ёнгинамга кел,
Қўлларимни олгин қўлингга.
Юрагимдан соғинч ёғар сел,
Кел ёнимга, юрагимга кел.

Ўзгаман деб, ўртама жоним,
Куйдирмасин ҳижрон, гармсел.
Сенсиз йўқман, номеҳрибоним,
Кел жонимга, ҳаётимга кел.

Гумонларим булутларини
Мехринг қувсин бўлиб шамол, ел.
Қуёшим бўл, осмонинг бўлай,
Васлимга кел, висолимга, кел.

Муҳаммад АЛИ

ҲИНДИСТОН МАЛИКАСИ

(“Рамаяна” эпоси мотивлари асосида)[1]

Учинчи парда

11-кўриниш

Ланка яқинидаги ўрмон. Тепаликдаги Раманинг ўрдугоҳи. Раманинг беадад қўшини ўрмонни тутиб кетган, атрофдан турли тарафдан аскарларнинг шовқин-суронлари, маймунлар чинқириғи, айиқлар наъраси эшитилиб туради. Рама, Лакшман, Сугрива, Ҳанумон. Вибхишон ҳам шу ерда.

Рама

(ўнг томонга, жанг майдонига қараб)

Равананинг лашкари селдай босиб келмакда,
Тоғни ҳам қўпоргудай кўп чираниб елмакда.
Сарлашкарлар таърифин айтиб бер-чи, Вибхишон!

Вибхишон

(майдонга қараб)

Келаётган девсифат, ҳов анов марди майдон,
Минган фили бошини тебратиб бормоқда-ку,
Ўзи ҳам офтобдай нур таратиб бормоқда-ку,
Акомпана ўшадир.
Изма-из борар ботир,
Тутиб олган туғида шер расми балқиб ётир,
Аробада еларкан, қўлида ёй барқ урар,
Мисли Раъдвор қўлида камалакдай ярқирар!
Тағин филнинг дандонин икки тарафга кермиш,
Ғойиб бўлмоқ инъомин Бароҳим унга бермиш.
Бу – Равана ўғлидир, сўйлоқтиш Индражит...

Рама

Ҳов баттол тирандоз-чи, Маҳендра, Астра тахлит

[1] Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Баҳайбат қаддин тутиб аробада турибди,
Улкан ёйин таранглаб душман сари бурибди?

Вибхишон

Бу – машҳур Атикойа. Бундан азамати йўқ.
Қўрқмас, мискўз паҳлавон, кўзлари ёнар чўғ-чўғ.
Қўнғироқли асов фил миниб олганга қара, –
Шу-да, довруғи чиққан довюрак Маҳодара!
Саботу матонатда номи чиққан, наъракор,
Чорпаҳилу гирдиғум, каттакон қурсоғи бор,
Жангларда омади ёр, барқдан ҳам тез учган-чи,
Остида зар абзалли от ўйнатган ўша-чи,
Шиддатли суворийни элда дерлар – Пишача...

Рама

Манови ким – ясанган кимхоб либос ичра ғарқ,
Ой мугузли буқани миниб йўртгувчи тарақ?
Қўлида ўтмас найза, зарҳали қилар ярқ-ярқ,
Қарамай кетаётган орқа-олдига бефарқ?

Вибхишон

Ҳов ановми? Дунёни хор этган худобезор,
Ҳар қайда уни дерлар Тришира ҳукмдор.
Михлари чиқиб турган олмос нақшли чўқмор
Ўйнатиб бош устида келмоқда-ку ғазабкор,
Бу – Никумбҳа, довруғи тилларда достон эрур,
Тутаб ёнар, десангиз, қўлда чўқмори тушкур!
Энди, кўзлари ёнган анов Ўнбошни кўринг,
Худоларга беомон, ракшасга бошни кўринг,
Ланка подшосидир бу, беги шаҳар шу эрур,
Ўшал қаттол Равана, муртад, қайсар шул эрур!

Рама

Рўзи азал битилмиш, қисматда бор – яъни мен
Ўз кўзим-ла кўргумдир қаттол Раванани мен!
Одил қаҳримга учрар, таъзирин ер уввало,
Ситани олиб кочган ўшал ножинс, ҳўл бало!

Барча Рамани олқишлайди.
Саҳна айланади.

Тепаликдаги Равана қароргоҳи. Равана лашкарбошилари билан жанг майдонини кузатмоқда. Жанг шовқин-сурони эшитилиб туради.

Равана

(чап томонга, жанг майдонига қараб, саркардаларидан бирига)

Майдонни кўриб келдинг, айтиб бергин-чи қани,
Қандай таъриф қилурсан, лашкарни-ю Рамани?
Кимдир лашкар бошига Сугриванинг қўйгани,
Ки, биз билан сўғишмоқ истаб кўкрак ургани?

Саркарда

Ҳов анови шавкатли қўшинбоши Ниладир,
Сугрива ҳам Нилани бисёр эъзоз қиладир.
Ана, унда бир маймун Ланка сари боқадир,
Ғазабидан эснаб гоҳ ўрдай оғзин очадир.
Заъфар юнгли Анғада – эшитгансиз уни, а?
Савашмоққа чақирар сиздай шаҳриёрни, ҳа!
Гавдаси ҳам баҳайбат, ташлабон вазмин қадам,
Думи билан ғазабкор урар ерни дам-бадам,
Ҳанумон Рама ёрин бунда кўриб кетганмиш,
Дерлар, шунда Анғада катта хизмат этганмиш.

Равана

(қўли билан кўрсатиб)

Ким экан ул, жангари маймунларга бўлиб бош,
"Ур-ҳо!" деб келаётган Ланкага отмоққа тош?

Саркарда

О, подшоҳим, ўшани илғадингиз, пурвиқор,
Ки, ортидан ғанимлар келар пахмоқ, қуйруқдор
Рамбҳа деган сараскар ёвуз ҳам серитобдир,
Зердастида турфа тус маймунлар беҳисобдир.
Қулоқлари диккайган, эсноқ босган анов-чи,
Ўлимга ҳам тик боқиб, шон-шарафга ундовчи,
Қуйруғини ўйнатиб чўқмор каби беомон,
Маймун тиржаяр ёмон, бу – Шарабҳа паҳлавон!

Равана

Тўхта! Ким ул сарлашкар даврасида сервиқор
Кибр ила кезиб юрган Индрадек улуғвор?

Саркарда

Париятра тоғининг соҳиби ул – Панаса,
Қалдироқсас, ўкирак маймунлар раҳнамоси.
Сиз билан синашмоққа Кротҳана талабгор,
Қўл остида силжийди ҳадсиз қўшин бекарор.
Оқибатин ўйламай Гавайя-чи мағрур, дов,
Ёндамалаб келмоқда ғазабдан ёниб лов-лов...

Саҳна айланади.

Раманинг ўрдугоҳи. Саҳнада ҳеч ким йўқ. Жанг суронлари эшитилиб туради. "Чап қанот олдинга ўтсин!", "Олға! Олға!", "Ёвга ўлим! Ёвга ўлим!" деган ҳайқириқлар янграйди. Бироздан кейин ўнг томондан ҳансираган Рама кириб келади.

Рама

(ёлғиз)

Оҳ, кўрдим узоқдан... укам Лакшман
Писанд қилгани йўқ Индражитни!
Маккор Индражит чидай олмасдан
Лакшманга отди заҳарли найза!
Ва... укам чинордай ерга қулади!

Унгамас, нақ менга тегди-да найза!..
Елиб борай десам, бандман бу ерда,
Равана иниси Кумбҳакорна нақ –
Филдай келганида босиб, қўрқувдан
Титраб қолишибди ҳатто сардорлар!
Аскарлар жон сақлаб қочишиб ҳар ён,
Бўлмиш тумтарақай майдон ичинда.
Икки қўлин уздим икки ўқ билан,
Учинчи ўқ тегди нақ кўкрагига,
Тоғдай қулаб тушди Кумбҳакорна,
Ланка заминига солиб зилзила!

Ҳанумон югуриб киради.

Ҳанумон

(ҳаяжонда)

Лакшман соғайди, у сафда яна!
Қидириб-қидириб зўр табиб топдим,
Тоғда яшайдиган кучли табибни!
Ҳаётбахш гиёҳдан дорулар қилди,
Лакшман шифо топиб, турди оёққа,
Яна кириб кетди жангларга шоввоз!
Индражит ўқидан олган жароҳат –
Ариди! Шодланинг, эй Буюк Рама!

Рама

Яхши хабар учун сенга офарин!
Агар ҳалок бўлса Лакшман тамом
Шаънимга доғ бўлар эди бир умр!
Яъни, қутқарай деб жуфти ҳалолин,
Уканинг умрига зомин бўлди деб,
Иснод гап юрарди элнинг оғзида.
Қандай қайтар эдим Айўдҳияга,
Сумитра кўзига қандай қарардим?..
Қандай бош кўтариб юрардим элда,
Ҳайҳот, нима деган одам бўлардим?..

Лакшман

(кириб келади, ака-ука қучоқлашиб кўришадилар)

Индражит ўқи кўп сирли экан,
Учида бор экан заҳри қотили.
Тегди-ю ўзимни билмай қолибман.
Ўлди, деб ўйлабди мени душманлар...

Рама

Қандай хурсанд этдинг, укажонгинам!
Бошимни кўкларга етказдинг рости!

Ҳанумон

Жуда оғир кечди жанглар майдонда...

Саркарда, аскарлар ҳалок бўлдилар.
Равана ўқига учдилар, афсус.
Рамбҳа-ю Швета, Чанда ва Нила...
Аммо Равана ҳам ўғилсиз қолди,
Лакшман нобуд этди Индражитни!

Рама

(Лакшманга)

Қасос олибдурсан, сенга тасанно!

Лакшман

Кўриб Индражит сўрди ҳайратда:
"Ўлганинг йўқмиди?" Дедим: "Ўлмадим!"
"Боргил, жароҳатинг давола аввал,
Жонингга жабр этма, ўнгла ўзингни!"
Дедим: "Билмасмусен, ярадор йўлбарс
Ғазабдан даҳшатли бўлар баттарроқ!.."
"Кўрдинг-ку, менга тенг кела олмайсан,
Яхшиси, оғангни қошимга юбор,
Қўшаланинг хушбахт шаҳзодасини!
Ўшал мақтанчоқни бир кўриб қўяй!.."
"...Шаҳзода тукига арзимайсан ҳам!
Аввал ука билан ҳисоб-китоб қил!.."
Сўнгра қилич билан уздим бошини,
Шафқат қилмадим ҳеч кўз ёшларига!..

Лакшманни олқишлайдилар.
Саҳна айланади.

Равана қароргоҳи. Саҳнада ҳеч ким йўқ. Жанг суронлари эшитилиб туради. Бироздан кейин чап томондан дарғазаб Равана киради.

Равана

(ёлғиз)

Ҳайҳот, ўлди укам Кумбҳакорна,
Ҳатто яздонлар ҳам қўркарди ундан!
Ишонган тоғимдан айрилиб қолдим!
Энди Индражит – паҳлавон ўғлим,
Ҳайиқиб турарди Индра ҳатто –
Ўттизта яздоннинг соҳиб фармони,
Ўғлим ҳам жувонмарг бўлди майдонда,
Лакшман қиличига беролмади чап,
Мағрур боши оёқ остига тушди!..
О, жасур ўғлимсиз жаҳон менга тор!

(инграйди)

Саркардалардан бири шошилганча кириб келади.

Саркарда

Олампаноҳ рожа! Аҳволимиз танг,
Чап қанот батамом патарот топди,

Ўнг қанот ер билан бўлди чилпарчин,
Босиб келаётир душман аёвсиз,
Уммондай ёпирилар, учи-кети йўқ!..
Олдинроқ, Сарана ер тишлаб қолди,
Дунёдан кўз юмди Тришира ҳам...
Маҳодара оғир яradор эмиш,
Никумбҳа ётармиш ўлар ҳолатда...
Вирупакша бўлса қочиб қолибди...

Равана

(даргазаб у ёқдан-бу ёққа юриб)

Бас!!! Бас! Оғзингни ёп! Латта қўрқоқлар!
Қочишдан бошқани билмас олчоқлар,
Номардлар, пасткашлар, разил аблаҳлар!
Ҳали лашкаримнинг аҳволи шулми?..
Ўзим душманларнинг додин берурман,
Майдонга тушурман, титратиб ерни,
Ер тишлар шубҳасиз Рама, Лакшман!
Кулларин кўкларга совуражакман!
(тўхтаб, ўйланиб)
Битта хотинни деб, юрт хавф остида,
Ажралиб турибман хонумонимдан...
Ўғлим, укам ўлди, не-не саркарда
Нариги дунёга бўлди равона...
Ҳакоратга қолди муштипар синглим...
Бу бадбахт аёлни ўлдира қолай,
Барига, барига – Сита сабабчи!
Ҳозир бораману бошин оламан,
Раҳм-шафқат қилиб ўлтирмайман ҳеч!
Ялиниб ёлворса қарамайман ҳам!

Қилич тутган Равана шиддат билан чиқа бошлайди. Шошилиб келаётган иккинчи саркарда унга рўбарў бўлади.

Иккинчи саркарда

(ҳаприқиб)

Буюк рожа! Рожа! Эй, олампаноҳ!
Бошларга ёғилди балойи офат!
Беадад жангари лашкарни бошлаб,
Бостириб келмоқда Раманинг ўзи!
"Равана! Равана! Майдонга туш!" дер,
Забардаст овози дунёни тутмиш,
Ана, сурони ҳам етди қулоққа,
Ҳали замон келиб қолар бу ёққа!..

Равана

(бақириб)

Нима?.. Келаётир Раманинг ўзи?..
Хо-хо-хо! Келаётир ажали бошлаб!

Келар ўлимига ўзи юзма-юз!
Ака-укаларнинг жазосини берай,
Иккисин жўнатай нарги дунёга!
Кейин ўлдираман Ситани бўлса!
Эҳ-ей, саркардалар! Аробам шайланг!
Найза, қиличимни белимга бойланг!
Қўлимга тутқазинг зилдай чўкморим,
Ёвни ер тишлатиб, ёзай хуморим!

Тез чиқиб кетадилар.
Саҳна айланади.

Жанг майдони. Суронлар кўкни қоплайди. Чап томондан бир неча саркардалар кузатувида мағрур Равана кириб келади. Ўнг томонда Рама пайдо бўлади. Лакшман, Ҳанумон, Сугрива, Вибхишонлар кириб келадилар.

Равана

(қаҳ-қаҳ отиб)

Хо-хо! Келди рақибим! Бошқалар четда турсин!
Равананинг жангини ўз кўзи ила кўрсин!
Хо-хо-хо-хо! Ўтмагай вақт кўз очиб юмгунча,
Олмос нечоғлик тиғли, қуролим кескир шунча,
О, Рама, уканг билан ўлгунг, керилма мунча!
Найзамда пинҳон эрур қудрати барқ пойидор,
Тақдирингга тан бергил, бошингда бир ўлим бор!

Рама

(хотиржам)

Тақдирингга сен тан бер, бир бошга бир ўлим бор,
Адолат деб кирдим мен бу майдонга талабгор!
Иккимизни кутадир, билиб қўй, икки қисмат,
Ўлимданмас, қўрқаман бадном бўлмоқдан фақат!

Равана

(мақтаниб)

Ажалга қўлдош бу ўқ ўт пуркаб елган онда,
Мурдалар билан боқар калхатларни майдонда!
Гурзи-ю таёқ, тўқмоқ, болға-ю табар бунда,
Қиррали қоя тош, қир, тоғ – зеру забар бунда...

Рама

Уч оламни олсин деб Рама, тангри Бароҳим
Яратмишдир бу кескир олов нусха яроғим!
Отсам, қўлингдан тушар найза-ю камонинг ҳам,
Кўзларинг дўлайганча айлагай тарк жонинг ҳам!
Қабоҳатга юз бурдинг, бил, бошингда ажал бор!
Адолат йўлин тутдим, шаксиз зафар менга ёр!

Рама билан Равана хезланиб бир-бирининг атрофида айланадилар. Кейин қиличбоз-

ликка киришадилар. Қиличлар жаранги, "Ах!", "Ух!", "Ҳах!", "Тўхта!", "Эх!" деган овозлар. Даставвал Равана Рамани суриб четга олиб боради. Жанг тенглашади. Энди Рама Раванани қисиб саҳнанинг четига олиб боради ва қиличбозлик қилганча саҳнадан чиқиб кетадилар. Барча уларни кузатиб туради. Қиличлар жарангги йироқлардан эшитилиб туради.

Вибхишон

(кўз узмай)

Заҳри қотил ўқларни ёғдириб ёв устина,
Барқли булутдек Рама ташланар дов устина,
Чақин бўлиб бостириб келар олов устина!

Лакшман

(ҳаяжонда)

Равана ўзин отар оғзидан пуркаб олов,
Рамани тоғдай бўлиб босиб келар беаёв!
Эҳ, ана, ярқиллаган олтин ўқлар отар ул,
Ўқлар заҳарли морга айланмоқда йўлма-йўл!..

Сугрива

(мамнун)

Билгандек Равананинг бу турфа "қийлу қол"ин,
Шаҳзода асраб қўймиш Супарнанинг қуролин!
Унинг зарпат ўқлари жилодор ўқ сингари,
Ана, олтин бургутга айланди қолди бари,
Товланиб зар парлари учдилар морлар сари!

Саркарда

(қувониб)

О, пурқудрат Равана, беги шаҳар ўқ отмиш,
Рама тулпорларига ул ўқ санчилиб ботмиш!
Оҳ-оҳ, жангда Рамадан юз бурсин омад, иқбол,
Маъбудлару гандҳарвлар, асурлар ҳам қолсин лол!

Ҳанумон

(ҳаприқиб)

Рама қаҳрига чек йўқ, қоврилса мумкин олам,
Чўққидан токи қуйи титрайди дарахтлар ҳам!

Иккинчи саркарда

(мақтаниб)

Ана, сирли найзасин Равана шарт отди-да!
Билтанг-билтанг чақмоқдек излар қолди ортида!
Бироқ бу найза йўлин тўсолди Рама шунқор,
Моҳирлик билан ёйдан ўқ отиб ҳазор-ҳазор!
Бироқ ўқлар ёғдуга интилгандек парвона,
Равана найзасига тегару лов-лов ёнар!..

Вибхишон

Икки паҳлавон, ҳай-ҳай, икки ёқдан от сурар,
Учқур аробаларда майдон узра чарх урар.
Мана, ёй тортди Рама, эй душман, ажрингни ол!
Ўқ паррон учиб кетди ёғду тараб бемисол!

Саркарда

Чорпаҳил, чайир билак Равана тортиб камон
Кўшала шаҳзодасин ўққа кўммоқда ёмон...

Лакшман

Келар кўкда тўқнашган сонсиз ўқлар жаранги,
Оҳ, даҳшатли кечмакда Рама – Равана жанги!

Ҳанумон

(қичқириб юборади)

Оҳ-оҳ, Рама ниҳоят заҳри қотил ёй тортди:
Ланканинг ул бадахлоқ ҳукмдорига отди!
Беомон ўқ тегди-ю Равана кўкрагига,
Индра ўқидек нақ санчилди юрагига!..

Кўкрагига найза санчилган Равана Рамадан қочиб, гандираклаб саҳнага кириб келади. Алаҳсирай-алаҳсирай гурсиллаб ерга йиқилади. Саркардалар кўздан ғойиб бўладилар. Шодиёна овозлар эшитилади.

Парда

Эпилог

(Парда олдида)

1-ҳудайчи

(ўнг томондан кириб келади)

Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар!
Эшитмадим деманглар,
Сира ҳам кам бўлманглар!
Бугун тантанадир Айўдҳияда!
Ўн тўрт йил қувғинда бўлган шаҳзода,
Кўшала вориси, марғуб паҳлавон,
Буюк ва муқтадир, ботир, пуркудрат,
Подшо Дашаратҳа забардаст ўғли,
Малика Ковшаля жигарпораси
Рама қайтиб келди! Рама, шаҳзода!

2-ҳудайчи

(чап томондан чиқиб келади)

Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар!
Эшитмадим деманглар,

Сира ҳам кам бўлманглар!
Улуғ Ҳиндистоннинг гул маликаси,
Садоқат кўргизиб шаҳзодасига
Сарсону саргардон, ўрмонма-ўрмон,
Кўлма-кўл, тоғма-тоғ, уммонма-уммон,
Чўлма-чўл кезишдан толмаган малак,
Асира бўлса-да Ланка юртида
Қўл етмас офтобдек, софу мусаффо
Пок қолган беғубор тозагул рухсор,
Соҳибжамол Сита, Рама дилдори,
Бугун Кўшалага қўяди қадам!

1-ҳудайчи

Оғанинг изидан қолмаган ўғлон,
Садоқат бобида машҳури замон,
Раманинг сўзини икки қилмаган,
Душманлар додини берган аёвсиз,
Лакшман, ардоқли оқибатли дўст
Юз бурди бу дамда она шаҳрига!

2-ҳудайчи

Бугун юртга қайтар танти Бҳарат,
Оғамнинг тожи деб киймади тожни,
Жулдурвоқиларни кийди малолсиз,
Зоҳиддай яшади олис қишлоқда,
Тахт пойига қўйиб Рама шиппагин –
Давлатни бошқарди оға номидан,
Бошқарди, ўн тўрт йил собитлик ила!

1-ҳудайчи

Бугун қадимий юрт Айўдҳияга
Улуғ меҳмонларнинг етди қадами:
Ланка шаҳзодаси доно Вибхишон,
Нишодлар подшоси паҳлавон Гуҳа!..

2-ҳудайчи

Кишкиндҳа подшоси Сугрива ботир,
Шамол худосининг ўғли Ҳанумон!..

1-ҳудайчи

Бугун Буюк Рама тахтга минади!
Ғаним-душманларнинг шахти синади!

2-ҳудайчи

Бугун Буюк Рама тахтга минади,
Хўрланган адолат топади қарор!

Иккиси

Бугун Буюк Рама тахтга минади!
Хўрланган адолат топади қарор!

Икки ёққа чиқиб кетадилар. Парда очилади.

Айўдҳия шаҳри. Подшо саройи олдидаги майдон. Одамлар билан гавжум. Ўртада Кўшала мамлакатининг заррин тахти, тахтда ярақлаган тож. Атрофда мусиқа садолари, ноғора садолари, шодиёна куйлар жаранглайди. Маликалар Ковшаля хоним, Кайкейи хоним, Сумитра хонимлар меҳмонларни кутишмоқда. Чап томондан юпун кийимда Ҳанумон кузатувида буғу терисига ўраниб олган ялангоёқ Бҳарат қўлларида Раманинг шиппагини тутганча кириб келади. Бҳарат маликалар билан кўришиб чиқади. Ўнг томондан Рама, Лакшман, Ситахоним, Жонак подшо, Сугрива, Вибхишон, Гуҳалар кириб келишади. Ҳамма ҳаяжонда. Рама, Ситахоним ва Лакшман онаси Ковшаля хоним ва бошқа маликаларга таъзим бажо келтиради. Маликалар Сита хоним билан кўришар эканлар: "Худога шукр!", "Вой келиним-а!", "Кўрар кун ҳам бор экан-а!" каби сўзларни айтишади. Масъуд дамлар. Кўзларда қувонч ёшлари.

Рама

(онасининг оёқларига йиқилиб)

Ассалом, волидам! Онаизорим!
Кўзимга тўтиё пойингизни гарди!
Отам ҳам дунёдан ўтиб кетибди,
Ҳайҳот, ёнларида бўлолмадим мен!
Сизни-чи, онажон, қолдирдим ёлғиз,
Азоб-уқубатлар чоҳига отдим,
Хизмат қилиб, дуо олмоқ чоғида
Йироқ-йироқларда юрдим саргардон!
Бутун Ҳиндистонга бўлдим шарманда,
Мен ҳам фарзандманми, ҳаққим борми ҳеч
Ўзимни одам деб ҳисоб қилмоққа?

Ковшаля хоним

(Рамани оёқларидан зўрга узиб, кўзларида ёш)

Йўқ, ўғлим! Чинакам фарзандлик қилдинг,
Ерда қолдирмадинг отанг сўзини!
Фарзандлик бурчингни адо айладинг,
Чин инсон мақоми сенга муносиб!
У дунё-бу дунё розиман сендан!
Ҳамиша шу тилим бўлғай дуода!

Рама

(Бҳаратга қараб, ачиниб)

Бҳарат, укажон! Озиб кетибсан,
Чулғаниб олибсан жулдур кийимга.
Кўшала подшоси шунчалар фақир!
Тахтда қоим ўлтир, дегандим ахир!

Бҳарат

(Рама оёқларига йиқилиб қучоқлаб олади)

Оғажон, тахт, давлат сизнинг ҳаққингиз,
Асло ҳаққингизга қилмам хиёнат!
Азият чекдингиз, онам туфайли,
Шундоқ ювмоқ бўлдим онам гуноҳин!

Рама

(Бҳаратни зўрга ердан узиб, тургизиб)

Офарин, укажон! Ювдинг гуноҳни!
Ҳақиқий инсоннинг тутумин қилдинг!
Садоқат ҳам сенда, инсоф ҳам сенда,
Адолат ҳам сенда, одоб ҳам сенда!..

Барча ака-укаларни олқишлайди.

Сита хоним

(Ковшаля хонимга таъзим қилиб)

Тангриларнинг раҳми келди, минг шукр,
Насиб этди ўлмай сизни кўрмоқлик...

Ковшаля хоним

(багрига олиб)

Барно келингинам, кўзимнинг нури,
Соғиниб яшадик дийдорингизни!..

Шу палла нуроний Браҳман пайдо бўлади.

Браҳман

("Ригведа" гимнларидан ўқийди)

У паллалар борлиқ йўқ, йўқлик ўзи йўқ эди,
На бўшлиқ ҳаво, на-да осмону кўк, йўқ эди.
У паллалар ўлим йўқ, мангу умр йўқ эди,
На зимистон тун, на-да кундузу нур, йўқ эди...
Бунинг сирин ким билар? Ким сўйлар, қандай бунёд –
Бўлди бу жумла жаҳон, коиноту мавжудот?
Яралдими бу дунё ўз-ўзича, жамулжам?
Буни билгай ягона аршда нозири олам...
Қурбонлик келтирингиз, маросимни бошлангиз!
Ҳуррамлик они етди, зор кўзларни ёшлангиз!
Рагҳу авлоди шаъни, авомуннос бахтига,
Буюк Рама ўлтирсин Кўшаланинг тахтига!

Барча

(ҳайқириб)

Буюк Рама ўлтирсин Кўшаланинг тахтига!
Буюк Рама ўлтирсин Кўшаланинг тахтига!..
Рагҳу авлоди шаъни, фуқаронинг бахтига!..
Кўшаланинг тахтига!
Фуқаронинг бахтига!..

Яна ноғоралар чалинади. Браҳман Раманинг пешонасига ёғ суртиб, шоҳона белги қилади. Рама билан Ситахонимлар шоҳона заррин тахтга ўлтирадилар. Вибхишон товус патларидан бўлган катта елпиғич билан уларни елпиб туради, Ҳанумон тахт

тепасида соябон тутиб олади. Сарой аҳли туҳфа-инъомлар беришади. Рама билан Сита бошидан гуллар сочадилар, тангалар нисор этадилар. Бҳарат қувонганидан барчага совғалар улашиб чиқади. “Омон бўлсин, Бҳарат!”, “Таҳсинлар бўлсин!”, “Кам бўлмасин Бҳарат!”деган овозлар таралади.

Рама

(тантанали)

Аҳли Айўдҳия, қулоқ беринг!
Эй аҳли садоқат, сизларга таъзим!
Ҳеч ким зўравонлик этмас бу юртда,
Ожиз-нотавонга қилмаслар зулм,
Бурни қонамагай бирор ўксизнинг,
Асло ўксимагай кимсанинг кўнгли!..
Қўшала юртининг зебу зийнати,
Барахман, кшатрий, вайшё, шудралар,
Сарватманд, зангинлар, бой-бадавлатлар,
Бева-бечоралар, етим-есирлар,
Фақиру мискинлар, турфа фуқаро –
Барчангизга шоҳмас, қуллик қилурмен!

Шодиёна қийқириқ садолари янграйди.

Браҳман

(сукутга чўмади, кейин жамоатга қараб)

Буюк Рама! Уйқуга кўз юмсанг гар баногоҳ,
Еру осмон ухлайди, ухлар қиру дала, тоғ!
Борлиқ олам уйғонар сен уйғонган чоғингда,
Қуёш порлар, тириклик яшнайди қароғингдан!
Вишнумонанд эрурсан, Нажоткор тангри мисол,
Брихаспати сингари ақлинг қилур элни лол.
Саботу матонатда тенгинг Ҳимолай тоғ-да!
Нақ Бароҳим шахти бор юрт идора қилмоқда!
Сен енгилмас, тақводор, одил, меҳрибон бир зот,
Ишқ, бойлигу шон-шуҳрат сенга ҳамроҳ умрбод!
Ҳиндистон маликасин асло йўқдир қиёси!
Ҳиндистон шаҳзодаси ул париваш адоси!
Минг йилларни ёритгай ишқ-муҳаббат зиёси,
Рама ила Ситанинг пок севгиси, вафоси!..

Барча

Минг йилларни ёритгай ишқ-муҳаббат зиёси,
Рама ила Ситанинг пок севгиси, вафоси!..
Садоқатга шон-шараф!
Шараф бўлсин вафога!
Рама-а-а!.. Сита-а-а!..

Мусиқа овозлари янграйди. Ноғоралар чалинади. Майдондаги одамлар: “Рама!”, “Рама! Сита!”, “Ували-жували бўлингиз!”, “Улуғ рожага шон-шарафлар!” деган хитоблар борлиқни тутади.

Парда

Тамом

ОҚАЁТГАН ДАРЁ...

Очерк

Зарифа ЭРАЛИЕВА

...Эрталабдан бери чеҳраси очилиб-очилмай турган ҳаво чошгоҳга бориб бутунлай тундлашиб олди. Худди ўпкаси тўлиб, йиғлашга баҳона излаётган аразчи аёлдай... Сал ўтмай самонинг аллақаерида "қасир-қусур" булутлар жанги бошланди... Тамом... Энди ёғмай қўймайди. Ўт босган эгатга эгилиб олганича чопиққа зўр бераётган Пардахол шабадада енгил тебраниб турган ғўза баргларига ёмғир томчилай бошлагач, ҳаракатни янада жадаллаштирди. "Улгуришим керак... Ёмғир тезлашгунича шу эгатни охирига етказишим керак..." У катта ўқариқ бошига етиб келганида бутун уст-боши жиққа ҳўл бўлган, кетмон дастасини шу қадар қаттиқ ушлаганидан кафтлари чўғдай қизариб кетган эди.

У кеч тушмай туриб ишни тўхтатишга мажбур бўлаётганидан афсусланиб, кетмонини елкасига ташлади-да, илдам юриб, канал бўйлаб кетган тупроқ йўлга чиқиб олди. Ҳавонинг авзойи бузуқлигидан кўпчилик чопиқчилар аллақачон далани тарк этишган, атрофда на бирор арава, на бир йўловчи машина кўринади... Пардахол рутубатли осмонга қараб, ёғингарчиликдан кейин пахта майдонларидаги бегона ўтлар яна авж олишини ўйлаб юраги сиқилди: "...Ёмғир ҳали-бери тўхтамаса эртага тонг саҳардан далага келишнинг ҳожати йўқ. Иш яна чўзилади... Ахир бунақа бўлаверса, ўзига бириктирилган ерни қачон чопиқдан чиқаради-ю, қачон яганани тугатишади. Болалари ҳам эрталаб мактабга, тушдан кейин далага бўзчининг мокисидай қатнайвериб қийналиб кетишди... Начора, бошимизда шу кунлар ҳам бор экан-да..."

– Ие, раиснинг хотинига кетмон за-а-ап ярашибдими?!

– Эри пахтанинг оркасидан топган-тутганини қаерга кўмиб кетганини айтмаган бўлса керак-да... Ёки атайлаб... шуйтиб... а?!..

Пардахол хаёл билан бўлиб, ортида пайдо бўлган узун-қисқа икки шарпани сезмай ҳам қолибди. Ўзи тўғрисида атайлаб эшиттириб айтилаётган гаплардан эти музлаб, кўзлари тиниб кетди. Лекин орқасига ўгирилиб қарашга кучи етмади.

Улар ўзларининг лукмаларидан ўзлари завқланиб, ҳиринглаб кулганича аёлнинг ёнгинасидан илгарилаб ўтиб кетишди. Пардахол бу икки ширакайф одамнинг вужудидан анқиётган қўланса ҳидга ҳам, уларнинг тутуруқсиз сўзларига ҳам эътибор бермасликка уриниб, қадамини тезлаштирди. Лекин оёқлари лой тупроққа зил-замбил ботиб

Зарифа ЭРАЛИЕВА – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Республика матбуотида кўплаб шеърлари, очерклари чоп этилган.

қолаётгандек ўзига бўйсунмас, киприклари орасидан сизиб чиқаётган кўз ёшлари юзларини куйдирар, муштга айланган қўллари эса уларни бурдалаб ташлашга тайёр эди.

– Болаларимнинг дадаси бегунох! – дея аламли пичирлади унинг лаблари. – Туну-кун меҳнат қилиб, охир-оқибат туҳматга учради у! Агар бирор нарса орттирган бўлганида, олти болам билан бир сўм пулга зор бўлиб, қақшаб қолармидик?! "Пахта иши"миш... Уйинг куйгур Гдлян билан Иванов деганларининг шум ҳийласи бу!... Манаман деган хўжалик раисларини турли баҳоналар билан бирин-кетин қамоққа тиқишаяпти. Уларнинг айби нима? Заҳар-заққум ютиб, миллион-миллион тонналаб пахта етиштириб бераётганими? Ахир ўзбекнинг пахта экмаган фақат томи қолди-ку... Уларга шуям етмаяпти энди... Болаларим оч қолмасин, бошқалардан кам бўлмасин деб гектар олиб, чопиққа чиқсам нима бўпти? Раиснинг хотини ишласа таҳқирлаш керакми?

Пардахол кўча муюлишида катта қизи Кларанинг олди-кетига қарамай югургилаб келаётганини кўриб, хаёли бўлинди. Кўз ёшларини кафтлари билан сидириб, жилмайишга уринди:

– Ҳа, қизим, шу ёмғирда шошиб қаёққа кетаяпсан?!

– Сиз келавермаганингизга хавотир олиб, далага кетаётувдим. Ивиб кетганингизни қаранг, ойижон... Уйда сизни бобом кутаяптилар. Қандайдир муҳим гаплари борга ўхшайди. Дадамдан бирор хабар топиб келдилармикин-а?..

– Қанийди шундай бўлса, қизалоғим...

Пардахол дарвозадан кириши билан айвонда хаёлчан ўтирган тўқсон ёшли Исроил бобо келинини койишга тушди:

– Бунақа эмас-да, болам. Ўзингни бунчаям ўтга-чўққа урмасанг... Шу ҳавода ишлаб бўладими, ахир?..

– Далани ўт босган, ота... Тезроқ тугатмасак бўлмайди. Шунга...

– Диққат бўлаверма, қизим. Кун очилиб кетса, болаларинг ёрдам беришади, қайниларингга ҳам айтаман... Кўплашиб тугатасизлар чопиқни... Ҳа, айтганча... менга пенсия пулини олиб келишган экан. Шуни олиб қўй, қизим, бирор камукўстингга яраб қолар...

Пардахол нима деярини билмай, рўмолининг учини юзларига босди-ю, энди росманасига йиғлаб юборди.

– Қўй, болам, йиғлама, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, – деди ота келинини юпатиб. – Туҳмат балосига учраган биргина Убайдулла эмас. Боя эшитиб қолдим, Оққўрғоннинг ўзидан юзга яқин раҳбарларни, пахтачилик соҳасига алоқадор мутахассисларни "пахта иши" бўйича сўроқ қилишаётганмиш. Меҳнатда тобланган ўнлаб асл раҳбарлар Убайдуллага ўхшаб қамоқда сақланаяпти... Лекин энанг иккаламиз болаларимизни ҳалол, виждонли ва мард инсонлар қилиб тарбиялаганмиз, қизим. Убайдуллажоннинг айбсиз эканлигига, бир куни албатта оқланиб, фарзандлари ёнига қайтишига ишонаман. Ўшангача оиланинг суянчиғи энди сенсан. Бардам бўл, болам...

– Хўп, отажон... Лекин баъзан бировларнинг тушуниб-тушунмай гапирадиган гаплари одамни эзиб қўяркан... Мен ҳаммасига чидайман, ота. Ахир ёнимда сиз борсиз, энам борлар...

– Баракалла! Мен хукумат раҳбарлари номига бир ариза тайёрлаб қўйдим. Эртага қайинаканг билан Тошкентга тушиб келаман. Олий Совет раиси Рафиқ Нишоновнинг қабулига ёзилганман. Қани кўрайлик-чи, бирор наф бўлиб қолар...

Пардахол шу куни кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Тонг ёришар паллада қўлига қоғоз-қалам олиб хат ёзишга тутинди:

"Ассалому-алайкум, азизим... Соғ-саломат юрибсизми? Биздан кўнглингиз тўқ

бўлсин. Болаларингиз сизни хурсанд бўлсин деб фақат "тўрт" ва "беш" баҳоларга ўқишаяпти. Қизингиз Шоира сизга атаб шеърлар ёза бошлади. Унинг хатини ва шеърини ўтган куни почта орқали жўнатдик. Яқин кунларда бориб қолса керак... Отам, энам сизнинг айбсиз эканлигингизга қаттиқ ишонишади. Эсон-омон бағримизга қайтишингизни Оллоҳдан тилаб ўтиришибди. Ўзингизни эҳтиёт қилинг...

Яна тонг отди. Узилди тун беланчаги,
Оқ нурга эшик очди ой – само келинчаги.
Сиз – ҳаётим осмони, қалбимнинг хуш чечаги –
Азизим, сизни соғиндим..."

ТУҲМАТ ИСКАНЖАСИ

1985 йил..."Пахта иши", "Пилла иши", "Ўзбеклар иши" номи билан "қамақама"лар авж олган, меҳнаткаш ўзбек халқи бошига туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилган мусибатли кунларнинг бирида Оққўрғон туманидаги Навоий номли хўжалик раиси Убайдулла Исроиловни туман прокуратурасига чақиртиришди.

Убайдулла Исроилов ушбу ширкат хўжалигига салкам тўққиз йилдан бери раҳбарлик қилар, унинг тиришқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли энг қолоқ хўжалик йилдан йилга ривожланиб, пахтакорларнинг дастурхонига қут-барака кириб қолган эди. Шу йиллари раиснинг саъй-ҳаракатлари билан 75 гектар майдонда боғ ва узумзор, 45 гектар майдонда балиқчилик учун махсус кўллар ташкил этилди. Иссиқхона барпо этилиб, лимон, апельсин каби цитрус мевалар етиштирила бошланди. Қисқа вақт ичида хўжаликдаги барча хонадонларни тўлиқ газлаштиришга киришилди. Сув кувурлари ётқизилиб, маҳаллалар юз фоиз ичимлик суви билан таъминланди. Шундай рентабелли хўжалик раҳбарининг прокуратурага чақирилиши...

Йўқ, бу англашилмовчилик эмас эди. Ўша куни Убайдулла Исроиловга нисбатан "Пахта иши" бўйича жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. "Хўжаликни ҳалол бошқардим, аҳолини рози қилишга интилдим, мени қамашларига арзийдиган иш қилмаганман, сўраб-суриштириб қўйиб юборишса керак" деб ўйлаб юрган раис устидан терговчи юз бетдан ортиқ айблов материалларини тўплади. Сўроқ пайтидаги дўк-пўписалар, қийноқлар туфайли бир қатор пахтачилик бригадаси бошлиқлари Исроиловни қўшиб ёзишда, ҳақ тўлашда қалбаки ведомостлардан фойдаланганликда айбдор қилиб терговчи айтиб туриб ёздирган бошдан оёқ туҳматдан иборат кўрсатмаларга қўл қўйиб бердилар... 1986 йилнинг 7 февраль куни терговчи тўпланган "ҳужжатлар" ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида Исроилов Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими томонидан қамоққа олинди.

– Ўшанда тергов материаллари билан танишиб чиққан туман прокурори М.Муҳамедов қамоққа олишга розилик бермаган эди, – дея хотирлайди Убайдулла ака. – Лекин терговчи бошқа туман прокурори орқали санкция олишга эришди.

Ҳа, шу билан айни камолот палласидаги 45 ёшли фидойи раҳбарнинг умр дафтарига қора саҳифалар очилди... Узоқ давом этган суд жараёнлари нафақат Убайдулла Исроиловнинг, балки ўнлаб, юзлаб фидойи инсонларнинг пешонасига "жиноятчи" деган ноҳақ тамғани босди. Биргина Оққўрғон туманининг ўзидан "Пахта иши" билан 44 киши қамоққа олинди, 105 киши суд жараёнларига жалб этилди, уларнинг 16 нафарига узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланди. Ҳибсга олинганлар оғир қийноқлар остида тергов қилинар, қилмаган айбларига иқрор қилдириш учун шафқатсиз азоблаш усуллари ўйлаб топиларди. Оқибатда туман бош пиллахонаси директори Абдуқаюм Кузанбоев, Олимкент пахта тозалаш заводи қошидаги пахта

қабул қилиш пункти тарозибони Қахрамон Соатов, Пскент тумани партия комитети биринчи секретари бўлиб ишлаган Учқун Яҳёев, "Коммунизм" хўжалиги раиси Насрулло Мадаминовлар ноҳақлик ва тергов қийноқларини кўтара олмай, оламдан кўз юмдилар.

Қамоқхоналардаги ҳаёт бундан-да оғирроқ эди. "Пахта иши" билан келтирилганларни одам боласи чидаши қийин бўлган хўрланишлар кутиб турарди бу ерда. Эргаш Ўзбекхўжаев, Тирков Каримов, Босим Худойбердиев, Ҳабибулло Эгамбердиевлар қамоқхона ҳаётидан кейин кўп яшамадилар. Абдумажид Холиқов ва Рустам Болтабоевлар бир умрга ногирон бўлиб қолишди...

Қамоқда ушлаб турилганининг еттинчи ойида – 1986 йилнинг 7 августида Тошкент шаҳар суди Убайдулла Исроиловга нисбатан 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. У ўзига нисбатан қўйилган айбловларга иқрор эмас эди. Ҳукмдан норози бўлиб, Олий Суднинг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясига кассацион шикоят ёзди. Бу уриниш ҳам, яқинларининг ҳукумат раҳбарларига қилган мурожаатлари ҳам, Москвадаги юқори идораларга адолат истаб борган акаси Ҳикматилла Исроиловнинг сарсон-саргардонликлари ҳам самара бермади. Бригада бошлиқларининг кўрсатмалари сохта ва бўҳтондан иборат эканлиги бандма-банд таҳлил қилиб ёзилган салкам ўн варақли шикоят хатига бор-йўғи тўртта сўздан иборат жавоб келди: "Ҳукм ўз кучида қолдирилди!"

ТОНГ ОТМАГАН КЕЧАЛАР...

"Товоқсой" – Убайдулла аканинг юрагидаги ўла-ўлгунча оғриб турадиган яра жой... У қамоқхонадаги нотаниш тартиб-қоидаларга, зах ва совуқ камералардаги рутубатли ҳаёт тарзига кўникиб улгурмасидан Коммунистик районининг (ҳозирги Юқоричирчиқ тумани) биринчи секретари, дўсти Уммат Мирзақуловнинг "Пахта иши" билан қамалганини эшитди. Эшитди-ю, бўғзига бор аламлари йиғилиб, ич-ичидан бир фарёд отилди: "Минг лаънат! Агар шундай моҳир раҳбарни, билимдон ва ташкилотчи мутахассисни, кечаю кундуз одамлар дарди билан яшайдиган фидойи инсонни ҳам қамашган бўлса бундай кутурган тузумга минг лаънат! Аслида, "Оқ олтин"ни олтин қўллар яратади" деб амалда бажариш мушкул бўлган олти миллион тонналик режа билан ким "сийлаган" эди бу халқни? Ўзбекнинг ҳовлисигача пахта эктириб, чигитининг қора пўчоғини ҳам қолдирмай юртига ташиб кетганлар кимлар эди? Мажбуриятни бажариш учун "қўшиб ёзиш" балосини расм қилганлар ҳам нафси ҳакалак отган "катталар"нинг ўзлари эмасмиди? Оддий деҳқонда нима гуноҳ? Туну кун пахта даласида бир коса ёвғонга қўниб, ҳосил етиштирган пахтакорда нима айб? Гўдагини шийпондаги тол бешикда қолдириб, кун тиғида кетмон чопган эмизикли аёлларнинг ёзиғи нима эди? Шуларнинг бири икки бўлсин, меҳнатининг роҳатини кўрсин деб эзгу ишларга бош бўлаётган Умматжондек етакчиларни қамаш кимга керак ўзи? Ноинсофлар!!!"

Убайдулла ака руҳан эзилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрган ана шу кунларда унга қадрдонларидан бир йўла иккита мактуб келди. У ташналик билан конвертларни очди. Бири акаси Ҳикматилладан, иккинчиси ўғли Улуғбекдан эди.

"Азиз жигарим, соғ-саломатмисан. Сендан бугун хат олдим-у, дарров жавоб ёзаяпман, – дебди акаси. – Нодира билан Маликани чуқурлаштирилган фанлар ўқитиладиган синфларга бериш тўғрисида қайғурибсан. Бу масалани эртагаёқ ҳал қиламан. Қизларни Ломоносов номидаги янги мактабга жойлаштирамиз. Бундан кўнглинг тўқ бўлсин! Жигарим, сендан сабр-тоқатни, бардошни илтимос қиламан. Ҳар нарсага сиқилаверма. Беҳуда жанжал, талашиб-тортишиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди! Ўзингни эҳтиёт қил!"

Ё тавба! Акаси унинг ҳозирги ҳолатини худди кўриб тургандай-а?!. "Хўп, ака" деди синиқ жилмайиб, сўнг Улуғбекнинг хатини ўқишга тутинди.

"Дадажон, яхши юрибсизми? Биздан хавотир олманг. Ойижоним, опаларим, энам-отам – ҳаммамиз яхшимиз. Ҳозир томорқамиздаги картошка пишган. Иккита қўйимизни укам Отабек иккаламиз яхшилаб боқаяпмиз. Хайр, тезроқ уйимизга қайтишингизни кутамиз, дада".

Эндигина 5-синфда ўқиётган ўғлининг рўзғорни ўйлайдиган йигит бўлиб қолганини ҳис қилган Убайдулла ака "Худога шукр" деб қўйди. Унинг кўнгли ёришиб, бошининг ичида тинимсиз ғувуллаётган шовқинлар бироз чекингандай эди. Мактубнинг сўнггидаги "Салом билан ўғлингиз Улуғбек" деган сатрларни кўзларига суртиб, меҳр билан ўпди... Шу куниёқ вақт топиб Улуғбекка навбатдаги жавоб хатини ёзди:

"Улуғбек, сенинг ҳаракатчан, сокин, ақл-идрокли бўлиб ўсаётганингни кўриб хурсанд бўлдим. Дадангнинг, вақтинча бўлса ҳам, уйда йўқлигини билдирмаслигингга ишонч ҳосил қилдим. Сен мактабда, уйда, кўчада укаларинг ва опаларинг олдида ҳамма фанлардан ва ҳамма хизматлардан фақат "4" ва "5" баҳолар олишинг шарт! Бу сенинг йигитлик ўлчовинг бўлади! Энди келгуси хатга жавоб учун савол: биринчиси, халқимизда "Иши кўпнинг вақти кўп" деган нақл бор. Шунинг маъносини изоҳлаб бер. Иккинчиси, нима учун сенинг исминг Улуғбек? Бу номга муносиб бўлиш тўғрисида ўйлашнинг вақти етди. Жавобларингни кутаман".

У хатни конвертга жойлаштириб бўлгач, болаларининг бўй-бастини тасаввурида кўриш, улар билан хаёлан суҳбатлашиш учун кўзларини оҳиста юмди. Назарида қизлари Клара, Шоира, Нодира, Малика, ўғиллари Улуғбек ва Отабеклар "Дадажон, сизни соғиндик" дея бир-бирларига гал бермай, худди учрашувга келган кезларидагидек, унинг бўйнига осилишаяпти... Пардахол эса жилмайганча бир чеккада кутиб турибди... Бу манзара унга таниш ва қадрдон... Бироқ ҳозир улар нима қилишаётган экан-а?! Қиш яқинлашиб қолди. Ўтин-кўмир, картошка-пиёз дегандай... Пардахол ҳам, болалар ҳам уйдаги кам-кўстни менга сира билдиришмайди. Ишқилиб, қишдан эсон-омон ўтиб олишсин-да...

* * *

...1987 йилнинг қиши анча эрта келди. Куз охирлаб-охирламай далаларга қиров тушди. Тўсатдан бошланган изғиринли совуқ ўт-ўланларни, ҳали йиғиштириб улгурилмаган кечки ҳосилни бир кечада қорайтириб кетди. Пардахол ҳали қиш учун кўмир ғамлаб улгурмаган эди. Болаларнинг усти ҳам юпун. Нима қилсин, амал-тақал қилиб топгани рўзғордан ортмаяпти... У бундай пайтларда бор дардини ичига ютар, ҳол-аҳвол сўраганларга "Шукр, камчилигимиз йўқ" деб қўя қоларди.

Бир куни кечки пайт дарвоза тақиллаб қўшнилари Мусбоқ ака билан Олой ака аёлларини ёнларига олиб, икки челак, икки челакдан кўмир кўтариб кириб келишди.

– Бир йўқлаб қўяйлик, десак шу қора кўмирдан бошқа нарса қўлимизга илинмади, – дея болаларни кулдиришди.

Аслида, улар кечалари ҳаво зах ва совуқ бўлаётган бўлса-да, жўжабирдай жон бўлган Пардахолнинг мўрисидан тутун чиқмаётганини аллақачон пайқашган эди.

– Яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман, – деди Пардахол миннатдорлик билан. – Худойим сизлардек инсонларга қўшни қилганининг ўзи биз учун бахт.

– Э, қўшни, аслида Убайдулла аканинг маҳалла аҳлига қилган яхшиликлари олдида бу нима деган гап? – деди Мусбоқ ака. – Кўчаларимиз обод, сувимиз бор, йўлларимиз текис... Кўпчилик шу хўжаликка кўчиб келиб, уй-жой қилсам деб орзу қилиб юрибди-ю...

– Раиснинг ўзига яраша салобатиям бор эди-да, – гапга қўшилди Жаннат опа. – Ғўлабирдай йигитларнинг бекор юришини ёмон кўрарди. Анави нариги маҳалладаги Шокирмиди, Зокирмиди, ҳай исми аниқ ёдимда йўқ, ўша ўнинчини битиргандан кейин аракка берилиб, ота-онасини қийнаб юрган вақтида Убайдулла ака билиб қолиб, қулоғидан бураб военкоматга олиб бориб армияга жўнатворганини ўзим кўрганман. Биб-биной идай бола бўлиб қайтиб келди. Ҳозир колхозда мошина ҳайдаётганмиш. Шу болани қуёв қиламан деганлар сон мингта...

Пардахолнинг имоси билан қизларнинг бири айвонга кўрпача тўшади, бири дастурхон ёзиб, бири чой қўйди. Бир пиёла иссиқ чой устидаги суҳбат айни авжига чиққан паллада қия очиқ турган дарвоза олдига "Ҳой, ким бор?" дегандек бир-икки қисқа сигнал чалиб таниш "УАЗ" келиб тўхтади. Ҳалигина дарс тайёрлаш учун уйга кириб кетган Отабек ҳовлига отилиб чиқди:

– Файзулла амаким келдилар, ура-а!..

Убайдулла аканинг шогирди Файзулла Мўминов бу хонадонга имкон топиб келиб турар, оила бирор нарсадан қийналиб қолган кезлари ёрдамини аямасди. У қаршисига пешвоз чиққан Отабек билан худди бир-бирини соғинган қадрдон дўстлардек қучоқ очиб кўришди. Сўнг болакайнинг сочларини тўзғитиб, ҳазиллашди:

– Шу кичкина қўлларинг катта ишларниям қила оладими?

– Ҳм-м..

– Бўлмаса акангни чақир. Дарвозанинг олдига икки боғ беда пичанини туширib қўйдим. Ичкарига олиб киринглар. Анави қўзичоқларингизга берасизлар.

– Қўзичоқ эмас, қўй...

– Қўй бўлса нега кичкина?

– Кичкина эмас... Қўй ўзи шунақа бўлади!

Суҳбатни кузатиб турган қўшни меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

Файзулла бугун болаларни икки боғ пичан билан хурсанд қилиш учун эмас, балки жиддий масала билан келган эди. Шунинг учун меҳмонлар билан сўрашиб бўлгач, шошиб турганини айтиб, дарвоза томон йўналди. Кузатиб чиққан Пардахолга мақсадини тушунтирди:

– Сизга қийинлигини биламан, келинойи, – деди у. – Анчадан бери болаларнинг биротасини ишга жойлаштиришни ўйлаб юрган эдим. Шу масала ҳал бўлди... Клара билан Шоирани уруғчилик лабораториясига фаррош қилиб ишга қўямиз. Опа-сингил бирга лашиб, дарсдан кейин бориб келаверишади. Душанба куни раҳбарга учрашасизлар...

– Клара ўнинчи синфда, Шоира саккизинчи синфга ўтди... Мустақил ишлашга ҳали ёшлик қилишмасмикин? Яна гектар олсам, аҳволимиз яхшиланиб қолар...

Отабекка қарашвориш учун дарвоза олдига чиққан Шоира бу суҳбатни беихтиёр эшитиб, Файзулла аканинг ёнига югуриб келди:

– Йўқ, ойимга айтинг, бизнинг ишлашимизга рухсат берсинлар. Опам иккаламиз сиз айтган идорага борамиз. Фақат нима иш қилишимизни кўрсатиб қўйишса бўлди...

– Меҳнатнинг айби йўқ, – деди у қизнинг дадиллигидан хурсанд бўлиб. – Дадангиз қайтгунича онангизга кўмакчи бўлинг. Сизларга бажарган ишларингиз учун маош тўлашади. Лекин ишлаяпмиз, деб ўқишни бўшаштириб юбормаслигингиз керак. Хўпми?

– Хўп!..

Файзулла Мўминов кетгач, Пардахол Шоиранинг елкаларидан қучиб "Раҳмат, қизим" деди ва болаларининг болалиги жуда эрта тугаб қолаётганидан юраги алланечук бўлиб меҳмонлар ўтирган айвон томон юрди...

ТИНЧЛИКНИНГ РАНГИ

Бойчечакнинг очилиши – кўкламнинг бошланиши, дейдилар. Тўғри, лекин қишлоқ жойларда табиатнинг уйғонишини биринчи бўлиб болалар сезишади. Ҳеч эътибор берганмисиз, кўклам яқинлашиши билан, болаларни боғлаб қўйсангиз ҳам уйда ўтиришмайди. Айниқса кечки пайт... Бирор кенгроқ майдончани танлаб олишиб, ҳар куни шу ерда йиғилишади. Бир қарасанг ким ўзарга варрак учиришган, бир қарасанг иккита тошдан "дарвоза" ясаб футбол ўйнашган, яна бир қарасанг "оқ теракми, кўк терак" мусобақаси. Худди қор бағрини ёриб чиққан бойчечаклар каби қишдан зерикқан болакайлар шўх-шодон "қий-чув"лари билан бутун қишлоқни уйғотишади...

Шаҳарга тушиб иши битмай қайтган Исроил бобо ўғли: "Чарчадингиз ота, уйга бориб дам олинг", десаям қулоқ солмай Убайдулласининг кўчаси бошида машинадан тушиб қолди.

– Сен боравер, Ҳикмат, – деди у. – Мен укангнинг болаларини бир кўриб кетай. Озгина пиёда юрмоқчиман. Баҳонада оёғимнинг чигили ёзилади. Онангга кечроқ боришимни айт, хавотир олмасин...

– Сизни ўзим келиб олиб кетаман. Келгунимча кетиб қолманг, хўпми?

– Майли...

Бобо бироз ичкарилагач, муюлишдаги омонатгина ўриндиққа нафас ростлаш учун ўтирди. Сал нарида ўн-ўн беш чоғли болакай тарвақайлаган катта тут остида давра олиб, қандайдир ўйинни ўйнашмоқда. Қизиқиб кузатди.

Ўйинбоши бола савол айтар, уни қуршаб олган болакайлар эса ўйин шартига кўра худди тез айтиш каби чаққонлик билан жавоб қайтаришарди. Саволга нотўғри жавоб берган иштирокчи ўйиндан чиқариб юбориларкан...

– Осмоннинг ранги? – сўради ўйинбоши.

– Мовий... – чуғурлашди болалар.

– Сомоннинг ранги?

– Сариқ...

– Сувнинг ранги?

– Шаффоф...

– Олманинг ранги?

– Қизил...

Иштирокчиларнинг ичида кимдир "кўк" деб юборди. Шунда ўйинбоши "Адҳам, сен нотўғри жавоб бердинг, ўйиндан чиқасан" деди.

– Нега экан? Олма пишмасдан олдин кўк бўлади-ку?!

– Мен пишган олма ҳақида сўраган эдим.

– Унда сен "Пишган олманинг ранги?" деб айтишинг керак эди. Бундан ташқари ҳамма олмалар ҳам қизил бўлмайди! Мен хато айтмадим. Чиқмайман ўйиндан!

– Майли, кейинги гал чалкаштирсанг, ўзингдан хафа бўл! Саволни давом эттираман. Нафас олмасдан тез жавоб беринглар.

– Қора ипнинг ранги?

– Қора!...

– Тинчликнинг ранги?

– Яшил! – деди беихтиёр жингалак сочли бир қизалоқ. Қараса бошқалар жим турибди. Кейин ҳамма бараварига кулиб юборди.

– Тинчлик – бу сўз-ку, жинни! Унинг қанақа ранги бўлиши мумкин? – билағон болалардан бири уни мазах қилиб қотиб-қотиб куларди.

Қизча йиғламоқдан бери бўлиб ютқазганлар ёнига бориб ўтирди. Шунда боядан бери ўйинни берилиб томоша қилаётган Исроил бобо ўрнидан туриб кетди:

– Ҳой шошма, – деди савол тўқиётган болага. – Бу қароринг адолатдан эмас, чироғим!

Болалар ялт этиб оппоқ соқолли бобога қарашди.

– Ўйинларинг қизиқ экан. Хотирани чархлайди. Ақлни пешлайди. Лекин ёшим тўқсон бирга кириб, тинчликнинг ранги тўғрисида ўйлаб кўрмаган эканман. Бу рангни мен бугун топдим! У яшил! Сизлар ўйиндан чиқариб юборган қизим топиб берди уни! Энди саволни сизларга мен берай:

– Қурғоқчилик кўп бўладиган сувсиз ерларда экин битадими? Унақа жойларнинг ранги қандай бўлади?

– Сариқ, – деди оҳиста болалар.

– Уруш бўлиб, осмондан бомбалар ёғилиб турган жойларда-чи?

– Ҳамма нарса ёниб, қорайиб кетса керак, – деди кимдир.

– Ана шундай нотинч жойда яшайдиган одамларнинг ранги-чи?

– Болалар бу саволга жавоб излаб бир муддат тўхтаб қолишди.

– Билмайсизлар! – деди бобо. – Чунки у кунларни сизлар кўрмагансизлар! Илоҳим кўрманг! Лекин мен кўрганман! Бундай жойларда одамларнинг юзлари заҳил, чеҳралари очилмайдиган, кўзлари чақнамайдиган бўлади, болаларим! Уруш бор жойда, офат бор жойда ҳамма ранг бўлиши мумкин. Куюнди тимсолида қора ранг, бегуноҳ оққан қонлар тимсолида қизил ранг, қуриган ўт-ўлан ва дарахтлар мисолида сариқ ранг... Табиатдаги яшил ранг эса фақат тинчлик бор жойда бўлади! Худога минг қатла шукр, биз шундай юртда яшаяпмиз. Буни топган қизалоғимни ўйинга қайтар, болам. У ютди!

Исроил бобо ўйинни янгитдан бошлаётган болаларни дуо қилганча, яна йўлга ҳозирланди. Шу кўчадаги ўн-ўн беш хонадон нарида жойлашган ўғлининг уйига етгунича. "Тинчликнинг ранги" масаласи хаёлидан кетмади....

Ўчоқ бошида куймаланаётган Пардахол дарвоза олдида томоқ қириб овоз берган бобони кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

– Ассалому-алайкум, ота. Уйга болаларни юборган эдим: "Шаҳарга кетишибди", деб келишди, – деди у илдам юрганча бобонинг қаршисига пешвоз чиқиб. – Яхши бориб келдингизми?

– Ҳа, аканг билан бориб келдик. Лекин хатимизга ҳали тайинли жавоб йўқ. Ўзинг нега излатгандинг, қизим. Тинчликми, ишқилиб?

– Отам билан энамни меҳмонга чақирайлик, соғиндик, деб қизларингиз қўйишмади. Маош олишган экан. Оғзингизга ёқадиган бирор тансиқ таом қилайлик девдим, – деди Пардахол отани мева-чева билан тузатилган дастурхон ёзиғлиқ хонага бошларкан.

– Бизни ўйлама, деб неча айтдим, болам. Мана шу олти болани яхши парвариш қилсанг, бизга шу кифоя...

– Ота, телевизорда Ислом Каримов деган янги раҳбар Ўзбекистон Компартиясининг Бош котиби этиб сайланганини айтишди, – деди Пардахол. – Эшитиб, ўзимга сиғмаяпман. Зора, шу инсоннинг қадамлари қутлуғ келиб, адолатсизликлар барҳам топса...

— Ҳа, ҳозир ҳамма жойда фақат шу гап. Эрталаб шаҳарда аризамнинг жавобини олиш учун кирган идорада бир-иккита биладиганлардан эшитиб қолдим. У ниҳоятда оқил, халқни ўйлайдиган, билими ўткир инсон экан. Буям бўлса Яратганнинг марҳамати, қизим. Ишим битган-битмаганига қарамай, шаҳардан тўғри сизларникига келаверганимнинг сабабиям шу. Дарвоқе, Убайдулладан янги хат-хабар борми?

– Менга ёзган жавоб хатларида енгилроқ ишга ўтказишганини айтибдилар. Оилавий учрашувга рухсат беришибди. Наврўз байрами куни борадиган бўлиб турибмиз...

– Оллоҳга шукр! Етказганига шукр!..

...Шу куни Исроил бобо ўғлини олиб кетишган кундан буён биринчи марта ярим коса овқатни иштаҳа билан еди. Убайдулласининг ишидаги ўзгаришларни, янги ҳукумат раҳбари тўғрисидаги илиқ гапларни эшитиб, юрагини тоғдек босиб ётган музликлар кўча бошлагандек ўзини енгил ҳис қилди... Сўнг бироз мизғиб олиш учун неваралари қўйиб берган юмшоқ парёстиқларга ёнбошлади...

ОМОНМИСАН, ОЗОДЛИК...

Ўргатдилар, аввал баҳор, сўнг қиш келар деб,
Айни гуллаш фасли эди... нечун ёгди қор?
Алдасалар ишондингми ай-й, бола кўнглим,
Қишдан кейин келади-ку аслида Баҳор!...

Яхши сўзнинг қаноти бўлади, деганлари рост экан. "Пахта иши" тугатилармиш, деган гап-сўзлар оққўрғонликларнинг ҳам қаддини кўтарди. Ўша кунлари республика газеталарида эълон қилинган "Вақти-соати етди", "Қонунийлик – инсонийлик демакдир", "Ҳукм", "Қоралов ва оқлов" каби ноҳақ қамалганларнинг тақдири билан боғлиқ ўнлаб мақолалар қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Одамлар "Инсон – пахта учун эмас, пахта – инсон учун" деган ғоя ёқимли шабададек юрт оралаб қолганини кундан-кунга ҳис қилишар, Иванов ва Гдлянлар бошлаган машъум "Пахта иши" ҳадемай барҳам топишига, ўзбек халқининг ҳақ-ҳуқуқи ва қадриятлари тикланишига чин дилдан ишонишарди...

Орадан кўп вақт ўтмай, Амнистия эълон қилиниб, "Пахта иши" билан қамалган юзлаб юртдошларимиз озодликка чиқарилдилар. Қамоқхоналарда ноҳақ азоб чекиб ётган инсонларнинг қисматидаги кулфат тугунлари бирин-кетин ечила бошланди...

1988 йилнинг 11 октябри... Учрашувга келган Соатилла акаси билан эндигина хайрлашган Убайдуллани отряд бошлиғи чақиртирди.

Суҳбат қисқа бўлди:

– Маҳбус Исроилов! Афв этилганингиз билан табриклайман. Барча ҳужжатлар расмийлаштириб бўлинганидан кейин ҳудуддан чиқиб кетишингизга рухсат этилади.

Қамоққа олинган уч йилдан кўпроқ вақт давомида ўзининг беайб эканини исботлаш учун тинмай курашган, юқори идораларга адолат ва ҳақиқат истаб хатлар ёзган, қийноқ ва азобларга бўйин эгмаган Убайдулла Исроилов "афв этилдингиз" деган сўзни эшитган замон худди карахт одамдек оёқ-қўли бўшашиб, тили сўзга айланмай қолди.

У озодликка чиқадиган куним ҳаётимдаги энг қувончли кун бўлади, деб ўйлаб юрарди. Лекин у бошлиқнинг хонасидан чиқди-ю, худди бўшлиқда муаллақ сузиб юрган булутдек вазмин тортиб қолди. Бошқаларга ўхшаб на йиғлар, на қувонарди... Қамоқхонада ўтган кунларнинг алами бўғзига чўғ бўлиб тиқилди гўё...

"Акамнинг юраги сезган экан... Йўл узоқ, қайтақолинг, десам ҳам ёниб турган ишим йўқ, деб кетгиси келмаганди. Бекорга шошилтирибман...", дея ўзига ўзи пичирлади у.

Акасини қайтариб юборганига афсусланиб, йўл тараддудини кўраётган пайтида жияни Турғунбой машинасида келиб қолди. У ўзига яқин бўлиб қолган биродарлари билан хайрлашиб чиқди-ю, Турғунбойни шитобга олди:

– Ҳайда, жиян, ҳайда. Бунақа жойларни энди елкамнинг чуқури кўрсин!

...Машина бир маромда тўхтамай бораяпти. Яқинлар даврасидаги учрашувни ўйлаб, ўз хаёллари билан андармон бўлиб қолган Убайдулла акани Турғунбой ортиқча безовта қилмай, ўз ҳолига қўйиб берди.

– Жиян, бунча секин кетаяпмиз. Қаерга етдик ўзи?

– Секин юрмадик ака, – деди Турғунбой қулиб. – Хаёл билан бўлиб андак кўзингиз илинди. – Қаранг, Оққўрғондамиз-ку. "Навоий"га етиб қолдик. Ҳадемай уйингизда бўламиз..

– Шошма, аввал "Охунбобоев"га юр. Ота-онамни кўрайлик...

Исроил ота дабдурустдан эшикдан кириб келган ўғлини кўриб аввал кўзларига ишонмади. Кейин кўришиш ўрнига нукул "Онаси, ҳой онаси, қаердасан?" дея Зулфия онани излай бошлади. Убайдулла ака отасининг анча нозик тортиб қолган елкаларидан қучди. Унинг оппоқ соқолларига сизиб тушаётган кўз ёшларини қўллари билан силаб артди:

– Омонмисиз, дада... Дадажон!..

Зулфия онанинг биргина "Келдингми, болажоним!" деган ҳайқириғи ҳовлини ларзага солди. Бир зумда уй қуни-қўшниларга тўлди. Ота дуога қўл очди:

"Кўрган-билганинг шу бўлсин, туҳмат балосини икки дунё кўрма энди болам, фарзандларингга ўзинг бош бўл. Яратганинг ўзи паноҳида асрасин!"

У акасига ота-онасини олиб ортларидан боришларини тайинлаб, Турғунбой билан ўз уйига қараб йўл олди. Воажаб, дарвоза кенг очилган. Фарзандлари, ёр-биродарлари уни худди байрамдагидек кутиб туришарди. Убайдулла ака Турғунбойга қаради:

– Ҳеч кимга хабар бермагандик-ку?

– Қишлоқда гап ётармиди, ака...

Машинадан тушиши билан қизлари Клара, Шоира, Нодира, Малика, ўғиллари Улуғбек, Отабек уни қуршаб олишиб, бир-бирларига гал бермай бўйнига осилишар, "Сизни соғиндик дадажон", дея синиққан юзларини силашарди... Бир чеккада кўзлари жиққа ёш Пардахол жилмайиб, сўрашиш учун навбат кутиб турибди... Нақадар таниш манзара... Фақат бу энди тасаввур эмас, кўз ўнгида рўй бераётган ҳақиқий саодат лаҳзалари эди.

БУ БОҒЛАР БИР БОҒ БЎЛСИНКИ...

Убайдулла ака Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзакарим аканинг сўраттираётганини эшитиб, таклиф этилган куни барвақт идорага келди.

– Уч-тўрт ойлаб дам олиш сизга кўплик қилмадими? – ҳазиллашиб қарши олди раис. – Бу ёқда қанча ишлар эгасини кутиб ётибди.

– Ёрдам беришга ҳар доим тайёрман, – деди Убайдулла ака раиснинг самимийлигидан хурсанд бўлиб.

– Хуллас, сизни хўжалигимизга участка бошлиғи вазифасига ишга таклиф қилмоқчиман. 20 гектар ташландиқ ер бор. Шу ерда боғ яратиб берсангиз... Хўжаликни иқтисодий томондан ривожлантиришда қийналаяпмиз. Сизнинг бу борада тажрибангиз катта, Убайдулла Исроилович! Ободонлаштириш лозим бўлган ҳудудларимиз ҳам кўп. Одамларга янги уй-жой қуришлари учун ер майдони ажратаяпмиз. Уларга кредит олишда кўмаклашсангиз... Яқинда пенсияга кетаман. Мендан кейин эслаб юришга арзийдиган ишлар қолса дейман.

Убайдулла ака ерни, меҳнатни жуда соғинганди. Эртасиданоқ ишга тушиб кетди. Ташландиқ майдоннинг ҳолатини синчиклаб ўрганди. Қандай мевалар экса самарали бўлишини пухта таҳлил қилди. Сўнг кекса ишчи Эшпўлат Тоғаевни ёнига олиб, кўчат учун ерларни тайёрлашга киришди. Тошкент боғдорчилик илмий-тадқиқот институтидан сара кўчатлар келтирилиб, белгиланган схема асосида экилди ва тўлиқ кўкартириб олинди. Унинг далага жуда барвақт келиши, ҳар бир масалада таҳлилларга асосланиб иш кўриши, бугунги натижани эмас, эртанги оқибатни кўпроқ ҳисобга олиши одамларнинг унга нисбатан ишончини оширди.

1990 йилнинг бошларида раис нафақага чиқиб, ишдан кетди. Иқтисодий жиҳатдан анча ночор аҳволга келиб қолган хўжаликни ўнглаш учун тажрибали, меҳнаткаш ва уддабурон раҳбар керак эди. Бошқарув раислигига шу ҳудуд аҳолиси яхши танийдиган, асл касби педагог бўлган Беркин Бердиқулов ва қамоқдан кейин эндигина меҳнатга қайтган Убайдулла Исроиловларнинг номзоди тавсия қилинди. Сайлов куни бўлиб ўтган воқеани унда иштирок этган кишилар ҳалигача эслашади.

"Ўшанда яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда вилоят вакили Сайфулла Сайдуллаев (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) иштирок этган эдилар, – дейди тумандаги "Бойғул" МФЙ раиси Эшдулат ака Тошпўлатов. – Ўшанда бундай муқобил сайловни биринчи марта кўриб турishimиз эди. Убайдулла аканинг тажрибасига,

хўжаликни инқироздан олиб чиқиб кета олишига кўпчиликнинг кўзи етиб турган бўлса-да, сайлаш жараёнида кутилмаган баҳсли ҳолатлар юзага келишини кутмаган эдик... Сайлов тугагач, саноқ комиссияси раиси Исроиловнинг номзоди кўпчилик овоз билан ёқланганини маълум қилди. Залда ғала-ғовур бошланиб, кимдир "бўлиши мумкин эмас, сайлов очиқ усулда бошқатдан ўтказилсин" деб қолди. Шунда Сайфулла Даурович муаммони ҳал қилиш учун залдагиларга мурожаат қилди:

– Сайлов барчанинг кўз ўнгида қоидага мувофиқ ташкил этилди ва ғолиб аниқланди. Бироқ бундан қониқмаган тараф сайлов очиқ усулда бошқатдан ўтказилишини сўраяпти. Нима дейсизлар?

– Розимиз!

– Ундай бўлса, биринчи номзодга овоз берганлар залнинг ўнг томонига, иккинчи номзод учун овоз берганлар чап томонга ўтинглар!

Овоз бериш якунига етгач, саноқ комиссияси раиси қоидага кўра, тўпланган овозлар тўғрисида маълумот берди:

– Жами 250 нафар вакилдан 181 нафари Убайдулла Исроиловнинг номзодини қўллаб-қувватлади. Бу аввалги ёпиқ усулда ўтказилган сайлов натижасининг тўғрилигини тасдиқлайди!

Саноқ комиссияси раисининг қолган маълумотларини залдагиларнинг шовқини ва олқишлари босиб кетди.

– Ҳалол ютдинг, Убайдулла, табриклаймиз!

Сайфулла Сайдуллаев Убайдулла акани бошқарув раиси деб эълон қилди ва бағрига босди.

1990 йилнинг февраль ойидан Убайдулла Исроилов учун яна уйқусиз, машаққатли, югур-югур онлар бошланди. У қийинчиликларга парво қилмас, одамларнинг ишончини қозониш ва хўжаликни тумандаги иқтисодий бақувват хўжаликлардан бирига айлантириш учун бор вуждуди билан ишга кўмилиб кетган эди. Қисқа давр ичида ҳудудда 560 ўринли янги мактаб, 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси, чойхона, нонвойхона ва бошқа ижтимоий муҳим объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўчаларга электр чироқлари ўрнатилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди. Техникалар янгиланди, эскилари тўлиқ таъмирланди. Убайдулла Исроилов мамлакатимиз Мустақил деб эълон қилинган тарихий кунни ана шундай қайноқ меҳнат фаолияти билан қарши олди!

1995 йили уни туман агросаноат бўлими раҳбари лавозимига ўтказишди. Бу ерда ҳам ташкилотчилик кўрсатиб, кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратгани туфайли туманда тарбияланган салоҳиятли ёш кадрлар вилоят микёсида ҳам ўзларини кўрсата бошладилар.

– Сизга бундан ҳам муҳимроқ бошқа бир вазифа бор, – деди бир куни туман ҳокими Нодир Бердиқулов ҳузурига чақиртириб. – Ғалладан гектарига бор-йўғи 16 центнер, пахтадан 17 центнер ҳосил олиб, туманни орқага тортаётган ночор ва қарзга ботиб ётган бир хўжаликни тиклашимиз керак!

– Акмал Икромов номли ширкат хўжалигиними?

– Ие, ана ўзингиз ҳам яхши биларкансиз.

– Қайдам... Хўжалик барча техникасини бир пайтлар МТПга топшириб юборган. Ҳозирги кунда ўзининг бирорта тузукроқ техникаси йўқ. Қолоқлигининг бир жиҳати мана шунда. Бунақа шароитда хўжаликни оёққа турғазиш қийин.

– Ёрдам берамиз.

– Агар янги техникалар сотиб олишга кўмаклашсангизлар борганим бўлсин!

Убайдулла Исроилов ўша кундан эътиборан ҳаловатдан кечиб, хўжаликдаги муаммоларни бартараф этишга киришиб кетди. Атрофига софдил, ишнинг кўзини биладиган ишчи ва мутахассисларни тўплади. Сочилиб ётган эски техникаларни бошида туриб таъмирлатди. Барчадан қатъий интизом, сифатли иш талаб қилинди. Оқибатда энг қолоқ хўжалик унинг раҳбарлигида биринчи йили қарзлардан тўлиқ қутулди. Иккинчи йили ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 45-50 центнерданга, пахта эса 27,6 центнерданга етказилди. Деҳқонларнинг ҳам, хўжаликда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳам турмушига файз, дастурхонига барака кирди,

– "Пахта иши" туфайли бошига тушган кулфатларни, ўтган кунларнинг азобли хотираларини меҳнат билан енгишга интилган Убайдулла ака "Куч-қувват борида ишлаш ва эзгулик боғини яратишга улгуриш керак" деган қоидага амал қилиб яшади, – дейди ўша оғир йиллари "Пахта иши" билан бир неча йил қамоқда ушланган, айни пайтда тумандаги таниқли фермерлардан бири бўлган Жуманиёз Аннаев. – Меҳнати орқасидан етук раҳбар, тажрибали мутахассис, талабчан ва ғамхўр устоз, ибратли оила бошлиғи сифатида элга танилди. Бундайларнинг ҳаёти ҳозирги ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўла олади...

Барча фарзандларини олий маълумотли бўлишга ундаган Убайдулла Исроиловнинг ер илмига лаёқатини пайқаб, олим-агроном бўлиб етишишига рағбатлантирган, оғир кунларида оиласини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб далда бўлган Исроил бобо Жиянов ўғлининг кейинги йиллардаги эзгу ишларини ўз кўзлари билан кўрди ва умрининг охиригача дуода бўлди. У 1997 йили 102 ёшида дунёдан ўтди. Акаси Ҳикматилла Исроилов эса академик-олим сифатида жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда...

Кечагина дадасига кичкина қўлчалари билан хатлар ёзиб, руҳий мадад бериб турган фарзандлар ҳам бугун эл хизматида. Бири ўқитувчи, бири агроном, бири банк ходими, бири тадбиркор... Пардахол опа эса ҳамон ўшандай куюнчак, ўшандай меҳрибон...

Ҳа, эзгу ниятлар билан барпо этилган мўъжазгина оила боғи ҳаётнинг кутилмаган аччиқ синовларидан, ногаҳон ёққан дўлу қорларидан омон чиқа олди. Кўпни кўрган кишилар айтадилар: "Илдизини ерга маҳкам қадаган дарахт йиқилмайди, ўткинчи шамоллар қанча хуруж қилмасин, гуллайди, ҳосил беради, улкан боғга айланади!"

ХОТИМА ЎРНИДА

Ҳурлик – тиғ учида лаб ёрган гунча,
Англадик, жон тикмай унга етмак йўқ!
Ватан, энди қаддинг кўтармагунча
Дунёга келмак бор ва лек кетмак йўқ!

..."Адолат кечикиши мумкин, лекин албатта келади!!!" Сарғая бошлаган ўттиз йиллик кундалик дафтар қатидаги бу ёзувлар Убайдулла аканинг хаёлий умидлари эмас, балки ўтган умри давомида англаб етган ҳаёт фалсафаси эди. "Менинг назаримда эркинлик – бу гуллаётган дарахт, шарқираб оқаётган сув, тумшуғида лой ташиб айвонга ин қураётган қалдирғоч, – дейилади яна бир жумлада. – Бироқ, буни ҳис қилиш учун инсон руҳияти ҳам ҳур бўлмоғи керак!"

– "Пахта иши"даги ноҳақлик ва қийноқлар оқибатида қўплаб етук мутахассисларимиз қамоқхоналарда ҳаётдан кўз юмдилар. Кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қолишди, – дейди Убайдулла Исроилов. – Бошқарув тизими собиқ иттифоқ қўлида бўлган ана шу оғир ва мураккаб дамларда республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек халқининг бошидан ёғдирилган "Пахта иши", "Пилла иши", "Ўзбеклар иши" каби уйдирма ва бўҳтонларга чек қўйишга киришди. Эсимда, бу жасорат ноҳақ

жазога тортилган минг-минглаб юртдошларимизнинг оилаларига қувонч, эртанги кунга умид ва ишонч туйғуларини ҳадя этган эди. Асоссиз айбловлар билан хибсга олинганларнинг бири сифатида мен ҳам афв этилдим ва қадрдон оилам бағрига қайтдим. Бундай инсонпарварлик сиёсати тугаб бораётган тузумнинг қора булутларини покиза нур каби тўзғитиб юборди. Қандайдир ўзгаришлар даври яқинлашаётганини ҳис қилиб турардик...

1991 йил 31 август... Халқимизнинг неча асрлик орзу-умидлари силсиласида дунёга келган Янги Кун янги бурилиш даврини бошлаб берган қутлуғ кун сифатида тарихга муҳрланди! Ҳурлик туфайли ҳаётимизга тинчлик-хотиржамлик, ободлик, файзу барака кириб келди. Мана, йигирма олти йилдирки, Ўзбекистон тараққий этаётган давлатлар қаторида жаҳонга юз тутмоқда. Инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар шу юртда яшаётган кўпмиллатли халқнинг нафақат қаддини, балки қадрини ҳам юксалтирмоқда. Одамларнинг тилида дуо, дилида шукроналик...

Айни пайтда 76 ёшни қаршилаб, фарзандлари ва набиралари ардоғида яшаётган Убайдулла Исроилов бундай тараққиётнинг ортида жуда катта меҳнат ва матонат ётганини яхши англайди. Дарҳақиқат, Ватанимизнинг Мустақил бўлиши ва йигирма олти йиллик тарихан қисқа муддатда ривожланиб бораётган давлатлар қаторига қўшилиши – шунчаки бехосдан юз берган ҳодиса эмас. У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, юксак маънавиятга асосланган, муҳтарам юртбошимиз бошчилигида халқимизнинг ўз кучи ва меҳнати билан эришилган юксак чўққидир! Энди бу кунларнинг қадрига етмоқ, асраб-авайламоқ керак...

Ҳа, Убайдулла ака ўсиб келаётган шижоатли ёшларга бу борада ибрат кўрсатиш катта авлод вакилларининг бурчи эканлиги тўғрисида куюниб сўзлайди. Катта йўлга чиққан одамнинг аниқ мақсади ва атрофида ташлаётган қадамининг тўғринотўғрилигини англатиб турадиган тажрибали инсонларнинг бўлиши жуда муҳим эканлигини очиқ эътироф этади.

– Бошингизга тушган оғир кунларни енгишда сизга кимлар суянч бўлди? – деб сўрадик ундан ана шундай суҳбатларнинг бирида.

– Оилам, яқинларим, турмуш ўртоғим... – деди-да, у бироз сукутга чўмди. Сўнг икки букланган бир варақ қоғозни ҳужжатлар орасидан ажратиб олди, ҳаммаси шу ерда ёзилган... Кейин кўриб чиқарсиз...

....Убайдулла ака қачонлардан буён асраб юрган бу қоғозда оддийгина бир шеър бор эди. Аммо унинг ҳар бир сатрида ўтмиш ва бугун оралиғида ўз ҳақиқатини топган инсоннинг қалб ҳайқириғи жаранг бериб турарди...

Равон кўчаларга интилдим тинмай,
Юлдузли онларни қўмсаб, энтикиб.
Меҳнат-ла бахт топдим, иродам синмай.
Маломат тошларин елкамга ортиб.

Сароб эмас экан мен кутган Ҳурлик,
Орзулар ушалди. Ушалар яна.
Фарзандлар теграмда ой, қуёш нурли,
Энди мудом қилар Шодлик тантана!

Гоҳ равон, гоҳ чалкаш умр йўллари,
Қанча чалгитмасин, адашмам бироқ.
Боқий порлаб турсин Юртбошим ёққан
Истиқлол машъали – қалбдаги маёқ!..

МАҲМУД ШОИР СЎЗИНИНГ ЖАРАНГИ

Баҳодир КАРИМ

Бадиий асарни тушуниш, англаш, ҳис этиш, унинг гўзаллигини сезиш, таъсирини туйиш, бошқаларга юқтириш, ёлғизликда эслаш – ҳар бир инсонда кечадиган индивидуал руҳий ҳолат, албатта. Бироқ англанган, тушунилган, хаёл уфқида акс этган гўзалликни тушунтириш, унинг беғуборлиги ва таъсир қувватини англатиш, завқ-шавқ илдизини муҳокама қилиш осон эмас. Ҳар қандай гўзал бадиий ҳодисанинг қайсидир қирраси сирлилигича, қайсидир жиҳати очиқлигича қолиб кетади. Бадиий сўзнинг сеҳри, поэзиянинг қуввати, шеър ҳикмати ҳам мана шунда...

Бугунги адабий, ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир жуда фаол, ўз овозига эга забардаст, қалами ўткир ва ҳозиржавоб шоирлардан биридир. Маҳмуд Тоир шеъриятининг умумконцептуал пафосини эзгулик тараннуми ташкил қилади. Шоирнинг ҳозиргача босилган шеърий тўпламлари ва достонлари адабиёт ихлосмандларининг маънавий мулкига айланди. Маҳмуд Тоир шеъриятининг мавзу кўлами кенг ва анъанавий. Зотан, бадиий ижодда абадиятга оид мавзулар бармоқ билан санарлидир. Барча шоирлар учун муҳаббат, Ватан, ота-она, дўсти содиқ мавзулари бирдек табаррук. Аммо Маҳмуд Тоир ижодида бу мавзулар муаллиф биографиясига мос сифатлар билан орзу-истаклари, дарду армонлари эркин ва халқона йўсинда талқин этилади. *"Яшаш яхши, бир гунчанинг Гул бўлганини кўриб турсанг"* – чўнг орзу. Бошқа саҳифада ўқиймиз:

Булут кўкда, сув сойдадур,
Қаро тунда кўз ойдадур,
Жоним онам, жон қайдадур,
Яшадингми ўзинг учун?

Йўл-йўриқсиз, бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос услубсиз ижодкор адабий қиёфага эга бўлмайди. Маҳмуд Тоирнинг самимий, содда, жарангли, шиддатли, энг муҳими, дилининг рангига мос услуби – сўзи, сози ва овози бор. Унинг шеърий овозидан ўктамлик, жўшқинлик, ўз сўзига ишонч туйғуси сезилиб туради. Шоир дилининг рангин ҳолатлари ва манзараларини ўз мухлисларига тақдим эта-

---

Баҳодир КАРИМ – филология фанлари доктори. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. "Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд", "Қодирий қадри", "Янгиланиш соғинчи", "Чўлпон ва танқид", "Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур", "Адабиётшунослик методологияси", "Руҳият алифбоси" каби адабий-илмий китоблар муаллифи.

ди. Шунинг учун кўркам дилини авайлаб кўрчилайди. Шоир "ҳар дилда бир янги калом бор"лигини билади.

Майсаларга инимсан, дегин,
Бинафшага ширинсан, дегин,
Лолазорлар қошига келгин,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Ҳа, Маҳмуд Тоир табиатга яқин шоир. Шунга монанд унинг шеърларида шиддатли шамоллар гувуллаб тоғ даралари аро кезиб юради. Унинг шеърларида дарё тўлқинлари саманга айланади. Атиргул илдизи ошиқ юрагидан сув ичади. Райҳон ифори чор атрофга таралади.

Шоирларнинг дурдона шеърлари – истеъдодининг тотли мевалари. Шеърни қойилмақом қилиб ўқиш, яъни ижро ҳам ўзига хос санъат саналади. Айниқса, Маҳмуд Тоир нутқ сўзласа, халқ бахши-оқинлари услубига хос равишда наср билан назмни аралаш қўллайди; тингловчи аудиториясини забт этади ва бир лаҳза ҳам улар диққати чалғимайди. Шоир қатнашган адабий учрашув ва анжуманлар ўзгача жўшқинлик, файзу тароват касб этади. Тўғриси, шеърият шайдоларининг бутун вужуди билан Маҳмуд шоирни тинглаган вазиятларга кўп гувоҳ бўлганман.

Ҳар нарсани билиб турган шоир баъзан гўё ҳеч нарсани билмагандек шеър ўқийди:

Мен тошларнинг тилиман,
Мен кўнгилнинг гулиман,
Бу дунёнинг гилиман,
Мендан мени сўрама.

Лирик "мен" ўзини турли нарсаларга қиёслайди. Шеърнинг ҳар бир бандида ўзидан олдин келадиган уч қатордаги тезисни "*мендан мени сўрама*" деган тўртинчи мисра антитезиси тажоҳили орифона йўсинида тасдиқлайди.

Ҳар қандай ижодкорнинг маънавий, адабий, ижтимоий қиёфасини сўзининг фасоҳати, балоғати, асарларининг умрбоқийлиги белгилайди. Шу эътибордан Маҳмуд Тоир шеърларининг кўпчилиги шеърият муҳиблари қалбида яшаётгани сир эмас. Шоир кўнгил йўриғига юрадиган инсон. Одамлар юрагига қулоқ тутиб, садонинг акс-садосини қоғозга туширади. Чин шоир ва чин инсоннинг юрак деворини Ер юзи харитаси, эл-юрт дарди, баланд тоғлар маҳобати безайди. Ҳақ сўзни жонининг жаранги, шеърни дилининг ранги ўлароқ тавсифлаган Маҳмуд Тоир шеърларида *"Элнинг эъзозидан баландроқ тоғ йўқ", "Қувонч – юрак чертган бахт қўнғироғи", "Дилпора дилларга дилдошсан, лола"* каби жуда нафис шоирона топилдиқлар кўп учрайди. Бошқа ўринда *"Бир майсага илдиз бўлиб кўр"* мисраси диққатимни тортди. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Майса – жуда майда, ингичка, унинг илдизи ундан нозик – қилдай. Одам ўзини шу митти ўсимлик илдиз ўрнига қўйсин ва унинг вазифасини ўйласин. Ё бўлмаса, майсанинг ёнида тиз чўккан, чумолидан узр сўраётган инсон ҳолини тасаввур қилинг.

Майсаларинг шивирлашди, тизлар чўкиб, қулоқ бердим,
Билмай босиб чумолини гуноҳимга сўроқ бердим,
Ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим,
Менга Ватан сийратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Шоир тасаввури ва тасвири энг митти майса билан чумолию бир кафт тупроқдан тортиб бепоён Ватан ва Момо ер манзараларигача бир лаҳзада қамраб олади. Оралиқда

эса инсон восита бўлиб турибди. Шоир лозим топса, *"қизғалодоқнинг армонини қўшиқ"* қилади, кулиб турган бойчечак табассумига боғланади. У борлиқ овозини тинглайди; сўзини тоғу тошларга тинглатади. Маҳмуд шоир турфа гуллар – лола, ялпиз, райҳону бойчечаклар, юқорида таъкидланганидек, ҳатто майсаларнинг илдизлари билан тиллашади. Шоир шамоллар, дарахтлар, япроқлар куйига жўр бўлиб қўшилади. Гоҳо – сўз ортиқча бўлган фурсатда – яшил барглар ўзаро шитирлаб сўйлашганида шоир "дилини хушлаб", "тилини тишлаб" ҳам туради. Табиатдаги гўзалликдан лол қолган маҳалларда, табиийки, сўз ортиқчалик, қалам ожизлик қилади.

Капалакка узатгандим қўл,
Қанотларин ёзди дуога.

Капалакнинг қўшқаноти дуога очилган қўлни эслатади. Поэтик деталлараро бундай метафорик яқинлик-қаринани фақатгина шоирнинг тафаккур кўзи кўра олади. Умумий бир кузатишимча, офтоб, ой, шамол, булут, ёмғир; майса, ялпиз, бойчечак, райҳон, куртак, капалак, қалдирғоч – буларнинг барчаси шоир шеърларининг образлилик палласига юк босадиган табиат унсурларидир. "Қалдирғоч" шеърида шу беғубор қушга қараб ёзади:

Кўклам кўрки қалдирғоч,
Айвонимга хуш келдинг.
Қайдан келдинг, дилинг оч,
Осмонимга хуш келдинг.
Кел, куртаклар кўзидан
Кулгу териб оламиз
Саболарнинг сўзидан
Туйғу териб оламиз.

Баҳорда яшнаган борлиқ инсон қалбини нақадар яшнатадиган бўлса, кўкламойнинг элчилари бўлган қалдирғочлар шоирларга шу қадар илҳом беради. Метафорик тарафдан қалдирғочнинг қўшқаноти ёр қошига кўчади. Қанот қоқиб шамолдек елаётган қушга қўшилиб шоир хаёли учади. Шунда шамоллар сўзлайди. Саболар тилидан ҳистуйғулар териб олиш ва уларни шеърга солиш фақат шоирларгина уддалайдиган иш.

Кўнгил-ла гурунглашиб,
Юрган битта шоирман.

Шоир учун хаёл муҳим; шоир учун дил ободлигию кўнгил поклиги, кўнгил ранглари ва гурунглари азиз; шоир бир лаҳза ичида оламнинг олти тарафида, кўнгил мулкининг бешта фаслида истиқомат қилади.

"Жонимда бир чашма бор, Унга қанча ташна бор. Бу дунё бозорида Мен вафога харидор", "Ирмоқларнинг тушига, Дарё кирса не ажаб", "Тавба – яратгандан сўрар гуноҳим" – Маҳмуд Тоир шеърларига ана шундай куйма, оҳангли, ҳикматли, доно ва ҳаётий фалсафа хос. *"Сени сийлаганни сенлама ахир"* каби мисрасини очқилаш – таҳлил этиш учун ҳурмат, эҳтиром, иззат-икром, шарқона одоб-ахлоқ ва яна бир қанча файзли тушунчаларни қўллаш мумкин.

Шоир баҳорнинг келишини ўз ифода услубига мослаб образли қилиб ёзади:

Сувлар сепгин ҳовлингга,
Эшигингни катта оч.
Уйингга совчиликка
Кетаяпти қалдирғоч.

Бир эътибор беринг: *"Савоб асли самодан тушмас", "Маҳмуд, савоб билан изларинг тўлсин"* каби бошқа кўплаб мисраларида Маҳмуд Тоир савоб ва гуноҳ, рост ва ёлғон, ҳалол ва ҳаром, ҳурлик ва қуллик каби ахлоқий-дидактик тушунчаларни муҳокама қилади. Унинг лирик қаҳрамони ўз нафсига ҳисоб беради. Қилган гуноҳи учун тавба этади, савоб ишидан ортиқча керилиб манмансирамайди, мақтанмайди, эзгу иши учун ичдан шукрона айтади. Аммо Маҳмуд аканинг "Билсангиз ишқ аҳлининг гул унмиш гуноҳидан" мисрасида мантиқ бузилгандек кўринди.

Маълумки, мумтоз шарқ адабиёти, хусусан, ғазал жанри мақтаъсига шоирлар ўз тахаллуси – имзосини муҳрлайди. Шу анъанадан улгу олган Маҳмуд Тоир замонавий шеъриятнинг бармоқ вазнида ёзган шеърлари туганч бандининг бирор мисрасига "Қошингда Маҳмуднинг хуш дами бу кун", "Маҳмудга сиз жонсиз, жононсиз", "Сизга, эй дўст, Маҳмуд каби дилдош бор", "Агарчи ҳасаддан йироқ бўлмайсан, Маҳмуд, ҳеч бир дилга чироқ бўлмайсан", "Аё Маҳмуд, майсаларнинг тили борга ўхшайди", "Маҳмудга шу тупроқ қучоғи Ватан", "Шу кўҳна ҳақиқатни Маҳмуд такрорлар мудом" тарзида ўз исмини қўшиб қўяди. Замонамизнинг бошқа шоирларидан фарқли ўлароқ бундай тутум ҳам Маҳмуд Тоир шеърларига хос муҳим бир хусусият, ўзига ярашиб тушган услубий янгилик саналади.

Маҳмуд Тоирнинг ошиқона шеърлари тошларни эритадиган даражада самимий, чин. Чунки дили куйиб, маъшуқа висоли учун "ҳар тонг гул" дасталайдиган чин ошиқ, куйиб-куйиб дили минг пора бўлган ошиқ "куйган дил қўридан куй басталайди". Бундай куй оҳанглари дилни ўртайди.

Ошиқ дилда армон кўп,
Ишқсиз дилда ёлғон кўп.

Ошикликда девоналигу султонлик, бедорлигу беморлик бор. Шоир шу дардга малҳам излайди ва: "Бир малҳам бормикин суюб қолганга" дея бўзлайди. Бу саволнинг жавоби эса, мумтоз шоирларимиз эътирофича, "Табиб айтурки: эй нодон бу дардни бедаво дерлар" (Машраб), азизлар.

Шоир ўзига дарддош, маслакдош, фикрдош ошиқларга қараб:

Бир оҳида минг бир алам,
Бир розида юз минг малҳам,
Тили кўркам, дили кўркам
Аҳли муҳаббат, қайдасиз,

тарзида мурожаат этади. Шоир яхши бир китобини "Аҳли муҳаббат, қайдасиз" деб номлаган. Юқоридаги шеърий мисолларни асосан шу тўпламдан олдим. Ундаги шеърларни ўқиганимда бир таклиф пайдо бўлди. Китобдаги бирорта шеър охирига сана, жой номи қўйилмабди. Эҳтимол, атай шундай тутум тутилгандир. Аммо шеърнинг туғилган куни ва жойи, шеърнинг таржимаи ҳоли баъзан адабиётшунослар талқини учун зарур бўлади. Чўлпон шеърларидаги шундай қайдлар воситасида адабиётчи олимлар шоир юрган йўлларнинг адабий-жуғрофий харитасини чизгани маълум. Бу каби арзимас кўринган унсурлардан Шарл Сент-Бёв, Андре Моруадек дунё адабиётшунослигининг таниқли намояндалари ўзларининг адабий-биографик талқин усулларида жуда унумли фойдаланишган.

Маҳмуд Тоир шарқ донишмандларга хос ихчам ҳикматларни шеърларида, таркибида ҳам, алоҳида тўртлик ё иккиликларида ҳам кўп ёзади.

Дилингни ўртаса гуноҳинг ҳар он,
Демак, вужудингда уйғоқдир иймон.

Бу ердаги ҳикмат тавба тўғрисида. Инсон қалбини нимадир ўрташи, яралаши, ўз ишларидан қониқмаслиги, кимгадир заррача етказиб қўйган озоридан ўксиниши мумкин. Дили уйғоқ, виждони саломат, юраги покиза одам шундай ҳолга тушади. Бундай руҳий-психологик ҳолатдаги кишининг тийнатида иймондан нишон бўлади. Эътибор берилса, бутун шеър шу икки қатордан иборат. Баъзан узундан-узоқ шаклан шеърдек тизилган тизмалардан маъни уқилмаганда, кўнгил завқ топмаган бир паллада Маҳмуд Тоир ёзган иккиликларни ўқиб, ўқувчи сергак тортади. Шоирнинг чинакам ҳикмат эгаси эканининг исботи шудир.

Олам гўзаллиги гулнинг рангида,
Тилнинг гўзаллиги дилнинг рангида.

Ёки:

Деманг, қайдан Маҳмуднинг байти,
Шеър – кўнглимнинг гуллаган пайти.

Мен Маҳмуд Тоир шу иккиликларини бир неча бандлар мазмунига жойлаб каттагина шеър ёзиши мумкин эди, шу иш қўлидан келадиган шоир, деб ўйладим. Аслида, узун шеърлар баъзан битта сўз учун, бир сўз бирикмаси ёки бир мисра учун ёзилади. Битта шойиста сўз потенциалидан шеър бунёд бўлади. Биргина мисра ассоциациясидан матн кенгаяди, бандлар бандга уланади; баъзан муқаддима ва туганч ҳисобига кўламдорлик касб этади. Тўғриси, мен кам сўз билан кўп маъно ифодасини қадрлайман; узун маърузаларда, кўп гапда маъно оз бўлиши фасоҳатсизлик саналади. Менга фикр, ўй, ҳис-туйғу, ижтимоий ва индивидуал-руҳий ҳодисаларнинг ҳаётий хулосаси сифатида туғилган Маҳмуд Тоирнинг "Иккилик"лари ростданам маъқул келди.

Шу билан гапни тугатишни ўйладим. Аммо Маҳмуд Тоирнинг "Армон туни" деган кичкина бир китоби тақдимотида қатнашган, аммо кўнгилдаги айрим гапларни айтиш имконини топа олмаган эдим. Шу ўринда баъзи фикрлар билдирсам.

Маҳмуд Тоирнинг "Армон туни"да армонли нола, аламли бир нидо бор. Чунки унда онанинг бу ёруғ оламни тарк этгани, боқий йўлга кетгани билан боғлиқ бир дунё туйғулар ифодаланди.

Достонни ўқиган ҳар ким ундан ўзи учун сабоқ олади. "Ўйлаб кўрсам, одамзод ниятидаги ёруғликни, гўзалликни, меҳру оқибатни она табиатидан олар экан". Ҳақ гап ҳам шудир.

Бисмиллоҳ бўлгай сўзим аввали,
Онамдир қалбимнинг тоза гавҳари.
Ўзи осмонимдир, ўзи заминим,
Жонидан жон берган, жоним заргари.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад китобчадаги бир жумлага ишора қилди: "Соғинч – бу аслида кўнглимиз кўзидаги ёш". Шу саҳифада "Онани йўқотиш кўнгилни қон йиғлатади" деган гап ҳам бор. Кўнгли қон йиғлаган фарзанд фарёдига ўхшайди бу достон.

Мен онамдан тупроқ билан
Тиллашишни ўрганганман.
Райҳон билан, япроқ билан
Сирлашишни ўрганганман.

Собир муаллим ва унинг урушда вафот этган ўғли воқеасини шунчаки – бефарқ ўқиб бўлмайди. Афғон уруши дилбандидан ажралган ҳар бир ота-она қалбидаги нолаю фиғон урушидир. Тинчлик – муҳим. "Аслида, тинчлик – дунё оналарининг олам аҳлига саломи" – Ассалому алайкум моҳиятида тинчлик мазмуни бор. "Онасиз яшасанг кўнглинг тўлмайди". Шундай армонли, ўткинчи, келиб-кетишли бекат бу дунё.

Фарзанд ўзини ҳар вақт онасидан қарздор сезади:

Азал дунё, гўзал дунё,
Қодир Худо, қодир Худо,
Ғойиблардан бер бир садо,
Мен онамдан узай қарзим!

Баъзи саҳифалари аввал ёзилган шеърлар композицияси асосига қурилган бу асар моҳиятига кўра мулоқот достонидир. Шоир унда ўз яқинлари, табиат, борлиқ, асосан, ота-онаси билан мулоқотга киришади. Отасини эрта йўқотган шоир падари бузруквори руҳидан ҳамиша мадад олади. "Болам, отанг ўлган дема, мен ўзингда яшайман, Дилинг, тилинг бир бўлса гар мен сўзингда яшайман". Шоир отаси билан бир умр ғойибдан суҳбатлар қуради:

Кўзларимнинг ёши не даркор,
Кимга керак бу кўз-кўз нолам.
Гўё отам руҳи бўзларди,
– Оҳ, йўғимни билдирдинг, болам!

Охирги мисра ҳар ким юрагини бир титратади.

Достон ҳаётнинг давом этиши, ойдин туйғулар билан умидли якунланади. Шоир ёзади: "Она, бу достонга мен кўзимда ёш билан нуқта қўймоқчи эмасман. Сиз эр кишининг нолиганини хуш кўрмас эдингиз...

Майли, армон тунининг оғриқлари – бу менинг дилимдаги хун, тилимдаги дод". Муаллиф таъкидлашича, умр тонгининг офтоби онадир.

Ҳар тонг тоғлар ортидан бош кўтараётган қуёш ҳаётни олқишлайди, одамлар қалбини ёритади. Сабрга, шукрга, фикру зикрга ўргатади. Маҳмуд Тоир достони ҳам шундай – онани эъзозлашга, тинч ва осуда ойдин ҳаётни қадрлашга чорловдек таассурот қолдиради...

Шундай асарлар бўладики, жаранглаб туради; юракни ларзага солади, дилни яшнатади, кўзни ёшлатади. Адабиётшунос шу завқли лаҳзанинг сабабини, шеърни гўзаллаштирган бадиият унсурларини ўзича топиб, уларга ном бера бошлайди. Бу завқли жараёнда талқинчи-адабиётшунос шеърий асарлар жиловини, парвозини, кенглигини илмий истилоҳлар қўрғони ичига олиб киради. Қолипга сиғмаган шеърлар янги назарияларга асос бўлади. Бундай талқинлар одамда шеър ўқиш истаги пайдо қилса – нақадар хуш. Бироқ шеърлар талқини мажбурлаб ясама қолипга солинса, улардан бадиий тароват кетади. Илмий-назарий жиҳатдан бундай бир ёқлама тушунтиришдан кўра шеърларнинг ўзи ўқилгани маъқул...

Тўғриси, давримизнинг ажойиб шоири Маҳмуд Тоир шеърларини таҳлил қилиш, ўзим англаган ҳақиқатни баён этиш жараёнида шундай андишали мулоҳазаларга ҳам бордим.

Толе муҳрланмиш туғилган чоғдан

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Шоирлик

Равшан ФАЙЗ хотирасига

Кўзингиз олдида ўсди бу бола,
Тонг отса – уйғонди, кеч тушса – ётди.
Бир қишлоқ боласи каби даштларнинг
Неки бор иссиғу совуғин тотди.

Туппа-тузук ўсди, қомат – расида.
Қишда телпак кийди, ёзда-чи дўппи.
Ошини олдириб қўйган йўқ, яна
Бирор қўй оғзидан олмади чўпни.

Озни оз демади, кўпни эса кўп,
Берганди ўзига лойиқ эс-ҳушни.
Ва бирдан... Э, Худо, бола пақирнинг
Бошига, ким билсин, нима кун тушди?

Қачон? Қайда? Нечун? Нима чораси?
Ҳайрат кўпнинг тилин қўйди тамғалаб.
Ёру дўсти тугул, ота-онасин
Қилибди-я қаранг, кўзин шамғалат.

Бола-чи, барига бепарво, бефарқ
Яшарди илҳомдан имдодлар тилаб.
Оқ қоғоз қошига эгилган бошин
Ўтарди еллармас, фаришта силаб.

Дунёга ётда-ю қисмати зотан
Ҳар икир-чикирга доирлик эди...
...“Бошига тушган кун” – шоирлик эди,
Бедорлиги эди сўзига – Ватан!

Оллоёр БЕГАЛИЕВ – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунослик факультетини тугатган. Унинг “Бир булоқ бор”, “Сеҳрли уйқу”, “Рангин қорлар”, “Ёлғонга ишонган дарахт” сингари шеърий ва эртаклар тўпламлари нашр этилган.

Йўллар

Йўллар бор – сўнгида кимдир интизор,
Йўллар бор – сўнгида йўқловчи йўқдир.
Одам боласига, эй онаизор,
Сен каби кўнглини тўкловчи йўқдир.

Онажон – Ватаннинг бағридан ўтар
Ким илдам йўл босиб, кимдир – сустқадам.
Ҳорғин йўлчиларни манзиллар кутар,
Файзга тўлар агар қўйса дўст қадам.

Дўстлар келаверсин яқин-йироқдан.
Бизнинг Ўзбекистон – қошонамизга.
Толе муҳрланмиш туғилган чоғдан
Она бўсаси-ла пешонамизга.

Меҳмондир

Кўз нури ҳам кўрар кўзга меҳмондир.

Маҳтумқули

Меҳмон эрур асли дунёда бари –
Ҳусну чирой тўрт кун юзга меҳмондир.
Кўнгилга меҳмондир ишқи дилбарнинг,
Кўз нури ҳам кўрар кўзга меҳмондир.

Соғлом танга келиб-кетар дард меҳмон,
Қўйганингдан юзин бурмас мард меҳмон,
Мард йигитнинг қиличига гард меҳмон,
Тиззангдаги мадор тизга меҳмондир.

Ёш юракка ишқдан яхши меҳмон йўқ,
Эр билакка ишдан яхши меҳмон йўқ,
Кузакдан сўнг қишдан яхши меҳмон йўқ,
Қарға-зоғлар келиб, кузга меҳмондир.

Қадрин билмай, сўнг қилмагин аттангни,
Тўрига қўй сен доимо хонангнинг,
Боғлаб қўйган эмас ота-онангни,
Ота-она ўғил-қизга меҳмондир.

Меҳмондирмиз бу дунёда баримиз,
Бугун бери бўлсак, эрта – наримиз,
Қолиб кетар йиққан молу заримиз,
Бугунча – биз, эрта – ўзга меҳмондир.

Дунё, сендан тилаб тоқат-тўзимни,
Оловингда куйиб, суйдим музингни,
Майли, кўйма, олдимга нон-тузингни,
Оллоёр чин, ширин сўзга меҳмондир.

Дудуқмомо

Ёлғиз эди Дудуқмомо,
Кенг ҳовлида бир ўзи.
Ёлғизликдан, кексаликдан
Хира тортганди кўзи.

Узумлари қаровсиз ҳам
Шифил ҳосил қиларди.
Момо эса қўриқлашнинг
Зўр йўлини биларди.

Биздек бола-бақраларни
Ҳовлисига чорларди.
Биз келганда хира кўзи
Чироқдайин порларди.

Ҳар кун эрта-саҳар бизни
Қутар эди момомиз,
Қўлимизга қанду новвот
Тутар эди момомиз.

То кечгача ишком ости
Бизга ўйин жой эди.
Яқинлашмас бирор чумчуқ,
Дарров ҳойу-ҳой эди.

Ёз ўтарди, куз ўтарди,
Қиш келарди қаҳрли.
Қўйни-қўнжи қорга тўла,
Аёзлари заҳрли.

Лекин одат канда бўлмай
Келар эдик қанчамиз.
Момо эса чўғ солганча
Гуллатарди танчамиз.

Бизни гапга солиб қўйиб,
Дардимизни биларди.
Орамизда етим бўлса,
Бошгинасин силарди.

Онамизга айтолмаган
Сирни унга айтардик.
Ҳуллас, пастак бу кулбадан
Катта бўлиб қайтардик!..

...Қолиб кетди ортда ёшлик,
Момо ҳам йўқ оламда.
Кеча ўзим бола эдим,
Бугун кўнглим боламда.

Маҳаллада болалар кўп,
Турлик нашъу наъмоси.
Афсуски, бу болаларнинг
Йўқдир Дудуқмомоси.

Она экан момо бизга,
Маёқдайин порлаган.
Боримизни айлаган бол,
Йўғимизни борлаган.

Маҳаллага она экан,
Муштдайгина бўлса ҳам.
Кўргим келар яна уни
Тушдагина бўлса ҳам...

Биз ҳаётимиздаги ижобий ва салбий ҳодисаларни тўлалигича, унинг турли хилдагини ҳисобга олиб, ёруғ ва соя томонларини холис туриб, улар ўртасидаги мутаносиблигини сақлаган ҳолда кўрсатишимиз керак.

Комил ЯШИН

Англаганим, соҳир бу туйғу

Наргиза АСАДОВА

* * *

Юрагимга соҳир бу туйғу
Қачон кирди, куйдай ёқимли?
Қайда эди, келтирган ким у,
Заррин қишдай, кўкламдай сирли?

Табассумга лаб очган куртак,
Олча гули япроғидами?
Тошни ёрган матонат, истак
Гул чечагим титроғидами?

Қалдирғочнинг инидами ё
Унда интиқ жажжи парвозлар?
Тараддудлар кўргунимча то
Кирган каби умримга ёзлар.

Бу севгими? Бесўз, беимо
Айтмай туриб сева билганим?
Онамми ё толеим Ҳумо,
Дийдор истаб дуо қилганим?

Қай дарчага солмайин нигоҳ,
Бари таниш, қалбга яқиним.
Кафти қадоқ, дийдаси юмшоқ,
Бири опам, бириси иним.

Англаганим, соҳир бу туйғу
Миллат отлиғ, бир тан бўлади.
Кўзим тушган ҳар ери суюқ,
Юрак ичра Ватан бўлади!

Наргиза АСАДОВА – 1984 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ТДСМИ) битирган. Унинг "Ишқ остонаси", "Юрагимнинг сарҳадлари", "Настарин" номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Бунча гўзал, бунча дилрабо
Баҳор сени суйганлиги рост.
Атрофингда минг турли сабо,
Унинг ишқи шамолларга хос.

Сўз тополмай даштлар бир оғиз
Ер ҳуснингдан туради карахт.
Ой далада қўрқмайин ёлғиз
Айт, қандайин гулладинг дарахт?

* * *

Зулфияхонимга

Бунча дилбар эди.
Бунчалар шинам,
Дил уйининг ойдин
Оппоқ тунлари.
Ичкаридан узолмайин нигоҳин,
Деразадан кетмас
Ўрик гуллари.

Чоғроқ хона,
Тўрда сўзана азим
Дуволларда ҳашам
Бўлмаган сира.
Қулоққа айланар
Бунда ҳар буюм
Шеър ўқияпти,
Ахир, шоира.

Чоғроқ хона.
Кеча бахтга лиммо-лим
Баҳор баҳорлигин
Англайди шу он.
Тўлиб борса дунё
Шеър ифорига
Дунёга айланар
Ҳамид Олимжон...

* * *

Шифтда турган кўр чироқларга,
Бир кечада кундуз чув тушар.
Паналардан чиқишса энди,
Қоровуллар ўғрига ўхшар.

Чор атрофдан кўз олайтирган
Бойўғлига бўлган бир нима.
Бир чеккада туннинг тушини
Чигирткалар қилар таржима.

* * *

Уюлиб ётади столда қоғоз,
Бошинг кўтаролмайсан ишдан.
Хонанг иссиқ.
Совқотдим бироз,
Жоним, хабаринг борми қишдан?

Қиялатиб эшигинг насим
Остонангдан бўйласа сўнг бор.
Англамадинг,
Соғиниш касбим
Қара, ахир, кетяпти баҳор!

Увушдими недандир тананг?
Қарағимда қолса тилаклар.
Кўрмаганга йўйгач ишхонанг.
Олиб кетди, мени лайлаклар...

Хазонбоғдан келса гар овоз
Изла, энди туйғуларимни.
Йиллар бўйи титкилаб қоғоз
Тополмайсан,
Кулгуларимни...

* * *

Яна...
Кўз юммаган тонглар отганда
Мени олиб кетган йўллар элтади.
Сен кутмаган кунда
Эй ёлғиз одам
Бизга илҳақ кунлар изга қайтади.

Ўшанда барига ишонасанми,
Муҳаббат бор дейсанми
Қарокларимга?
Бир япроқ тушмасдан ишқ боғларидан
Тўкилмайсанми, айт, титроқларимга?

Жимгина тикилсам, шомдек беадоғ,
Ёдингга тушмасми кечаги оғриқ?
Ва, яна... Оҳиста чиқсаму кетсам –
Ортимдан қолмасму чукур хўрсиниқ?..

* * *

Бу кўчанинг адоғи борми,
Юрагингга элтар бекат-чи?
Талатўплар аро бесадо
Ўтаяпман, хабаринг борми?

Ўнгим соҳил, сўлим оломон
Чайқаламан якка кемадай.
Бу тўлқинлар бирам бераҳм,
Етказмайди фақат сен томон.

Кимдир кулар, жилмаяр, ҳазил,
Кулмайди ҳеч тақдир дегани.
Кўзим гирён, кўзим гиргиттон
Кўринмайди сен кетган манзил...

Бу кўчанинг адоғи борми?

Халқчил бўлмаган ижод ўлимга маҳкум. Ҳақиқий ижод доимо халқчил бўлгандир.

Ҳамид ОЛИМЖОН

ДИЛ АФРЎЗ ШОИРА[1]

Адабиётшунос Бахтиёр НАЗАРОВ билан файласуф Убайдулла РОЗУҚУЛОВнинг шоира Фарида Афрўз ижоди ҳақида суҳбати

Убайдулла РОЗУҚУЛОВ: – *Фарида Афрўзни бугунги адабиётимиз ихлосмандлари яхши биладилар. Ҳеч муболағасиз, у ҳозирги шеъриятимизда ўзининг мустақил ўрнига эга шоираларимиздан бири. Шеъриятнинг нозик адоларини яхши англаб, ҳис этадиган киши Фариданинг ёзганларини бошқа муаллифларнинг назм намуналаридан фарқлай олади.*

Деярли, қирқ йилдан буён ижод этиб келаётган шоира ўндан зиёд шеърий тўпламлар эълон қилди. "Қирққокиллигим", "Изтироб кўйлаги", "Тунлар исёни", "Кўзим маним...", "Ўзимдан ўзимгача", "Ушшоқ", "Тасбеҳ", "Ўша кун – бугундир" сингари китоблари ва улардан ўрин олган асарлар, жаҳон адабиётидан яхшигина хабардор, бугунги талабчан шеърият ихлосмандларимиз томонидан алоҳида эътибор билан кутиб олинди. Бунинг асосий сабаби нимада? Фарида Афрўз шеъриятининг етакчи хусусиятлари нимада, деб ўйлайсиз?

Бахтиёр НАЗАРОВ: – Ижодий ўсиш, ижодий такомил деган ҳодисани бугунги шоирларимиз ичида ўзига наҳоятда талабчанлиги билан ажралиб турувчи шоира Фарида Афрўз асарлари мисолида жуда аниқ кузатиш мумкин. Унинг ўттиз йил аввал нашр этилган "Қирққокиллигим" тўплами билан "Ўша кун – бугундир" деб номланган сайланмасидаги шеърларни таққосласангиз, буни яққол пайқай оласиз. Бу вақт мобайнида авваламбор Фариданинг сажияси, дунёқараши, изланишларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Шунга мувофиқ ижодида ҳам ўсиш, теранлашув рўй берди.

Дастлабки тўплам номи гўзал ва дилбар бўлса-да, ундаги шеърларга келганда теранлик ўрнини ёшликка хос бўлган бирмунча фикрий тарқоқлик эгаллагани сезилиб қолади.

Секин-аста унинг шеърларида қаламга олинаётган масаланинг юзаки ҳолатидан кўра, моҳиятини акс эттириш томон силжиш, поэтик вазминлик, айниқса, лирик қаҳрамондаги иккиланишлар ўрнини ўзига ишонч эгаллай борди. Лирик қаҳрамондаги "Ўзгалар нима дейди?" қабилидаги ҳадиксираш ўрнида қатъият, журъат кўриниш бера бошлади. Бу хусусиятлар йилдан-йилга шоир сифатида Фариданинг ўзига ҳам, ёзган шеърларига ҳам шеърхондаги ишонч ва эътиборнинг мустаҳкамлана боришига сабаб бўлди.

Сўнгги тўплами "Ўша кун – бугундир"даги шеърларининг асосий қисмида "Қирққокиллигим" ва кейинги тўпламларида кўрилган тарқоқлик, парокандалик, ортиқча ийманишлар ва ўринсиз ҳадиксирашлар кўзга ташланмайди. Бу китобда энди ўзига қатъий ишонган, кўтараётган ва ёритаётган муаммоларини чуқур ҳис ва идрок этаётган ҳамда уларни ўқувчига етказишнинг аниқ, ихчам ва таъсирчан йўлларини топа олаётган шоира гавладаланади.

[1] Суҳбат анча йиллар олдин ёзилган.



Бахтиёр НАЗАРОВ

– Фарида Афрўз изланувчан, ўз йўлини қидираётган ва топаётган шоира. Инсон ҳаётга ўзлигини англаш учун келади. Ватанни фарзанддек асраб-авайлаш, ўз муҳаббати ва ўзгалар меҳрини қадрлаш, ноҳақлик, виждонсизлик билан беаёв кураш учун келади. Сен шундай яшагинки, бу ишларни худди шу бугун амалга ошир, эртага қолдирма, ўз шаънингни бугун авайла, эртага кўйма, ҳар бир кунинг шундай ўтсин, демоқчи бўлади, шоира. Бугуннинг қадрига етмоқлик, умуман, ҳаётнинг қадрига етмоқ тарзида тараннум этилади.

Шоира янги шеърий шакллар устида ҳам жиддий изланишлар олиб боради. Унинг шу йўналишдаги изланишлари ҳақида сиз нима дея оласиз?

– Фикрингизга қўшиламан. Фарида поэтик мазмун ва дилбар поэтик образлар билан бир қаторда шакл масаласида ҳам бугунги шеъриятимизда жиддий изланишлар олиб бораётган шоираларимиздан бири. Бироқ баъзида шаклий изланишлар маъно-моҳиятни ифодалаш жиҳатидан ўзини оқламайди. Яъни, ўша мисралар оддий шаклда ёзилса ҳам ҳеч нарса йўқотмайди ёки бу тарзда ёзилгани билан ҳам ҳеч нарса ютмайди. Фариданинг қатор шеърларида учрайдиган яна бир жиҳатга эътиборингизни тортсам.

Матндаги баъзи бир сўзлар, ибораларни бошқаларидан ажратилиб, катта ҳарфлар билан ёзилади. Тушунаман, шоира бу сўз ибораларга урғу бермоқчи, уларга алоҳида таъсир юкини юкламоқчи. Айрим ҳолларда бунга муваффақ бўлади, яъни бу тарз ўзини оқлайди, лекин ҳар уч-тўрт шеърнинг бирида бундай усулнинг такрорланавериши шеърхоннинг ғашига тегади. Ҳолбуки, бу сўз ва ибораларни катта ҳарф билан ёзилмаган тақдирда ҳам зукко шеърхон улардаги таъсир кучини ҳис этиб керагича англаши мумкин. Бунинг учун уларни алоҳида катта ҳарфлар билан ёзиш шарт эмас. Баъзи шеърлардаги мисра ниҳоясида бир эмас, икки-учталаб қўйилувчи ундов белгилари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Шакл дегани бу ундов белгилари-ю сўз ва ибораларнинг катта ё кичик ҳарфда терилиши, ёхуд мисраларнинг ўнг ёки терс зинапоя кўринишида ёзилишигина эмас, ахир. Шеърда шакл, энг аввало, фикр ва ҳиссиётни, характер ёки лирик қаҳрамон сажиясини, муаллиф мақсади ва ниятини онг таъсирида аниқ, гўзал қурилиш ва тузилишида ифодаланиши ҳамда уларни теран йўсинларда ташкиллаштиришга айтилади. Шакл поэтик ҳиссий мазмуннинг маъно моҳиятига мутаносиб равишда кўрина олишидир.

Бунга мисол қилиб Фарида ижодидан муваффақиятли чиққан кўплаб шеърларни кўрсатиш мумкин. Бир икки мисрасини мисол келтира қолай. "Дунё сенсиз..." деган шеъридаги ушбу мисраларга эътибор беринг:

Дунё,
Сенсиз,
Дастасиз кетмон,
Ер тишлайди,
Занглар ютади.

Бахтиёр НАЗАРОВ – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги. 1945 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Олимнинг тўрт юзга яқин илмий-танқидий мақолалари Республика ҳамда хориж нашрларида эълон қилинган. "Ўзбек адабий танқидчилиги", "Ҳаётийлик – безавол мезон" каби монографиялар ҳамда "Ўзбек адабиёти танқидчилик тарихи" каби дарсликлар муаллифи.

Боши хамдир,
Унутган деҳқон,
Боши ғамдир,
Умр ўтади...

Убайдулла РОЗУҚУЛОВ

Гап ҳабиб ёки маҳбуба ҳақида бораётгандир, ёки қадрдон инсон тўғрисидадир. Муаллиф шеърхон тахайюлини ҳам ишга солади. Шу мисралар ва умуман шеър ўқувчини бефарқ қолдирмайди, уни ўйлашга ундайди, қалбига огоҳлик уруғини сепади.

– Фарида Афрўз мана ўн беш-йигирма йилдан буён шеърнинг учлик шаклида баракали ижод қилиб келмоқда. Бундай шеърлардан ташкил топган "Тасбеҳ" номли тўплами босилиб чиққанига ҳам ўн йилдан ошди. Бу шеърлари жамланиб, рус ва инглиз тилларида чоп этилди. Улар ҳақида муайян мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, афсуски, янглишмасам, ҳанузгача танқидчилигимизда салмоқлироқ фикр айтилгани йўқ. Ҳолбуки, улар ҳам шакл, ҳам мазмун нуқтаи назаридан шеъриятимиздаги ўзига хос янгиликлар эди. Бир-икки мисол келтирсам:

* * *

Мени кечир,
Сен учун яшагим келди,
Ўзим учун яшай билмадим.

* * *

У дарахтлар кесилиб кетди...
Ҳосилини териб бўлди куз.
Сен жуда ҳам кечикиб келдинг.

* * *

Умрдан бир кун қолса-да,
Абадиятдек туюлади.
Абадият – энг буюк ёлғон!

Умуман, Фариданинг учликлари ҳақида турли фикрлар юради. Кимдир уларга ишонч билан юқори баҳо берса, кимдир қатъий танқидий фикрларни айтмоқчи бўлади.

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

– Фариданинг ижодидаги шаклий ранг-баранглик ҳақида гап борар экан, унинг шеърларидаги миллий мумтоз аруздан тортиб, ўзимизнинг бармоқ, японларнинг хокку ва танкаси, Европанинг рондо ва ренделига яқин шаклий тажрибаларни кузатиш мумкин. Сиз айтаётган 333 учликдан ташкил топган "Тасбеҳ" китоби шо-

---

Убайдулла РОЗУҚУЛОВ – адабиётсевар файласуф. 1941 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Тошкент тўқимачилик институтида кўп йиллар фалсафадан дарс берган. Энг қадимги даврдан шўроларгача бўлган даврни ўз ичига олган "Ўзбекистон тарихи" ўқув қўлланмаси, "Туркистон жадидчилиги миллий уйғониш даври тарихи" ўқув қўлланмаси (ҳаммуаллифликда) нашр этилган. 2015 йилда вафот этган.

ирининг бу йўланишдаги чуқур ва жиддий изланишларини истифода этади. Бу тўпламга профессор Қозоқбой Йўлдошев жуда чиройли ва мазмунли сўзбоши ёзган. Бу учликларнинг аксари ёки деярли барчасида мақсад модерн йўсинида ифодаланади. Шахсан менга эса ўзимизга тушунарли ифода усулида битилганлари ёқади.

Масалан:

Бармоғимга узук эмас,
Кишан тақдим, деб ўйлади,
У – ўзича.

Ёки

Бунча у қудратли
Бунча ёқимли
Айтмаган сўзинг.

– Лекин бизнинг миллий бадиий тафаккуримиздан бирмунча олисроқ йўсинда ифодаланган фикрини мен яхши тушунмайман.

Масалан:

Ялтиз искаб юрар сигирлар,
Шохларида қоқи, зарпечак –
Маъшуқалар – сигирлар

каби. Маълумки, бизда хокку шаклини, шунингдек, модерн шеъриятини жуда қадрловчи ва юқори баҳоловчилар ҳам, унга англанишига қараб ёндашувчилар ҳам ва умуман салбий муносабатда бўлувчилар ҳам бор.

Фариданинг учликларига айрим муносабатлар билдирилган бўлса-да, афсуски, мутахассислар у ҳақда атрофлича фикр айтганлари йўқ. Бу масалада сиз ҳақсиз, Убайдулла ака. Ҳолбуки, хокку жаҳон адабиётида алоҳида эътироф этилган жанр ва шакл. Унинг ўзбек адабиётидаги муваффақиятли намуналари ўз баҳосини олишга мунтазир. Муваффақиятсиз намуналар ҳам юз-хотирсиз ўзининг муносиб баҳосини олмоғи керак. Умуман эса унинг шеъриятимизга кириб келиши ўзбек адабиётидаги ижобий ҳодиса. Ўзбек адабиёти жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганаётганидан жонли бир муждадир. Бу борада Фарида Афрўз, Жаббор Эшонқул сингари шоирларимиз япон адабиёти классиклари М. Басё, Ё. Бусон, К. Иссе, М. Сики, Тайсигу, Оникуралар ижодидаги хокку намуналарини ўзбек тилига меҳр билан ўгириб келаётганини таъкидлаш ўринлидир.

– Булардан ташқари, Фарида турк шеъриятидан Ҳусайн Ниҳол Отсиз, Догларжа, Исмат Ўзал асарларидан айрим намуналарни, ҳозирги замон форс адибаларидан Судоба, Соя Кабирий, Заҳро Абдул Ҳусайнийларнинг баъзи шеърларини ўзбек тилига ўгирди.

Айтмоқчиманки, Фарида Афрўз жаҳон адабиёти билан ўзбек адабиётининг алоқаларини қўлдан келганча ривожлантиришга уринаётган ва бинобарин, жаҳон адабиётининг илғор тамойилларидан ўрганишга ҳаракат қилаётган фаол ижодкорларимиздан биридир.

Суҳбатимизда биз унинг асосан шеърларига, таржималарига эътибор қаратдик. Ҳолбуки, у катта жанрда ҳам қаламини синаб кўришга ҳаракат қилмоқда.

Чунончи, "Қурбонжон додхоҳ" номли тарихий драматик достони катта жанрдаги шундай тажрибаларидан биридир. Мен бу асарга уч нуқтаи назардан муносабатимни билдирмоқчиман:

Биринчидан, асарда тарихимизнинг шу вақтгача деярли ёритилмаган ёки жуда

оз ёритилган воқеалар бадиий акс эттирилади. Қурбонжон додхоҳ тўғрисида кўп эшитганмиз, лекин у ҳақда аниқ бир тасаввурга эга эмасмиз. Фариданинг бу асари биринчилардан бўлиб, Қурбонжон додхоҳ, унинг даври, у курашган муҳит, қолаверса, қаҳрамоннинг феъл-атвори, тарихимизда қолдирган ёрқин изи ҳақида чуқур бадиий тасаввур беради.

Иккинчидан, асарда эрк, озодлик, адолат учун курашган аждодларимиз жасорати кўрсатилиб, бугунги мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ғоялари илгари сурилади.

Учинчидан, бу достондаги курашчан, жасур аёл қиёфасида, маълум маънода, Фарида Афрўзнинг ўз қалби мужассам бўлгандек туюлади, менга.

Умуман, Фарида Афрўз ижоди, шеърлари марказида аёл образи, унинг лирик қаҳрамони жавҳарида шоиранинг ўз қиёфаси туради. Шу маънода унинг асарларида акс этаётган аёл образи, бу образдаги ўзига хосликлар ҳақида нималар дея оласиз.

– Агар Фарида шеърларидаги марказий лирик қаҳрамон аёл қиёфаси ҳамда бу аёлларнинг бадиий таҳлил ва тасвир этилаётгани Фариданинг ўз табиатига хос муштарак жиҳатлари нималардан иборат, деб, сўрасангиз, мен тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатган бўлар эдим. Булар: кечиримлилик, андиша, ёлғизлик ва туғён...

Кечиримлилик Фариданинг ҳаёти ва бинобарин, лирик қаҳрамонининг деярли, шиори даражасида ифодаланади. Аёл ҳатто хиёнатни ҳам кечириши шарт, дейди у. Бундай фикрни бошқа ўзбек шоираси айтганми, йўқми, билмайман, лекин бу билан шоира: аёл ҳар қандай хиёнатга чидайвериши керак, қўлимдан бошқа нима келарди, тарзида аёлнинг қисмати шу-да, деб, неки бошга тушса курашмай-нетмай қабул қилавериш керак, демоқчи эмас, мутлақо. Аксинча, Фариданинг қаҳрамонлари ниҳоятда курашчан, интилувчан, бахтини қўлдан бермаслик, уни сақлаш ва тиклаш йўлида ҳатто, ўзни қурбон қилишдан тоймайдиган қалби олов кишилар. Кечиримлилик эса унинг шеърларида, қарашларида, шарқона оқилалик, ҳаёт ўчоғидаги оловни сўндирмаслик ва ўчирмаслик маъноларини англатади ва исломий улуғ фалсафа томирларидаги нуқталар билан туташиб кетади. Шунинг учун ҳам кечиримлилик Фарида Афрўз шеърларидаги лирик қаҳрамон аёл табиати гўзаллигининг энг сўнмас ва нурли қирраларидан бири сифатида зуҳур топади.

Кечиримлилик шоира талқинида ҳаёт ҳақиқатининг, баъзи ҳолларда аччиқ ҳақиқатнинг ифодаси ҳамдир. Унинг қаҳрамони нима учун ҳатто, "хиёнат"ни кечиришга рози бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учунки, танганинг бошқа томони ҳам бор. "Аёл, аёл бўлгани билан у ҳам камчиликсиз эмас. Кечирмаслиги мумкин бўлган "хиёнат"га балки, ўзинг сабабчидирсан?" дейди у. Бу эса аччиқ ҳақиқатдир. Фарида шеърларида ҳам, қарашларида ҳам аччиқ ҳақиқатларга чап бермасликка интилади. Кези келганда ўзи ҳам, лирик қаҳрамони ҳам бундай аччиқ ҳақиқатларга тик қарай олади ва буни эътироф этишни ўзига ор деб билмайди. Унинг марказий лирик қаҳрамони сажиясининг зуваласи мардлик ва кечиримлилик тупроғидан қорилган.

– Фарида Афрўзнинг баъзи тўпламлари Москвада рус тилида, Истамбулда турк тилида чоп этилган. Қатор шеърлари инглиз, немис, француз, корейс, уйғур, форс, гоговус, қозоқ тилларига ҳам ўгирилди. Асарлари аста-секин кенг миқёсда таниллб бораётир. Лекин унинг ижодига ўзимизнинг танқидчиларимиз атрофлича ёки муносиб даражада эътибор бермаётганга ўхшайди... Бир сония диққатингизни бошқа нарсага қаратсам. Ана, радиода янграётган қўшиқни эшитяпсизми? Қўшиқ матнининг муаллифини танияпсизми?

– Йўқ, таниёлмадим. Лекин кулоғимга ҳам, юрагимга ҳам яқин туюляпти. Севимли хонандамиз ижро этяпти. Сўз ҳам, куй ва ижро ҳам уйғун, мутаносиб. Яхлит туғённи кўринг.

Кел, дединг, эй ишқталаб, бўстонингда адашдим,
Ёз, дединг кўнглим ғамин, достонингда адашдим.

Уч, дединг, боғла қанот, кўкда малойиклар билан,
Оҳ, дедим, оввора бўлдим, осмонингда адашдим...

– Бу қўшиқни таниқли хонанда Ҳилола Ҳамидова ижро этмоқда. Фарида Афрўзнинг икки юзга яқин куй басталанган шеърлари элликдан ортиқ хонандалар томонидан ижро этилмоқда. Унинг "Оқ билак ойим", "Дилимдагилар", "Бойландилар", "Эй дил", "Ватан", "Фаридам", "Эй дўст", "Аёлни сев", "Кечиргайму", "Она" каби қўшиқлари халқ ичида машҳур бўлиб кетганига кўп йиллар бўлди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг қўшиқлари деярли ҳар бир тўй ва тадбирларда, расмий тантаналарда, юқори савиядаги концертларда жаранглаб туради. Ҳаваскор мусиқачилардан тортиб, атоқли бастакорларгача унинг шеърларини куйга солмоқдалар. Улар Камолиддин Раҳимов, Ғуломжон Ёқубов, Мунажот Йўлчиева, Зулайҳо Бойхонова, Замира Суюнова, Маҳмуд Намозов, Муяссар Раззоқова, Илҳом Иброҳимов, Дилдора Ниёзова, Сардор Мамадалиев, Ботир Қодиров каби машҳур хонандаларимиз репертуарларидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Фарида қаламидан тўкилиб, қўшиқ бўлган шеърларнинг ихлосмандлари бисёр. Шу жиҳатдан олиб қараганда Фарида Афрўзни элимиз шоира сифатида яхшироқ биладими ёки қўшиқчи шоира сифатидами, ўйлаб қолсан киши.

– Фарида – қўшиқчи шоирами, жиддий шеър ёзувчи шоирами? Қайси йўналишда машҳурроқ, гап бунда эмас, албатта. Асосийси, ҳар иккала йўналишда ҳам асарлари мухлислар қалбига чўғ, олов бўлиб туташа олишида, эл-юртга наф келтира билишида.

Юқоридаги фикрингизга қараганда, Убайдулла ака, Фарида шеърлари билан айтиладиган қўшиқларнинг мухлислари шу қадар кўпки, ҳайрон қоласиз. Бунда хонанда ва бастакорнинг хизмати катта, албатта. Лекин қўшиқ матнидаги қалбни жунбушга келтирадиган фикр ва туйғу уйғунлигидаги бекиёс куч энг асосийси. Шунга қарамай, мен Фарида Афрўзни жиддий шоира деб биламан. Шоира бўлганда ҳам, бақувват, кучли ва нозик, ўзига хос шоира. Унинг шеърларини дилафрўз шеърлар, унинг ўзини дилафрўз шоира дегим келади. Менимча, у қўшиқ ёзмайди, шеър ёзади. Улар бастакор ва хонандалар томонидан қўшиққа айлантирилади. Бу ҳар бир шоир ижодида ҳам рўй бераверадиган жараён эмас. Ҳар қалай, ажойиб қўшиқ бўладиган шеър камёб учрайдиган ҳодисадир. Шеърда қўшиқнинг қудрат касб этажак руҳи, сўзларида эса жозиба ва қалбга ўқдек санчилгувчи ҳиссиётлар, андуҳ, қувонч, нурли дардлар бўлгандагина, уни куйламаслик, ижро этмаслик, бир вақтнинг ўзида унинг таъсирида яшамаслик мумкин бўлмай қолади. Ана шунда шеър қўшиққа айланади. Қўшиқда шеърнинг янгиланган умри давом этади. Бу умрга умр қўшувчи энди бастакор ва хонандадир.

Фарида шеърлари асосидаги аксар қўшиқларда мен шундай хусусиятларни кўраман. Лекин кейинги йилларда Фариданинг шеърлари асосида яратилаётган ўртамиёна қўшиқлар ҳам учраб турибди. Бунда Фарида Афрўзнинг ўз ихтиёри борми, йўқми, менга қоронғи. Лекин ажойиб, кўнгилга ўрнашган, кучли қўшиқлардан сўнг бундай ўртамиёна қўшиқларнинг эфирга узатилишини мен олқишламаган бўлардим.

Муаллиф номи элда машҳурлашган сари унинг шеърларини қўшиқ қилишга иштиёқманд хонандалар, бастакорлар кўпайиб қолади. Фарида буни назар-эътиборидан қочирмаслиги керак, деб ўйлайман.

– Кейинги йилларда Фарида Афрўз шеърлари ва қўшиқларидан ташкил топган "Дилимдагилар", "Кел, бугунни байрам қилайлик", "Қирқ қўшиқ", "Энг янги шеърлар"

номли дисклар мухлисларга ҳавола этилди. Кўпгина давра, йиғин, хонадонларда шу дисклардаги асарлар янграётганини эшитиб, қувонаман. Бу қўшиқлардан дилим яйрайди. Ҳаёт янада қадрлироқ туюлади. Бундай қўшиқлар йилдан-йилга оммалашиб бораётганининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

– Бу қўшиқларни севмаслик, қўллаб-қувватламаслик мумкин эмас. Чунки улар инсон қалбидаги жуда нозик туйғулар – нафосат, шодлик, дард ва аламлар билан уйғунликда янги-янги талқинларда, янги шаклларда ифодаланяпти.

Шу ўринда эътиборингизни янги бир фикрга қаратсам. Китоб шубҳасиз, наинки, маъно моҳияти, балки шаклан ҳам ҳеч қачон қимматини йўқотмайдиган қадриятдир. Лекин замон ўзгариб боряпти. Китоб шаклидаги бадиий асарни интернет тармоқлари орқали ҳам оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлди.

Интернет орқали қўлимиздаги телефонда юзлаб романларни, шеърий тўпламларини сақлаш, ўқиш, уларга мурожаат этиш имкониятига эгамиз. Деярли бир кутубхона шундоққина қўл остимизда деяверинг. Демоқчиманки, ўзини ҳурмат қилган, асарларининг қадр-қиммати кўпларнинг эътиборини тортишига ишонган замон тараққиётидан орқада қолишни истамаган ва бунга имконияти бўлган ижодкорларимиз ўз асарларини интернет саҳифалари орқали оммалаштиришга, интернетда ўз сайтларини очишга эътиборни кучайтиришлари зарур. Бунинг айрим дастлабки намуналарини кўряпмиз, лекин жадаллик сезилмаяпти.

Фарида асарларидаги муваффақиятлар билан бир қаторда, бундай масалаларда ҳам бошқаларга ўрнак десам, янглишмайман.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. "Оммавий маданият" деган номатлуб ҳодисалар тўрт тарафдан бостириб келмоқчи бўлаётган, дискларда турли-туман олди-қочди оҳанг ва қўшиқлар авж пардаларига кўтарилаётган бир шароитда Фариданинг Ватанимизни, халқимизни улуғлаш оҳангларига йўғрилган, ўзлигимизни мустаҳкамлаш ва унинг қадрига етишга чорловчи руҳ билан суғорилган шеър, қўшиқлари замонавий дискларда янграб турар экан, бу жараёнга фақат шеър, қўшиқларини тарғиб қилишгина эмас, муҳим тарбиявий аҳамиятга молик мақсад сифатида қараш ҳам тўғри бўлади.

– Фарида Афрўзни айримлар фақат лирик ижодкор муҳаббат, ҳижрон дардинигина куйловчи шоира сифатида эътироф этмоқчи бўладилар. Нима, унинг асарларида ижтимоий мотивлар кўринмайдими?

– Мен бу фикрга қўшилмайман. Умуман, бадиий асарни ижтимоий-ноижтимоийга ажратиб қараш менимча, кўп ҳам тўғри эмас. Ҳар қандай лирик ва ҳатто, интим шеър бағрида бир эмас, кўпларнинг ҳам дарди жо бўлар экан, инсон жамиятдан айри яшаши мумкин эмас экан, лирик шоир ҳужайралари ҳам улар билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий деб атайдиганимиз шеър ҳам алоҳида кишиларнинг дунёқараши, андуҳ, қувонч, идеалларидан ташқарида бўлолмайди.

Фарида Афрўзга келсак, унинг ижодида ижтимоий деб, баҳолана олувчи шундай теран шеърлар борки, уларнинг айримлари бу йўналишдаги ҳозирги шериятимизнинг сара намуналари қаторида тура олади. Масалан, биргина "Ватан ҳақида баёт" номли қасидага эътибор берайлик.

Ватан ҳақидаги бундай ижтимоий шеърларда ҳам Фарида тўғри сўз, юрагини ҳалол тўкиб соладиган ва орзулари билан бир қаторда ҳатто, айрим кемтикликларини, дейлик, лирик қаҳрамони табиатидаги баъзи камчиликларини яширмайди.

Ватан,
Байроғинг бир бора ўполганим йўқ,
Мадҳингни ёд билмам, уқолганим йўқ,
Кўнглимни, меҳримни тўколганим йўқ,

Ва лекин,
Ва лекин,
ва лекин, аммо,
Жонимсан, жонимда бир оҳсан, Ватан!

Дастлабки, икки мисрага "чўчиб"роқ муносабатда бўлишга шошилманг. Шоира унинг лирик қаҳрамони шундай бўлолмаганидан афсусланяпти. Ва лекин ўз камчилигини хаспўшлашга уринаётгани ҳам йўқ. Бироқ бу қаҳрамон қалби, кўнглида Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, фидойилик шу қадар кучлики, унга бу туйғуларини тўкис ифодалай олмагани учун андишада.

Ватанни шунчаки севиш, унга меҳрини шунчаки баён қилишнинг ўзи етарли эмас, деб, тушунади шоира. Ҳақиқий ватанпарвар бўлсанг, уни яшнат, гуллат, наинки, керак бўлса, унинг ҳимояси учун қўлга ҳатто, ханжар ола бил, фақат, туллаклик қилма:

...Келдик, бир ниҳолни жуфт айладикми?
Ё ханжар, ё қалам, тиғ қайрадикми?
Рост узра ёлғонни ямламадикми?
Сен бунга кафилсан, сўроқсан, Ватан!..

Қасида мазмун-моҳияти билангина эмас, балки унга ниҳоятда мутаносиб ва мос топилган шакл билан ҳам гўзал. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа қатор шоирларимизнинг Ватанга бағишланган қасидаларни яхши биламиз. Улар шаклда ҳам, мазмунда ҳам, бир-бирларини такрорламайдилар. Фарида ҳам шунга ҳаракат қилади ва назаримда мақсадига эришади. Шаклда ҳам, мазмунда ҳам уларни такрорламайди. Айниқса, шаклда, дадил бир янги қадам ташлайди. Асарда достон оҳангларию мумтоз шеъриятимизда бешлик, олтилик тажрибаларини мухаммас боғлашдаги йўл уйғунлигию замонавий бармоқ шаклининг оташин нидолари муштараклигини кўришимиз мумкин.

Бу пала-партишлик шаклидаги конгломерот эмас. Онгли равишда ўйлаб, асар мазмуни ва мақсадида кечувчи хатти-ҳаракатига монанд амалга оширилган шаклий уйғунликдир.

Асосийси, шеър гўзал ва янги бадиий образлари билан эътиборимизни тортади. Заминни, замонни ким кукунга ўхшатибди? Фарида ўхшатади, дадил ва журъат билан. Замину замон шунинг учун бир кукунки, у шоира куйлаётган замон ва Ватан туфайлигина бутун бўла олади. Асосийси, бу шунчаки, бор, мавжуд Ватан эмас, бутун замин замонга огоҳ бўлиб турган Ватандир. Бу айни вақтда шоиранинг Ватанни шундай бўлмоқликка даъвати, чақириғидир.

– Фарида шеъри асосидаги қўшиқ радиода янграб қолганидан сўнг, суҳбатимиз бироз ўзгариш олгандек, жонлангандек бўлди. Унинг ижодига танқидчилик бирмунча суст роқ қараётгандек туюлади, деган фикрни айтаётгандим. Сизга балки бундай туюлмас. Чунки унинг асарлари ҳар қалай беэътибор қолаётгани йўқ, дерсиз. Ҳаваскор журналистлару мунаққидлардан ташқари айрим таниқли танқидчиларгача Фариданинг шеърлари, тўпламларига, шунингдек, умуман ижодига муносабат билдириб туришибди. Атоқли олимамиз Фозила Сулаймонова, таниқли адабиётшунос Нўъмон Раҳимжонов, боя сиз ҳурмат билан тилга олган Қозоқбой Йўлдошев, фарғоналик фан доктори Йўлдош Солижонов, шоиралар Малика Мирзаева, Шарифа Салимова, Зулфия Мўминова, Ҳалима Аҳмад ва бошқаларнинг матбуотдаги илиқ фикрлари, тақриз ва мақолалари бунга далил.

Янглишмасам, бундан тўрт-беш йил чамаси аввал ижоди ҳақидаги мақолалар

тўпланган "Шамолда шам кўтариб..." деб номланган алоҳида китоб ҳам босилиб чиқди. Лекин барибир Фарида Афрўз шеърлари танқидчиликда етарлича таҳлил этилмаётганга ўхшаб туюлаверади менга.

– Юқорида келтирганингиз мисолларнинг ўзиёқ, Фарида Афрўз ижодига эътибор оз эмаслигига далил бўла олади. Айни пайтда унинг ижоди бундан ҳам чуқурроқ, кенгроқ ёритилишга, ўрганилишга муносибми, десангиз, бу бошқа гап ва шу маънода фикрингиз қўллаб-қувватланишга лойиқ.

Мен Фарида ижодига муносабатда бир масалада етишмовчилик бор, деб, ўйлайман. У нима, десангиз, баҳс деб жавоб берган бўлардим. Унинг шеърлари атрофида баҳс йўқ, баҳс сезилмайди. Ҳолбуки, бу ижод жиддий баҳсларга ҳам, турли нуқтаи назарларга ҳам муносиб. Уларда турлича баҳоларга арзийдиган қарашларнинг, туғёнли ифодалар ва бадиий изланишларнинг мустақил услубга айланиш жараёнлари кечмоқда, шу маънода, шоира ижодида жиддий ижобий баҳолардан тортиб, ийманмай, юз-хотир қилмай айтганда, танқидга сазовор шеърлар ҳам оз эмас.

Фариданинг юқорида эслаганимдек, андиша, кечиримлилик, ёлғизлик, туғён, армон, ҳаётнинг ҳеч қачон қайтиб келмайдиган аччиқ ва тотли лаҳзалари ҳақида шундай шеърлари борки, кўзингизга суртиб ўқисангиз арзийди. Руҳий ва ҳиссий, абадий муаммолар ҳақида ёзилаётган ажойиб миллий шеърларимиз оз эмас. Лекин, Фариданинг шеърлари улардан ажралиб туради. У аччиқ ҳақиқатларни айтишдан, туйғуларини намоён этишдан қўрқмайди, чарчамайди, лекин андиша қилади. Шеърларини андиша билан айтади. Шу андишалар ичра қувонади. Ҳаётнинг ўзи улардан айро бўлолмагандек, шеърларини ҳам ҳаётнинг ана шу муаммоларидан мосуво қилмайди. Уларни кимдир қабул қилар, кимдир қабул қила олмас, лекин, асосийси, уларга бепарво қарай олмайди. Бундан ташқари, унинг шеърларидаги юқорида айтилган айрим хислатлар ёнига исломий ахлоқ, исломий фалсафа уйғунлигини қўшган бўлардим.

Нола деганда фақат, андуҳ ва ҳасратни тушунмаслик керак. Қувонч ҳам нолавор бўлиши мумкин. Нола нуқталари бўлмаган бирорта ажойиб куйни биласизми? Шунга ўхшаб, Фарида ижодида нолавор оҳанг ва тўлқинлар бўлмаган шеър йўқ, ҳисоби.

Ҳаёт шу қадар азиз, шу қадар ширинки, унинг ўтиб кетаётгани шоирани ҳам, унинг қаҳрамонини ҳам чексиз аламларга солади. Лекин бу нолалар сизни ҳаётдан бездирмайди, аксинча, ҳаётга, одамларга – улардаги чексиз, адоқсиз норасоликларни кўриб, сезиб турганингиз ҳолда – меҳр, муҳаббат уйғотади. Нега, қандай қилиб?! Шундай қилиб ва шунинг учунки, шоира бу йўналишда қаламга олган ҳар бир конкрет ҳолатдаги туйғулар ва уларнинг хоссаларидаги хатти-ҳаракат ҳамда сабаб натижаларини мустақил равишда ("ўша кун – бугундир" нуқтаи назардан келиб чиқиб) бадиий таҳлил эта олади. Бадиий хулоса чиқармаган тақдирда ҳам улар юзасидан ўзининг мустақил қарашлари, тушунчалари, ҳиссиётлари йўналишини кўра билади. Уларга гоҳ жавоб топгандек, ўзини бахтиёр сезади, гоҳ жавоб топа олмай азоблар ичида тавалло қилади, қийналади.

– Фарида Афрўз ижодида исломий фалсафа, исломий ахлоқнинг ўрни кучли деган фикрни айтдингиз. Бу нималарда кўринади? Бир-икки мисоллар билан қисқача шарҳлаб бера олмайсизми?

– Бунга бир-икки шарҳ билан эришиш қийинроқ. Лекин, айрим мисралар асосида муносабат билдириб ўтиш мумкиндир. Зеро, Фарида ижодидаги бу йўналиш таҳлилига алоҳида бир суҳбатни ажратиш ёки алоҳида бир мақола ёзиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Юқорида қисқача мулоҳаза юритган "Кел, дединг, эй ишқталаб" шеърида эътироф этилган мисралардан бирига яна эътибор қаратайлик:

Оҳ, дедим, оввора бўлдим, осмонингда адашдим.

Шеър, аслида, муҳаббат адолари, ишқ таманнолари ҳақида. Шеърни ўқиган ёки у асос бўлган қўшиқни тинглаган кўпчилик, асарда умуман, ишқ-муҳаббат ҳақида гап кетяпти, деб кўя қолиши мумкин. Аслида шундай ҳам. Лекин асарга чуқурроқ эътибор берсак, юқоридаги мисра замирида яна бошқа бир чуқурроқ маънони идрок этгандек бўламиз. Бу биргина образ замирига шоира бутун шўро давридаги дину диёнатимизга нисбатан дилпора талотўмларни сингдирмаяптимикин, деган хаёлга ҳам борамиз. Мисрада бир томондан лирик қаҳрамоннинг ишқий изтиробларини берилмоқда, айни вақтда, шу лирик қаҳрамонга ўхшаганларнинг мафкуравий тазйиқлар, динсизликка мажбурлашлар остидаги адашувлари ҳам ўз ифодасини топадигандек. Қаранг, битта сўзнинг айни ўз ўрнида маҳорат билан қўлланиши шеърга кучли маъно бера олмоқда.

Сўз билан тавалло қилар набий ҳам,
Сўз билан зикр этар авлиёуллоҳ.
Ҳудонинг даргоҳи сўздан мунаввар,
Фақат сўз мангудир, фақат сўз уйғоқ!

дейди Фарида Афрўз яна бир шеърида. Тўпламларидан бирига шоира "Тасбеҳ", яна бирига "Ўзимдан ўзимгача" деб ном қўйиши бежиз эмас. Кейингиси буюк Жалолиддин Румийнинг "Ичиндаги ичиндадир", деган асари номини ёдингизга соляптими? Ёки Назар Эшонқулнинг ҳам янги китобларидан бири "Мендан менгача" деб аталиши бежиз эмасдек туюлмаяптими сизга? "Ўзимдан ўзимгача" ҳам, "Мендан менгача" ҳам китоблар моҳияти билан чамбарчас алоқадорликдан ташқари, уларни қўлга олган китобхон қалби, руҳиятидаги потенциал имкониятларни ҳам ишга тушира олиши билан аҳамиятлидир.

Фариданинг аксар туғёнпарвар шеърларидаги шукроналик зикрлари баъзан ҳаётдан, ўзидан, муҳитдан, яқинларидан қаноатланмаслик, уларни янада комилроқ кўриш истакларидан сув ичади; қаноатланмаслик туйғулари эса, шукроналик оловларида тобланади. Қаҳрамонларнинг қувонч ва изтиробларини кўпинча, ана шу икки ўртада, уларнинг курашлари, зиддиятлари аро зардобланади. Шунинг учун Фариданинг ўзи ҳам, лирик қаҳрамони ҳам ғафлатни ниҳоятда ёмон кўради, ғафлатни ўзига душман деб билади.

Яна бир мисол келтирсам:

...Кел, ёнимга, эй Шайхи Санъон,
Ҳали узоқ яшаймиз бирга...

дейди шоира шеърларидан бирида.

Бу мисраларнинг шеърдаги бадиий ўрнини билиш учун, аввалambор Шайх Санъоннинг ким эканлигини билиш керак бўлади. Унинг ким бўлгани қадим ривоятлар ва адабиётлардан яхши маълум, шу боис шарҳлаб ўтирмай, шеърда унга юкланган бадиий мақсад ҳақида икки оғиз гапириш билан кифоялансам.

Шайх Санъон ҳаётнинг буткул неъматларидан ва ҳатто эътиқодидан(!) воз кечиб (кейин бунинг сабаблари, дунёкараши, фалсафаси замиридан маълум бўлади), жамики азоб-уқубат ва хўрликларга бардош бериш натижасида ўз ниятига етган қаҳрамон (аслида, унинг нияти замирида Яратган дийдорига етиш мақсади етакчи эди).

Фарида Афрўз ўз шеърида бу образга мурожаат этар экан, эътиқодидан кечган тақдирда ҳам, ишқида собит ва содиқ қоладиган киши бўлишни орзу қилади. Лирик қаҳрамони ана шундай вафодорликни ўз идеали деб билади. Бундай бўлиши мумкин эмаслигини шоира билмайди эмас, билади, лекин инсоният юксак идеалларга умид қилиб, ишониб яшаб келадики, худди ана шу нозик туйғу ҳолатларини шоира юқоридаги мисраларга жо этади. Қудратли ислом мотивлари, ғояларини бугунги қаҳрамонлари туйғулари билан туташтирмоқчи бўлади. Ҳатто, диний амаллардан воз кечган (бу Яратганга етиш учун эди) Шайх Санъон образининг бугунги адабиётимизга олиб кирилиши ҳам Фарида Афрўзнинг қатъий журъати натижасидир.

– *Мен учрашувларда, суҳбатларда, шеърият ихлосмандлари билан мулоқотларда, талабаларга дарс бераётганимда Фарида Афрўз ҳам Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин, Зулфияларнинг анъаналарини муносиб давом эттиришга интилаётган бугунги навқирон авлод вакилларидан бири деган гапларни эшитаман. Бу тўғри. Булардан ташқари, Фарида ижодига яна кимларнинг таъсирини сезасиз? Бу таъсир, ўрганиш доим ҳам самаралими ёки натижаларидан кўнглингиз тўлмаган ҳолатлар ҳам борми?*

– Фарида, шубҳасиз, устоз шоираларнинг муносиб вориси, улардан кўп нарса ўрганган, уларнинг ўзига бамисоли маёк деб билса, ажаб эмас. Лекин бундай ворислик деганда, бир нозик масалани ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. Фарида юқорида айтганингиз Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Зулфиядан кўп нарса ўрганиши керак, ҳавас қилиши керак, аммо, бундан қатъи назар, улардек бўлмаслиги ҳам керак. Чунки улар ва ҳатто, кечаги замондошимиз Зулфия опа ҳам, ўз даврининг шоиралари. Фарида Афрўз эса янги замоннинг, янги Ватаннинг, янгича тафаккур ва туйғулар жумбушида тобланаётган, қайралаётган, изланаётган, шодланаётган шоира. У ана шуларни ёзиши керак ва ёзмоқда ҳам. У ана шу фазилатлари билан эътиборли ва аҳамиятли. У лирик қаҳрамони табиати, сажиясидаги юқоридаги устозлари томонидан қўлланмаган хислатлардаги туйғули ҳолатларни, янги замонда етилган изтиробларни мустақиллик шарофатларини янги ва азиз Ватанни янги йўсинларда, янги шакллар ва янги бадиий образларда акс эттиришга ҳаракат қилмоқда. Ёлғизлик Нодирада ҳам, Зулфияда ҳам бўлган. Бироқ, Афрўз ёлғизлиги, унинг лирик қаҳрамони туғёнларидаги ёлғизлик сабаблари ҳам, натижалари ҳам, бадиий ифодалари ҳам бошқачароқ.

"Ёлғизликни катта шаҳарлардан излаш керак", деган экан бир вақтлар файласуф Декарт. Бу фикрнинг моҳиятини чуқурроқ англашга ҳаракат қилиб кўринг-а. Файласуф гўё, шоира қалбидаги бугунги ёлғизликни айтаётгандек. Фарида Афрўз шеърларидаги ёлғизликни фақат этимологик маънодагина тушунмаслик керак. Унинг шеърлари, лирик қаҳрамони табиати, алам, умид, армонларидаги ёлғизлик, худди ҳаётнинг ўзидаги ёлғизлик каби сермаъно, турфа, сероҳанг, нозик ва бесабр. Бу муттасил сабр изловчи бесабрликдир. Орзу ва умидга етиш йўлидаги бесабрлик.

Фаридага ўзимизнинг мумтоз шоираларимиздан бошқа ижодкорларнинг таъсири қандай, дедингиз.

Бу махсус ўрганиладиган ва кўплаб ижобий мисолларни айтиш мумкин бўлган масала. Лекин, мен таъсир борасида Фарида шеърларида кўриниб қолувчи кўп ҳам ижобий бўлмаган далилларга эътиборингизни тортмоқчиман. Фариданинг "Ичимдан" деб бошланадига шеъри бор.

Бу шеър унинг "Ўша кун бугундир" тўпламига ҳам киритилган. Ўн икки бандан ташкил топган шеърнинг ҳар сўнгги мисраси:

Шеър келяпти, пўшт-пўшт!
Йўлдан қочинг, пўшт-пўшт!

деб якунланади. Бу байт шеър давомида беш марта такрорланади. Бунинг устига "шеър" ҳамда "пўшт-пўшт" сўзлари катта ҳарфлар билан ёзилади. Ҳар икки мисра охирига ундов белгилари қўйилади. Тушунаман, шеърга жуда катта поэтик маъно, қудрат юкламоқчи. Лекин барибир, шеърнинг ўзи ҳам ундаги "пўшт-пўшт"лар ҳам ўзбек бадиий тасаввурига сингишмаётгандек кўринади менга. Бундан ташқари, шу шеърда "одамзор" сингари зўраки сўзларга ҳам дуч келамиз.

Фарида ижодида модернистик образли тафаккурнинг чиройли намуналари бор. Бироқ, юқоридаги каби бизга кўпам сингишмаётган тажрибалар ҳам учраб туради.

Буни Фаридага Ғарбнингми, Европанингми модерн, авангард деб аталувчи йўналишларининг кўп ҳам ижобий бўлмаган таъсири натижаси деб биламан. Бундай мисоллар бир-иккитагина бўлса, балки эътибор бермаслик мумкин эди. Модерндаги тушунчамизга сингиши мушкулроқ бўлган бўш мисралар, образлар Фариданинг шеърларида ўқтин-ўқтин учраб туриши боис уларга эътиборингизни қаратяпман.

Фарида ижодида Анна Ахматова ва Марина Цветаеваларнинг яхшигина таъсирини сезгандек бўламан. Фарида Афрўз ҳам аёл қалбини айрим ҳоллардаги чексиз аламлари, нолаларини, адолатсизликка қарши туғёнларини қаламга олади. Лекин нечоғлик, аламли ва изтиробли бўлмасин, ҳиссиётнинг авра-астарigача ағдармайди, азобли ва аламли туйғуларини, дейлик, деярлик Нодира, Увайсий, Зулфияга нисбатан янги мураккабликлари ва зиддиятларининг намоён бўлишини тасвирлаши мумкин, лекин ўзбек аёли учун хос бўлмаган даражада куйламайди. Фарида ўзбек аёлининг андишасини доимо сақлашга интилади.

Лекин ижодкор муваффақитини нуқул кимларнингдир таъсири туфайли, деб қарамаслик керак. Ижодкорнинг ҳар қандай ютуғи аввалambор, ўз изланишлари самарасидир. Шу нуқтаи назардан қарасак, Фарида Афрўз ижодида қўплаб муваффақиятларни кузата оламиз. Биргина, "Менга тегмай тургин" шеъридаги мана бу образлар шодасининг гўзаллигига эътибор берайлик. *"Юрак – жовдираган минг кўзли ғалвир", "Тегсанг, тўкилади қизғалдоқ – кўнглим", "Муҳаббат – умрга қадалган ханжар", "Сандиққа қулфлолмас ҳеч ким қисматни"* ва ҳоказо.

– Шундай, нозик дидли, сезгир ижодкор ихлосмандларининг ҳам, ҳукуматимизнинг ҳам ардоғида. Келинг, уларга янги-янги муваффақиятлар тилаб қолайлик.

– Фарида ўлкамиздаги мухлислари бисёр шоирлардан бири. Эл-юрт, ҳукуматимиз ҳам унинг меҳнатларини, ижодини баҳолаб келяпти. Шоира "Шуҳрат" медалига муносиб кўрилгани бежиз эмас. (Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан шоира "Дўстлик" орденига сазовор бўлди – таҳририят). Зеро, тиниб-тинчимас, ўтли, оловли, шиддат ва туғёнларга ҳамшира шоиранинг ижоди йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб бормоқда. Мукофот яхши, албатта, лекин ҳақиқий ижодкор учун энг азиз мукофот китобхонларнинг, ихлосмандларнинг меҳр-муҳаббатидир. Фарида Афрўз суҳбатларидан бирида: "Мен учун ижод ибодатдир", деб бежиз айтмаган. Шоирага яхши ниятлар билан бундан ҳам самаралироқ ижод тилаб қоламиз.

Субҳидамда ўзгача очун

Сирожиддин РОБИДОВ

Осмон

Кўнглимни ўз ёнига
Тортиб тургандай осмон.
Сиғмаяпман оламга,
Дилга киргандай осмон.

Чеҳраси ой дилбарим,
Кўзимнинг қароғи сен.
Сени авайлаб ўзи,
Менга бергандай осмон.

Офтоб бўлса шодон, лек,
Булутда қабоғ уюб,
Мендан хафа қиз каби
Лабин бургандай осмон.

Қояларни кафтимда
Эзмоққа шай шахтим бор.
Елкамда қанот бўлиб,
Мен-ла юргандай осмон.

Ўз юлдузи шунчалар,
Кўплиги муболаға.
Тунда Тошкентга кўзгу
Тутиб тургандай осмон.

Сирожиддин РОБИДОВ – 1994 йилда туғилган. Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежини тугатган.

Қизғалдоғим

Бир лаҳзада икки дил:
Кўк бўлди, осмон бўлди.
Қалбимнинг ҳисларига
Кипригинг айвон бўлди.
Майсадаги шабнамдек
Тўкилдингу излатдинг,
Кўзларинг армон бўлди,
Юзларинг армон бўлди.
Сен эдинг дил ардоғим,
Сен эдинг яқинроғим.
Энди сени қайлардан
Излайин қизғалдоғим?

Бирга бўлсак қирларда
Ҳавас қиларди қушлар.
Зерикмасдим дилбарим
Сенинг кўнглингни хушлаб.
Термилиб жамолингга
Ғазаллар айтсам агар,
Жилмайиб ўзинг шодон
Қўяр эдинг олқишлаб.
Қалбимдаги булоғим,
Ҳаммадан ҳам қувноғим.
Энди сени қайлардан
Излайин қизғалдоғим?

Дунё яралган экан,
Қанди кўп, нордони кўп.
Майдонида номарду
Ҳам жасур, мардони кўп.
Сайёдлар тузоғида
Тутилгани сен бўлдинг.
Оҳ, гулим, ошиқларнинг
Бунчалар сарсони кўп?
Лабимдаги титроғим,
Ичимдан чиққан оҳим.
Энди сени қайлардан
Излайин қизғалдоғим?

Она тилим

Висола ПАРДАБОЕВА

Ўзимча ёзаяпман севги мактубин,
Она тилим, хатга қўйдим мен қошинг.
Ёр эмас, асли, сен қалбим маҳбуби,
Чиройли сўзларинг, олмос олмошинг.

Хатимда мужассам энг гўзал сифат,
Тилим, сен чиқасан тилданмас, дилдан.
Қандай таърифлайин навбат – муҳаббат,
Охири келишдик келишик билан.

Ундов гапларинг-ла севгига ундаб,
Ёрим юрагига қадам ташладим.
Ёки юрибдими у мени алдаб,
Дея, сўроқ гапдан сўрай бошладим?

Кулиб: "Севса керак?" деди, дарак гап,
Кириб борган сари чукурдир қаъринг.
Назмларинг билан кўнглимни безаб
Севишга ундади ундалмаларинг.

Балки ёлғончидир, дер, гумон олмош,
Наҳот ваъдалари ҳаммаси бекор?
Жимжитликка эса бош келишик бош,
Инкор гап севар деб, қилади инкор.

Қаратқичлар мени унга қаратар,
Хатим зеб олмоқда сўзлаган сарим.
Жўналиш келишик йўлни яратар,
Соғинчни юклайди юкламаларинг.

Боғловчилар бизни гоҳ бириктирар,
Айирув боғловчи дилни ранж этди.
Ҳижронни хатимга эргаштиргандим,
Эргаштирувчилар эргашиб кетди.

Эй онажон тилим, хўп даҳосана,
Буюк ишлар учун абад бўлгин сен.
Хат ёзилди дилдан, тилдан деб, яна
Чиқиш келишикдан чиқиб кетдим мен.

Висола ПАРДАБОЕВА – 1998 йилда туғилган. Тошкент давлат молия институтининг иккинчи босқич талабаси. "Юрак ёнсин" шеърий китоби нашр этилган.

Эртак

Ҳаётга ишқдан ёниб,
Шеърлар ўқиб бераман.
Ҳар тонг эрта уйғониб,
Эртак тўқиб бераман.

Ҳеч севдим демайдиган
Бир тўпори боласан.
Барибир, охирида
Сен мен билан қоласан.

Хоҳ қирол бўл, хоҳ чўпон
Йўлларимиз бирлашган.
Қочсанг ҳамки қай томон
Қўлларимиз бирлашган.

На қарайсан кўнглимга,
На кўнглимни оласан.
Шошмай тургин, барибир,
Сен мен билан қоласан.

Бахт бошимга бойланиб,
"Ёр-ёр"ларни бошлайди.
Айлана ер айланиб,
Сенга элтиб ташлайди.

Бир кун севасан десам,
Қовоғингни соласан.
Худойим истар, тушун,
Сен мен билан қоласан.

Кўздан йироқ кўнглимга
Бирам яқин боласан.
Ҳар қандайин эртакда
Сен мен билан қоласан.

Кумуш
АБДУСАЛОМОВА

Сени севмоқ

Ким шон берди, ким жон берди,
Кимлар тақдирга тан берди?
Ким сенга не берса берди,
Менга сендай Ватан берди!

Хола севса, амма севса,
Сени ҳамма-ҳамма севса,
Мана шундоқ, мана шундоқ
Манфаатсиз, бетама севса...

...Илм керак, урфон керак,
Сенга жону қурбон керак.
Оқ керакмас, кўк керакмас,
Менга Ўзбекистон керак!

Икки кўзим – чаросимми,
Сени севмоқ маросимми?
Агар шундоқ бўлса ҳар кун
Ўтказай шу маросимни.

Юрак қурғур ҳовлиқмами,
Бахтим сенга боғлиқ мани.
Сен демасам, бир кун келиб
Кечирармі холиқ мани?

Замин – харитадан берди,
Ҳар касга биттадан берди.
Кимга нима берса берди,
Менга сендай Ватан берди!

Ким олади шугинани?

Келмайсиз-да жўрттага,
Дўппи қўйдим ўртага.
Бугун келсангиз, келинг,
Кеч бўлади эртага
Ким олади шугинани?

Келсин, ботирлар келсин,
Майли, шотирлар келсин.
Дўппи баҳона бўлиб,
Дўстлар хотирлаб келсин.
Ким олади шугинани?

Шартлар ўша-ўшадир,
Ким ҳам ахир қўшади?
Қўшаман деб, биласиз,
Кимлар ишдан бўшади?
Ким олади шугинани?

Кумуш АБДУСАЛОМОВА – 1996 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг иккинчи босқич талабаси. "Куйламасам бўлмайди" шеърий китоби нашр этилган.

Дунё дўппидай тор-да,
Дўппи осилмас дорда.
Дунё каби дўппининг
Тўртта томони бор-да.
Ким олади шугинани?

Кутасизми хавф биздан,
Ахир бари ҳофиздан.
Тушунинг бу дўппини
Олиш керак оғизда
Ким олади шугинани?

Юрагимни эзманг-чи,
Хаёлимни бузманг-чи.
Фақат олишни билган
Қўлингизни чўзманг-чи.
Ким олади шугинани?..

ЯРАТИШ ЗАВҚИ

Ёшлик – умр баҳори. Бу баҳор гуллари севгининг рангидан рангланмиш. "Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!" Устоз шоир энтикиб айтган бу нидо ёшликнинг олис-олислардан жаранглаб турган кулгусига ўхшайди. Чунки, ёшлик инсонга бир марта берилади. Аммо яратиб яшаш учун, яшнатиб яшаш учун берилади.

Мана шу яратувчанлик истеъдодларни кашф этади. Истеъдод эса, улугларимиз таъкидлаганларидек: "Инсоннинг ўзини эмас, ўзгаларни бахтиёр этиш учун берилади". Шукрким, Тошкент вилояти, нафақат ўзининг мафтункор табиати, улкан иқтисодий имконияти, балки илм-фанимиз, адабиётимиз, санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, қўшаётган бетакрор истеъдод соҳиблари билан ҳам эъзозу эътирофда.

Бу муқаддас заминни макон тутган, унда муборак изғари қолган машҳур сўфий аллома Оҳўжа ибн Тошхўжа Занги ота, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Умар Богистоний, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз Кўйкий каби эл ардоғидаги пиру комилларнинг ҳар бири ҳақида истаганча гапириш мумкин. Шунингдек, уларнинг эзгу амалларини давом эттириб, эл корига камарбаста бўлиб, фидойилик билан ижод қилган Сидқий Хондайлиқий, Элбек, Музайяна Алавия ўз даврининг забардаст маърифатпарварлари, адабиётимизнинг фидойилари бўлишган.

Бугунги кунда адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Барот Исроил, Абдулла Шер, Асад Асилов, Шарифа Салимова, Темур Убайдулло, Ашурали Боймурод, Зарифа Эралиева каби шоир ва ёзувчиларнинг номларини нафақат Тошкент вилояти, балки, бутун юртимиз китобхонлари яхши билади.

Шуни ифтихор ила айтамизки, устозлар изидан бориб, адабиёт бўстонига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиз вилоятимизда талайгина. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда шаҳар ва туманларда иш олиб бораётган ўнлаб ижодий тўгараклар ҳаваскор ёшлар учун ижод мактаби вазифасини ўтаяпти.

"Истеъдод мактаби" республика ёш ижодкорларининг Дўрмон анжуманида фаол иштирок этган Беҳзод Бийболаев, Кумуш Абдусаломова, Аслиддин Сабриддинов, Висола Пардабоеванинг илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳасида кўп минг нусхада чоп этилиб, республикамиз бўйлаб тарқатилиши давлатимиз томонидан ёш истеъдодларга бўлаётган эътибор намунасидир.

Бугун қадрли журналхонларимиз эътиборига ҳавола этилаётган бир гуруҳ ёшларнинг ижод намуналари ҳам вилоятимиз истеъдодларга сероблигидан далолатдир.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Тошкент вилояти бўлими масъул котиби

Баҳор

Аслиддин САБРИДДИНОВ

Сенинг ҳам кўзингда соғинч ёшлари,
Менинг ҳам кўнглимнинг эгаси баҳор.
Баҳор – бу болари қиқирлашлари,
Ялпизнинг ям-яшил елкаси баҳор.

Булоқлар товуши, сойлар товуши,
Худонинг ишидир, Худонинг иши.
Бошқача туюлар, бошқа туюлар,
Таниш қадамларнинг жуфт кўриниши.

Момомнинг юзида бобом сийрати,
Бобомнинг юзида не бор, бу савол?
Кўкламнинг рангидир ёкангдаги лаб,
Нигоҳлар тўқнашиб кетиши баҳор.

Бир кун қуёш чиқар, бир куни зулмат,
Ёмғир ёғар тинмай, бўри болалар.
Яна чорлайверар ўзига шундай,
Очиқ хиёбонлар, сокин далалар.

Сенинг ҳам кўзингда соғинч ёшлари,
Менинг ҳам кўнглимнинг эгаси баҳор.
Баҳор – бу болари қиқирлашлари,
Ялпизнинг ям-яшил елкаси баҳор.

Иккимиз

Иккимиз қайрилдик икки томонга,
Ўйноқи кўзларинг юмилди маҳкам.
Ҳавойи гаплар ҳам текканда жонга,
Қадамлар ташладик хайрлашмай ҳам.

Хаёл деб ўйлардим буткул барини,
Яшардинг ўзинг ҳам эртагинг билан.
Биздан қолган жами хотираларни
Супуриб кетардинг этагинг билан.

Кўзларим ёшланар фақат аламдан,
Ичимга ютардим, йиғиб бор кучим.
Индамай кетардинг бир хил қадамда,
Ҳеч нима бўлмаган, худди сен учун.

Сенгамас, севгига ичим ачирди,
Ишқнинг ҳам байрами бормади кўпга.
Балки, анча-мунча кўнглинг тинчирди,
Иккимиз кўмилсак икки қутбга.

Аслиддин САБРИДДИНОВ – 2000 йилда туғилган. Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА

Тонг

Субҳидамда ўзгача очун,
Ноз уйқуда ҳали фалаклар.
Қуёш деган зар кошонадан
Тушиб келар нурли малаклар.

Яшил майсаларнинг бўйнига
Шабнамлардан маржон қадаркан.
Самовотдан келган малаклар
Ўзларини: "Нур" деб атаркан.

Зилол сувга жило берарлар,
Гуллар тутар нафис яноғин.
Нур малаклар улар юзига
Теккизади заррин бармоғин.

Улар гўзал олам ҳуснига
Бахш эттими шунчалар фусун?
Аста нурга қоришар олам,
Гул лабида ширин табассум.

Қунботарда гардуннинг юзи
Гўё қондек қип-қизил тусда.
Нур малаклар хайрлашаркан
Юриб, қизил гиламлар узра...

* * *

Зангор осмон юзи тундлашди,
Ой пардозлар доғ юзларини.
Сўнгра, қаро сочлари аро
Осмон қадар юлдузларини.

Ой ийманиб, ерга мўлтирар,
Термилганча ойнинг кўксига.
Сув бўйида бир қиз ўлтирар,
Маҳлиёдек сувнинг раксига.

Хаёлимни ипсиз боғлади,
Тенги йўқ, гўзал бениҳоя.
Киприклари юзига пана,
Киприклари юзига соя.

Юзи чашми зилолдай тоза,
Балки ўзар гўзал паридан.
Қошлари ҳам олган андоза
Қалдирғочнинг қанотларидан.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА – 2001 йилда туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи ўқувчиси.

Хаёлларда сайр этмоқда у
Фаромуш ва хотирпаришон.
Нигоҳим узилмайди гўё
Кўзларим ўқ, кўзлари нишон.

Юрагимдек йиғлаяптими,
Қалбим каби маҳзунмикан ё?
Муҳаббатдан маҳруммикан ё,
Маҳзунликка маҳкуммикан ё?

Қаро туннинг тасвири ила
Гўзаллиги бўлгандир уйғун.
Айни шу кез ларзага келар,
Юрагимда бегона туйғу.

Тун муҳлати етди энди кўк
Нур-ла қоришар борган сари.
Қолди қизнинг киприкларида
Субҳидамнинг гўзалликлари.

Инсон бир марта яшайдиган умрида қалб кўзи очиқ бўлиб, руҳан мусаффо бўлиб, ўз қадр-қиймати ҳамда ўзгаларнинг қадр-қийматини билиб, эъзозлаб, авайлаб яшаши лозим. Ҳаёт бизни ҳамиша шунга ўргатади.

Эркин ВОҲИДОВ



Шохрухбек ОЛИМ

"ЭРТАЛАБКИ ХАЁЛЛАР" ХАЁЛИ

Бадиа

ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН "ДЎСТЛИК" ТАКЛИФИ

Аксарият замондошлар каби камина ҳам facebookда вақтни беҳуда ўтказиш касалига дучор бўлганман. Лекин бошқалардан кўра устунроқ бир жиҳатим бор – халқимизнинг кўзга кўринган, қалам тебратиб, бир нималар қоралаган вакилларига дўстлик таклифи жўнатиб қўяман. Улар билан гаплашмасам, танишмасам ҳам, фаолиятидаги янгиликлардан хабардор бўлиб тураман. Шу денг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамга ҳам дўстлик таклифи жўнатиб қўйибман. Орадан ойлар ўтса ҳам, қабул қилмадилар. Одатда, ижодкорлар шеърларини, қиссаю ҳикояларини ўқувчиларга улашиб, мухлис кўпайтиради. Эркин Аъзамга мухлиснинг кераги йўқ, бу босқичдан ўтиб кетганлар. Ёки шунчаки, фейсбукка киришга вақтлари йўқ, балки, "тнет-прнет" деганларини, умуман, тушунмайдилар. Хуллас, дўстлик таклифим жавобсиз қолди.

Тўғри-да, бизга ўхшаган ўзини туппа-тузук "профессионал журналист" санаб юрган йигитча қаёқда-ю, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам қаёқда?!

Адабиётшунослар оиласида туғилиб ўсганман. Шунинг учун, эсимни танибманки, уйда ёзувчи-шоирларнинг исм-шарифи тилга олинади, ёзган мақоласию кимнидир "урган-сурган"и муҳокама қилинади. Болалигимда: "Фалончи пистончини боплаб "урибди", дейишса, чинакамига дўппослабди, деб тушунар эдим. Кейин билсам, матбуотда мақола билан "урилиш"дан, росмана калтак еган маъқул экан. Ғайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Азим Суюн, Усмон Азим, Маҳмуд Саъдийларнинг ўзини танимасам ҳам исм-шарифини ёддан билардим. Дадам укам иккимизни шаҳар айлантиришга олиб чиқиб, ўзлари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятида соатларча қолиб кетардилар. Биз эса Маҳмуд Саъдий деган бир "кора шахс"ни ёмон кўриб, ташқарида кутиб ўтирардик. Куни келиб, ўзим ҳам шу ажойиб устозга шогирд тушдим. Битирув малакавий ишимга илмий

Шохрухбек ОЛИМ – 1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бакалавр ва магистратура босқичларида таҳсил олган. Ҳозирги пайтда Туркиянинг Гази университетида журналистика йўналишида фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқот олиб бормоқда.

раҳбарлик қилдилар, кейин магистрлик ишимда ҳам маслаҳатлар олдим. Соатлаб ёнларида ўтирдим.

Хуллас, Эркин Аъзам ҳам қулоғимизга сингиб кетган шахслардан. "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири, ихчам қоматли, бошқаларга ўхшамайдиган йўғон овозли бир инсон эканликларини болаликда билардим. Телевизорда интервьюларини эшитганман, баъзида овозларининг йўғонлигидан микрофон яхши ёзолмаганини ҳам сезганман. Лекин у киши билан ҳақиқий танишиш "Эрталабки хаёллар" деган китоблари қўлимга тушганидан кейин бошланди.

ЎЗБЕКЧАНИ СОҒИНГАНДА ЎҚИЛГАН КИТОБ

Пешонада бор экан, хорижда илмий тадқиқот қиляпман. Бошқа тил, бошқа тушунчалар, бошқача дунёқарашга-ку анча мослашиб қолдим. Аммо ўзимизнинг халқона ҳазиллару қоғозга ўраб айтиладиган пичинг гапларга, ҳангомалару афандинамо латифаларга нима етсин?! Ўзга тилни қанча ўзлаштирманг, барибир, ўзбекча ўқилгандаги мароқни топиш қийин. Она тилида ўқишнинг "ютум"и яхши бўларкан, энди билсам. Айниқса, ёнингизда китобдан бошқа ҳеч ким ўзбекча "гапирмаса", у энг яқин дўстингизу ҳамроҳингизга айланар экан.

Хуллас, "Эрталабки хаёллар"ни эрталаб ҳам, кундузи ҳам, фарзандлару ота-онани соғиниб, уйку келмаган кечалари ҳам ўқишга одатландим. Бошқача айтадиган бўлсам, хаёл товлаган ҳар маҳалда Эркин Аъзамнинг хаёллари билан суҳбат қурдим. Нақ уч ойлик мутолаа бўлди ўзиям. Баъзи жойларни қайта-қайта ўқидим. Алалоқибат, китоб анчагина эскирди, пахтадай оппоқ саҳифалари жиндай сарғайди, баъзи жойларига қалам ҳам тегди. Муаллифга айтадиган узрим бор!

Муаллиф бу китобларини дадамга: "Азизим Султон Мурод! Бул китобда Сизнинг-да улушингиз бор. Шугина билан қарзимни узолмасман, рози бўлгайсиз. Эркин. 29.03.16", деган дастхат ёзиб, совға қилганлар. Бу чизганларим учун ҳали дадамдан кечирим сўрашга тўғри келар. Майли-да.

Келинг, энди китобнинг баъзи жойларига хат тортганим, эртага давомини ўқирман, деган ниятда буклаб қўйганим ва ҳоказо "айб"ларимни ювай – кузатувларимни сиз билан ўртоқлашай.

Ишни, аввало, китобнинг дизайни, сифатидан бошласак. Китоб "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида 2015 йили икки минг нусхада нашрдан чиққан. Бунинг ўзи кўп нарсадан дарак беради.

"Эрталабки хаёллар"нинг варақлари оппоқ, ҳеч қаерида бўёқлар суркалиб кетмаган, саҳифалар баъзи китоблардаги каби тескари тушиб қолмаган. Харидорга қимматроқ келар, аммо йилда бир дафъа бўлса ҳамки, китобнинг сифатлисини олган яхши, фикримча. Аммо бу асосий масала эмас: гап – ўша оппоқ варақларга тушган босмада, битилган фикрларда. "Эрталабки хаёллар" китоби – "Тафаккур" журналини оёққа қўйиб, унинг мамлакатимиздаги энг тоши оғир, нуфузли нашрга айланишига 23 йилдан буён бош-қош бўлиб келаётган бош муҳаррирнинг, дипломли, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, айни пайтда Ўзбекистон халқ ёзувчисининг публицистик асарлари тўплами, десак ҳам бўлар. Унга муаллифнинг асосан, мустақиллигимиз илк йилларидан то яқин кунларгача ёзилиб, матбуотда эълон қилинган ёки босилмай қолган мақолалари жо бўлган.

САРАНЖОМЛИК

Китоб киройи саранжомлик билан тартиб берилган.

Ундан, "Гапни ўзимдан бошласам..." сарлавҳали беш саҳифали сарсуҳандан ташқари, 136 асар ўрин олган. "Асар" деганимга эътироз қилиб ўтирманг: гарчи тўпламга журналистик-публицистик материалларгина киритилган бўлса ҳам, адиб уларнинг ҳар бирини худди ҳикоя ёки қисса ёзаётгандек юксак маҳорат билан битган.

Материаллар жанри ва йўналишига кўра, беш бўлимга ажратилган.

Тажрибасизроқ қаламкаш жанрларнинг ўзинигина сарлавҳага чиқариб кўя қолиши ҳам мумкин эди. Бироқ атокли адибнинг маҳорати шундаки, у буни қавсга олади-да, ҳар бир бўлимга исми жисмига мос гўзал, таъсирчан, жозиб сарлавҳалар топади: "Сиёсату саёҳат (Мақола ва сафарномалар)", "Шап-шап дегунча... (Фикралар)", "Йўл-йўлакай (Адабий қайдлар)", "Ёндошлар, замондошлар (Портрет ва хотиралар)", "Менимча... менимча... (Суҳбатлар)".

ХАЁЛЛАР ЕТАГИДА

Гапни "Сиёсату саёҳат (Мақола ва сафарномалар)" қисмидан бошласам. Бу бўлимга жами 19 мақола киритилган. Илк мақола "Ватан масъулияти" сарлавҳаси билан берилган. Муаллиф бу ерда ўзининг ўзгаришлар даврига гувоҳ бўлаётганидан, қарийб бир аср ҳукмронлик қилган пуч ғоялардан воз кечилишининг бевосита иштирокчиси эканидан хурсандлигини намоён қилади. Тўқсонинчи йилларнинг азобу уқубатлари, кескин ўзгаришлар, муаммолар, ечимини кутаётган масалалар илҳоми ёхуд алами биланми ёзилган мақола биз тенгилар учун ўша даврни яхшироқ тушунишга, замонни бошидан ўтказганлар учун яна бир ёдга олиб: "Шукр!.." дейишга ундайди.

"Танқиддан мақсад – танқид, ўч олиш, ер билан яксон қилиш, бадном этиш эмас, ҳақиқий манзарани очиб бериш, камчиликларни баралла айтиш, ишни яхшилашга оид йўл-йўриқлар кўрсатиш, оқилона, фойдали хулосалар ясашдан иборат бўлмоғи керак". Бу жумлаларни муаллиф 1997 йил ёзган экан. Матбуотимиз таҳлили асосида сўз юритилган бу мақолада журналистларнинг танқиддан қўрқиши-ю танқидий мақоладан кейин бош муҳаррирга келадиган акс таъсирлар қаламга олинган.

Материалнинг ёзилганига нақ 20 йил тўлибди. Бу муддат ичида, публицистик мақолалар у ёқда турсин, каттакон илмий китоблару не-не тадқиқот натижалари ҳам кераксиз бўлиб қоляпти. Лекин айни бу мавзу ҳали ҳам долзарблигини йўқотмади. Энди-энди бизлаги оммавий ахборот воситаларида танқид чинакамига жамиятни ривожлантириш йўлида хизмат қила бошлади. Давлат ҳам, халқ ҳам журналистлардан ҳаёт таҳлили асосидаги танқидий муносабатни талаб қиляпти, шу йўл билан хатолар тузалишига умид билдиряпти. Журналистнинг вазифаси фақат ва фақат "ура-ура" қилиш, олам мунавварликларини намоён этишдан иборат эмаслигини тушуниб етишимиз учун чорак аср вақтимиз кетди-я...

Яқинда Лондон шаҳрига янги ҳоким (майор) сайланди. Қачонлардир Покистондан кўчиб келган оиланинг фарзанди экан. Лекин Англияда туғилиб ўсган, бир қарашда, инглиздир у, балки. Хуллас, Содиқ Хон жанобларининг мусулмон экани, сиёсий-ижтимоий қарашлари, ҳамма-ҳаммасини бутун дунё эринмай муҳокама қилди-да ўзиям. "Мана, демократия, инглизлар диёрида покистонлик ҳоким сайланди, биз тарафларда ҳам демократиянинг бу босқичларига эришилса эди", дея фикрловчилар орасида камина ҳам бор эди. Тўғриси-да, ҳокимлар бизда ҳам сайланса нима қилар экан? Ҳар қандай ҳокимликка даъвогар сайловда қатнашса, ўз дастурини ишлаб чиқиб, халққа тақдим этса...

Эркин Аъзам бу ҳақда чапанича, ҳамма тушунадиган бир мисол билан жавоб ёз-

ган эканлар. "Масалан, вилоят ҳокими лавозимига келиб чиқиши ҳар жойдан бўлган уч кишининг, дейлик, бойсунлик, шерободлик ва шўрчиликнинг номзоди қўйилди. Сайлов чоғи, ишонаверинг, бойсунлик депутатлар – бойсунлик номзодга, шерободлик – шерободликка, шўрчилик эса, албатта, шўрчиликка ён босади, ўшанга овоз беради. Натижада вилоятга эмас, Бойсунга, Шерободга ёки Шўрчигагина ҳоким сайланган бўлиб қолади. Элнинг ораси бузилади, тарафкашлик, маҳаллийчилик баттар авж олади. Демак, ҳозирча сабр қилиб турган маъқул".

Сизни билмадим-у, камина саёҳатнинг шайдосиман. Йиллар олдин: "Паспортимда юртдан чиққанлигим ҳақида муҳр йўқ", деб, қанчалар ич-этимни еб юрганимни айтмайсизми?! Дўстларни аэропортда кузатар эканман, ичимдан қириндилар ўтганини-ку, асти сўраманг! Хуллас, йўлчилик, гаштак, деса, жонимга жон киради. Эркин аканинг бу борадаги қарашлари қандай эканини тўлиқ била олмадим-у, Эрон, АҚШ, Германияга қилган саёҳатларини мириқиб ўқидим. Чет элга чиққан юртдошимиз кам эканми, бир-икки ҳафталик саёҳат тугул, Парижу Лондонни худди ўзининг маҳалласидек, кўчама-кўча биладиган баъзи ватандошларимизни танийман. Шу жиҳатдан қараганда, Эркин аканинг сафарлари ҳеч гап эмасдек. Лекин масаланинг бир жиҳатини унутмайлик, бу саёҳатлар тўксонинчи йилларнинг бошларида, ҳали Ўзбекистонни, кўп давлатларда қизил байроқ остида бирлашган бепоён даланинг бир парчаси, деб биладиган пайтларда амалга оширилган. Устига-устак, инглизчани билмай қилинган саргузаштнинг, иллоки, бир ишкали бўлади, чув туширган ҳолатлари, гарчи айтилмаса ҳам, бордир, албатта. Қолаверса, ёзувчининг кўзи билан кўрилган манзара, оғзимизни американча қилиб талаффуз қиладиганимиз HD (эйч ди) камера объективларидан ҳам мукаммалроқ тасвирланади.

Муаллиф Эрондаги қора рангга бурканган уст-бошларга-ю бир неча кунда тубдан ўзгарган Эрон жамиятига эътибор қаратади. Бадиа жуда таъсирчан жумлалар билан тугатилган. Исфаҳондаги "Шоҳ Аббос" мусофирхонасига кираверишда муаллифнинг кўзи "баланд, тик зинапоянинг қоқ тепасидаги девор бурчагида бир қора ҳайкалдек қотиб тур"ган "сим-сиёҳ либосга бурканган ёшгина қиз"га тушади. "Навбатчи бўлса керак. Девор – оппоқ, қиз – қоп-қора!" Кейин ўзини ғафлатда қолдириб, уни суратга олганини айтиб, хулоса қилади: "Негатив тасвирда тескари чиқди: девор – қоп-қора, қиз эса – оппоқ. Бамисоли кабутар, оппоқ кабутар. Худо ҳақи, шуниси кўнгилга яқиндек..."

Ёзувчимиз Америкага борганида Вашингтондаги байроқбозликка, янада батафсилроқ айтсак, ҳамон-ҳамон ҳар бинонинг (ҳатто, қурилиши энди бошланган иншоотнинг ҳам) томига қадалган байроқларга, давлатбошидан тортиб, кўчадаги оддий йўловчигача кузатиш мумкин бўлган ҳеч бир маъносиз табассумларга... тўхталади. Олмон юртида эса, ҳар дақиқасини бир неча кун аввал режалаштириб яшайдиган немисларнинг нақ бир ярим соат миллий қўшиқларимизни қимирламай тинглаганини ғурур билан тилга олади.

Яқин ўтмишда ёшроқ бир ҳамкасбимиз раҳбарликка тайинланибди. Биринчи кундан мажлис йиғиб: "Мени "Фалончи ака", "Фалончижон", "Фалончибек" деб ўтирманглар, менга фақатгина "Фалончи Пистончиевич", деб мурожаат қиласизлар", деб туриб олибди. Яна бир ҳолат, яқинда оилавий кинога тушдик. Хусусий бир корхонанинг ёшроқ раҳбарига отаси тенги одам келиб: "Фалончи Пистончиевич!" деб мурожаат қиляпти. Хўш, энди, айтинг, биринчи ҳолатдаги ҳамкасбимиз кинолардан ўрганиб, шундай талаб қўйганми ёхуд киночилар у ҳамкасбимиздан ўрганиб, сценарийга шундай диалогни қўшишганми? Аслида, сабаби – жуда оддий. "Товарищ Александр Тимофеевич!" деб юрган пайтларимиздан қолган анъана бу. Олдин нима бўлса, бўлибди, энди ўзгаришимиз керак эмасми мабодо?! Аввало, паспортлардан "-ов", "-ович"ларни улоқтиришимиз керак эмасмикин?! Ҳай, майли, ҳужжатда

"-ов", "-ович" бўлиб қолсак, колибмиз, зарари йўқ, оддий бир расмиятчилик. Лекин ўзаро суҳбатлашганда "Фалончи Пистончиевич" деб юришимизга нима бор?! Йўқ, чамамда раҳбарларимизга (асосан, тоза теккан, ёш раҳбарчаларимизга) оддийгина "ака" ёки "Фалончижон", "Фалончибек" бўлиш хуш келмайди. Эркин Аъзамнинг 2006 йили ёзилган "-Ов", "-ов"... "-вич", "-вич"..." сарлавҳали фикраларида ҳам шу ҳақда сўз юритилади. "Истиқлолимизга пешвоз чиққан дастлабки қонун давлат тили ҳақида эди. Унга ҳам ўн етти йил бўлди (1989–2006). Лекин камина ҳамон -овман! Нега? (Албатта, гап мен ҳақимдагина бораётгани йўқ.) Ўша тарихий ҳужжатда исм-шарифимизни миллий-анъанавий шаклда ёзишга изн берилган-ку!"

Қозоғистонлик бир дўстимдан уларда бу ҳолат қандайлигини сўрадим. Айтишича, қозоқ тилида мурожаат учун исм ёнига қўшиладиган сўзнинг етишмаслиги туфайли дарров "-ов", "-ович" қилиб юрилар эмиш. "Байке (бой ака)" бор-ку", десам: "У – жуда халқона-да, раҳбарларга бундай мурожаат қилинмайди", дейди. Аҳвол бир хил, ишқилиб...

"-Ов", "-ович"чиликнинг бир фойдаси бор. Чет элда, хусусан, "-ов"чилар яшамайдиган ерда бирор "-ов" фамилиясини эшитиб қолсангиз, дарров қандайдир бир яқинлик ҳис этасиз. "Нима бўлса ҳам, ўзимиз тарафлардан-да", деб қўясиз. Мабодо, гаплашишга тўғри келиб қолса, деб, хаёлан shift+alt тугмаларини босиш орқали миянгизни рус тилига ўтказиб қўясиз.

ТИЛНИ КИМДАН ЎРГАНАМИЗ?

Яқинда адабиётимизнинг йирик намояндаси Ғафур Ғуломнинг 1924–1925 йилларда ёзилган ҳикояларини турк тилига таржима қилишга тўғри келди. "Ие, ҳикоя экан-ку, бор-йўғи 3-4 бетлик нарса, "шест секундда ўгириб ташлайман", деб, ишга ўтирдим. Ҳар жумладан, десам, ёлғон бўлар, ҳар уч гапдан бирида бугунги замондошимиз аниқ изоҳлаб беролмайдиган сўз чиқди-ёв. Ўтган асрнинг 20-йилларидан то ҳозиргача тилимиз, қаранг, қанча ўзгаришларни бошдан кечирибди. Янги тушунчалар, нарса-ашёлар дегандай, охир-оқибат, бор-йўғи юз йиллик тарихга эга матнларимизни тушунишга қийналадиган аҳволга келиб қолибмиз. Яна бир савол: шўро даврида ёзилган мақолами, илмий рисолами ўқиганмисиз? Бир қарашда ўзбекча ёзилган, лекин у бугунги биз билган ўзбекча ҳам эмас-да! Яна битта ҳолатни айтай, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида юртимиздан бошқа ўлкаларга кетганларнинг ўзбекчасини эшитсангиз, яна бошқача. Энди 18-20 ёшлардаги йигит-қизларнинг телевизорлардаги бурро-бурро интервьюсини бир тингланг. "Айни мана шундай", "такомиллаштириш", "баландроқ кўтариш", "демак"... каби сўзлардан тўхтовсиз жумлалар қуриб кетаверади-ю, ўз атрофида айланиб қолади. Нега? Сўз бойлигида муаммо бор. Тили – камбағал.

Балки, ошириб юборяётгандирмиз, эҳтимол, янглишдир, лекин Эркин Аъзамнинг "Эрталабки хаёллар"ини ўқир экансиз, муаллиф сизни замонлар оша у ёқдан, бу ёққа судраётганга ўхшайди. Бир қарасангиз, Навоийлар қўллаган калималардан, бир қарасангиз, янада қадимлардан келаётган эски туркий сўзлардан ўрнаклар кўрасиз. Энг қизиғи, ҳаммамиз билган сўзларнинг янада халқона ишлатилиши кишини матнни беихтиёр кулимсираб ўқишга ундайди. Масалан, милиция идораси – "мелисахона", Европа – "Оврупа", айтгувчи – "ойтқич", ҳамроҳ – "эш", яхшироқ – "бехроқ", ўрганиш учун – "ўргамчик", капитал – "ётирим". Буларни биз ҳам биламиз-ку, деган фикр хаёлингиздан ўтиши табиий. Лекин, айтинг, қайси биримиз ва қаерда қўллаймиз бу сўзларни? Миллатдошларимизнинг кўпи ҳозирча бу сўзларни тушунади, улар баъзи шеваларимизда, эҳтимол, ҳали ҳам фаол истеъмолдадир. Аммо яқин орада бутунлай унутилиши – турган гап. Тилимизни унутаётганимиз йўқ, қайтангга янада яхшироқ гапиряпмиз, адабий тилимизда сўзлайдиганлар ҳам сон-саноқсиз. Муаммо

шуки, момо-боболардан қолган калима, ибора, мақоллар, ҳа борингки, оддий жумларнинг кўпи фаол эмас, биламизу ишлатмаймиз, ўқиймизу ёзмаймиз.

"Ўзбекчани Эркин Аъзамдан ўрганиш керак!" Бу ерда муаллифни ёлғиз бир инсон деб тушунманг. Буни Эркин Аъзам ва унинг замондошлари, дея қабул қилинг. Бу авлод – ўзбекчанинг бобо-момолар, ота-оналардан қолган тийнатини, ака-ука, опа-сингиллардан келаётган танбеҳу тазйиқона сўзларни, дунё ҳамжамиятидан олинган ҳалқаро тушунчаларни ўзида жо қилган авлод. Бу қаламкашлар, ҳатто, ўша ўтган асрнинг 20-йилларида ишлатилган, юқорида қайд этганимиз Ғафур Ғуломлар ёзган, биздан анчагина йироқлашган она тилимизнинг тирик ташувчилари, десак ҳам бўлади. Шундай экан, Эркин Аъзам ва замондошларидан ўзбекчанинг бой меросини ўзлаштиришимиз лозим, фикри ожизимча.

"ЭРТАЛАБКИ ХАЁЛЛАР"НИНГ ХУЛОСАЛАРИ

Эрталаб тинглаган мусиқангиз кун бўйи кайфиятингизга таъсир қилиб турар экан. Америка фильмларида қаҳрамонларнинг эрталабдан қулоғига гўшакни тақиб олиб югуриши бежиз эмас, шекилли. Эрталабки ўй-хаёллар куни билан жиғибийрон қилиши ҳам – рост. Афсуски, бошдан кечган хаёлларни амалга ошириш "битс-битс" мусиқа остида югуриш каби осон кечмайди-да. Режалар доим пучга чиқиши, вақтнинг беҳуда ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Муаллифнинг бу китобдаги фикрлари ҳам эрталаблари, сумкани қўлтиқлаб ишга кетар чоғи пишган бўлса, ажаб эмас. Лекин буларнинг барини ўқувчига етказа олиш учун неча саҳару қанча мулоҳаза лозим бўлди экан? Ҳар ҳолда, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзилган мақолалардан тортиб то китобни босишга имзо чеккунга қадар ўтган ҳар тонг ана шу "Эрталабки хаёллар"ни четлаб ўтмагандир-ов.

Шуни баралла айтиш мумкинки, мазкур китоб – ўқувчининг кўплаб тонгу тунларига татигулик, ўйлантиргулик. Нашр биз – китобхонларга етиб келди. Лекин бу ёғи тамом-вассалом билан битмайди. Муаллиф энди "Эрталабки хаёллар" ҳақидаги хаёллар билан овора. Бу – аниқ. Бундай ҳолат ҳақида ўзлари ҳам бир ерда айтиб ўтибдилар: "Китобинг чиқди, ҳар ким ҳар хил фикр айтди: биров мақтади, биров аямай ерга урди. Аммо унинг ҳақиқатда қандай эканини ёлғиз ўзинг биласан; қувонадиган ҳам ўзинг, куйинадиган ҳам ўзинг; ёлғиз ўзинг! Биласан, ўйланасан, қийналасан".

Ғафур Ғуломнинг Шум боласига ўхшаб, бошида: "Менинг бир айбим бор", деб айтган эдим. Фейсбукда кўп вақтимни беҳуда ўтказаман. Кузатганимни сўйлай, кўпчилик ўз саҳифасига Цицерон, Конфуций, Умар Хайём ва яна аллакимларнинг фикрларидан иқтибослар келтириб, статус қилиб қўйишади. "Қишда ҳаво совуқ бўлади", "Ёз ёмғири ноёбдир" каби "доно" фикрлар... Эркин Аъзамдан чинакамига статусбоп жумлалар тўплами чиқарса бўлади. Қуйидаги жумлани, ҳозиргина статус қилиб қўйдиму мақолага якун ясадим:

"Ватан муҳаббати шумикан? Билмадим. Ҳар ҳолда, шу юртсиз, шу элсиз менинг ҳеч ким, ҳеч нима эмаслигим – ҳақиқат. Ватанга муҳаббат шумикан?.."

P. S.

Бу сатрларни ўқиб, сезиб турибманки, сизнинг ҳам шу китобни мутолаа қилгингиз келиб қолди. Ишингизни осон қилиб, аввал-бошдан айтиб қўя қолай: бу – каттагина китоб. Нақд 30,66 шартли босма табоқ! 584 бет!

Лекин чарчамайсиз. Муаллиф сизни зериктирмайди.

Китоб ҳам фарзандга ўхшайди. Бир марта туғилади. Шундай экан, ҳар қандай нашр ҳадди аълосида бекаму кўст бўлиши керак. Нуқтаси, вергулигача.

Бу ҳам – тилга ҳурматдан.

Ахир, тилга ҳурмат халққа ҳурмат эмасми?!



ЧАВАНДОЗ ҚАМЧИСИДАН ЧАҚНАГАН ҚИССА

Завқиддин СУВОНОВ

Сўз санъати ўзини бадиий образлар орқали намоён қилади. Бадиий образ эса кўзгуга қараб ўз аксимизни кўрганимиз каби ижодкор руҳиятидаги бизнинг аксимизга ижодкор томонидан берилган холис қарашдир. Бадиий образда характер ёки борлиқнинг яхлит тасвири тўлалигича ва бор мураккабликлари билан ижодкор онги орқали асарга кўчиб ўтади. Бу жараёнда у инсон ва оламнинг қуруқ тасвири бўлиб қолмай, ижодкорнинг дунёқараши орқали онгида кашф этилган инсон ва оламни акс эттиради. Бу ёзувчининг инсон ва ҳаётга берган эстетик баҳоси саналади. Шунингдек, мазкур ҳодиса ёзувчининг мақсадига боғлиқ ҳолда амалга ошади. "Бадиий асарда озми-кўпми тафсилот билан тасвир этилган персонаж – образ ёки характер деб аталади. Образ инсоннинг типиклаштирилган ва индивидуаллаштирилган тасвиридир… Характер (образ) муаллиф эстетик идеалини ташувчидир".[1] Образ маълум бир муҳитда ҳаракат этиш натижасида намоён бўлади ва шаклланади.

Борликда азалий қарама-қарши унсурлар: сув ва олов, ибтидо ва интиҳо, эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳиссизлик ва ҳаяжон сингари антонимик қарашлар мавжуд. Бу ҳол инсонлар онги ва тафаккурида ҳам акс этади. Инсоният яратилибдики, жамият ва инсон ўртасида айро жиҳатлар мавжуд бўлган, ана ўша даврлардан рамзийлик адабиётнинг муҳим омилига айланган. Ижодкор ҳислари рамзларда акс этган. Рамз – кўчма маъно касб этувчи образлилик тури. Муаллиф қарашларини бадиий образ зоҳирий акслантирса, рамзий образ эса ботиний ифодалайди.

Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом" қиссасида манфур ижтимоий муҳит таъсири сезилса-да, муаллиф ўз қарашларини очиқ баён эта олган. Муаллиф кеч кузда туғилиб ўсган юрти – Сурхон воҳасига йўл олгани, Саттор чавандоз билан тил топишиб, чавандоз унга от топиб берганлигини айтади ва "Мен… отландим" дейди. Бу унинг адабиётимизга яна бир асарини туҳфа қилмоқчи бўлиб, номини абадийлаштиришга отланганини англатади. "Узун қиш кўпкарихона – иш жойим бўлди, чавандозлар – ҳамхонам бўлди, отлар – биродарим бўлди. Ниҳоят, кўкламда "От кишнаган оқшом" номли иккинчи қиссамни журналга кўтариб келдим" деб

[1] Султонов И. Адабиёт назарияси. 2-нашр. Т.: Ўқитувчи. 1986.

Завқиддин СУВОНОВ – 1986 йилда туғилган. Термиз давлат университетини, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек филологияси факультети магистратурасини тамомлаган. Республика матбуотида қатор илмий мақолалари эълон қилинган. "Поэтик образ табиати" номли илмий рисоласи нашрдан чиққан.

айтади. Адабиётшунослар эътирофидан фарзанди камолини кўрган отадек қувонган ёзувчи "Мен" номли мақоласида "Қисса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси дея баҳоланди" деб ёзади. Ёзувчининг маҳорати унинг ҳаётий билимлари, кўпкарининг қонун-қоидаларини мукаммал тушуниб, кўрган-кечиргани ва чопган улоқлари гази билан ўлчанади. Ана шундай етук асарни ёзиш учун муаллиф бир-неча марталаб чавандозлардан қамчи еб, отдан йиқилиб, ҳақоратли сўзлар билан таҳқирланган. Асарда ўзбек фольклори ва дунё адабиётининг таъсири ҳам бекиёс. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев Азим Рўзиев билан "Тоғай Мурод чизган суратлар" суҳбат-мақоласида шундай дейди: "Зиёдулла образи орқали инсоннинг нозик кечинмалари, зиддиятлари очиб берилади. У кал бўлса-да, кўнглининг шу қадар нозиклиги, ғурури шу даражада баландлиги, эркинлиги ва атрофини ўраб турган кишиларнинг нақадар қаллоблиги, соткинлиги-ю кўркоқлиги қандай ифодаланганлигини кўринг-а. "От кишнаган оқшом" қиссаси дунёдаги адолат ва адолатсизлик ҳақидаги гўзал ҳамда дахшатли асар. Бу қисса адибнинг бошқа асарлари сингари эзгуликка даъват этади. Эзгулик ва разолатнинг мангу курашидан баҳс этади. Тоғай Мурод асарлари миллатимиз юксалишига, маънавияти баландроқ, кўнгли тозароқ бўлишига хизмат қилади"[2] дейди. Бу ва шунга ўхшаш фикрлар "Мен қайтиб келаман" номли хотиралар китобида кўплаб учрайди. Муаллиф мазкур асарни ёзиб, ўзбек миллий колоритини ўзида мужассам этган кўпкари (улоқ) йўқолиб кетиш арафасида турган бир пайтда уни оммага қайтариш учун ўзида куч топа олган эди. Кал катта Зиёдулланинг отини олиб кетиш учун келганида у "… Отам бечора совет тузумини деб қурбон бўлди. Отга келсам, от йигитнинг йўлдоши, катта. Қолаберса, от билан кўпкари чопамиз…" деб аждодлардан ўтиб келаётган бу спорт турининг бардавомлиги ҳақида сўзлайди. Лекин кал катта унга "Кўпкари – эскилик сарқити! Кўпкари – ёввойилар ўйини" деб танбеҳ беради. Муаллиф эса Зиёдулла образи орқали бу фикрларга тиш-тирноғи билан қарши туриб, ҳам маънан, ҳам жисмонан кучли бўлган халқ вакилларининг ўйини эканлигини айтади.

Асарда бош образ Зиёдулла Қурбонов. Асар унинг тилидан ҳикоя қилинади. Ровий нутқидаги "таътил қилдим" (овқатландим), "дўмбирамни сайратдим" (дўмбирамни чалдим), "чўнқайибман" (энгашмоқ), "чинингни айт" (ростини айт), "зуваласи пишиқ", "бўлимли" (бақувват), "сағир" (етим), "бурнини жийириб" (назарга илмай) каби шева сўзларнинг истеъмолга кириб келиши адабий тил учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Тоғай Мурод насрининг ифода тарзи ҳақида профессор Баҳодир Саримсоқов: "Адиб ўзбек бадиий насридаги баён поэтикасини бутунлай янги ўзанга буриб юборди. Эпик баённинг бу шакли ҳозирги ўзбек насрида мутлақо янги бадиий ҳодиса бўлди. Мен бу ҳодисани квантий баён шакли, деб номлагим келади ва эпик баённинг ушбу шамойили ҳақида, умр насиб этса, махсус бир тадқиқот қилиш ниятим йўқ эмас", деб ёзади. Муаллиф сўзга хасислик қилмасдан баён этикасига амал қилиб, ўзининг шундай услубини яратади. У такрорий сўзларни кўп қўллайди. Такрорлар унинг ифода тарзи орқали улкан маъно касб этади.

Кўпкари эл-юрт ори учун курашиб келган довюрак чавандозларнинг мардлиги ва ҳалоллиги билан йўғрилгани боис эътиборга лойиқ. Унда ҳалоллик қанча кўкка кўтарилса, ғирромлик шунча ерга урилади. Фикримизнинг далили сифатида кўпкарининг асосий шартлари замиридаги инсоний маъно ва ахлоқий мезонларига эътибор қилайлик: "Баковул… қамчи сопини боши узра кўтарди. Жарангдор овозда айтди: "Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан-да, чап қулоғинг билан-да эшитиб ол! Чилвир солмайсан – бир! Бир-бировингни ёмон гап билан

[2] Йўлдошев. Қ. Тоғай Муроднинг ўз сўзи. Тўплам. Ўзига хос шахсият ва бетакрор истеъдод. Янгиер. 2008.

сўкма – икки! Қамчи солма – уч! Йиқилган чавандоз устига от солма – тўрт! От кочганда ушлашга ёрдам бер – беш!" Бу ҳукмдек янграган сўзлар тилданмас юракдан чиқади. Кўпкарида фақат ҳалол ишгина ўзини оқлайди. Бу ҳақда адабиётшунос Усмон Қосимов: "Халқимизнинг миллий ғурури бўлган олийҳиммат чавандозларнинг мард ва ҳалоллиги қанчалар юксак тақдирланиши ва аксинча, кўпкарида ноҳақлик қилган пасткаш баковул ва қитмир улоқчиларнинг эл қарғиш, нафратига дучор бўлиши китобхон қалбидаги пок инсоний туйғуларни жўш урдириб, унинг ҳақиқат ва эзгуликка бўлган умид, ишончини орттириши табиийдир",[3] деб ёзади. Қиссадаги кураш қаҳрамонлар иштироки орқали мантиқий исботини топган ва ғамли бадиий талқинлари ҳам чуқур фалсафий асосга эга.

Зиёдулла чавандознинг асар бошидаги кал бўлиб қолиш ҳолати уни қанчалик ўкситмасин, аҳдида собит туриб, айтганини бажарадиган, фикридан қайтмайдиган инсонга айланади. Тўғри, у ҳам одам – хато қилади, аммо адолат ҳақида гап кетса, бошини кундага қўйиб бера олади. У отнинг ўсиб-улғайиши ҳақида "Бирodарлар, сара от, чавандоз ақл-заковатидан бино бўлади! Сара от чавандоз қалб кўридан бино бўлади!.. Қандай қилиб тарбияладим? Айтмайман, бировлар билиб қолади, айтмайман…" деб ўзининг дунёқарашини фош қилиб қўяди. Бу эса унинг очиққўнгиллиги ва самимиятидан далолат беради. У ана шундай гапларни эркалаш оҳангида айтади. Яна бир гап, Зиёдулла от билан бутун шахс ва бир бутунликни ташкил этади. У чавандоз бўлиб, диққатимизни тортди ва бизнинг севимли қаҳрамонимизга айланди. Зиёдулла чавандознинг отга, айниқса, Тарлонга меҳри бўлакча. У "Отнинг сараси менда, қулинг ўргилсин менда!" дея ўзини отининг ҳақиқий эгаси санайди. У халқ достонларини дўмбира жўрлигида айтади. Асарни ўқирканмиз гўёки достон эшитгандек бўламиз. Одатда, халқ достонларида довюрак, мард, ботир алплар отга миниб юрт ори ва эл шаъни учун ўзининг эзгу амаллари ва жасоратларини кўрсатганлар. Ҳақиқатан, достонларга кўра, отга ҳар томонлама мукаммал, ўлканинг кўзга кўринган инсонлари, қийинчиликларни сабот билан енггувчи алпкелбат, ҳуснда ҳам анча кўркли йигитлари ярашадики, Тоғай Мурод ана шуни юракдан ҳис қилиб, жамият кирдикорларини очишда иқтисодий қийинчиликдан безган ва соғлом муҳит ҳамда ҳақиқат тарафдори бўлган Зиёдулла образи орқали бу муаммони ечишга ҳаракат қилади. Ёзувчи Алпомиш, Авазхон, Равшанхон, Кунтуғмишлар каби ҳар томонлама етук, шунга қарамай бошида сочи йўқ бўлган Зиёдулла кални "отга миндириб" ўзининг парадоксал қарашларини кўрсатади. Ёзувчи маҳорати, одатда, алплар миниши керак бўлган отга оддий халқ вакили Зиёдуллани лойиқ кўришида. Шундай алп баҳодирлар қаердан етишиб чиққан? Халқ орасидан-да. Шу боис Зиёдулла қоришиқ образ бўлиб, у ўзида халқ фольклори анъаналарини ҳам мужассам этади.

Чавандозлик сирларини мукаммал эгаллаши, туш мотиви, гўзал бир ҳурлиқони тушида кўриб қанча маломатлар билан бўлса ҳам унга уйланиши халқ достонларида ҳам бор. Бир қарашда комик талқин устувор бўлган бу қиссада ижтимоиятнинг бадиятга кўчиши акс этган. Бунда жамиятнинг қусурларини ўзида намоён этадиган бир дард ётибди. Юқорида айтиб ўтилган Алпомиш, Авазхон, Равшанхон, Кунтуғмишлар султонлар авлодидан. Улар элнинг обрўли инсонлари фарзанди бўлиб гавдаланадилар. Шу йўсинда ўзларининг ғайрат-шижоатларини ишга солиб қаҳрамонликлар кўрсатиб, халқнинг обрўли инсонларига айланадилар. Эътибор қилинг, уларнинг кўриниши ҳам нуқсонсиз. Бизнинг Зиёдулла чавандоз эса, аксинча оддий халқ вакили. Дунёқараши ҳам ўзига хос. У моҳир чавандоз. Ўзбекларга хос

[3] Қосимов. У. Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. "Ёзувчи". 1997.

аҳдига содиқ, ўзига ишончи баланд, адолатни севгувчи, фақат ўзини ўйламасдан, ўзгалар ғами билан ёнгувчи образ. Ўзбекларга хос тантилик, ғайрат акс этган тасвирга эътибор беринг: "…тағин узалди… улоқ жунини эти билан қўшиб ушладим, ғижимлаб ушладим. Бор кучим билан силтаб кўтардим, эгар қошига ўнгариб олдим! Кўкрагим остига босдим, билакларим билан босдим!

Кўз илашмай қолди!

Қолган иш Тарлон иши бўлди! Тарлон тулкидай чопди!

Кўпкари охири менда кетди. Мен зафар қозондим!

Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади!" кўпкарилардан бирида бўлаётган ноҳақлик ва бахилликлардан азият чеккан кўп катта чавандозлар бир тўда пасткашларга зарда қилиб, тўйни ҳам, улоқни ҳам ташлаб кетадилар. У бошқа узанги йўлдошлари сингари осон йўлни танламайди. Ёлғиз ўзи ўша кўпкаридаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашади. Зиёдулла чавандоздаги инсоф, диёнат, атрофдаги одамларга меҳр-оқибат ва кўз ўнгида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ғаразсиз муносабат уни доимо адолат ва эзгуликни ҳимоя қилишга ундайди. Унинг табиатига кўриб-кўрмасликка олиш, ўзини билмаганга солиш бегона.

Бу образни яратишдан асосий максад: мустамлака тузумининг қонли жароҳатидан озор чеккан халқнинг ички ғалаёнларини акс эттириш эди. Тоғай Мурод ўша жамиятдаги ноҳақликларга Зиёдулла чавандоз образини қалқон қилиб кўрсатади. Муаллиф қалбида бир дард бор эдики, у ҳам бўлса, халқ манфаати, инсон эрки, жамият фаровонлиги, эл-юрт маънавияти билан боғлиқ эди. Академик Бахтиёр Назаров билан Фаррух Жабборовнинг "Давралари давом этади" номли суҳбат-мақоласида шундай жумлалар бор: "От қишнаган оқшом" қиссаси қаҳрамони Зиёдулланинг адолатсизлик билан, ҳақсизлик билан сира чиқиша олмаслигини ёдга олинг. Кўпкарилардаги баъзи ғирромликлардан тутаб кетишини айтмайсизми? Гўё чавандозларнимас ўзини ҳимоя қилаётгандек ўртаниб ёзади Тоғай Мурод. У ҳаётда ҳам мана шундай бўлганини таниган-билганлар яхши эслашади. Тоғай гапни исроф қилиб чувалаштириб ўтирмай, кези келганда, муштни ишга солишдан ҳам тап тортмасди. Баъзан бунга ўзим гувоҳ бўлганман". У мардлик ва жасоратни шундай қаттиқ ҳимоя қиладики, унинг таҳайюл олами билан реал ҳаётни чоғиштириб юборасан киши.

Бир қарашда, парадоксал тарзда комик талқин этилган Зиёдулла чавандоз образи жамиятнинг хўрланган, таҳқирланган бир вакили. Муаллиф XX асрнинг 70–80 йилларидаги халқнинг аҳволини рамз сифатида "кал"га юклайди. Муаллиф жамият нуқсонларини боши кал инсон кўринишига менгзайди ва бу образни болалигидан кал қилиб кўрсатади. Инсон тана аъзоларидан кўзга ташланадигани ва эътиборни тортадигани – бош қисм. У ўзини қийнаган армонларини шу бош орқали кўрсатиб беради.

Асардаги Зиёдулла образи мавжуд тузумга исён сифатида гавдаланади. Уни бир илмсиз, маърифатсиз инсон сифатида ҳам айблаб бўлмайди. "...Сиёҳдонни олиб, муаллимнинг юзига отдим. Тегмади. Кейин ташқари отилдим... Яна қайтиб мактабга оёғимни босмадим… онамиз алдаб-авради, барибир мактабга бормадим". Нега бормайди? Чунки у қаттиқ уялади. "Уят ўлимдан қаттиқ" дейдилар-ку! Унинг ўзига бўлган ишончи ўзи хоҳлагандек одам бўлишида асқатади. Ундаги уят ўша жамиятга бўлган исённи келтириб чиқаради. У асар бошиданоқ жамиятнинг трагик ҳолатини оча бошлайди. Уни томирида оқаётган тоза қон, аждодлардан қолган ғурур ва эртанги кунга ишонч бошқаради. У ҳамма нарсага эътибор беравермайди. Ғурури, моли, ори, жонига тегадиган ишларгагина қарши боради. "...чақалоқли уйни қарадим… катталар қилиғи ҳамиятимга тегди. Тишимни тишимга зўрға босиб

турдим" деб эркаклик шаъни топталганини ҳис этади. Яна бир ўринда Кал катта оғзини тиёлмай қолади:

"– Ўчир-э…

– Катта, энамни сўкманг… сизга бундайин бепошна гаплар эп бўлмайди…

– Ўчир дейман-э…

– Эса мен ҳам сизнинг…

Кал катта ўз шашти билан, ўз забти билан супадан учиб кетди. Чуқурга бориб тушди. Раисимиз довдираб қолди".

Бу воқеанинг юзага келишига бир сабаб бор, у ҳам бўлса: биргина мансаб иштиёқида ёнган кимсанинг "каттакон"ларга яхши кўриниш учун қилган иши. Ўша жараёнда раис ҳам мансаб илинжида Кал каттанинг қилмишларини оқлаб, ўзини яхши кўрсатишга уринади. Ички ишлар ходимларининг олдида ҳам ёлғон гувоҳлик беради. Одатда, халқнинг эзилиши орқали бирор мансабга эришилмайди. Инсон ўз истеъдоди, меҳнати ва эзгу амаллари эвазига эътибор қозонади ва элнинг оғзига тушади. Мансаб, эътибор тортиб ёки сотиб олинмайди – қозонилади. Элнинг қарғиши Кал каттани шундай аҳволга олиб келадики, охир-оқибатда хор бўлади. Зиёдулла эса ўзининг ғайрати ва шижоати билан элнинг орини олади, узанги йўлдошлари ҳеч қандай соврин олиб қайтолмаган тўйдан ҳам у зот билан қайтади, ҳақини "айириб" қайтади. "– Қалай, қуруқ қайтмадиларингми, ишқилиб?.. Мен олдимдаги серка жунини оғритиб-оғритиб тортдим. Серка узиб-узиб маъради" дейди. Шунда у фақат ўзининг мас узанги йўлдошларини ҳам уятдан сақлайди. "– Ана шундай овозли жонлилардан баримизда бор! Хуржундаги қат-қат тўнларни айтмасак-да бўлади!" дея шерикларини трагик вазиятдан олиб чиқади. У тўйлардан бирида Жўра бобонинг Саман отини миниб кўпкарида от суради. У синалмаган отга минмайди, лекин Жўра бобонинг кўнглига қарайди. Унинг кўнглига қарайман деб "қон ютади" ва ўзининг "Биродарлар, оғзинг қора қон бўлса-да, ғаниминг олдида тупурма" концепциясига амал қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Зиёдулла образи орқали инсониятнинг қабиҳ қилмишлари қаршисидаги ғолиб шахс ва оддий ҳайвон, отнинг меҳри олдидаги ожиз қалб ва сел бўлган юракни, одамлар меҳридан тониб, ҳайвонлар меҳрига зор кимса руҳиятидаги ғалаёнларни илғаймиз. Бу образ бизнинг ерга кўмилаётган урф-одатларимиз ва унутилаётган расм-русумларимизнинг қайтиши ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилган, деб ишонч билан айта оламиз.

“БОЙЧЕЧАК” – БАҲОР ҚЎШИҒИ...МИ?

Маъмура ЗОҲИДОВА

Сўз санъатининг қадимий тур ва жанрлари қоришиқ ҳолда инсон нутқи шаклланиши биланоқ унинг қалб истаклари сабабли юзага келган. Халқ оғзаки ижоди халқ томонидан яратилиб, даврлар оша яшаб келаётган турли кўринишдаги бадиият намуналаридир. Халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал, мақол, топишмоқ, нақл, латифа, ривоят ва шу кабилар яратилган, оғиздан-оғизга ўтиб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Уларда халқнинг орзу-умидлари, армонлари, дард-изтироблари, меҳр-муҳаббати кабилар акс этган.

Халқ қўшиқлари ўзининг жозибали оҳанглари ва бийрон сўзлари билан хотирага тез муҳрланади. Кўпчилигимизнинг эътиборимизда халқ қўшиқларининг шеърлари ёзма адабиётимиздаги муаллифи маълум шеърлар матнига қараганда мазмунан саёз, йўл-йўлакай хиргойи учун қофиялаб ижро этилгандек. Чиндан ҳам айрим халқ қўшиқларининг матни одатда, қофия талаби билан умумий матннинг мазмунига алоқаси бўлмаган сатрлар билан бошланади. Лекин кўпинча бошланма сатрлар оҳангдорлик, ўйноқиликни бошлаб беради, эътиборни жамлайди, тингловчини моҳиятга халқона содда тушунчалар билан олиб киради. Баъзан унда бош қаҳрамон ҳолатига нисбатан, бошқа, унга алоқаси бўлмаган тушунчани ўхшатишга асосланган ҳолда келтирилади. Жумладан:

Тогда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим деб ёр-ёр.
Уйда келин йиглайди,
Ёт бўлдим деб ёр-ёр.

Бу мисраларда халқимиз вақтнинг шошқинлиги, кечаги тойлар бугун от, кечаги қизалоқлар бугун келин эканига ишора қилаётир.

Айрим халқ қўшиқларида халқимиз нима ҳақида сўз юритаётганини бир қарашда англаш мушкул:

Читтигул ҳо читтигул
Этагингга гул босай.
Ҳа-ю читтигул,
Ҳа-ю читтигул.

Маъмура ЗОҲИДОВА – 1973 йилда тугилган. Наманган давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Республика матбуотида кўплаб илмий-оммабоп мақолалари, “Айтилмай қолган гаплар” шеър ва ҳикоялар тўплами нашр этилган.

Қўлинг қўлбоғда бўлсин,
Белинг белбоғда бўлсин.
Ҳа-ю читтигул,
Ҳа-ю читтигул.

Худди шу каби "Бойчечак" қўшиғи сўзларининг ҳам аслида қандай мазмунга эгалигини бир-икки ўқишда англаш осон эмас.

Халқимиз яратган қўшиқлар орасида "Бойчечак" қўшиғи ўзгача оҳангга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг сўзларини ёд билмаган ўзбек кишиси бўлмаса керак. Бироқ бу қўшиқ мазмуни ҳаммага ҳам аён эмас. Аввало унинг матни билан тўлиқ танишиш лозим:

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг вайронди.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечагим ҳуллоли,
Ҳамён-ҳамён тиллоли.
Ҳамма бозор – бир бозор,
Атрофлари лолазор.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Ҳар қандай илмий тадқиқотдан мақсад фан, тарихга оид ҳақиқатларни таҳқиқ этиш ва уни ёш авлодга етказишдан иборат бўлади. Кўпгина адабиётларда бу қўшиқнинг болалар баҳорда куйлайдиган қўшиқ экани эътироф этилади. Баҳорда куйланишини бойчечакнинг янгиланиш фаслидаги биринчи гул эканлиги билан изоҳланади. Бундай тушунчанинг пайдо бўлишига қўшиқнинг нақаротидаги бойчечакнинг қаттиқ ва юмшоқ ердан чиқиши тўғрисидаги сатрлар сабаб бўлган. Кейинчалик бу оҳангдор, ўйноқи қўшиқ кўпчилик томонидан баҳорда куйлангани ёки куйланмаса ҳам, унинг бойчечак номли гул ҳақида экани тўғрисидаги фикрдан нарига ўтмаслик ҳам асл моҳиятдан кишининг чалғишига олиб келган. Бир нарсани унутмаслик лозимки, кўплаб халқ қўшиқларининг мазмуни тўғрисидаги фикрларнинг барчаси тахминларга таянади. Жумладан, "Бойчечак" қўшиғи тўғрисидаги ҳозирги адабиётшунослигимизда мавжуд маълумотлар ҳам.

Бутун республиканинг мактабларида амалда бўлган адабиёт дарсликларида ҳам "Бойчечак" қўшиғига оид маълумотлар нотўғри талқин этилган кўринади. Жумладан, 6-синф адабиёт дарслигининг (муаллифлар: С.Аҳмедов, Р.Қўчқор, Ш.Ризаев) 2-қисмида шундай сўзлар бор: "Бойчечак", одатда, баҳорда куйга солиб айтилган.

Қишлоқ болалари ушбу гулни кўтариб уйма-уй қўшиқ билан суюнчи сўраб боришган. Бойчечакни кўрган кексалар кўзларига суртишган. Қўшиқ болаларга хос содда, самимий, ҳазил-мутойиба тарзидаги мисралар билан бошланади..."

Интернет тармоғига жойлаштирилган **adabiyot/uz** сайтидаги саҳифада: "Олимлар болалар фольклорини кимлар яратади, деган саволга жавоб беришга уринганлар. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов билан бир куни илмий суҳбатда нима учун болалар фольклори ҳақида мақола ёзмаганларини сўрадик. Шунда устоз бу оғзаки ижод намуналари ўта сирли ва мураккаб эканини айтдилар ва мазкур асарлар ҳақида мақола ёзишга журъат этмасликларини тушунтирдилар. Уларнинг фикрича, айрим қўшиқлардаги сирли ифодани изоҳлаш жуда мушкул экан", дейилади. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналаридан бири бўлган қўшиқ матнидаги сўзларнинг қандай мазмун англатиш мақсадида қўлланганини изоҳлаш мушкул. Халқ қўшиқлари ҳам, фольклорнинг бошқа жанрлари сингари, даставвал бир ижодкор томонидан яралганлиги, йиллар ўтган сари бу яхлит асарлар дастлабки кўринишларига қараганда сайқалланиб, мазмунан ва ҳажман тўлдириб борилганлигини англаш қийин эмас.

adabiyot/uz сайти саҳифаларида, шунингдек, қуйидагича маълумотлар берилган: "Бойчечак", "Офтоб чиқди оламга", "Оқ теракми, кўк терак", "Читтигул", "Лайлак келди, ёз бўлди", "Ёмғир ёғалоқ" каби ўнлаб қўшиқлар болалар ижроси репертуарини ташкил этади. Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг деярли ҳаммаси йил фасллари билан боғлиқдир. Улар мазмунига кўра баҳор ва ёз кунлари айтилади. Хусусан, "Бойчечак" қиш бўйи оқ қор остида қора совуқдан зериккан ернинг қуёш нурларидан баҳра олиб бағридан чиқарган биринчи чечакка бағишланади. Уни битта яккахон қўшиқчи бошлайди, болалар нақаротга қўшиладилар..."

Худди шу сайтнинг халқ оғзаки ижоди жанрлари саҳифасида шундай фикрлар келтирилган: "Одатда, қўшиқларнинг дастлабки мисралари, кўпинча, тингловчини чалғитиш ёки ниманидир ифодалаш мақсадида тўқилади. Асосий мақсад охирги мисрада, баъзан 3-4-мисраларда ифодаланади".

Бизнингча, кўпчилик сўзини яхши биладиган "Бойчечак" қўшиғида бойчечак сўзи гул маъносида эмас, фарзанд, янги туғилган гўдак маъносида келаётир. Бу ҳақда кексалар суҳбатида улар ҳали ёш келин эканида бу қўшиқни баҳорда эмас, янги туғилган чақалоқни биринчи бор бешикка боғлаш маросимида айтилганини эшитган эдик. (Эргашева Равзажон – 1918-2011; Ниёзбадалова Ризвонбу – 1908-2004. Наманган вилояти Чуст тумани Ғова қишлоғи).

Яна тегишли сайт саҳифаларига мурожаат қиламиз:

"Айтмоқчимизки, болалар фольклори матнини ижод қилишда бевосита ёшларнинг ўзи иштирок этиши инкор қилинмайди. Лекин болалар фольклорининг салмоқли қисми асосан катталар томонидан яратилади..."

Чиндан ҳам, болалар фольклори асарларини болаларча содда, тушунарли, ўйноқи кўринишда дея қабул қилиш билан биз аслиятдан чалғиб кетамиз. Халқимиз фарзандининг ҳаёт чироғи, умр меҳвари эканлигини чуқур англаган, энг болажон халқ эканлигини яхши биламиз. Болани бешикка боғлаш жараёнлари миллатимиз вакиллари яшайдиган ҳамма жойда деярли бир хил маросимлар билан амалга оширилиши ҳам маълум.

Шу ўринда бойчечак сўзининг келиб чиқишига ҳам эътибор қилиш зарур. Зукко халқимиз бойчечак сўзининг туб маъносига ёндашиб, уни бойнинг боласи, яъни чақалоқ сифатида эътироф қилган. Қўшиқнинг бирор сатри шунчаки, қофия учун эмас. Ундаги бирор сўз вазн учун, шеърнинг ўйноқилигини таъминлаш

учун қўлланмаган. Бойчечак сўзида инсоннинг бор бойлиги фарзанд экани, фарзанд дунёга келиши билан ота-онасига бебаҳо давлат ато этиши мужассам бўлган. Халқимиз тўй-маросимларда шу маросим руҳига муносиб оҳанг ва сўзлардан фойдаланиб, бетакрор қўшиқлар яратган. Яна таъкидлаш лозимки, бизнинг андишали халқимиз ҳар қандай сўзни, фикрни очиқ сўзлашдан, баъзи ҳолатлар тўғрисида очиқ-ойдин гапиришдан ҳаё қилади. Бироқ инсон фикратида, айниқса, бизнинг болажон халқимиз назарида, инсонни дунёга келтириш инсонийликни адо этишдаги энг улуғ бурч, шундай бурчки, унинг ичида меҳр, олижаноблик, зурриёт қолдириш истаги ва яна номларини келтириш мушкул бўлган кўп тушунчалар мужассам.

Шеърда шундай сатрлар тизилганки, ижро этилганда тинглагувчи мушоҳада ва эътибор қилиб кўрса, бу қўшиқда Инсондек олий хилқатни дунёга келтириш қийин бир жараён эканига зимдан ишора қилинганини англайди. Инсонни дунёга келтириш истаги бу – шунчаки истак эмас, унинг аввалида муҳаббат, ишонч, қалблар боғлиқлиги кабилар қафил бўлади, бу истак аждодлар ўзлигини бир даврдан бошқа даврга елкада олиб ўтиш масъулияти билан йўғрилган, ўзидан зурриёт қолдиришдек буюк орзу билан суғорилган тоза қалб истагидир .

Энди қўшиқнинг ҳар бир сатрида яширинган маъно тўғрисида тўхталамиз:

Бойчечагим бойланди.

Чақалоқ бешикка боғланди.

Қозон тўла айронди.

Бунда боланинг ризқи, онанинг сутига ишора қилинаётир.

Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг вайронди.

Одатда, илк бор бешикка боғланган гўдак ҳамма ёқни остин-устун қилиб, чинқириб йиғлайди. Бешикка ҳозиргина боғланган чақалоққа онаси дарҳол сут бериши керак. Юқоридаги сатрларда шунга ишора бор.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак.

Бу сатрларда инсоннинг дунёга келтирилишига ишора қилинади. Она танасида қаттиқ суяклар бор, лекин бола туғилишда қаталоқлаб (ўқалоқлаб) чиқади. "Қаталаб" сўзининг мазмунига эътибор қиламиз: Бу сўз аслида ҳайвон терисидаги сўнанинг курт чиқаришини англатади. Қаталоқлаш – бу ўқалоқлаш, яъни курт чиқариш деганидир ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати", Т., 2008. 5-қисм. 188-бет). Қаталоқлаш – ўқалоқлаш демакдир ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати", Т., 2008. 5-қисм. 259-бет).

Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бунда боланинг она қорнида бир марта юмалаб олиб, кейин дунёга келишига ишора қилинади.

Бойчечакни тутдилар.

Момоларимиз болани бешикка белашдан олдин унинг кураги ёпишиб қолмаслиги учун билаги аралаш елкасидан тутиб, бир неча марта силкиб оладилар.

Тут ёғочга осдилар.

Болани тут ёғочидан ясалган бешикка ётқизилишига ишора қилинади.

Қилич билан чопдилар.

Бунда эса боланинг қўл-оёғини маҳкам ушлаб туриш учун махсус тикилган кўлпеч ва оёқпечлари билан боғланганида бола тепадан қараганда бўлинган каби (қилич билан чопилган каби) кўринишига ишора.

Бахмал билан ёндилар.

Бешик устига ёпиладиган махсус ёпқичнинг бахмалдан тикилишига ишора.

Бойчечагим ҳуллоли.

Ҳулла сўзи нозик, нафис мато ҳамда шу матодан тикилган кийим ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати" Т., 2008 5-қисм. 561-бет), тўсиқ, парда ва шу кабиларни англатади. Бола халқимизда алоҳида, ўзгача эъзозда. Бешикнинг ёпқичи устидан харир матодан безама тикилган. Бу устлик ёки ёз фаслларида ёпқич вазифасини ҳам бажарган.

Ҳамён-ҳамён тиллоли.

Бу мисранинг сўзлари эса ҳаммасидан ҳам ўтадиган ажойиб топилма. Биламизки, бешикда боланинг безовталанмай, қуруқ ётиши учун махсус ёғоч мослама ва сопол тувак ишлатилади. Халқимиз бу ўринда ўзининг буюк кашфиёти бўлмиш бешикнинг оддий сўзда айтилавермайдиган, лекин барчага бирдек маъқул бўлган хусусиятларига ишора қилади. Яъни ҳамён – бу бешикдаги тувакдир. Халқимизда ёшлар катталар олдида ўз фарзандларини ўта суйиб, эркалаб, "ўғлим" ё "қизим" дейишдан ҳам тийиладилар. Бундай қилиш катта ёшлиларга нисбатан ҳурматсизлик саналган. Ёши катта одамлар

Ҳамма бозор – бир бозор,

Бозор сўзи бешикнинг ўзидир. Қўшиқ сўзларида ҳеч бир тимсол ўз номи билан келмаган. Бу эса халқимизнинг нозик диди, ҳаёю имонидан дарак беради.

Атрофлари лолазор.

Бу сатрда эса бешикнинг ёғочлари, қабзаси гул ва лолалар тасвири билан безатилишини англатади.

Хулосага яқинлашар эканмиз, шу нарсага диққатни қаратмоқчимиз. "Бойчечак" қўшиғи аввал-қадим яралишида болаларнинг баҳорда айтадиган илк қўшиғи бўлмаган. Бироқ бойчечакни кўтариб уйма-уй юриш удумларининг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Халқ тоза ниятларни қалби пок, беғубор болалар айтишларини истаган. Оилани оила қиладиган буюк неъмат сифатида фарзанд кўриш билан боғлиқ тилаклар ижобатини кўпнинг дуосида кўрган халқимиз бойчечак қўшиғини уйма-уй айтиб юриш билан шу қўшиқ айтиб кирилган остонага ёки ўз оиласига, яқинларига фарзанд тиланишини мақсад қилган. Бойчечак эса баҳорда очилади. Вақтлар ўтиб бойчечак баҳорда болалар айтадиган қўшиқ кўринишини олган.

Бугунги кунда фольклор асарлари моҳиятини тўғри тушунтириш биз адабиётшуносларнинг вазифаларимиздан биридир. Агар "Бойчечак" қўшиғини баҳорда куйланган қўшиқ дебгина қаралса, шунингдек, дарсликларда ҳам шундай изоҳлаб ўтилса, бу бетакрор қўшиқ сўзларининг таъсири сусаяди, жозибаси хиралашади. Фарзандларимиз халқимизнинг яратган инсонга берган олий иноят – қудратли сўзга таяниб, ижтимоий ва тарихий аҳамият касб эта оладиган, нақадар гўзал асарлар яратганини билмоғи, халқ қўшиқларида халқнинг амалий фаолияти, яшаш тарзи, покиза орзу-умидлари, умуман олганда, инсон руҳиятининг нозик кечинмалари усталик билан акс эттирганини англамоғи лозим.

Бугунги кун дарсликларига "Бойчечак" фольклор намунасининг мавсум қўшиғи эмас, маросим қўшиғи эканлигини қайд этиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

РЕЗЮМЕ

Мақола муаллифи халқимиз томонидан узоқ йиллардан бери куйланиб келган "Бойчечак" қўшиғининг мазмун-моҳиятига, унинг сатрларида берилган ички маъноларга эътибор қаратган. Мазкур қўшиқда, муаллифнинг фикрича, анча чуқур маъно яширинган. Бойчечакнинг пайдо бўлиши янги ҳаётнинг туғилиши, халқимизнинг фарзанд билан боғлиқ удумларини ифодалагани боис, мавсум қўшиғи эмас, маросим қўшиғи сифатида тадқиқ этилиши лозим.

Автор статьи представляет попытку по-новому трактовать смысл и идею известной песенки «Бойчечак», которая, как много лет считалось, воспевает подснежник как символ прихода весны. На самом деле, по мнению автора, в детской песенке скрыт более глубокий смысл. Появление подснежника уподобляется рождению на свет ребенка, что позволяет повысить статус песни до уровня ритуальной, посвященной рождению новой жизни.

According to the article, the meaning of the song "Boychechak" which has been singing for a long time by our nation and the internal meaning of lines are the main idea of the topic.From the article, it can be clear that, the song is not seasonal but rite song and it was sang during the cradling of babu.

Яхшиликнинг ҳикмати чексиз

Ориф ОДИЛХОН

Мўъжиза эрур ҳаёт

Мўъжиза эрур ҳаёт теранроқ солсанг назар,
Айланган ер куррамиз ва булутли осмонни,
Ўткинчи вақт карвони, ақлин олиб ҳар сафар,
Ҳайратга солиб турар донишманд бу инсонни.

Кишини сеҳрловчи кечалар, оқ кечалар,
Шабнамлар гиёҳларнинг бўйнида дур ўзгача.
Ўтганда ёмғир ювиб, тоғларга боқсанг агар,
Камалак ранларида ўйнаган нур ўзгача.

Сомон йўли аталмиш, қумшакардай тўкилган,
Беҳисоб юлдузларнинг сирлари кимга аён.
Кун бўйи булбулларни куйлатиб қўйган чаман,
Гулларнинг тилларини ким берар айлаб баён.

Ҳайратга солар ҳали сир бермайин коинот,
Чексизлик, вақту замон тинмаган бу одамни.
Очилур инсон ақли олдида кўп тилсимот,
Йўлга солмоқчи бўлар ақл бирла оламни.

Тўхтамасдан

Тўхтамасдан эсади ғиз-ғиз
Шафқати йўқ вақт шамоли.
Яхшиликнинг ҳикмати чексиз,
Беғаразлик инсон камоли.

Қисматимни айта олар ким,
Ишонмайман фолнинг барига.
Аммо, учар ўксик хаёлим
Поёни йўқ бўшлик қаърига.

Ориф ОДИЛХОН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1938 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг (ҳозирги ТДАУ) агрономия-иқтисодиёт факультетини битирган. "Баҳор атри", "Тоғда бир чашма", "Бодом гуллари", "Умид юлдузлари", "Тоғлар таронаси" каби қатор шеърий тўпламлари нашр этилган. Шоир 2002 йилда вафот этган.

Тун чўкди

Тун чўкди қишлоқда, ёмғир ҳам тинмас,
Ҳеч нарса кўринмас. Совуқ, зимистон.
Нечундур бўғзимга тиқилиб нафас,
Қалбимда ингранар қандайдир армон.

Турибман, атрофга қулоқ солиб жим,
Дов-дарахт, тоғларни ювмоқда ёмғир.
Сен ҳақда ўйлайман, ёшлик ва севгим,
Биламан, қайтмайди ўтган кун, ахир.

Армон бўлиб

Алвон рангга бўяб оламни
Чўкди осмон тубига қуёш.
Ёшликдаги бир дарду ғамни
Унутмоққа излайман бардош.

Жийда гулин ёқимли иси
Боғ оралаб урар димоққа.
Очилмайин кўнглим наргиси,
Хаёл олиб қочар йироққа.

Изҳори дил этганди дилбар,
Ойдек тўлиб баҳор кезлари.
Армон бўлиб қолди у кунлар,
Севги, ҳислар бўрони бари.

Алвон рангга бўяб оламни
Чўкди осмон тубига қуёш...

У йилларга қайттум

Ёришарди кўнглум, сен кулсанг,
Ёғилгандай қуёш зарлари.
Ёшликдаги ўшал қиёфанг
Кўз ўнгимдан кетмайди нари.

Меҳмон эди ой – ойдин тунлар,
Қувнаб-қувнаб кутардик, эркам.
Сувдек оқиб ўтди у кунлар,
Дилга қўймай ғашлик ва алам.

Ёшлигимиз қолмиш узоқда
Тоғлардаги жўшқин сойсимон.
Сен ёдимга тушганинг чоқда
У йилларга қайтгум бегумон.

Айтишга осон

Теракзор шивирлар бир иш бўлгандай,
Сарғайган баргларда аламли фиғон.
Бир тўда қуш учиб ерга қўнгандай,
Оҳиста узилиб, тўкилар хазон.

Гўёки тўкилар олам баридан
Ёшини яшаган табаррук инсон.
Воз кечиб оламнинг йўғу боридан,
Ҳаётни тарк этиш айтишга осон.

Олам ҳаракатида

Олам ҳаракатда,
Тўхтамайди ҳеч.
Тонг отади,
Тонг...
Кириб келар кеч...
Чуқурроқ назар қил,
Ўтмоқда умринг.
Бефойда ўтса у,
Бефойда ўкинч.
Олам ҳаракатда,
Тўхтамайди ҳеч!

Тушларимда кўраман сени

Тушларимда кўраман сени,
Боғларда гул териб юрасан.
Ёки анҳор бўйида мени
Маъюсгина кутиб турасан.

Гоҳо бўлиб тенгсиз бир чаман,
Лолалардан гулхан ёқасан.
Хира кўнглим ёритиб бирдан
Тўлин ойдек кулиб боқасан.

Қушдай учиб тубсиз самога,
Зуҳро бўлиб порлайсан, эркам.
Ва айланиб сирли оламга
Қайларгадир чорлайсан, эркам.

Хаёлимдан кетмайсан нари,
Кўринасан: гўзал ва маъсум.
Гўё чўкиб ҳижрон тоғлари,
Куйлаб олам айлар табассум.

Тушларимда кўраман сени.

Қор ёғар

Ювар ёмғир, чаманларга
Фалакдан чанг, ғубор ёғса.
Мисли ёмғир илиқ сўзлар,
Майли, лайлу наҳор ёғса.

Совутма ҳеч сўзларингни.
Баланд тоғлар муз – қоридай.
Эриб кетмас экан, дўстлар,
Агар кўнгилга қор ёғса...

Тоғларим менинг

Тоғларим бағрида муаттар еллар
Эсаркан булбуллар хонишин олиб.
Ранглар жилосидан қувнайди диллар,
Ловиллар узоқдан лолалар ёниб.

Пистаю бодомлар гулини кўринг,
Уларда қуёшнинг нурлари порлар.
Бошида оқ салла тоғларим менинг
Меҳмондўст отадек бағрига чорлар.

Жилғалар қўшиғи айлайди асир,
Тинглайман сеҳридан кўзларимда нам.
Ё нодон тошюрак ёки тошбағир,
Ундан завқ олмайин яшаган одам...

Сирли сукунат

Мовий осмон,
Шовуллайди сой,
Жўшқин чашма қайнар беғубор.
Тоғ бағрида нурли бир чирой,
Сепин ёймиш келинчак баҳор.

Қоя узра айланар бургут,
Ял-ял ёнар лолалар пастда.
Ташвишларим бўлгандай унут,
Термиламан атрофга аста.

Ёдга тушар ёшлик йилларим
Ва дилимни ёққан муҳаббат.
Термиламан атрофимга жим,
Ел шивирлаб, куйлар табиат.

ЧАРОС

Хикоя

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Эрта тонг эди. Эндигина кўтарилган офтобнинг илиқ нурлари деразаларга тушиб, уйларни ёрита бошлаган эди. Ишга вақтлироқ бориш, тўғрироғи, олтин куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш иштиёқида уйдан чиқдим. Бироз этни жунжитадиган шабада эсарди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди шекилли, асфальт йўлка нам.

Муюлишдан ўтиб катта кўчага чиққанимда кўк дарвоза олдида турган бир болага кўзим тушиб қолди. Оёғида, дадасиники бўлса керак: катта калиш. Бир томонга қийшайиб кўзларига тушиб турган калпоқ ҳам ўзиники эмас эди. Яқинроқ бордим. Бола кўзларини кўчага тикканча, иштаҳа билан қарс-қурс қилиб алланарса ерди. Ҳавасим келиб кетди.

– Нима еяпсан, ошна! – дедим ёнига яқинлашиб.

– Узум, – деди бола калпоқ остидан кўзларини менга тикиб. Кейин қўйнидан бир нима олди. Бу – етилиб турган катта бир бош қора чарос эди. – Олинг.

У шундай деди-да, оғзини катта очиб илжайди. Совуқданми ё узумнинг рангиданми лаблари кўм-кўк кўкариб кетган эди.

– Олинг, – деди бола яна. Лекин ўзи жавобимни кутмасдан бир ғужум узумни оғзига ташлади-ю, бир-икки карсиллатиб ютиб юборди.

Тамшаниб қўйдим. Йўлга тушдим. Аммо, йўлнинг ярмига етганимда боланинг қўлидаги чаросдан, шунақа етилган тим қора чаросдан бирам егим келиб кетди! Қани энди бир боши бўлса-ю, худди шу боладек карс-курс сувини сачратиб есанг?!

Болалигимизда кўпинча шундай қилардик. Бизнинг қишлоқ боғ қишлоқ эди. Каттабоғ деб бекорга аташмаган. Қишлоқнинг орқа томонида, эс-эс биламан, катта узумзор бор эди. Атрофи пастак пахса девор билан ўралган бу узумзорнинг юз хил рангдаги узумлари ҳамманинг ҳавасини келтирар, ўтган ҳам, кетган ҳам суқ билан қарамай иложи йўқ эди. Биз, болалар учун эса, узумзор сирли бир дунё эди. Ҳаммамизнинг уйимизда ҳусайними, бувакими ё бошқа хил узум исталганча бўлса ҳам, шу боғдаги узумлардан кўзимизни узолмасдик. Ҳамманикида узумдан кўп барг бўлса, бу боғнинг ишкомларида барг деярли йўқ эди. Пўсти шилинган оппоқ тол пояларига оқ, қизил, сариқ, қора маржонлар гўё ғуж-ғуж қилиб осиб қўйилгандек эди.

Ўлмас УМАРБЕКОВ – Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 1934 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ўнлаб ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. "Севгим, севгилим" қиссаси, "Одам бўлиш қийин" романи, "Қиёмат қарз", "Кузнинг биринчи куни", "Аризасига кўра", "Шошма, қуёш!" каби ўнлаб драматик асарлар муаллифи. Адиб 1994 йилда вафот этган.

Бир куни ўқишдан қайтаётиб, болалардан беш-олтита шўхроғимиз бир жойга йиғилдик-да, ўғирлик қилишга қарор қилдик. Икки киши соқчилик қиладиган, қолганларимиз боққа тушадиган бўлдик.

Китоб-дафтарларни кичик болалардан бериб юбориб, пойлай бошладик. Кўчада ҳеч ким қолмади. Ҳамма ёқ жим-жит. Секин деворга яқинлашдик-да, битта-битта боққа тушдик. Узум! Оғзимиз очилиб қолди. Бир чеккадан узиб кетавердик. Бир қўл билан юлиб қўйнимизга соламиз, бир кўл билан оғзимизга. Бирпасда қўйнимиз тўлиб кетди. Кимдир чўнтакларига, дўпписига ҳам солиб олди. Энди кетамиз деб турган эдик, узоқдан:

– Ҳў-ҳў-ҳўй! Ким бор? – деган овозни эшитиб қолдик-ку!

Шерикларим тапира-тупурига олиб қочиб қолишди. Мен бўлсам узумни кўп еб қўйганимданми, ё қаттиқ қўрқиб кетганимданми, қимирлолмай қолдим. Нима қилишимни билмай кўзимни чирт юмдим-да, жойимда туравердим. Қанча турдим, билмайман. Кўзимни очсам, рўпарамда қизил этик, оқ яктак кийиб, устидан кўк қийиқни боғлаб олган баланд бўйли бир чол жилмайиб турибди. Қалтираб кетдим.

– Қўрқма, қўрқма, болам, – деди у майин товуш билан. – Узум керак экан, айтмайсанми, ўзим узиб берардим.

Бундай муомалани мен сира кутмагандим, йиғлаб юбордим. Кўзимдан оққан ёшни артиш учун қўлимни кўтарган эдим, қўйлагим иштонбоғимдан чиқиб кетиб, қўйнимдаги узум ер билан битта бўлди. Аммо, чол эътибор бермади. Кўрган бўлса ҳам ўзини кўрмаганликка солиб мени юпата бошлади.

– Йиғлама, нега йиғлайсан, тентак, – деди у бошимни силаб. – Бир бош олибсанлар, икки бош олибсанлар, нима бўпти? Камайиб қоладими? Қара, бу узумларни! Қанча ахир. Ҳаммага етади. Қани, бу ёққа юр!

Чол қўлимдан ушлаб етаклаб кетди. Боғнинг ўртасидаги ишкомга кирдим. Ишком тўла ёнғоқдан-ёнғоқдек келадиган қора чарос эди.

– Тузукми? – деди чол менга қараб ва кулиб қўйди. Кўкрагига тушиб турган қалин оппоқ соқоли силкиниб кетди. – Тузук бўлса, шундан узиб бераман.

У қийиғига осиб қўйган пичоғини қинидан суғуриб узум уза бошлади. Бирпасда яктагининг иккала бари тўлиб кетди.

– Мана, болам, ол. Ўртоқларингга ҳам олиб бор.

Мен апил-тапил узумни қўйнимга солиб, кўчага югурдим. Раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиқибди. Эшик тагига етганимда орқамга бир қараб қўйдим. Чол менга тикилганича жилмайиб турарди.

Шу-шу, деярли ҳар куни боққа чарос егани кириб турадиган бўлиб қолдим. Аммо бу узоққа бормади. Шаҳарга кўчиб кетдик.

Мана, шундан бери қанча йил ўтиб кетди. Ҳозир қишлоқ қалай экан? Ўша машҳур узумзор-чи? Бормикан ҳали ҳам? Боғбон чол-чи? Бу хаёллар менга тинчлик бермай қолди.

Орадан икки-уч кун ўтмай, Каттабоққа қараб йўл олдим. Эски қишлоқ ўз ўрнида эди. Аммо ўзгариб кетибди. Чиройли уйлар, янги кўчалар тушибди. Анҳор ёқалаб, қишлоқнинг орқа томонига ўтдиму севиниб кетдим. Узумзор, ўша қадим узумзор, аввалгидай яшнаб турарди. Девор ҳам ўша девор, фақат текис қилиб суваб қўйилибди. Тагида уч-тўртта бола ёнғоқ ўйнаб ўтирибди. Боққа қарадим. Юз хил рангдаги узумлар оппоқ тол пояларига атайин териб қўйилгандек ғуж-ғуж эди.

– Ошна, – дедим, болалардан биттасини чақириб. – Менга қара, бу узумчи ота шу ердамиканлар ҳозир, билмайсанми?

Бола ғалати назар билан қаради-да, дўқ аралаш сўради:

– Сиз кимлари бўласиз?

– Ҳеч кимлари. Ўзим шундай кўрай деб келдим.

– Узумчи бувам йўқлар. Бултур ўлганлар.

Сесканиб кетдим. Бутун вужудимни титроқ босди. Менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолган болаларга эътибор бермай, секин орқамга қайта бошладим. Лекин юролмадим, тўхтаб қолдим. Қанча турдим, билмайман, бир маҳал орқамдан:

– Қани, ҳой болалар! Болалар-ов! – деган овоз эшитилди.

Шартта узумзор томонга ўгирилдим. Деворнинг орқасида оппоқ яктагининг этагига тўлатиб узум солиб олган бир йигит жилмайиб турарди. Мен то ўзимни ўнглаб олгунимча болалар этакни бўшатишди, йигит узумзор ичида ғойиб бўлди.

– Ким бу? – сўрадим ҳалиги боладан боққа ишора қилиб.

– Узумчи бувамнинг ўғиллари.

Юрагим ўйнаб кетди. Боғ томонга югурдим. Деворга етганимда чақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтладиму, лекин дарров айнадим. Оёғига қизил этик, яктак устидан кўк қийиқ боғлаб олган баланд бўй йигит ишкомлар орасидан битта-битта қадам ташлаб борарди. Унга тикилар эканман, ёшлигимнинг ширин хотираси – узумчи бобони кўргандек бўлиб кетдим.

Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир. чунончи дур (инжу) садафга қарағанда юқори даражададир.

Махмуд ЗАМАХШАРИЙ

Хуан Рамон ХИМЕНЕС

Шафақланган уфқ ловуллар

* * *

Ёғилади тилло баркашдан
Кўз олгувчи ял-ял шарора,
Қуйилгани сайин тобора
Мунаввварлик тўлар кўнгулга.

Гўё қудуқ тубидан зилол
Чашма сизиб чиққан сингари,
Талпинади осойиш билмай
Ёғду, ташна она ер сари.

Гул ва юлдуз шундай ёнма-ён,
Эсиб турар ҳузурбахш сабун.
Бахт тўкилиб қолган бу жойда
Мовий дунё ётар ястаниб.

* * *

Мени унутмагин,
Кутилмаган қувонч!
Ишончларим чилпарчин бўлган,
Узоқ кутганларим унутилган!
Аммо, сен беқарор, кутилмаган қувонч
Унутмагин мени!
Унутмайсанми?

Хуан Рамон ХИМЕНЕС – Нобель мукофоти совриндори. 1881 йилда туғилган. Испан адабиётидаги барча анъаналарни, хусусан, "йигирма еттинчи йиллар авлодлари"нинг шеъриятдаги жозибаларини қалбида мужассамлаштирган. Қатор шеърий ва насрий асарлар муаллифи. 1958 йилда вафот этган.

* * *

...Мен ҳам кетарман.
Аввал қандай сайраган бўлса,
Қушлар шундай сайрайверади,
Боғ қолади боғлигича,
Боғдаги дарахтлар ҳам,
Қудуқнинг тубида эркаланар ой.
Қўнғироқлар жаранглаб хушҳол,
Пориллаган кун оғушида,
Мен ҳақимда эслар эҳтимол.
Уфқ бир дам сақлагай сукут.
Ўзгаради йўллар, сўқмоқлар,
Ўтар бир-бир суйганларим ҳам.
Боғимдаги сокин ўтлоқнинг
Оғушида зерикар соям.
Мен кетаман, ҳаммаси қолар –
Дарахтлар, тонгги шудринглар,
Ойни қучоғида эркалаган
Қудуғим ҳам қолар, шубҳасиз.
Аввал қандай сайраган бўлса,
Қушлар шундай сайрайверади.

* * *

Келди умр каби ўткинчи,
Хўшлашмоқнинг сокин оқшоми.
Сўнгги туғишганим, алвидо,
Мен истайман мангу яшашни!

Шафақланган уфқ ловуллар,
Мажруҳ қилар қонталаш япроқ.
Орзуларга тўлиқдир дилим,
Мен истайман мангу яшашни!

Қандай гўзал бу турфа олам,
Сўниб қолма пирпираган шамъ.
Мен, албатта, мангу яшайман,
Сен ҳам мангу қолақол, оқшом!

* * *

Оқшомда йўл етаклади
Зулмат қучган тун бағрига.
Кўнглим сени излаб борар,
Йўл топмайман нарёғига.

Кўнглим сени излаб борар,
Олисдасан шуъла каби.
Шамолларнинг саси каби,
Чечакларнинг иси каби.

* * *

Бир кун кўнгил очиб шунчаки,
Десам, менинг ёлғиз тилагим –
Ёрим баҳор яшнаган чоғда
Кийиб юрса ҳарир кўйлагин.

Пирпиратиб мовий кўзларин
Умидла у боқди ирғаниб,
Шу дам ғунча лабидан маъюс
Табассуми кетди сирғалиб.

Шундан буён май оқшомлари
Тақдир бизни дуч қилиб турар –
Кўчасининг бошида у қиз
Оппоқ кўйлак кийиб ўлтирар.

* * *

Ана улар келди, чортоқ арава...
Қайрағочлар айтди, шамоллар айтди.
Акс-садо келди ойдан шивирлаб,
Мўридан бурқсиган тутундан қайтди.
Чортоқ аравалар келар ғичирлаб,
Оқшомда қуёшга йўлдош, йўл тортиб.
Чортоқ аравалар келар пичирлаб,
Ўрмондан дарахтлар танасин ортиб.
Аравалар... ночор, ҳорғин ирғанар,
Пуэбло Нуэвонинг йўлида улар!
Юлдузлари рангсиз осмон остида
Ҳолсиз корандалар суради хаёл –
Ҳили балқиб турган ёзнинг келишин
Ва иссиқ бошпана, бир қучоқ похол.
Арава ортидан йўлин тусмоллаб
Қоқшол елкасида чўпон таёғи,
Кўзларига чўккан туннинг зулмати.
Подабоқар келар судраб оёғин.
Аравалар... ночор, ҳорғин ирғанар.
Пуэбло Нуэвонинг йўлида улар!
Ортда қолар сайҳон, дарахт лошлари,
Юракларга эса мероснинг бори –
Пайраҳа ҳидию яхдай ҳаволар,
Ушалмаган орзу – дилнинг озори.
Олис-олислардан, қишлоқ буржидан,
Шомги кўнғироқнинг зори таралар.
Шипшийдами чиққан сайҳонлик узра
Пайраҳалар ҳиди. Қалбда яралар.
Аравалар... ночор, ҳорғин ирғалар,
Пуэбло Нуэвонинг йўлида улар!

* * *

Булут талвасавор тўсар осмонни
Тонгми? Оқшоммиди? Йўқдир дараги.
Ҳув, унда мақсадсиз айланар беҳол
Шамол тегирмоннинг чўлтоқ парраги.

Ғира-шира туман, қўйлар суруви
Водий қўрикчиси қоялар – посбон.
Кўзга ташланади мунғайган шарпа –
Таёққа суяниб мудраган чўпон.

Гўё фақат тошдан қурилган қўрғон,
Бир тутам гиёҳ йўқ, чечак, на-да қуш.
Кимсасизлигидан тонг дили хира,
Ялтираб ётибди бурганлар беҳуш.

* * *

Нимадандир асли сенинг булбулга хос наволаринг –
Чашмаданми, атиргулдан ёки юлдуз жарангидан?
Эслагина, қанотлари тилло сувга чайилгандай,
Ҳумоданми, парвоз этса парларидан нур ёғилган?

Сеникими мовий осмон, камалаклари товланган,
Ким эди у сенсиз бўзлаб, юваётган қалб доғини?
Эслолмасанг керак чоғи, кўл бўйида баҳор фасли
Олиб қочганмидинг ёки булбулларнинг сайроғини?

Рус тилидан Ўктам МИРЗАЁР таржимаси

Ўктам МИРЗАЁР

1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Огоҳ кўнгил", "Яхши кунлар қувончи" шеърлар; "Тупроқ ҳиди", "Амакимнинг касали" каби ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

АДАБИЙ ҲАЁТ

* * *

Мамлакатимизда истеъдодли ёш ижодкорларнинг биринчи китобларини "Ижод" фонди ҳомийлигида нашр этиш адабиётимиз ривожига қаратилган амалий ишлардан бири сифатида эзгу анъанага айланди. Яқинда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган 21 нафар ёш ижодкорнинг илк китоби нашр этилди.

Отабек Менглиевнинг "Кўнглинг менинг Ватаним", Гулрух Худоёрованинг "Сен ҳақингда сўз айтсам", Элёр Муроднинг "Тириклик қўшиғи", Мансур Жумаевнинг "Оқ орзуларим", Аллаяр Дарменовнинг "Ой дўст", Дилмурод Дўстбековнинг "Кўксимдаги қуш", Шоҳсанам Нишонованинг "Икрор", Абдуманноб Мансуровнинг "Кўнглим харитаси", Ҳумоюн Қувондиқовнинг "Юлдузлар шивири", Сайфиддин Окановнинг "Энг чиройли уй", Шоҳиста Эргашеванинг "Ўн саккизим", Аслиддин Сабриддиновнинг "Тонг" номли шеърий тўпламлари, Нодирабегим Иброҳимованинг "Ёнингдаги бахт", Манзура Абдуллаеванинг "Қумғон", Байрамали Қўлдошевнинг "Куз ёмғирлари" номли ҳикоялар тўпламлари, Сирожиддин Рустамовнинг "Катта танаффус", Сардорбек Ҳамроевнинг "Баҳодир" номли драматик асарлар тўпламлари, Зилола Намозованинг "Кўзгуга айланган кўнгил" номли адабий-танқидий мақолалар тўплами ҳамда Дилфуза Қурбонова, Мунира Менглиева ва Вазира Мирзаеванинг ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига ва жаҳон адабиётидан она тилимизга таржималари жамланган "Парвоз" номли китоби Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан ҳар бири ўн минг нусхадан лотин ва кирилл алифболарида нашр этилгани юртимиздаги барча китобхонларга ажойиб туҳфа бўлди.

* * *

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётидан "Буюк Термизийлар" номли китоб нашрдан чиқди. Мазкур китобда Термиз тарихи ва ушбу заминдан етишиб чиққан улуғ сиймоларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қимматли маълумотлар жамланган.

Китобнинг тўққизинчи боби "Термиз манзумаси" деб номланган бўлиб, китоб мусаннифи Мирзо Кенжабекнинг Термиз ва Сурхон воҳаси билан боғлиқ турли йилларда ёзган шеърларидан таркиб топган. Кўп меҳнат ва заҳмат эвазига юзага келган китоб ўқувчилар, айниқса, ёшларимизни илму маърифатга, фазлу камолга ундайдиган зарур нашрлардан бири бўлган, десак, янглишмаймиз.

* * *

Атоқли шоир ва мутаржим Матназар Абдулҳакимнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган "Танланган асарлар"идан шоирнинг юракка яқин шеърлари, Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедил меросидан қилган таржималари ўрин олган.

Китобларга жамланган тўртлик, ғазал, рубоий, сонет, туркум шеърлар ва достонлардаги ибратнамо қарашлар, фалсафий мулоҳазаларни ижод ва умр йўлларида орттирилган ҳаётий сабоқлар меваси, дейиш мумкин.

Ҳикматларга йўғрилган манзумалар шоир шеъриятига ошно тутинган қалбларни ўз нафосати-ю зарофати ила завққа тўлдиради. Шоир юракка яқин ва ёқимли туйғуларни такрор қаламга олса-да, бетакрор йўсинда куйлайди. Шу сабаб улар "юлдуздан нур эмган қатралар"дек шаффоф ва дилтортар.

* * *

Самарқанд – азал-азалдан илғор фикрли бадиий ижод соҳибларини тарбиялаб вояга етказган маданият ва маърифат бешиги бўлган юрт. Бу ерда етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар ўзбек адабиёти ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келган ва келмоқдалар. Уларнинг миллий истиқлол, юртимиз келажаги, халқимиз бахт-саодати тавсифига бағишланган ижод намуналари жамланган икки жилдли "Юртни севмоқ саодати" ва "Зарафшон мавжлари" тўпламлари чоп этилган эди. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр қилинган "Самарқанд адиблари" китоби ана шу эзгу ишларнинг давоми бўлди.

Китобда ўтган асрлардан бугунга қадар Самарқанд вилоятида ижод қилган шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар қамраб олинган.

* * *

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди муассислигидаги "Бобур ва дунё" журналининг илк сони чоп этилди. Бобуршунослик худди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли сингари сермазмун, таҳликали, жанг-жадалли, буҳронли даврларни – замонларни ўз бошидан кечирди: Бобур буюк салтанатини ўз Ватанида туза олмай, Ҳиндистонда барпо этди. Илк бобуршунослик илми ҳам Бобур Ватани Ўзбекистонда эмас, балки XIX асрда Ғарбий Европада шаклланди. Узоқ вақт (XVII–XIX асрлар) Бобур Ватанида деярли эсга олинмади. XX асрдагина Ўзбекистонда Бобур ижоди ўрганила бошланди. Асарлари нашр этилди, олий ва ўрта мактаб дарсликларига Бобур ижодий сиймоси кириб келди...

Фақат буюк истиқлол Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий ва ижодий сиймосини бор бўй-басти билан Ўзбекистонда тиклаш имконини берди...

Энди бобуршуносликнинг муҳим янгиликлари, биринчи навбатда, "Бобур ва дунё" журнали орқали дунё юзини кўради.

* * *

Ёзувчилар уюшмасида атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик жамияти, акционерлик тижорат Халқ банки ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Чингиз Айтматов маркази ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, таржимонлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди.

Чингиз Айтматов – нафақат қирғиз ёзувчиси, айни пайтда жаҳон халқлари ёзувчисидир. Унинг асарлари бутун дунё китобхонларининг маънавий мулкига айланган. У тараннум этган олижаноб фазилатлар инсонни, инсониятни шарафлайди. Шунинг учун Чингиз Айтматовни бутун дунё халқлари севади ва қадрлайди. Биз Чингиз Айтматовни ўрганганмиз ва ўрганишда давом этамиз. Ёзувчининг бадиий тафаккури, бетакрор истеъдоди, теран ва кўп маъноли асарларининг тили, фалсафаси ҳамиша маҳорат мактаби бўлиб қолади.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ. Жон нисор айлай санго. 4

ПУБЛИЦИСТИКА

Ғуломжон ИБРАГИМОВ. Бекиёс имконият ва салоҳият майдони. 9
Зарифа ЭРАЛИЕВА. Оқаётган дарё. 98

НАЗМ

Абдулла ШЕР. Йиллар ўтиб, қайтдим ортимга. 14
Шарифа САЛИМОВА. Туфроғинг зарраси жонимга тумор. 19
Темур УБАЙДУЛЛО. Етиб келди файзиёб онлар. 56
Яҳё ТОҒА. Чиноз манзаралари. 59
Асад АСИЛ. Мен сенинг ёнингдан кетмасман нари. 74
Ашурали БОЙМУРОД. Учраштирар бизни хаёлот. 77
Малика САЛИМОВА. Шу кунгача ўша сўзим ахтардим. 81
Оллоёр БЕГАЛИЕВ. Толе муҳрланмиш туғилган чоғдан. 117
Наргиза АСАДОВА. Англаганим, соҳир бу туйғу. 121

НАСР

Абдужалол РАҲИМОВ. Матонат. Қисса. 24
Неъмат АРСЛОН. Ой жодуси. Новелла. 64

ДРАМАТУРГИЯ

Муҳаммад АЛИ. Ҳиндистон маликаси. Драма. Охири. 85

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Субҳидамда ўзгача очуи. 137

КЎНГИЛ МУЛКИ

Баҳодир КАРИМ. Маҳмуд шоир сўзининг жаранги. 111

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Завқиддин СУВОНОВ. Чавандоз қамчисидан чақнаган қисса. 152
Маъмура ЗОҲИДОВА. "Бойчечак" баҳор қўшиғи...ми? 157

МУТОЛАА

Шоҳрухбек ОЛИМ. "Эрталабки хаёллар хаёли". Бадиа. 146

МУЛОҚОТ

Бахтиёр НАЗАРОВ, Убайдулло РОЗУҚУЛОВ.
Дил Афрўз шоира. 125

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Ориф ОДИЛХОН. Яхшиликнинг ҳикмати чексиз. 163
Ўлмас УМАРБЕКОВ. Чарос. Ҳикоя. 167

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Хуан Рамон ХИМЕНЕС. Шафақланган уфқ ловуллар. 170

Адабий ҳаёт. 174

Шарқ юлдузи

2017

9-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
28.09.2017 йил.
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 2400 нусха.
Буюртма № 340.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI» МЧЖ ва «PRINT LINE GROUP» хусусий корхонаси босмахоналарида ҳамкорликда чоп этилди.
Корхона манзиллари:
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 16ª-уй.
Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳих:
Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"

Унутилмас лаҳзалар





Шоир ҳаётидан лавҳалар

Кр. 10800 с.

Муҳаммадёр Тошмуродов. Кутиш.

Ҳурматли журналхонлар!

2018 йил учун "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналларига обуна бошланди.
Журналларимизга барча обуна ташкилотлари ёки таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: "Шарқ юлдузи" – 911
"Звезда Востока" – 831